



**O'zbekiston Milliy axborot agentligi
O'zA Ilm-fan bo'limi**

Elektron jurnal
2024-yil iyun soni №6 (56)

Toshkent-2024

O'ZBEKISTON MILLIY AXBOROT AGENTLIGI – O'ZA ILM-FAN BO'LIMI (ELEKTRON JURNAL)

Ilmiy nashr
2024-yil iyun oyи soni №6 (56)

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi OAK Rayosatining 2019-yil 28-martdagи 263/7.1 va 263/7.4-son qaroriga binoan tashkil etilgan.

Elektron jurnalga kelgan maqolalarga javob qaytarilmaydi, jurnalda e'lon qilingan maqolalardan olingan parchalar O'za Ilm-fan bo'limi (elektron jurnal)dan olindi, deb ko'rsatilishi shart.

Elektron jurnalga bir yarim oraliqdagi materiallar "Microcoft Word" redaktori, "Times New Roman" shriftida elektron versiya shaklida qabul qilinadi.

Tahrir kengashi

A.Ko'chimov
A.Asqarov
D.Yu.Yusupova
A.X.Saidov
T.O'.Aripova
Q.R.Allaev
S.M.Turobjonov
Sh.T.Qudratxo'ja
N.A.Husanov
N.K.Achilov
G.A.Mardonova

Q.Sh.Omonov
A.S.Sagdullaev
S.S.G'ulomov
F.G.Nazirov
R.D.Kurbanov
M.H.Rustamboev
N.M.Mahmudov
I.S.Saifnazarov
N.X.Oblomurodov
N.N.G'afforov

Innovatsion g'oyalar va ishlanmalar

ТУРОН ХАЛҚЛАРИНИНГ ҚАДИМГИ ТИЛЛАРИ ХУСУСИДА МУЛОҲАЗАЛАР

Азимхўжа ОТАХЎЖАЕВ

профессор

тариҳ фанлари доктори

Аннотация

Ушбу мақолада Европа ва жаҳон тарихий тилшунослигига жорий этилган “қадимги эроний” ва “ўрта эроний тиллар” каби илмий тушунчалар таҳлил этилган. Муаллиф Турон юртида вужудга қелган тилларнинг шу қабила ва элатларнинг қадим тиллари эканлигига ишора бериб, уларни ўз ҳудуди номи билан “қадимги ва илк ўрта асрлар туроний тиллари” сифатида талқин этишни таклиф этган. Шунингдек бу “туроний тиллар”нинг ҳинд-европа ва Олтой тиллари тармоғи бўлинишининг тарихий жараёнлар натижаси эканлигини кўрсатишга ҳаракат қилиб, ўз борадаги фикр-мулоҳазаларини ўргага ташлаган.

Таянч сўзлар: Турон, Эрон, халқлар, элатлар, қабилалар, қадимги эроний тиллар, қадимги туроний тиллар, илк ўрта асрлар, “Авесто”, сұғдий, хоразмий, бақтрий, парфиёний, ёзув маданияти, алифболар.

РАССУЖДЕНИЯ О ДРЕВНИХ ЯЗЫКАХ НАРОДОВ ТУРАНА

Азимходжа ОТАХОДЖАЕВ

профессор

доктор исторических наук

Аннотация

В данной статье анализируются такие научные понятия, как «древнеиранский» и «среднеиранский языки», представленные в европейской и мировой исторической лингвистике. Автор указывает, что языки, появившиеся на земле Турана, являются древними языками этих племен и народов, и предлагал интерпретировать их как «кантичные и раннесредневековые туранские языки» под названием своего региона. Он стремится также раскрыть, что разделение индоевропейской и алтайской языковых сетей «туранских языков» было результатом исторических процессов, и высказывал свои мнения и суждения по этому поводу.

Ключевые слова: Туран, Иран, народы, племена, древние иранские языки, древние туранские языки, ранее средневековье, “Авесто”, сұғди, хорезми, бактрии, парфиёни, культура письма, алфавит.

Инсониятнинг тили унинг ўзаро мулоқот воситаси эканлиги барчага аён. Аммо

шу мулоқот воситасининг шаклланиш жараёни, уининг ўзак қисми ва бу тилга келиб кўшилган атамалар таркиби чуқур тарихий-лингвистик тадқиқотларни талаб этади. Инсонга берилган нутқ ва унинг тилини тартибга солиш барча жамиятларга хосдир. Чунки дунёда тилсиз на қабила бор ва халқ. Муайян ҳудуд вакилларининг тиллари айнан бир хил бўлмагандек, айнан тил эгалари орасида турли-туман шеваларнинг мавжудлиги тил ҳодисасининг бир неча асрлар давомида мураккаб “маданий жараён”ни ўз бошидан кечирганлигини исботлайди [6, 182].

Айнан бир географик бирликда яшаган халқлар бир-бирига қардош тилларда ёки келиб чиқиши бўйича тил оиласи бошқа бўлган тилларда симбиоз ҳолатда асрлар давомида яшаб келиши мумкинлигини Марказий Осиёning бепоён кенгликларида минг йиллар бирга яшаган Олтой тил гуруҳи вакиллари ва ҳинд-европа тиллар гуруҳи эгалари мисолида кўриш мумкин бўлади.

Минтақанинг шимолий даштиклиари ва воҳаларидағи аксарият аҳоли Олтой тил гурухининг туркий қатламига мансуб бўлса, минтақанинг шарқий қисми, марказий ва жанубидаги Икки дарё (Амударё ва Сирдарё) бўйлари ва воҳаларда ҳинд-европа тиллари гурухига мансуб Фарб олимлари “Эроний” деб номлаган қабилалар ва элатлар яшаган. Тилларни бундай гуруҳларга ажратиш, қардош ва бегона тилларга бўлиб чиқиш XIX аср иккинчи ярими ва XX аср бошларидағи тилшунос олимларнинг “шартли” таснифлаши эди.

Жумладан, қадимги эроний тилларга: қадимги форс тили, “Авесто” яратилган тил – Авесто тили, сак ёки скиф тиллари ва шевалари кирган [10, 12-13]. Бироқ тасниф этилган тилларнинг қадимги форс тилидан бошқаси, Турон қавм ва қабилаларига дахлдор тиллар ҳисобланади. Шу боис, ҳозирги кунга келиб, бу тасниф қанчалар асосли деган масала юзага чиқмоқда. Хусусан, қадим Турон элида яшаган прототуркий ва прототуроний тилларни ўзаро айриш, бир-биридан бегоналаштириш илмий жиҳатдан асослами, деган савол кўндаланг туради.

Ваҳоланки, илк ўрта асрларга келиб, бу қадимги тиллар янада тармоқлашди ва тилшунослик фанида “ўрта эроний тиллар” атамасини юзага чиқарди. Туроннинг бепоён ҳудудларида яшаб, шева ва лаҳжаларга бўлиниб кетган, ҳудудий жиҳатдан узоклашиб, лексик қатлами, тил грамматикаси ва морфологиясида туб ўзгаришлар юз берган қабила ва қавмларда умумий қардошлиқ ҳисси сақланиб қолган. Турли тилларда сўзлашувчи қабила ва элатлар асрлар давомида ўз тилларининг дексик қатламини миграциялар ва интеграциялар боис, янги атамалар билан бойитиб борганлар. Шу боис ҳам илк ўрта асрлардаги тил таснифида ўрта форсий, парфиёний, сүғдий, хоразмий, бақтрий каби бўлинишлар бўлган [10, 14–17]. Бу ерда ҳам ўрта форсий тилдан ташқари барча тиллар Турон элатларининг тиллари саналади. Янги эроний тилларга келгандагина айнан Эрон, Афғонистон, Тожикистон ҳудудидаги тиллар эсалатилади. Демак, фанда жорий этилган қадимги эроний ва ўрта эроний тиллар бу туроний тиллар бўлиб, фақатгина туркий тилларнинг эроний қисми туркийлашгач, янги эроний тиллар ўз ҳудудлари доирасида сақланган.

Масаланинг яна бир жиҳати ҳозирги туркий тилли халқлар лексикасида қадимий сүғдий ва хоразмий атамаларнинг кўплаб учрашидир. Айни пайтда ўша даврдаги Туронда шаклланган тилларни гарчи Европа олимлари “эроний” деб номлашган

бўлсалар-да, биз уларни ҳақли равища Ҳинд-Европа оиласининг туроний тиллари (суғдий, хоразмий, бақтрий, парфиёний, даҳ, сак, хўтган-сак) деб аташни асосли деб биламиз. Айнан шу тилларда прототуркий ва туркий ўзлашмаларнинг сақланганлиги ўзаро мулоқот эволюциясининг жадал кечганлигини исботидир. Яна бир жиҳати милоддан олдинги I мингийиллик ўрталарига қадар умумтуроний тил муҳити мавжуд бўлган. Аҳамонийларнинг юриши натижасида шаклланган маъмурий тил ва ёзув бу умумийликка путур етказган. Натижада, милоддан олдинги 558–330 йиллар давомида Аҳамонийлар тасарруфида бўлган элатлар тилига Эрондан кириб келган кўплаб маъмурий-сиёсий, ижтимоий-иктисодий, маданий-маънавий аҳамиятга эга қадимги форсий атамалар қўшилиб, улар салмоғи асл суғдий, хоразмий, бақтрий ва парфиёний тиллардаги атамаларга қўшилиб, минтақанинг тил муҳитига сезиларли таъсир кўрсатди. Қадим эроний атамалар мулоқот тили даражасида ортиб борган. Қолаверса, Туроннинг маркази ва жанубидаги тил муҳити Аҳамонийлар олиб келган ёзув маданияти таъсирида янада қатъийлашган [7, 5].

Шимолдаги саклар эса жанубидаги қариндошларидан фарқли равища ўз тилларини сарматлар, угорлар, самодийлар ва бошқа қўшни қабилалар ҳисобига бойитиб борганлар. Минтақадаги ягона тил муҳитидаги узилиш натижасида эса умумтуроний тилнинг жанубий ва шимолий шаҳобчалари ҳосил бўлган. Бу шаҳобчалар милоддан олдинги I минг йилликнинг иккинчи ярмидан мустақил ривожланиш йўлига кира бошлаган. Ҳудудий, сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан узоқлашув тилларни янада тушунарсиз қилиб борган. Яъни сўз яшашнинг филексия ҳолати (ўзакнинг ички ўзгариши ҳисобига сўз ясаш) жанубий туроний тилларда, агглюнатив ҳолати (олд ва орт қўшимчалар ҳисобига сўз ясаш) шимолий туроний тилларда шаклланган.

Туроний тилларнинг шимолий шаҳобчасидаги прототурк тиллари то Турк хоқонликлари шаклланиб, минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатмагунларига қадар (милодий VI асрнинг иккинчи ярми) улкан ҳудуддаги турли-туман қабила, элатларнинг шевалар даражасидаги тиллари бўлиб қолаверган. Яъни Олтой тиллар гурухининг бир қисмига айланиб борган. Мана шу ҳодиса фанда Олтой тиллар гурухи (туркий, мўғул, манчжур ва бошқа тиллар) деган илмий қарашни шакллантирди. Прототуркий тиллари бир томондан мўғул тиллари билан, иккинчи томондан угор тиллари ўзаро таъсир жараёнига кириб борди. Қадим туркий-прототурк тилидан ҳудуд жиҳатдан узоқлашган булғор тили ажралиб чиқди. Бундан ташқари, сиёсий-иктисодий ва маданий алоқалар натижасида прототурк тиллари хитой, тоҳар, самодий, праенисей ва ҳатто палеоосиё тиллари билан ҳам ўзаро атамалар алмашганлиги маълум бўлмоқда [5, 65–198]. Яна бир жиҳати, ҳозирда туркий тилларда унутилган, аммо бир пайтлар прототурк тилидан бошқа тилларга ўзлашиб ўтган соф туркий атамаларни ўрганиш ва тиклаш ҳам илмий жиҳатдан қизиқарли мавзуу саналади. Қолаверса, ҳозирги ўзбек тилининг тарихий лексик қатламларини ўрганиб, тилимизга ёт бўлган айрим атамаларни ҳам қайта кўриб чиқиш имконияти мавжуд. Қозоқ адаби Ўлжас Сулаймонов таъкидлагани каби, дунёга тарқалиб кетган туркийларнинг бой тил меросини жамлаш ва қайта муомалага киритиш, тарихни тиклаш билан баробардир [15, 7–11]. Бу эса тарихий тилшуносликда қўшимча тадқиқотларни талаб этадиган жараён ҳисобланади. Афсуски, Ўзбекистон тарихий тилшунослиги муаммолари деярли ишланмайди.

Туроний тилларнинг жанубий шаҳобчасидаги вазият унга таъсир кўрсатган тиллар муҳитида ривожланди. Айниқса, юқорида таъкидланимиздек, Аҳамонийлар даврида қадим ва илк ўрта асрлардаги “Авесто” ва сак, суғдий ва хоразмий, бақтрий ва парфиён тилларига нафақат қадимги эроний тилдан ўтган атамалар, балки ёзув орқали кириб келиб ўрнашган оромий ўзлашмалар – гетограммалар таъсир кўрсатди. Гарчи гетограммаларнинг ёзилиши оромий, ўқилиши маҳаллий тилларда бўлсада, тилларнинг лексик қатламига келиб қўшилган янги иборалар эканлигини инкор этиб бўлмайди.

Милоддан олдинги II – I мингйиллклардан бошлаб қўлланиб келинган туроний тилларнинг ўзига хос ва Эрон ёки Озарбайжон учун хос бўлмаган томони Зардушт даврида қўлланилган “Авесто” тилидир. “Авесто яратилган тил айнан туроний тилларнинг энг қадимги ўзаги бўлиб, Аҳамонийлар томонидан Туроннинг катта қисми эгаллангач, милоддан олдинги VI асрдан бошлаб, бу тил муомаладан чиқиб, ўлик тилга айланади. Аммо шу тил вакиллари бўлмиш зардуштий коҳинлар диний амалиётда Авесто яратилган тилдан фойдаланишни давом эттирганлар [13, 129–136]. Бироқ Туронзаминнинг қадимий тили ўрнини Эроннинг Форс вилоятидан кириб келган қадимги форсий тил унсурлари эгаллаган [14, 234–241]. Айни чоғда қадимги эроний деб аталган тил ўзи эгаллаган ёки ўзига қўшни бўлган элат ва қабилалар (Яқин Шарқ (сомий) ва араб, юнон, Кавказ, ҳинд-орий, дравид, прототурк (сак), фин-угорлар)дан кўплаб атамаларни ўзлаштирганлар [10, 38–51]. Бу эса олимлар тасаввурида Олтойдан Қора денгиз бўйигача бўлган минтақада эроний тилли қабилалар яшаган деган нотўғри тушунчани ҳосил қилган. Аслида қадимги эроний тилнинг лексик қатламининг ўзи илмий таҳлилга муҳтож. Шу боис, ҳозирда мавжуд бўлган фандаги Туронзаминнинг қадимий ва илк ўрта асрларга оид тилларига нисбатан қўлланиладиган “эроний тиллар” атамасини қайта кўриб чиқиш ва айни пайтда Авесто ва сак тилларига нисбатан “туроний тилларнинг қадимги ҳинд-европа ёки орий қатлами”, хоразмий, суғдий, бақтрий, парфиён тилларга нисбатан “туроний тилларнинг илк ўрта асрлар ҳинд-европа қатлами” ҳамда сак тилига нисбатан “туроний тилларнинг прототурк қатлами”, ва ниҳоят, Турк хоқонлиги давридаги туркий тилларга нисбатан “туроний тилларнинг илк ўрта асрлар туркий қатлами” ислоҳларини жорий этиш керак бўлади. Шунда бу заминда яшаган қабила ва элатларнинг тилларига нисбатан илмий жиҳатдан тўғри ёндашган бўламиз.

Бу борадаги таҳлилларда академик А. Асқаровнинг фикрлари диққатни тортади. Унинг фикрича, кўчманчи сак-скифлари эроний тил муҳитида эронийлашган [2, 58]. Бизнингча, шу эронийлашган (ҳинд-орий ёки ҳинд-европа тилларининг туроний қатлами – А.О.) тилда “Авесто”нинг энг қадимий асл матнлари яратилган. Шу эронийлашув натижасида ўтроқлашган саклардан суғдийлар, бақтрийлар, хоразмийлар, парфиёнлар шаклланган. Демак, тилнинг ҳам, элнинг Эрон ва эронийларга даҳли йўқ, тил ҳам, элатлар ҳам, улар яратган “Авесто” ҳам Туронзаминга дахлдор. Қолаверса, “Авесто” тили ва унинг ёзувига ўхшаш тил ёки ёзув бирор-бир бошқа жойда учрамайди. Тадқиқотларга кўра, аслида зардуштийларнинг муқаддас “Авесто” (apastak (abastay) – асос, тартиб) китобига милоддан олдинги VIII–VII асрларда (бундан 2700 йил олдин) битила бошланган. Демак, шу даврда бу тилда мулоқот қиласидиган аҳоли бўлган. Аммо дастлаб 12 минг қорамол терисига ёзилган “Авесто”нинг аксарият қисми Александр Македонский юришлари чоғида (милоддан олдинги IV асрда) бир қисми куйдириб йўқ

килинган ва зарур хисобланган бир қисми Юнонистонга олиб кетилган [16, 25–26].

Аҳамонийлар ва юонон-македонларнинг юришлари “Авесто” тилини биладиган қавм тақдирида салбий из қолдирди. Тил эса йўқолиши даражасига тушган. Зардуштий коҳинлар – мубадлар матнлари оғзаки ёдланиб авлоддан-авлодга етказиш орқали ўз тиллари унсурларини сақлаб қолди. Бироқ тил ва эгалари “Авесто” матнларини ёдлаш билан чекланиб қолдилар. Бир пайтлар мулоқот тили бўлган қадим туроний тиллардан бири “ўлик тил” даражасига тушди. Дастрлаб Парфиядаги Аршакийлар сулоласи (милоддан олдинги 250 – мил. 227 йиллар) вакили Вологез I (51–78) фармони билан парфиён ёзувида “Авесто” тикланган. Аммо бу матн ҳам бизгача етиб келмаган. Шундан сўнг бу иш қайтадан зардуштийликни давлат дини сифатида қабул қилган Сосонийлар салтанати даврида (224–651 йиллар) амалга оширилган. Матнларнинг асл авесточа талаффузини сақлаб қолиш мақсадида оромий ёзувида асосланган ўрта форс – паҳлавий тилининг алифбоси негизида шаклан ва фонетик жиҳатдан “Авесто”нинг қадимги ёзув шаклини тиклашга ҳаракат қилинган. Натижада 48 та мустақил белгили (14 та унли товуш учун, 34 та ундош товуш учун) ва 3 та лигатурли алифбо яратилиб, оғзаки сақланган қисмлари ёзиб олинган [9, 102–103]. Бироқ қадим тил эгалари бу даврда ўз тилларини унутиб, ўрта туроний тиллар босқичига кирган эди.

Милоддан олдинги VIII–VII асрлардан оромий тили ва ёзуви халқаролик мақомга эришди. Бу милоддан олдинги VII–VI асрлардан Мидия подшолигининг, сўнгра милоддан олдинги VI асрдан Аҳамонийлар салтанатининг (милоддан олдинги 558–330 йиллар) расмий хужжатларини юритишида оромий ёзуви ва тилидан фойдаланилди. Натижада Аҳамонийлар эгаллаган Мисрдан то Туронга қадар (жумладан, Хоразм, Бақтрия, Суғдда ҳам) худудлардаги барча сатрапликларда иш юритиш айнан оромий тилдан қўп атамаларни ўзлаштирган қадимий форсий тили ва оромий ёзувида олиб бориладиган бўлди [7, 11–24]. Аммо милоддан олдинги III–II асрларга келиб, миңтақамизда оромий ёзувида асосланган маҳаллий ёзувлар тизимининг шакллантиришга зарурат тил эгалари – туроний тилли халқларнинг эҳтиёжидан келиб чиқди.

Шу ўринда яна бир жиҳат эътиборни тортади. Аҳамонийлар истилоси даврида маҳаллий халқлар нима учун тўғридан-тўғри қадим форслар маъмурияти билан кириб келган оромий ёзувини қўлламасдан, ўз тилларига мос ёзув тизимини яратишган, деган савол туғилади. Демак, қадимги форсий тил туроний тиллардан қўп жиҳатдан фарқли бўлгани боис, хоразмийлар, суғдийлар, бақтрийлар, парфиёнлар ўз тилларига мос алифбо тизимини яратишга киришган. Гарчи бу тизим оромий алифбоси анъанаси бўлган квазиалифболи (қисқа унлиларнинг ёзувда акс эттирилмаслиги) ёзувни сақлаб, тахминан 22–24 ҳарф (ундош ва чўзиқ унлилар)нинг алифбо тизимининг қатъий каноник тартибни – ’, b, g, d, h, w, z, һ, t, y, k, l, m, n, ‘, р, ё, q, r, ѕ, t бузмаганлар. Натижада, бу тизим оромий ёзувининг шарқий – араб, ўрта-форс, хоразмий, суғдий, бақтрий, парфиённий каби алифболар кўринишида намоён бўлди. Унинг ғарбий тармоғи эса юонон, лотин, кирилл каби алифболарига асос солди [3, 6–23].

Туроний тиллар ўз алифболарини яратгач, қадим эроний тилни маъмурий бошқарувдан сиқиб чиқара бошлади. Шу ўринда туроний халқларнинг тилларига мослаштирилган, айрим манбалари бизгача етиб келган ёзувлар хусусида тўхтаб ўтиш ўринли бўларди. Жумладан, хоразмий ёзувни қадимги хоразмийлар тилига мослаштирилди

ва асосан Хоразм воҳасида, яъни Амударёнинг қуи қисмида қўлланилди. Бу тил милоддан олдинги IV аср охиридан милодий VIII асрга қадар ҳукм сурган Қадимги Хоразм ҳамда Хоразмдаги Африғийлар сулоласининг (305–995 йиллар) расмий тили бўлган. Бу тил намуналари ҳақида Абу Райхон Беруний ўзининг “Ал-осор ал боқия ан ал қорун ал-ҳолия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”)да, XII асрга оид Маҳмуд Замахшарийнинг “Муқаддимат ул-адаб” асарида ҳамда тахминан 1260 йилда ёзилган Мухтор аз-Зоҳидийнинг “Қуниёт ул-муниа” (“Qunyat al-munya”) асарларида маълумотлар учрайди [12, 47–52].

Милоддан олдинги V–III асрларда оромий ёзуви асосида шаклланган хоразмий ёзуви, минтақамиздаги қадим туроний элатлардан бири хоразмийларнинг энг қадимги ёзувларидан ҳисобланади. 22 оромий алифбосининг 20 тасидан фойдланган ва хоразмий тилига хос бўлган қўшимча белгилар билан бойитилган хоразмий тилли ёзма манбаларнинг намуналари XX асрнинг 30–40 ва 50-йилларида С.П. Толстов ва академик Я.Ғуломов раҳбарлик қилган Хоразм археологик-этнографик экспедицияси томонидан Кўй қирилган қалъа, Тупроққалъа, Тўққалъа, Говурқалъа (Миздахкан), Хумбузқалъа каби археологик ёдгорликлардан топилган. Бизгача етиб келган ёзув ашёлари асосан, сопол синиқлари, мис ва қумуш тангалар, остодон қолдиқлари, тери парчаси, таёқ бўлаги кабилар ҳисобланади [3, 38–43]. Хоразмий тилли туроний қавм Араб Халифалиги истилоси ва айниқса, Қутайба ибн Муслимнинг қатли омидан сўнг ўз тилларини унута борди [4, 69–70]. Айни пайтда Суғд каби форсий эмас, балки кўпроқ азалий қардошлари туркийлар тилини қабул қилишни маъқул кўрдилар.

Хоразмий тили ва ёзувига қариндош бўлган қадим туроний тиллардан бири суғдликларнинг тили ўз мавқеи жиҳатдан нафақат Турон замин, балки унинг шимоли-шарқидаги туркий халқлар учун муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, антик ва илк ўрта асрларда минтақамизда энг кенг тарқалган ва узоқ муддат қўлланилган (милоддан олдинги III–II асрдан милодий X–XII асргacha) суғдийлар тили ва ёзуви дастлаб Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида жойлашган Суғдда, сўнгра Уструшона, Чоч, қисман Фарғонада, Ипак йўли бўйлаб суғдийлар томонидан бунёд этилган тарихий-маданий ўлкалар Еттисув ва Шарқий Туркистон ҳамда ҳозирги Мўғулистон худудларида манзилгоҳларда амалда бўлган. Ўз аҳамиятига кўра, халқаро мулоқат тили сифатида туркий қавм орасида кенг тарқалган. Биринчи Турк хоқонлигининг (552–603 йиллар) ғарбий қисмида шаклланган Ғарбий Турк хоқонлиги (603–742 йиллар) ва Тургаш хоқонлигига (699–766 йиллар) туркий тил билан бир қаторда давлатнинг расмий тили мақомига кўтарилиган. Суғдий тил ёдгорликлари юқорида келтирилган худудлардан ташқари, Хоразм, Марв воҳаси, Уралолди, Олтой ва ҳатто Кашмир, Ҳинд дарёси юқори оқимидағи Шатиал, Тибетнинг Ладакх даралари, Ғарбий Хитой, Манҷжурия худудларидан ҳам топилган. Ёзув намуналари тери, қофоз, дарахт ёғочи ва пўстлоғи, мато, сопол, тош лавҳлари ва тошқояларида, танга, металл буюмлар ва қуролларда сақланган [11, 58–59]. Суғдий ёзув алифбосида 23 белги бўлиб, унинг 22 таси оромий асосга курилган. Ёзувда алифбонинг 18 таси доимий амалий қўлланилган. Бундан ташқари, суғдийлар Моний (216–277 йиллар) таълимоти вакилларининг оромий ёзуви асосидаги 29 ҳарф белгили ёзувидан, 428–431 йилларда Константинополдан қувилган патриарх Несторнинг насронийлар қавми христианларининг оромий алифбосига асоланган суриёний ёзуви шаклидан ҳам

фойланишган. Асарлар гарчи моний ва суриёний ёзуvida бўлса-да, мантларнинг тили суғдий бўлган. Шу боис суғдий тил ва ёзув имкониятларидан унумли фойдаланган бошқа халқлар ўз ёзув маданиятларини шакллантиришда бу ёзувдан унумли фойдаланишган. Натижада, Шарқда қадимги туркий руний, уйғур, мўғул ва манчжур каби алифболи ёзувлар тизими пайдо бўлган [7, 59–77]. Бу тил вакиллари Араб халифалиги истилосидан сўнг турли минтақаларга ҳижрат қилишди. Бу суғдийларнинг Аҳамонийлар, юонон-македонлардан сўнг учинчи ҳижратлари эди. Суғдда қолган туронийларнинг бир қисми Эрон ва асосан, Хурросондан кириб келган форсий тилни қабул қилиб ўзларини тозий – тожик (араб-мусулмон) деб аташга мажбур бўлдилар. Қолган қисми ўзлари билган туркий тилга батамом ўтиб кетишиди. Ҳижратдаги қисми уйғур ва хитой тилларини қабул қилди. Шу зайлда суғдийлар тили “ўлик тилга” айланди. Бироқ Шарқий Туркистон, Самарқанд ва Бухоро атрофидаги қишлоқларда суғдий тил халқ тили сифатида то X–XII асрларга қадар сақланди [8, 349–350]. Бугунги кундаги топонимлар ва шеваларда суғдий унсурлар кўплаб учрайди [11, 61–62]. Қолаверса, ҳозирги Тожикистоннинг Суғд вилояти Яғноб водийсидаги қишлоқларда суғдийларнинг сўнгги авлодалари – яғнобийлар сақланган ва улар суғдийча тилнинг тожикча-ўзбекча қоришмасидан ҳалихануз фойдаланадилар [1, 354].

Суғдий тилнинг лексик қатламида нафақат қадимги оромий, форс унсурлари, балки санскрит, ҳинд, хитой каби тилларнинг унсурлари ҳам сақланган [18, 517].

Аҳамонийлар салтанатининг шарқий сатрапликларидан бири Бақтрия ўзига хос тил муҳитида ривожланди. Туроний тиллари гурухининг жанубидаги бу тилнинг ривожи ҳиндолар, юононлар ва юэҷжи (рузие) кушонларининг тиллари таъсирида бўлиб келди. Шу асосда ёзув маданияти ҳам шаклланди. Милоддан олдинги 329–327 йилларда Александр Македонский қўшинлари томонидан эгалланган. Юонон-македон давлати инқирозга учрагач, тахминан милоддан олдинги 256 йилда Бақтрия сатрапи Диодот I (милоддан олдинги 256–248 йиллар) Юонон–Бақтрия подшолиги (милоддан олдинги 256–55 йиллар) тасарруфида бўлган бақтрийлар милоддан олдинги 140 йилдаги келиб чиқиши туронийларга яқин бўлган кўчманчи юэҷжи (рузие) қабилалари қўл остига ўтди [17, 219–225].

Юонон–Бақтрия давлати худудида ҳам худди хоразмий ва суғдий ёзувлари каби маҳаллий бақтрий тилига мослаштирилган оромий ёзуви асосидаги ёзуви амалда бўлган. Милоддан аввалги III асрдан эса эллин маданияти таъсирида давлат ишларини юритишида юонон ёзувига асосланган янги бақтрий ёзувига ўтилган. 25 алифболи мазкур ёзувни қўллашда ҳам муайян ўзгариш қилинган. Бу ёзув тизими Юонон–Бақтрия подшолигидан ташқари, Кушон подшолигининг (I–IV асрлар) айниқса, Канишка даврида (78–123 йиллар), шунингдек Эфталийлар давлати (420–579 йиллар) ва Тохаристон конфедерацияси (VI–VIII) даврида ҳам расмий ёзувлардан саналган. Бақтрий ёзувининг оромий алифбосидаги намуналари Шимолий Афғонистоннинг Ойхонум, Жигатепа, Жанубий Ўзбекистоннинг Фаётепа ёдгорликларидан, юонон ёзуви асосидаги намуналари Шимолий Афғонистондаги Сурхкотал, Дилбаржин, Марказий Афғонистондаги Дашибинавур, Жанубий Ўзбекистоннинг Айритом ёдгорликларидан топилган [3, 47–72]. Мазкур топилмалар қадим ва илк ўрта асрлардаги туроний тилларнинг ўзига хос тараққиёт босқичи бўлиб, тил хусусиятидан келиб, бирор-бир ёзувни танлаш имкони

бўлганлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, бақтрийлар буддавийлик динининг ҳиндлар билан яқин маданий, иқтисодий алоқалар таъсирида кхароштхи ёзувидан ҳам фойдланганлар. Бу ёзув тизими оромий ва қадимги ҳинд ёзуви брахми ёзуви асосида шаклланган бўлиб, милоддан олдинги V–III ва милодий III–V асрлар оралиғида амалда бўлган. Фанда бу ёзув бақтрий, ҳинд-бақтрий, бақтропалий, шимоли-ғарбий ҳинд ва кабул каби ҳам номланган. Тахминан милоддан олдинги 251 йилга оид бўлган дастлабки ёдгорлиги подшо Ашоки (Приядарши, милоддан олдинги 272–251 йиллар) битиги бўлиб, бу ёдгорлик Покистондаги Шаҳбозгарх қоятошидан топилган. Кейинги даврларга оид эпиграфик намуналари Афғонистон, Турон жануби (Сурхон воҳаси) ва Хитойнинг Синъцзян (Шарқий Туркистон) муҳтор туманидан топилган. Мазкур ёзув милоднинг биринчи асрида Кушонларга тегишли Бақтрияда қўлланилган ва юонон-бақтрия ёзуви билан бир қаторда Кушон подшолигининг расмий ёзуви саналган. Жанубий Ўзбекистондаги Кўҳна Термизнинг Қоратепа, Фаёзтепа ва Далварзинтепа ёдгорликларидан кхароштхи ёзуви ёдгорликлари топилган. Шунингдек, милоддан олдинги III ва милодий I асрларга оид ҳинд-бақтрий ва ҳинд-скиф подшоларининг тангларида ҳам кхароштхи ёзуви намуналари учрайди. Ёзув дастлаб оромий асосда ўнгдан чапга қараб, сўнгра ҳиндча асосда чапдан ўнгта қараб ёзилган. Шундан хулоса қилиш мумкинки, бу ёзувнинг шаклланишига оромий ёзуви асос бўлган бўлса-да, Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбидаги ахамонийлар сатраплиги девонида қўлланилгани боис, унинг шаклланишига брахми ёзуви ўз таъсирини кўрсатган. Милодий III асрдан кейин кхароштхи ёзуви брахми ёзуви томонидан сикиб чиқарилган [9, 103–104]. Бақтрийларнинг тил хусусияти турли оромий, юонон, кхароштхи каби ёзувлардан маҳкама ишларидан фойдаланишга имкон берган.

Минтақамизнинг жануби-ғарбидаги Парфия ҳам Турон қавмининг ажралмас қисми бўлиб, парфиёнлар, қадим Турон қабилалари парфлар ҳисобланади. Улар Ўрта ва Яқин шарқ тарихида салмоқли из қолдирган қавмлар бўлган. Парфиёнлар ҳам ўз қавмдошлари қатори давлатчилик анъаналарида тиллари хусусиятини сақлаган ҳолда ёзув маданиятидан унумли фойдаланганлар. Парфиёний ёзув милоддан олдинги IV ва милодий V асрлар оралиғида амалда бўлган ва у ҳам оромий ёзуви асосида шаклланган. Айни даврда Бақтрияда бўлгани каби Парфияда парфилар тилидан ташқари паҳлавий (ўрта-эроний) ва юонон тиллари ҳам амалда бўлган. Парфиёнлар ҳозирги Жанубий Туркманистон ва Эроннинг Хурсон вилояти ҳудудида яшаган. Дастьлаб Ахамонийлар салтанати, сўнг Юнон-македон давлати ва сўнгра Аршакийларнинг Парфия подшолиги (милоддан олдинги 250-милодий 224 йиллар)нинг таъсирида бўлган. Шу аснода тилда ўзгаришлар ва ёзув маданияти ислоҳотлари рўй берган. Фанга кўпроқ маълум оромий асосли расмий ёзуви графикаси одатий 22 ҳарфий белгидан иборат саналган. Ҳудди хоразмий, сұғдий ёзувларида бўлган каби ёзув амалиётида сомий тилига оид атамалар гетеграммалар қўлланилган. Халқ бу гетограммаларни ўз тилларида ифодлашга одатланган.

Парфиёнларнинг ёзма ёдгорликлари намуналари тахминан 3000 тани ташкил этади. Булар дастлаб Эроннинг Кумисидан топилган сопол парчалари, Эроннинг ғарбидан топилган Авроман пергаменти ёдгорликлари бўлса-да, энг катта қисми Туркманистоннинг Кўҳна Ниса харобаси – Миҳрдаткирт қалъаси марказидан (2700 дан зиёд), шунингдек,

Кўштепа ёдгорлиги ва Марв шаҳри харобаларидан топилган. Битиклар сопол юзасидаги ёзувлар саналади. Ҳатто бу ёзувда “Авесто”нинг милоддан аввалги II–I асрларга оид айрим қисмлари, ўрта-эроний – пахлавий тилли “Аядгарии Зариран” китобига асос бўлган “Зарирнамак” китоби учраган [3; 19]. Парфиёнлар ёки парфлар қадим Турон тилларининг вакиллари сифатида эътироф этилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки уларнинг келиб чиқиши ва давлатчиликка асос солган ҳудудлари айнан қадим Турондир.

Туроний тилларнинг қадим илдизлари ҳозирги барча туркий тилларда, шунингдек Тожикистоннинг Суғд вилояти Яғноб қишлоғи аҳолиси орасида сақланиб қолган яғнобий – янги сүғдий тилда ва асли туроний тилда сўзлашган қадим алланларнинг авлодлари осетин тилларида сақланиб қолган. Айни пайтда Помир элатлари – ваханлар, язғуломлар, ишқашимлар, шуғонон-рушонлар, хуфлар, бартанглар, орошаорлар. сариқўлларнинг буғунги кунгача сақланиб қолган тилларида мавжуд лексик қатламларни ўрганиш ҳам тарихий тилшунослик учун, қадим туроний тилларнинг илдизларини очиш учун ҳам манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Қолаверса, ҳозирги кунда ўзбек ва бошқа туркий тиллар, шунингдек тожик тилида сақланган қадими туроний тилларга оид атамаларни шевалардан излаш янги тадқиқотлар учун мавзу ҳисобланади. Чунки шевалар адабий тилдан фарқли равища ўзи қўллаб келган атамаларни авлоддан- авлодга етказиб келмоқда. Шу билан бирга буғунги кунда ўрганилаётган топонимларда ҳам қадим туроний тил элементлари беҳисоб бўлиб, улар турлича талқин этилмоқда. айрим ҳолларда атамалар ифодаланаётган товушга мослаштирилиб, умуман бошқа маъноларда талқин этилмоқда. Тарихий тилшунослик, манбашунослик ва бевосита тарих билан шуғулланадиган тадқиқотчилар шу жиҳатларга эътиборларини қаратиши ўринли бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Андреев М.С., Пещерова Е.М. Ягнобские тексты / С приложением ягнобско-русского словаря сост. М.С.Андреевым, В.А.Лившицем и А.К. Писарчик. – М.–Л.: Наука, 1957.
2. Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи. – Тошкент: O‘zbekiston, 2015.
3. Ахунжанов Э. Письменная культура Средней Азии (древняя и раннесредневековая история письменности и книги Средней Азии). – Ташкент: Абдулла Кадыри, 2000.
4. Беруний, Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар (Осор ул-боқия). /А.Расулов таржимаси асосида қайта ишлаб, тўлдириб, нашрга тайёрловчи, кириш мақоласи ва изоҳлар муаллифи тарих фанлари доктори, профессор Ашраф Аҳмедов. – Тошкент: O‘zbekiston, 2020.
5. Дыбо А.В. Лингвистические контакты ранних тюрков. Лексический фонд. Пратюркский период. – Москва: Восточная литература РАН, 2007.
6. Звегенцев В.А. История языкоznания XIX и XX веков в очерках и извлечениях. Часть II. – Москва, 1960.
7. Исхаков М.М. Центральная Азия в системе мировой письменной культуры. – Ташкент: УМЭД, 2009.
8. Лившиц В.А., Хромов А.Л. Согдийский язык / Основы иранского языкоznания. Среднеиранские языки. – Москва: Наука, 1981.
9. Лоукотка Ч. Развитие письма. /Перевод с чешского Н.Н.Соколова. – Москва:

Иностранной литературы, 1950.

10. Оронский И.М. Древнеиранские и средне иранские языки / В кн. Основы иранского языкознание. Древнеиранские языки. – Москва: Наука, 1979.
11. Отахўжаев А. Илк ўрта асрлар Марказий Осиё цивилизациясида турк-сүғд муносабатлари. – Тошкент: Art flex, 2010.
12. Отахўжаев А. Марказий Осиё цивилизациясида Сүғд ва Хоразм //Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси, 2014. – № 2 (31).
13. Соколов С.Н. Язык Авесты / В кн. Основы иранского языкознание. Древнеиранские языки. – Москва: Наука, 1979.
14. Соколов С.Н. Древнеперсидский язык / В кн. Основы иранского языкознание. Древнеиранские языки. – Москва: Наука, 1979.
15. Сулейманов О. Тюрки в доистории. О происхождении древнетюркских языков и письменности. – Алматы: Атамура, 2002.
16. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Тошкент: Ўзбекистон.
17. Ўзбек давлатчилиги тарихи. Мил.авв. II минг йиллик иккинчи ярми – мил. III аср. I жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2021.
18. Gharib B. Sogdian Dictionary. Sogdian-Persian-English. – Teheran: Farhangan Publications, 1995, XXLII. – 517 s.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



XALQ MAQOLLARINING EVOLYUTSION TAKOMILLASHUVI

Yo'ldosh RAHMATOV

Filologiya fanlari doktori (DSc)

O'zR FA O'zbek tili, adabiyoti va folklori inistituti

Toshkent, O'zbekiston

yoldosh@mail.ru

Annotations

Maqolada maqollar evolyutsiyasini o'rganishda muhim manba sanaluvchi turli davrda yaratilgan adabiy yodgorliklar hamda ular tarkibiga kirgan maqollarni qiyosan o'rganish haqida bahs yuritiladi.

Tayanch so'zlar: maqol, mumtoz adabiyot, evolyutsiya, shakily takomil, ma'noviy takomil, ko'pqatlamlilik, variantlilik, impravizatorlik, tarixiylik, badiiylik.

ЭВОЛЮЦИОННОЕ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ НАРОДНЫХ ПОСЛОВИЦ

Юлдаш РАХМАТОВ

Доктор филологических наук (DSc)

Институт узбекского языка, литературы

и фольклора АН РУз

Ташкент, Узбекистан

yoldosh@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается сравнительное изучение литературных памятников, созданных в разные периоды, и включенных в них пословиц, которые считаются важными источниками в изучении эволюции пословиц.

Ключевые слова: пословица, классическая литература, эволюция, совершенствование формы, духовное совершенствование, многослойность, вариация, импровизация, историчность, художественность.

Badiiy ijodda bir adabiy hodisa davr o'tishi bilan bir necha tarmoqqa bo'linishi, bora-bora har bir tarmoq o'zi alohida o'zanni hosil qilib yangi, yaxlit hodisaga aylanish qonuniyati mavjud. Bu qonuniyat folklor – xalq og'zaki ijodiga ham to'la daxldordir. Shu bois xalq og'zaki ijodidagi ma'lum bir janrning o'ziga xos xususiyati, mazmun-mohiyati, janriy belgilarini aniq ko'rsatish uchun uning og'zaki nutqda qo'llanish tarixini yaxshi bilish lozim. U yoki bu ijod namunasi janr sifatida e'tirof etilgunga qadar og'zaki ijodda qanday yashagan, uning shakli, mazmuni, qo'llanishi qanday bo'lgan? Masalaga shu nuqtayi nazardan yondashmoq, janriy tabiat muammosini to'g'ri hal qilishga yordam beradi. Aytish mumkinki, folklor janrlarining

taraqqiy etib, barqaror holatga kelishi insoniyat tarixi bilan dialektik bog‘liq. Shuning uchun folklorshunoslikda xalq og‘zaki ijodi takomillashuvi ijtimoiy ong shakllarining rivojlanish qonuniyatlariga qarab olinadi.

Bilamizki, folklor janrlarining taraqqiyoti va ular orasidagi o‘zaro munosabatlar tarixiy-folkloriy jarayonning dinamik qonuniyatları asosida sodir bo‘ladi. Og‘zakilik, ommaviylik, an’anaviylik, muallif noma'lumligi, ko‘pqatlamlilik, variantlilik, impravizatorlik va tarixiylik kabi xususiyatlar mohiyatida vaqt, zamon va makon mujassamki, bu og‘zaki ijod namunalarining muayyan tarixiy sharoit, hayotiy turmush talablari bilan bog‘liq holda kechishini dalillaydi. Bunday tarixiy jarayonda ijod namunalari o‘zgarishi, yangilanishi, ko‘payishi yoki aksincha, unutilishi, qisqarishi yoxud birlashishishi mumkin. Folklorshunos B.Sarimsoqov ta’kidlaganidek, “Folklor janrlarining o‘zaro munosabati va ta’siri – tarixiy-folkloriy jarayon turli proporsiya hamda disporsiyalarga to‘la bo‘lib, ularning barchasini har birining o‘ziga xosligini hisobga olgan holda ochish lozim. Buning uchun esa katta kuch hamda bir janrning evolyutsiyasi ustida jiddiy tadqiqot olib borishga to‘g‘ri keladi” [6]. To‘g‘ri, folklor janrlarining o‘zaro munosabati va ta’siri masalasini har bir janr evolyutsiyasi bilan bog‘liq holda o‘rganish maqsadga muvofiq. Shu ma’noda o‘zbek xalq maqollarining evolyutsiyasi va tadrijiy takomilini o‘rganish ham dolzarb masalalardan hisoblanadi. Xalq maqollari avvalo ikki jihatdan takomillashadi:

1. Shakliy takomillashuv.
2. Ma‘noviy takomillashuv

Xalq maqollarining shakliy va ma‘noviy takomillashuvini tadqiq etishda yozma yodgorliklarning ahamiyati katta. Maqol lisoniy birlik sifatida ma'lum bir davrda shakllanadi, biroq uning mazmuniy taraqqiyoti doimiy ravishda rivojlanib, teranlashib boradi. Maqollar obrazli tafakkur xulosasi bo‘lib, doimiy zamon bilan hamnafas yashaydi. XI asrda yaratilgan maqol mazmuni o‘sha davrda xizmat qilgan mantig‘ini doim ham saqlab qolavermaydi. Har qanday maqol o‘zi qo‘llanadigan davrning ijtimoiy hayoti va turmush tarzi bilan hisoblashadi. Shu davr ijtimoiy hayotiga munosabat bildirish asosida ma‘noviy jihatdan o‘zgaradi va davrga mos yangi mazmunni ifodalashga xizmat qiladi. Jumladan, bir paytlar jamiyat bilan bog‘liq yuzaga kelgan maqollar mazmunan yangi davr talabiga javob bermaydi va u o‘sha davr maqoli sifatida eskiradi. Biroq ba’zi maqollar mazmunan yangi davr hayoti uchun saboq vazifasini o‘taydi va u yanada takomillashadi maqollarning yangidan-yangi variantlarining hosil bo‘lishiga sabab bo‘ladi.

Xalq maqollari uzoq asrlik davrni bosib, avloddan-avlodga, og‘izdan-og‘izga o‘tish jarayonida yanada ravonlanib, zamon ruhiga yo‘g‘rilib, silliqlashib borgan. Ijtimoiy-siyosiy hayotdagi o‘zgarish, jamiyatdagi evrilishlar doimiy tarzda ularda aks etib borgan. Jumladan, M.Koshg‘ariyning “Devonu lug‘ati-t-turk” asaridagi “Osh totug‘i tuz” maqoli arablar Markaziy Osiyoni zabit etgach, arabcha so‘zlarning turkiy tilda o‘zlashishi va zamon talabi bilan so‘zlarning tashqi tillardan o‘zlashgan ma‘nodoshi bilan almasha boshlagani tufayli “Oshning ta’mi tuz bilan” shaklida leksik va sintaktik o‘zgarish asosida ishlatilgan. Maqol shakliy evolyutsiya sabab arabcha “ta’m” so‘zi turkiy “totuq” so‘zini almashtirgan va “bilan” ko‘makchisi yordamida maqolning transformatsiyaga uchragan yangi shaklda yashashini ta’milagan.

Odatda ma'lum bir davrda qo‘llangan maqollar vaqt o‘tishi bilan keyingi davrda yangi

shaklga o‘ta boradi. Bu tilning rivojlanishi, takomillashuvi va boshqa tillarning ta’siri natijasida sodir bo‘ladi. Shunga ko‘ra, biz maqolning shakliy o‘zgarishi deganda maqol tarkibida bo‘ladigan quyidagi o‘zgarishlarni nazarda tutdik: harf o‘zgarishi; so‘z o‘zgarishi; so‘z tushib qolishi; so‘z qo‘silishi; gap qurilishining o‘zgarishi.

Maqollarning ma’noviy o‘zgarishi zamon va makon bilan bog‘liq holatda yuzaga keladi. Maqollarning ma’noviy evolyutsiyasini ularning matn tarkibida qo‘llanishi va izohlarga qarab belgilash mumkin. Mahmud Koshg‘ariy “Devonu lug‘ati-t-turk”da qo‘llagan maqollarning XI asrdagi ma’nosini izohlashga harakat qiladi. Olim “tugmoq” fe’lining matn tarkibida kelishini bayon etar ekan, “Maqolda shunday kelgan: Tilin tögmiši tišin jäzmas – til bilan bog‘langan tish bilan yechilmas. Bu maqolni va’daga vafo qilishga undab aytildi” [5;28.]. Maqol bugungi kunga qadar nutqimizda faol qo‘llanadi. “O‘zbek xalq maqollari” akadem nashri ikki tomlikda mazkur maqolning ikki xil variantini ko‘rish mumkin: “Til bilan tugilgan tish bilan yechilmas”, “Til bilan tugilgan tugun tish bilan yechilmas”. Agar e’tibor berilsa, maqolning XI asrdagi izohi bilan bu kungi izohida bir muncha farq mavjud. Sh.Shomaqsudov va Sh.Shorahmedovlar mazkur maqolga quyidagicha izoh beradilar: “Ota-bobolar: “Kishi jamiyatda yasharkan, so‘zlash odobiga nihoyatda qattiq rioya qilishi, hamma narsani gap deb gapirovemasligi, o‘ylab gapireshi, bo‘lar-bo‘lmasga so‘z qotmasligi, tilini tiyib yurishi zarur. Aks holda, boshiga balo orttiradi, o‘ziga ziyon-zahmat yetkazadi, degan fikrni ko‘pgina maqollar vositasida bildirganlar. “Qilich kesolmaganni so‘z kesadi”; “Til tig‘i qilich tig‘idan o‘tkir”; “Tig‘ jarohati bitar, Til jarohati bitmas” tig‘ kesgan yara tezda bitib ketadi, ammo tiling bilan birovning dilini yaralasang, bu jarohat sira xam tuzalmaydi. Keyin u odamning ko‘nglini olishing juda qiyin bo‘ladi. Shuning uchun, avvalo, yomon so‘zlama”, deyilmoqchi” [12;333.]. Ko‘rinadiki, maqol qadimda “va’daga vafo” qilish mazmunini ifodalagan bo‘lsa, keyinchalik “til bilan qalbga jarohat yetkazmaslik” ma’nosini ifodalay boshlagan.

Xulosa o‘rnida aytish mumkinki, maqollar vaqt o‘tishi bilan nafaqat shakliy jihatdan evolyutsiyaga erishadi, balki ma’no jihatdan ham rivojlanib, har bir zamonga xos ijtimoiy muomala, jamiyat va xalq tafakkuriga mos mazmunga ega bo‘la boradi.

Mumtoz adabiyot vakillari o‘z ijodiy jarayonida xalq maqollariga qayta-qayta murojaat etadilar. Buning sababini aniqlash tadqiqotning yangi bir vazifasini belgilab beradi. Xalq maqollar o‘tkir mazmunli va qat’iy hukmga egaligi bilan hech bir zamonda e’tirozga uchramaydi, balki xalq o‘z fikrining jo‘yali ekanini isbotlash maqsadida xalq maqollaridan foydalanadi. Mumtoz adabiyot vakillari ham o‘z asarlarida xalq maqollarini qo‘llashdan uch muhim maqsadni ko‘zlaydilar:

- a) ijodkor badiiy tafakkurida yetilgan g‘oyaviy fikrni tasdiqlash;
- b) badiiy asarda obraz yaratish va uning xarakterini shakllantirish;
- c) asar mazmunini boyitish va badiiy sayqallash.

Ijodkorlar o‘z asarlarida “maqollarni aynan qo‘llamaydi, balki ularni badiiy matn qonuniyatlariga bo‘ysundiradi va maqollarning mazmuniga asosiy e’tibor qaratib, badiiy jihatdan sayqal beradi. Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” asari tadqiqini olib borgan Qayum Karimov shunday deydi: “Asar muallifi qanday mavzudan baxs ochsa, o‘zining bu boradagi fikr-mulohazalarining isboti va dalili uchun shu sohaning xalq orasida ibrat darajasiga ko‘tarilgan maqol va matallari, hikmatlarini keltiradi” [5;7]. Adabiyotshunos H. Abdullayev esa: xalq maqollarining “Qutadgu bilig” poetik matnidagi o‘rni va ahamiyatini tadqiq etadi.

Olimning fikricha: “Xalq maqollari asar badiyatiga ikki yo‘l bilan kiritiladi:

1. Muallifning maxsus ta’kidi vositasida.
2. Muallifning izohlarsiz, poetik fikr oqimining ta’siri va talabi natijasida” [1;13].

Ko‘rinadiki, “Qutadg‘u bilig” asari ham turkiy maqollarning bizga qadar yetib kelishida xizmat qilgan badiiy asar bo‘lib, Yusuf Xos Hojib xalq maqollarini ilk to‘plovchilaridan biri sanaladi. Asardagi maqollar juda qadimiy hisoblanadi. Boisi bu maqollar xalq tilida adib yashagan davrdan ancha oldin shakllangan. Bu haqda H. Abdullayev shunday yozadi: “Ushbu maqollar eng kamida X asrga taaluqli ekanligi bilan alohida qimmatga ega. Ammo maqollarning eng yashovchan janr ekanligini nazarga olsak, ular XI asrdan ancha oldingi zamonlarga tegishli ekanligini anglashimiz oson bo‘ladi. Shunga ko‘ra Yusuf Xos Hojib qo‘llagan maqollar turkiy xalqlarning eng qadimgi maqollar qatoridan o‘rin ola biladi” [1;13].

Buni “Qutadg‘u bilig” poetik matni misolida ko‘rib o‘tsak:

Ta’kidlash joizki, “Qutadg‘u bilig” hamda “Devonu lug‘ati-t-turk” asarlari bir davrda yaratilgan, biroq ular tarkibida qo‘llangan maqollar shaklan bir xil emas. Bundan tashqari, har ikkala asar bir zamon va makonda yozilgan bo‘lsa ham, ulardan ko‘zlangan maqsad va vazifa turlicha. Shunga ko‘ra xalq maqollariga bo‘lgan munosabat va ehtiyoj ham har xildir. “Qutadg‘u bilig”da shoир tomonidan jami 140 ga yaqin maqol kiritilgan bo‘lib, “Devonu lug‘ati-t-turk”dagi xalq maqollari bilan chog‘ishtirish, maqollarning asl va keyinchalik sayqallangan, o‘zgargan shaklini tadqiq qilishga imkon beradi.

“Qutadg‘u bilig” asari tarkibiga kirgan maqollar “Devonu lug‘ati-t-turk” tarkibidagi maqollardan ikki jihatdan farq qiladi:

1. Shoирning ijodiy yondashuvi sabab shakli o‘zgargan maqollar. Ma’lumki, “Devonu lug‘ati-t-turk”da qo‘llangan maqollar xalq jonli tili shaklini saqlab qolgan, ya’ni Mahmud Koshg‘ariy bu maqollarni xalq orasidan to‘plaganini va so‘zlar ma’nosini izohlashda maqolning aynan shaklini keltirganini aytadi: “Men har bir qabilaga mansub so‘zlarning yasalish xususiyatlarini va qanday qo‘llanishini qisqacha izohlab ko‘rsatish uchun alohida yo‘l tutdim. Bu ishda misol tariqasida turklarning tilida qo‘llanib kelgan she’rlaridan, shodlik va motam kunlarida qo‘llangan hikmatli so‘zlaridan, maqollaridan keltirdim...” [3;16].

Yusuf Xos Hojibning maqoldan foydalanishdan maqsadi boshqa bo‘lgani bois u maqolni doston matni, ohangi, ritmi vazniga moslaydi, natijada maqollarning asl shakli o‘zgaradi, biroq mazmun saqlanib qoladi. Yusuf Xos Hojib xalq maqollaridan foydalanan ekan, maqoldan oldin uning aytuvchisi dono xalq kishisi ekanligini ta’kidlaydi va o‘zi aytayotgan fikrning nihoyatda muhim ekanligini uqtirib, so‘zini maqollar yordamida dalillaydi. Masalan, dostonning kirish qismidagi “Muhtaram, muzaffar, madadkor, haqiqat va din tayanchi Tavg‘och ulug‘ Bug‘ro Qoraxon abo Ali Hasan binni Arslonxon rahmatullohi alayhim sha’niga” bag‘ishlangan qismida shunday maqol keltiradi:

Edi kechki so‘z – ul masalda kelir,

Ata o‘rni ati o‘g‘o‘lqa qalir.

Sharhi:

Masalda keladigan juda eski ta’bir bor,

Otaning o‘rni va oti o‘g‘liga qoladi [9;78].

Maqol keltirishidan avval xoqonning urug‘i haqida so‘z boradi, hoqon o‘sha urug‘ davomchisi sifatida madh etiladi va Tavg‘och ulug‘ Bug‘ro Qoraxonning o‘z ajdodlari ishini

sharafli davom ettirayotgani maqol bilan dalillanadi. Ya’ni “Otaning o‘rni va oti o‘g‘ilda qoladi”, bu maqolning XI asrdagi asl shakli “Devonu lug‘ati-t-turk”da shunday: “Atä oğli atäč tuğar” – ota o‘g‘li xulqda, albatta, otasiga o‘xshaydi [5;28.]. To‘g‘ri, maqollar aynan bir-birini takrorlamaydi, biroq ulardagى mazmun – otaning barcha xislati o‘g‘ilga ko‘chishi haqida. Mazkur maqol o‘sha davrdayoq turli o‘zgarishga uchragan, “Devon”dagi maqol xalq maqolining asli bo‘lsa, dostondagى maqol shoir badiiy tafakkurining qayta ishlanmasi, ya’ni doston ritmi, ohangi va qofiyasiga moslashgan shaklidir. “Qutadg‘u bilig” an’anaviy aruz vaznining mutaqoribi musammani maqsur bahrida yozilgan. (A-ta-o‘r-ni-a-ti-o‘-g‘o‘l-q-a-qalir. Fauvlun, fauvlun, fauvlun, faal. v - - / v - - / v - - / v -). Ko‘rinadiki, vazn talabi bilan maqol tarkibidagi so‘zlarning shakli va hajmi o‘zgargan. Ya’ni doston ritmiga tushishi uchun maqolda ikki hijo yetmaydi. Shu bois shoir doston mazmuniga mos ikki bo‘g‘inli “ati” so‘zini qo‘shadi. Bu so‘z orqali otaning o‘g‘ilga nafaqat xulqi, balki davlati, mansabi ham qolishi ta’kidlanadi. Maqol keyingi davrlar ta’sirida yanada silliqlashib, bugun ham ahamiyatini yo‘qotmay quyidagi variantlarda qo‘llanib keladi: “Ot o‘rnini toy bosar, ota o‘rnini – o‘g‘il”, “Otaga tortib o‘g‘il tug‘mas, onaga tortib – qiz”, “Otadan – o‘g‘il, onadan – qiz”.

2 Shoirning badiiy tafakkurida sayqallanib, mazmunan o‘zgargan maqollar. Shoir dostonning ba’zi o‘rinlarida xalq maqollari ta’sirida shu ohang va ritmda baytlar bitadi. Natijada “Devonu lug‘ati-t-turk” asarida uchraydigan maqollarga yondosh yangi variantdagi maqollarning shakllanishiga zamin hozirlaydi. “Devon”dagi

Qülaq ēşitsä köňil bilir,

Köz körsä üzik këlir. –

qulooq so‘zni eshitsa, ko‘ngil biladi; ammo ko‘z seviklisini ko‘rsa, shavq qo‘zg‘aladi [7;147] maqolining ijodiy shakli va yondosh variantlarini Yusuf Xos Hojib shunday ifodalaydi:

Neku ter eshitgil sevit mish kishi,

Sevitsa kishi ko‘p mun erdam bashi.

Kishi sevsə, aybi ko‘p erdam bolur,

Kimi sevmasa, erdam o‘gtam bolur.

Ko‘nul kimni sevsə mun erdam bolur,

Qamug‘ tetrusi on ququzi tolur [9;82].

Sharhi: O‘zini sevdirolgan kishi nima deydi, eshitgin: Agar kishi sevilsa, nuqsonlari fazilatning boshlanishi, ko‘r. Kishi sevsə, (sevimlining) nuqsoni fazilat bo‘lib ko‘rinadi. Agar kim sevilmasa, odob-axloqlari nuqson bo‘lib ko‘rinadi. Ko‘ngil kimni sevib qolsa, uning nuqsonlari ham afzal ko‘rinadi, Barcha tersliklari o‘ng (ko‘rinib), rahnalari [ya’ni kamchiliklari] to‘ladi

Yusuf Xos Hojib keltirgan “Agar kishi sevilsa, nuqsonlari fazilatli bo‘ladi” kabi hikmatlar davriy tadrij natijasi o‘laroq bugun “Suygan yordan ko‘z ketmas”, “Sevgi degan ikki ko‘zda”, “Sevgining ko‘zi ayb ko‘rmas”, “Sevgining ko‘zi ko‘r”, “Muhabbatning ko‘zi ko‘r, qulog‘i kar” kabi maqollarining shakllanishiga omil bo‘lgan deyish mumkin.

Til va tavoze odobi hamma zamonlar uchun bosh axloqiy mezon sanalgan, chunki xushmuomala va tavozeli kishi faqat ezgu ishlar qiladi, uning qo‘lidan yovuzlik kelmaydi. Shu bois eng qadimiy maqollar orasida til odobiga oid maqollar alohida ahamiyatga ega. “Devonu lug‘atit turk”da ham turkiylarga xos tavozeni tarannum etuvchi shunday maqol keltirilgan: “–til. Maqolda shunday kelgan: ـلیت یشب مدرا

tildir” [7;47]. Mazkur maqolning evolyutsion takomilini keyingi davrlarda yaratilgan badiiy asarlarda kuzatish mumkin. Jumladan, Yusuf Xos Hojibning “Qutadg‘u bilig” dostonidagi “Til erdamin asg‘in munlarin so‘zlayur” bobida til va uning axloqdagi o‘rni xususida qator hikmatlar keladi. Avvalo, bobning sarlavhasiyoq “Devonu lug‘atit turk”dagi maqolni yodga soladi “Til erdamin asig‘in” (Til odobining foydasi) – “Êrdäm başi til” (Eng yaxshi xulqning boshi tildir). Shundan keyin shoir til va uning xususiyatlari to‘g‘risidagi o‘z ijodiy-falsafiy qarashlarini mazkur maqol omuxtaligida bayon etadi:

Uquşqa biligka bu timachi til
Yaruttachi erni yoriq tilni bil [9;86.]

Sharh:

Uquvga bilimga tilmoch – bu til,
Kishini ro‘shnolikka chiqaradigan ravon til deb bilgin.

Shu bayt asosida keyingi davrlarda maqolning yangi variantlari va takomillashgan shakllari paydo bo‘la boshladi. Aslida bu maqolning ildizlari “Qur’oni karim” oyatlari va hadislarga borib taqaladi. Qur’oni karimning “Balad” surasi 8–9 oyatlarida (“Biz unga ikki ko‘z, til va ikki lab (ato) qilmadikmi!?” [10;503.]) insonga berilgan ulug‘ ne’matlardan biri til ekanligi aytildi va ushbu oyatlar tafsirida quyidagi qudsiy hadis keltiriladi: “Payg‘ambar s.a.v debdurlar: Olloh taollo aytadi: “Ey, odam bolasi! Men senga sanog‘iga yetmaydigan va shukriga toqating kelmaydigan ulkan ne’matlarni berdim. Senga bergen ne’matlarimdan biri ko‘rish uchun ikki ko‘zni bergenim, shu bilan birga, ikkovini yopadigan qovoq ham berdim. Ikki ko‘zing bilan men halol qilgan narsalarni ko‘r. Agar men harom qilgan narsalarga ko‘zing tushib qolsa, pardasini qovoqlaringni yop. Men senga til berdim va unga g‘ilof ham qilib qo‘ydim. Men amr qilgan va halol qilgan narsalarni gapir. Agar men harom qilgan narsalar oriz bo‘lsa, tilingni tiy...” [8;477] yoki Imom Ismoil Buxoriyning “Al jome as-sahih” kitobida shunday hadis keltiriladi: “Qo‘li bilan va tili bilan o‘zgalarga ozor bermagan kishi musulmondir” [2;7]. Yoki Imom G‘azzoliyning “Ihyou ulumid-din” asarida til bilan bog‘liq qator hadislari keltiriladi, bu ham fikrimizni dalillaydi. Jumladan, asarning “Til ofatlari kitobi” qismida shunday deyilgan: “Bilgin, til – Ollohning ulug‘ ne’mati, ajibu latif san’atidir. Chunki kufr ham, iymon ham faqat til guvohligida ayon bo‘ladi. Kufr va iymon esa toat hamda isyonning boshlanish hududlaridir” [11;386]. Ko‘rinadiki, islom dinining bosh mezonlaridan biri til orqali ozor bermaslik bo‘lib, inson diliqa ozor ko‘p hollardan kishi tilidan, o‘ylab aytilmagan so‘z va noo‘rin aytilgan gapidan yetishi ko‘p uqtirilgan va bundan qaytarilgan.

Eski turkiy tilimizning yana bir betakror ijod namunasi Ahmad Yugnakiyning “Hibbat ul-haqoyiq” asarida ham mazkur qarashlarning sayqallangani, badiiyat talablariga mos doston matniga kiritilganini kuzatamiz:

Nekim kelsa erga tilitin kelur,
Bu tiltin kim edgu, kim aqir bo‘lur [9;45.].

Sharhi. Kishi boshiga tushgan har qanday ish uning tili tufayli sodir bo‘ladi, bu til sababli ayrimlar yaxshilik, ayrimlar yomonlik ko‘radi.

Demak, islomiy manbalardagi til odobi haqidagi keng fikr badiiy qonuniyatga bo‘ysundirilib, “Bu tildin kim edgu, kim aqir bo‘lur” shakliga keltirilgan. Bu esa nutqda qo‘llash uchun juda qulay. Siqiq shakl va uyg‘un ohang mazkur hikmatni xotirada oson saqlashga yordam beradi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abdullayev H., Абдуллаев Ҳ. “Қутадғу билиг”да халқ мақоллари. – Нукус: Билим, 2003
2. Бухорий, Имом. Ал жоме ас-саҳиҳ. 1-жилд. 3-боб, – Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1991.
3. Каримов Қ. “Қутадғу билиг” асари ҳақида / Юсуф Ҳос Ҳожиб. Қутадғу билиг. – Тошкент: Фан, 1971.
4. Кошғарий М. Девону лугот т-турк. II том. – Тошкент: Фан, 1961.
5. Кошғарий М. Девону луготит турк. III том. – Тошкент: Фан, 1963.
6. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Тошкент: Фан, 1988.
7. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Тафсири ҳилол. 6-жуз. – Тошкент: Ҳилол, 2019.
8. Шомақсұдов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1982.
9. Юғнакий, Аҳмад. Ҳиббат ул ҳақойик. – Тошкент: Фан, 1971.
10. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. (Аловуддин Мансур) – Тошкент: Чўлпон, 1992.
11. Газзолий, Абу Ҳомид. Ихъоу улумид дин. /Р.Зоҳид таржимаси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2019.
12. Ҳожиб, Юсуф Ҳос. Қутадғу билиг. /Нашрга тайёрловчи ва ҳозирги ўзбек тилига табдилловчи Қ.Каримов. – Тошкент: Фан, 1971.

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



Iqtisodiyot

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТАРТИБИ

Нодира Ашуралиевна САФАРОВА

доцент

Иқтисод фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

safarova_nodira@tfi.uz

Аннотация

Мақолада ўзини ўзи банд қилиш фаолиятига доир илмий-назарий қараашлар, унинг ахоли бандлигини таъминлашда тутган ўрни, соҳалар бўйича ўзини ўзи банд қилган шахслар фаолияти таҳлил қилинган. Шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадларини солиққа тортиш тартиби ёритиб берилган.

Таянч сўзлар: тадбиркорлик фаолияти, ўзини ўзи банд қилиш, солиқдан озод қилиш, солиққа тортиш, ахоли бандлиги.

ПОРЯДОК НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ САМОЗАНЯТЫХ ЛИЦ

Нодира Ашуралиевна САФАРОВА

Доцент

Доктор философии (PhD) по экономическим наукам

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

safarova_nodira@tfi.uz

Аннотация

В статье проанализированы научно-теоретические взгляды, касающиеся деятельности самозанятых лиц, ее роль в обеспечении занятости населения и деятельность самозанятых по отраслям. Также освещается порядок налогообложения доходов самозанятых лиц.

Ключевые слова: предпринимательская деятельность, самозанятость, освобождение от налогов, налогообложение, занятость населения.

Жаҳонда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд. Жисмоний шахсларнинг ўзини ўзи иш билан банд қилиш ва тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожланганлиги улар ўртасидаги ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларни очиб бериш заруратини юзага келтирди. Хусусан, “ўзини ўзи банд қилиш ва фрилансерлик одатда тадбиркорлик шаклларидан бири сифатида белгиланади, гарчи бу тоифалар ўртасида аниқ чегара мавжуд бўлмасада, тадбиркорлик фаолияти, ўзини ўзи банд қилиш ва фрилансерлик тоифалари моҳиятан ўхшаш бўлиб, бир-бирини тўлдиради” [3].

Жаҳон амалиётида жисмоний шахсларнинг ўзини ўзи иш билан банд қилиш орқали аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, уларни солик механизми орқали кўллаб-қувватлаш борасида илмий тадқиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ушбу тадқиқотларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини соликка тортишда соликларни рағбатлантириш функциясига алоҳида эътибор қаратилган. Бироқ, жаҳонда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромадларини соликка тортиш борасида ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги, солик режимини танлашда кичик корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар аниқ ажратилмаганлиги билан боғлиқ муҳим масалалар ҳозиргача ўзининг ижобий ечимини топмаган.

Жаҳон амалиётида ўзини ўзи банд қилиш ёки фрилансерлик фаолияти кўп йиллар давомида кенг ривожланиб, улар фаолиятини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги аҳамиятига доир бир қатор тадқиқотлар олиб борилган. Жумладан, И.Н.Дубина ва бошқалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда фрилансерлик фаолиятига янги иқтисодиётда ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг интеллектуал ва ижодий шакли сифатида қарайдилар. Муаллифлар ўзини ўзи банд қилиш орқали аҳоли бандлигини таъминлашнинг дастлабки давридан ҳозирги вақтгача бўлган даврни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилиб, ўзини ўзи банд қилиш иқтисодий ва меҳнат фаолияти сифатида ривожланиб, дунёning кўплаб мамлакатлари миллий иқтисодиётiga тобора муҳим ҳисса қўшаётганини таъкидлайди. Фрилансерлик фаолияти – тадбиркорлик ва ўзини ўзи иш билан таъминлашнинг янги интеграциялашган шакли (интеллектуал ва ижодий инновацион якка тартибдаги тадбиркорлик шакли) бўлиб, у инновацион технологиялар, товарлар ва хизматларни яратиш ва ривожлантиришга ёрдам беришини келтириб ўтган [3].

Ўзини ўзи иш билан таъминлаш ва фрилансерлик фаолияти ўртасида аниқ чегара бўймасада, улар тадбиркорлик шаклларидан бири сифатида фаолият олиб боради. Тадбиркорлик, ўзини ўзи иш билан таъминлаш ва мустақил иш билан шуғулланиш тоифалари мазмунан кесишиб бир бирини тўлдирса, фрилансерлик эса “Якка тартибдаги тадбиркорлик” ва “тадбиркорлик” тоифаларининг кесишиши сифатида таърифланади [6].

Фрилансерлик соҳаларида анъанавий ўзини ўзи иш билан таъминлаш соҳаларидан фарқли ўлароқ, қоида тариқасида, асосан маълумот ва билимларга асосланган хизматларни кўрсатадиган юқори малакали мутахассислар ишлайди: ўқитувчилар, IT мутахассислар, архитекторлар, мухандислар, аудиторлар, хуқуқшунослар, рассомлар, шифокорлар, таржимонлар, олимлар, ёзувчилар ва бошқалар [7].

Рузвельт институти ва Кауфман жамғармаси ҳисботида ривожланаётган “ёрқин иқтисодиёт”нинг келажагига доир фикрлар келтирилган бўлиб, унда 2040 йилга келиб фрилансернинг меҳнат бозоридаги ҳукмрон роли ва анъанавий иш шаклларининг ўзгариши башорат қилинган [8]. Мутахассислар янги иқтисодиётнинг бир қанча асосий тенденцияларини келтириб ўтган. Биринчидан, иш асосан тартибсиз иш вақти бўлган бир нечта компанияларда бир вақтнинг ўзида ишлайдиган мутахассислар томонидан амалга ошириладиган кўплаб, аммо қисқа муддатли лойиҳалар характеристига эга бўлади. Иккинчидан, анъанавий пенсия ва тиббий суғурта ўрнини босадиган иқтисодий рискларни камайтириш учун янги институтлар яратилади. Учинчидан, фрилансер порталларнинг фаол ривожланиши кутилмоқда, бу фрилансер хизматларига бўлган талаб ва

таклиф ҳақида маълумот берувчи ва турли хил операцияларни амалга ошириш, амалга оширилаётган фрилансерлик лойиҳаларини режалаштириш ва ҳисобга олиш имконини берувчи мустақил ташкилотчининг бир туридир [8].

Мамлакатимизда ўзини ўзи банд қилиш тизимининг ҳуқуқий базасини яратилиши, бу борадаги илмий тадқиқот ишларини ҳам жадаллаштириди. Жумладан, F.U.Рузиев аҳоли бандлигини таъминлашда ўзини ўзи банд қилишни янада ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилган. Муаллифнинг фикрича: “Кейинги йилларда ўзини ўзи банд қилиш ёки фрилансерлик иш билан бандликнинг замонавий ва инновацион шаклига айланиб бормоқда. Уни ривожлантириш ва фаолият турлари билан шуғулланаётганларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш чоралари бандлик муаммоси ҳамда пандемия шароитида аҳолини даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш борасида энг оптималь тадбирлар эканлиги ўз исботини топмоқда” [4].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги 806-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низомда ўзини ўзи банд қилган шахслар тушунчасига таъриф келтирилган. Унга мувофиқ: “ўзини ўзи банд қилган шахслар – меҳнат даромади олишга йўналтирилган, жисмоний ва юридик шахсларга хизматлар кўрсатиш, ишларни бажариш бўйича шахсий меҳнати билан иштирок этишга асосланган фаолиятни мустақил амалга оширадиган, якка тартибдаги тадбиркорлар сифатида рўйхатга олинмаган, меҳнат стажи ҳисобга олиниши ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқи билан давлат солиқ хизмати органларида рўйхатдан ўtkазилган жисмоний шахслар” [2] дир.

Демак, республикамида ўзини ўзи банд қилиш ҳисобига ўзини даромад билан таъминлайдиган шахсларнинг меҳнат фаолиятини тартибга солиш, қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қулай шарт-шароит яратиш мақсадида ушбу шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турларининг белгиланиши, ундан олинган даромадлари солиққа тортилмаслиги, меҳнат стажини ҳисобга ошиш ва рағбатлантирувчи имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқининг берилишига диор тартиблар жорий қилинди.

Республикамида аҳолини тадбиркорлик фаолиятига янада кенг жалб қилиш ва қонуний меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун қўшимча шарт-шароитларни яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июндаги “Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибга солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4742-сон қарори [1] нинг қабул қилиниши ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг қонуний меҳнат фаолиятини олиб боришига ва ундан олинган даромадларини қонунийлаштиришга, аҳоли бандлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Жаҳон тажрибаси ва мамлакатимиз амалиёти шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда мамлакатда ишлашга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Аҳоли бандлигини таъминлаш уларнинг даромадларини ошиши билан бирга мамлакат иқтисодиётининг ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу ўринда қайд этиш лозимки, бугунги кунда республика иқтисодиётида расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда турли фаолият билан шуғулланиб, даромад олувчи аҳоли сонининг расмий статистикаси аниқ бўлмаса-да, амалда бундай фуқаролар сони бир неча юз минг нафарни ташкил этади. Ушбу фуқаролар фаолиятини қонуний ташкил этишда ўзини ўзи банд қилиш

тизимининг амалиётга жорий этилганлиги мухим аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, ўзини ўзи банд қилган жисмоний шахсларга солиқлар бўйича муайян енгилликлар бериш ва уларни иқтисодиётдаги фаол аҳоли қатлами сифатида эътироф этиш, пенсия фондига тўловларни амалга ошириш ҳисобига ёшга доир нафақа билан таъминлаш кафолатини яратилиши мазкур муносабатлар тизимида туб бурилиш бўлишига хизмат қилмоқда. Энг асосийси, ўзини ўзи банд қилганлар сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда.

Ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг соҳалар кесимида ҳам ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Қуйидаги жадвал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди. (Қаранг: 1-жадвал).

1-жадвал

Республика бўйича соҳалар кесимида ўзини ўзи банд қилган фуқаролар тўғрисида маълумот

Соҳалар	2023 йилда рўйхатдан ўтганлар		Жами рўйхатдан ўтганлар	
	нафар	%	нафар	%
Ижтимоий йўналишлар бўйича хизматлар	233 757	14,3	318 701	12,6
Саноат йўналиши бўйича хизматлар	147 674	9,0	280 040	11,1
Кишлоқ хўжалиги йўналиши бўйича хизматлар	306 894	18,7	720 462	28,4
Маишӣ хизматлар	730 680	44,6	936 014	36,9
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиши	170 967	10,4	214 684	8,5
Ахборот-коммуникация йўналиши бўйича хизматлар	47 724	2,9	64 004	2,5
Республика бўйича жами	1 637 696	100,0	2 533 905	100,0

Республикада ўзини ўзи банд қилган фуқароларнинг соҳалар кесимидағи таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 2023 йилда 1,6 млн нафардан ортиқ шахслар янгидан рўйхатдан ўтиб, улар сони 2,5 млн нафардан ортиқни ташкил қилмоқда.

2023 йил якунларига кўра ўзини ўзи банд қилганларнинг 36,9 фоизи маишӣ хизматларга, 28,4 фоизи қишлоқ хўжалиги бўйича хизматларга, 12,6 фоизи ижтимоий йўналишлар бўйича хизматларга, 11,1 фоизи саноат йўналиши бўйича хизматларга, 8,5 фоизи халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишига ҳамда 2,5 фоизи ахборот-коммуникация йўналиши бўйича хизматларга тўғри келган.

Демак, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олган даромадларининг солиқдан озод қилиниши кўплаб фаолият кўрсатаётган фуқаролар меҳнат фаолиятини қонунийлаштириш имкониятини яратди.

Республика иқтисодиётида расмий рўйхатдан ўтмаган ҳолда турли фаолият билан шугулланиб, даромад олувчи аҳолининг аксарият қисмини қисқа вақт ичida ўзини ўзи банд қилиш тизими орқали фаолиятини қонунийлаштиришга эришилганлиги мазкур тизимнинг айни вақтда нақадар аҳамиятли эканлигини кўрсатмоқда. Шу билан бирга, бу жараёнда касбий билимга асосланган илфор инновацион ва коммуникация

технологияларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатадиган ўзини ўзи банд қилганлар сонининг кўпайиши мазкур соҳа самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг 369-моддасига асосан “қонунчиликда белгиланадиган тартибда ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг меҳнат фаолияти натижасида олинган даромадлари” соликқа тортилмайди. Солик кодексига киритилган ўзгаришларга асосан 2024 йил 1 январдан ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади 100 миллион сўмдан ошганда якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солик тўлашга ўтади. Демак, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромадларига солик солиш белгиланди. Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромадлари ташки манбалардан олинган маълумотлар асосида Солик қўмитаси маълумотлар базасида шакллантирилади.

Бунда солик тўловчилар даромадлари қандай тартибда соликқа тортилиши ҳақида батафсил тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Қайд этиш жоизки, ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадлари 100 миллион сўмдан ошганда, уларнинг молия йили бошидан олган даромадларига эмас, фақатгина ушбу микдордан ошган қисмига солик солиниши белгиланган.

Ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадлари юз миллион сўмдан ошганда, солик кодексида якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган тартибда солик солиниши белгиланган. Солик кодексига мувофиқ йиллик даромади 100 миллион сўмдан 1 миллард сўмгача бўлган якка тартибдаги тадбиркорлар айланмадан олинадиган солик тўлаши белгиланган. Масалан, жорий йилда ўзини ўзи банд қилган шахснинг даромади 110 миллион сўмни ташкил этади. Бунда унинг 100 миллион сўм микдоридаги даромадига солик солинмайди. Қолган 10 миллион сўмдан (даромаднинг белгиланган меъеридан ошган қисми) 4% микдорида айланмадан олинадиган солик тўлайди (400 минг сўм).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика худудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-287-сон Фармонига асосан 5-тоифага кирувчи худудларда фаолият юритаётган ва даромади 100 миллион сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахслар айланмадан олинадиган соликни 1 % ставкада тўлайди.

Электрон савдо майдончасида товар (иш, хизмат)лар савдосини амалга оширувчи солик тўловчилар учун айланмадан олинадиган солик ставкаси 2 % микдорида белгиланган. Шундан келиб чиқиб, товарларини электрон савдо майдончасида сотган ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадининг 100 миллион сўмдан ошган қисмидан 2 % ставкада айланмадан олинадиган солик тўлайди.

Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромади 1 млрд сўмдан ошса, улар ҚҚС ва фойда солифини тўлашга ўтади.

Ўзини ўзи банд қилиш тизимини жорий қилиниши аҳоли бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Айниқса, ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг соликлардан озод этилганлиги, улар томонидан арzon нархларда хизматларни таклиф қилиш имкониятини яратмоқда.

Ўзини ўзи банд қилган фуқаролар сони мунтазам равища ўсиб бораётган бўлсада, ханузга қадар айрим фуқароларнинг фаолияти қонуний асосда ташкил этилмаган. Шундан келиб чиқиб, ўзини ўзи банд қилиш тизимини кенг тарғиб қилиш лозим. Шунингдек, амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларда якка тартибдаги тадбиркорлар шуғулланиши

мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатида ва ўзини ўзи банд қиласиган шахслар учун фаолият (ишлар, хизматлар) турлари рўйхатида бир-бирини такрорлайдиган фаолият турларининг мавжудлиги, улар ўртасида аниқ мезоннинг белгиланмаганлиги бу борада муаммолар юзага келишига сабаб бўлмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиш мақсадида улар ўртасида аниқ мезон белгиланиши лозим.

Мамлакатда рақамли иқтисодиётни кенг ривожлантириш жараёнида ўзини ўзи банд қилишнинг инновацион шакли сифатида фрилансерлик фаолиятини ривожлантиришга устувор аҳамият қартиш аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадларини оширишда муҳим аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Тадбиркорлик фаолияти ва ўзини ўзи банд қилишни давлат томонидан тартибиа солишини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 июн ПҚ-4742-сон қарори. <https://lex.uz/docs/4849607>
2. Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрь 806-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5182451>
3. Дубина И.Н., Байтенизов Д.Т., Кэмпбелл Д., Кааянис Э., Азатбек Т.А. Фриланс как интеллектуально-креативная форма самозанятости в новой экономике: траектория новой парадигмы самозанятости //Социально-экономические явления и процессы, 2019. –Т. 14. – № 3(107).
4. Рузиев F.У. Аҳоли бандлигини таъминлашда ўзини ўзи банд қилишни янада ривожлантириш масалалари. //Молия илмий журнали, 2021. – №5. – Б. 170-182.
5. Сафарова Н.А. Ўзини ўзи банд қилиш тизимини ривожлантириш истиқболлари // Ўзбекистон суғурта бозори журнали, 2023. – №1
6. Bögenhold D., Heinonen J. and Akola E. Entrepre-neurship and Independent Professionals: Social and Economic Logics // International Advances
7. Occupational Employment Statistics (2017). Dictionary of Occupations //U.S. Department of Labor, Bureau of Labor Statistics. URL: <http://www.bls.gov>.
8. Giang V. Five Major Ways Freelancers Will Change The Economy By 2040. Fast Company, August 24, 2015. <https://www.fastcompany.com/3049857/5-major-ways-freelancers-will-change-the-economy-by-2040>



ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАЛАРНИ КРЕДИТЛАШ: МУАММОЛАР ВА ЕЧИМЛАР (ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МИСОЛИДА)

Алибай Рашид ўғли УЛАШОВ

катта ўқитувчи

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: aliboyulashov623@gmail.com

Гавҳар Рустам қизи ҲАКИМОВА

TINGLOVCHI

Банк-молия академияси

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: hakimovagavhar9@gmail.com

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлаш муаммолари ёритилган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: кредит, инвестиция кредити, инвестиция ссудаси, инфляция, девальвация, қайта молиялаштириш ставкаси, мажбурий заҳира ставкаси, фоиз ставкаси, узок муддатли ресурс.

ИНВЕСТИЦИОННОЕ ПРОЕКТНОЕ КРЕДИТОВАНИЕ: ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ (НА ПРИМЕРЕ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ)

Алибай Рашид угли УЛАШОВ

Старший преподаватель

Ташкентский государственный экономический университет

Ташкент, Узбекистан

e-mail: aliboyulashov623@gmail.com

Гавҳар Рустам қизи ҲАКИМОВА

Слушатель

Банковско-финансовая академия

Ташкент, Узбекистан

e-mail: hakimovagavhar9@gmail.com

Аннотация

В статье выявлены проблемы, возникающие при кредитовании коммерческими банками Республики Узбекистан инвестиционных проектов и разработаны научные предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: кредит, инвестиционный заем, инвестиционная ссуда, инфляция, девальвация, ставка рефинансирования, ставка обязательного резервирования, процентная ставка, долгосрочный ресурс.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида истиқболли инвестицион лойиҳаларни кредитлашни янада кенгайтиришни банк тизимини ривожлантиришнинг зарурий шарти сифатида эътироф этилганлиги [1], 2018 йилни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” деб эълон қилинганлиги [2] хамда Ўзбекистон иқтисодчи олимларининг тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлаш муаммоларини мустақил илмий тадқиқот обьекти сифатида ўрганилмаганлиги тадқиқ қилинаётган мавзунинг долзарблигини белгилайди. Ушбу матнда тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлашни такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилиш йўллари асослаб берилган.

Тижорат банклари томонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлашни такомиллаштириш масаласи бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ қилинган ва тегишли хulosा, тавсиялар шакллантирилган.

Хусусан, М.Матовниковнинг фикрича, банкларда узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўлидаги асосий тўсиқ бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммони ҳал этишнинг оқилона усули бўлиб, ликвидли активларни гаровга қўйган ҳолда Марказий банкдан кредит олиш ҳисобланади [6]. С.Моиссеевнинг хulosаси эса, М.Матовниковнинг фикрини инкор этади. У таъкидлашича, тижорат банклари томонидан ликвидли активларни гаровга қўйиш йўли билан Марказий банкдан ресурс олиш Россия банк амалиёти учун долзарб эмас. Чунки, Россияда Барқарорлаштириш фондининг мавжудлиги Ҳукуматга қимматли қофозларни муомалага чиқариш йўли билан давлат қарзи ҳажмини ошириш заруриятини юзага келтирмайди [7].

Проф. Ж.Синки тижорат банкларининг инвестицион кредитлар бериш амалиётидаги асосий жиҳат сифатида уларнинг узоқ муддатли ресурслар жалб этиш имкониятини кўрсатади. Унинг фикрига кўра, тижорат банклари бозор интизомига қатъий риоя қилгандагина узоқ муддатли ресурслар жалб қилиш, шу жумладан субординар ноталарни бозорда жойлаштириш имкониятига эга бўлишади [8].

О.Афанасьева ривожланаётган мамлакатларда банклар учун қисқа муддатли кредитлар бериш узоқ муддатли инвестицион кредитлар беришга қараганда афзал эканлигини эътироф этгани ҳолда, давлатнинг асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш ва мамлакатнинг инновацион ишлаб чиқариш салоҳиятини мустаҳкамлаш соҳасидаги сиёсатининг мавжуд эмаслиги инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришни ривожлантиришга тўсқинлик қилувчи асосий макроиктисодий омил деб ҳисблайди [3].

Проф. А.Вахабовнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг кредит қўйилмалари ҳажмини, шу жумладан, инвестицион кредитлар бериш ҳажмини ошириш лозим [5].

А.Вахабовнинг ушбу хulosаси ҳозирги даврда ҳам амалий аҳамият касб этади. Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш ҳажмини ошириш узоқ муддатли ресурслар миқдорини кўпайтириш заруриятини юзага келтиради.

Проф. Т.Бобакуловнинг хulosасига кўра, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида монетизация даражасининг паст эканлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик муаммосини чуқурлаштиради. Бу эса, уларнинг пул оқимини заифлашувига олиб келади ва тижорат банкларининг инвестицион

кредитларидан фойдаланиш даражасини оширишга тўсқинлик қилади [4].

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон иқтисодиётининг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлганлиги сабабли, иқтисодиётдаги тўловсизлик муаммоси ҳозирги қунда ҳам ўзининг долзарблигини сақлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида берилган инвестицион кредитлар салмоғи юқори ўринни эгаллайди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредит қўйилмалари ва унда узоқ муддатли кредитларнинг салмоғи

Кўрсаткичлар	Йиллар					
	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Кредит қўйилмалари, трлн. сўм	167,3	211,5	276,9	326,3	391,1	469,6
Узоқ муддатли кредитларнинг кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида салмоғи, %	72,7	75,8	79,5	80,0	86,7	87,4

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан қўринадики, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит қўйилмаларининг умумий ҳажмида узоқ муддатли инвестицион кредитлар салмоғи жуда юқори. Бу эса, банкларнинг инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш жараёнларига кенг кўламда жалб қилинганлиги билан изоҳланади.

Бироқ, инвестицион кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмида салмоғининг юқори эканлиги тижорат банклари фаолиятига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтириди. Чунки, тижорат банкларида узоқ муддатли ресурсларнинг етишмаслиги туфайли, инвестицион кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмида салмоғининг ошиб кетиши банкларда трансформация рискининг чуқурлашишига олиб келди (2-жадвал).

2-жадвалда келтирилган маълумотлардан қўринадики, АТ “Асакабанк” депозитлари ва кредитларининг муддатлари ўртасида кескин номутаносиблик мавжуд. Бу эса, трансформация рискининг жуда чуқурлашиб кетганлигидан далолат беради ва Асакабанкнинг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш имкониятини сезиларли даражада пасайтиради.

2-жадвал

АТ “Асакабанк” депозитлари ва кредитларининг муддатига қўра таркиби

	Муддати қунларда				
	муддатсиз	1 - 30	31 - 180	181 - 365	365 кундан ортиқ
Депозитлар, млрд. сўм	2 563	740	1 033	660	520
Кредитлар, млрд. сўм	40	12	143	363	15 037

2-жадвал маълумотларидан қўринадики, АТ “Асакабанк”да бир йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитлар атиги 520 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, мазкур муддатга берилган кредитлар 15037 млрд. сўмни ташкил этган.

Трансформация рискига қисқа муддат ичida барҳам бермаслик тижорат банкининг ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётига

салбий таъсир қилувчи омиллардан яна бири – бу миллий валютанинг қадрсизланиш суръатини ва инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлигидир. Шунингдек, республикамиз тижорат банкларининг депозит базасининг етарли эмаслиги уларнинг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш имкониятига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирмоқда [9].

Тижорат банкининг депозит базаси етарли бўлиши учун талаб қилиб олинадиган депозитларнинг брутто депозитлар ҳажмидаги салмоғи 30 фоиздан юқори бўлмаслиги лозим. Республикализнинг йирик тижорат банкларида эса, ушбу қўрсаткич 50 фоиздан юқоридир [10]. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республикамиз банкларининг синдицияли кредитлаш амалиётининг меъёрий-хуқуқий асослари такомиллашмаган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2005 йил 20 августдаги 1509-сонли “Тижорат банклари томонидан йирик инвестиция лойиҳаларини синдициялаштирилган кредитлашни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги йўриқномасига мувофиқ, иштирокчи банклар ва қарз олувчи ўртасида кредит шартномаси тузилганидан сўнг, ҳар бир иштирокчи-банк синдициялаштирилган кредитлаш тўғрисидаги келишувда қайд этилган шартлар асосида қарз олувчига ўз банкида белгиланган тартибда алоҳида ссуда ҳисобварағи очади. Ҳолбуки, халқаро банк амалиётида ссуда ҳисобрақами фақат Етакчи банкда очилади, кредит бўйича муддатли мажбурият ҳам етакчи банкда ҳисобга олинади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларитомонидан инвестицион лойиҳаларни кредитлаш амалиётини такомиллаштириш мақсадида қўйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир:

1. Тижорат банклари фаолиятидаги трансформация риски даражасини пасайтириш йўли билан уларнинг инвестицион кредитлар бериш имкониятини ошириш мақсадида, биринчидан, банкларнинг узоқ муддатли облигацияларини чиқариш ва уларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш йўли билан узоқ муддатли ресурслар миқдорини ошириш лозим; иккинчидан, қисқа муддатли кредитларнинг брутто кредитлар ҳажмидаги салмоғини пасайтириш сиёсатини изчиллик билан амалга ошириш зарур; учинчидан, нокумулятив имтиёзли акциялар эмиссияси ҳисобидан банкларнинг регулятив капитали таркибидаги узоқ муддатли молиялаштириш манбаларининг салмоғини ошириш керак.

2. Тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлаш орқали уларнинг инвестицион лойиҳаларни кредитлаш салоҳиятини янада ошириш мақсадида қўйидаги аниқ тадбирлар амалга оширилиши лозим:

– Марказий банкнинг тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитлари ва омонатларига нисбатан белгиланган мажбурий захира ставкаларини (7% ва 14%) пасайтириш зарур;

– миллий валютанинг девальвация суръати ва ялпи ички маҳсулот дефляторининг даражасини пасайтириш йўли билан тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қофозларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш керак;

– Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан мамлакат учун стратегик аҳамиятга эга бўлган йирик инвестицион лойиҳаларни молиялаштираётган банкларга субординар кредитлар бериш лозим.

3. Тижорат банклари томонидан хорижий кредит линиялари ҳисобидан берилаётган хорижий валюталардаги кредитларнинг фоиз ставкалари даражаларининг ошиб

кетишининг олдини олиш мақсадида республикамиз банклари томонидан ўрнатилаётган спрэд миқдорига нисбатан халқаро ссуда капиталлари бозоридаги спрэд даражасидан келиб чиқкан ҳолда лимит ўрнатиш зарур.

Хозирги даврда республикамиз тижорат банклари томонидан хорижий кредит линиялари ҳисобидан бериләётган кредитларнинг фоиз ставкалари нисбатан юқоридир.

Хорижий кредит линиялари нисбатан паст фоиз ставкаларида жалб қилинган бўлсада, республикамиз банкларининг юқори спрэд ўрнатиши натижасида ушбу кредитлар қимматлашиб кетмоқда. Бу масалани ҳал этиш давр талабидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 феврал ПФ-4947-сон фармони. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, № 6 (766).
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Парламентга мурожаатномаси. www.gov.uz.
3. Афанасьева О.Н. Состояние рынка проектного финансирования и факторы, сдерживающие его развития //Деньги и кредит, 2014. – №2. – С. 37.
4. Бобакулов Т.И. Ўзбекистон Республикасида миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш борасидаги муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўллари. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008.
5. Вахабов А.В. (2009). Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини оширишда капиталлашишнинг ўрни: “Банк тизимини такомиллаштириш ва тижорат банклари инвестицион фаоллигини ошириш” мавзусидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. – Тошкент, 2009. – Б. 34-35.
6. Матовников М.Ю. Банковская система России и долгосрочные ресурсы // Деньги и кредит, 2013. – №5. - С. 19.
7. Моисеев С.Р. Денежно-кредитная политика: теория и практика: учебное пособие. – Москва: Московская финансово-промышленная академия, 2011.
8. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. /Пер. с англ. – Москва: Альпина Паблишер, 2017. – 657 с.
9. Улашов А., Ёрқулова М. Mechanisms of Transformation of Accounting and Auditing Activities of Commercial Banks into the International Banking System. American Journal of Economics and Business Management; Vol. 6 No. 6 (2023); 137-146 pages.
10. www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти.



ДАВЛАТ ХАРИДИ ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙУНАЛИШЛАРИ

Шахзод Тўймурадович ЧОРИЕВ

ТИНГЛОВЧИ

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада давлат ташкилотларида давлат харидини амалга оширишдаги молиявий муносабатларни ташкил этиш, муаммоларни аниқлаш, бюджет маблағларининг мақсадли ва манзилли сарфланишини таъминлаш масалалари таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: давлат хариди, бюджет маблағи, давлат ташкилотлари, ялпи ички маҳсулот.

НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ СИСТЕМЫ ГОСУДАРСТВЕННЫХ ЗАКУПОК

Шахзод Тўймурадович ЧОРИЕВ

Слушатель

Банковско-финансовая академия Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются вопросы организации финансовых отношений при осуществлении государственных закупок в государственных организациях, выявление проблем, обеспечение целевого и адресного расходования бюджетных средств.

Ключевые слова: государственные закупки, бюджетные средства, государственные организации, валовый внутренний продукт.

Юртимизда давлат харидларини самарали амалга ошириш масаласи ҳар жиҳатдан муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида давлат буюртмачиларининг харидлар ҳажми кенгайиб, бу бевосита бюджет маблағлари ва давлат улуши бор корпоратив тузилмаларнинг молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланиш масъулиятини юзага келтирмоқда. Деярли барча мамлакатларда давлат харидлари учун давлат бюджетидан қилинадиган харажатлар салмоқли бўлиб, бу давлат харидларини бошқариш тизимини янада ривожлантириш, янги тизим яратиш заруриятини келтириб чиқаради. Шу боисдан, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, буюртмаларни жойлаштиришнинг ошкоралиги ва шаффофлигини таъминлаш, адолатли рақобат муҳити ривожланиши ва буюртмаларни жойлаштиришда коррупциянинг олдини олиш мақсадида давлат харидини бошқариш тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият

касб этади.

Давлат бюджети харажатларининг каттагина қисми ҳам давлат харидлари орқали амалга оширилиб, бундай харидлар бюджет мувозанатини сақлашга бевосита таъсир кўрсатади. Шу боисдан давлат харидлари миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун унинг юқори самарадорлигини таъминлаш долзарб масаладир. Бу масаланинг ҳал қилиниши кўп жиҳатдан бугунги кунда давлат харидлари соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири бўлган давлат хариди жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш билан бевосита боғлиқdir. Ушбу ҳолатнинг аҳамияти ҳақида муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳам фикр билдириб, “Яқин келажакда барча давлат харидларини амалга ошириш ва давлат мулкини сотиш учун Интернет тармоғида ягона майдон ташкил этиш лозим. Бу бюджет харажатларини қисқартириш, давлат мулкини самарали бошқариш ва катта молиявий маблағларни иқтисод қилиш имконини беради” [2], дея таъкидлаган эдилар.

Бундан ташқари, давлат хариди ёрдамида кичик бизнес ва саноатнинг инновацион соҳалари тараққиётини рағбатлантириш мумкин. Давлат харидларининг вазифалари шунингдек, рақобат муҳитини яхшилаш учун бу жараёнга кўпроқ хўжалик субъектларини жалб қилиш, маҳаллий корхоналарни халқаро андозаларга мос сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ундашдан иборатdir.

Шунингдек, “Давлат идоралари бюджетдан ташқари жамғармаларининг даромад ва харажатлари, давлат улушига эга бўлган ташкилотлар харидлари, давлат субсидия ва грантларига оид маълумотларни эълон қилиш амалиётини йўлга қўйилиши” белгиланди. Шу билан бирга, давлат харидларини амалга ошириш жараёнида кўплаб муаммолар мавжуд: харидларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, коррупцион ҳолатларни юзага келтирмаслик, давлат харидларида барча субъектлар иштирок этиши учун тенг шароитлар яратиш, инсон омилини камайтириш, жараёнга янада замонавий инновацион ахборот технологияларини жорий этиш, муқобил савдо майдончаларини кўпайтириш, давлат буюртмачилари учун товар, иш, хизматларни харид қилишда танлаш имкониятини ошириш кабилар. Мазкур муаммоларга барҳам бериш, давлат харидини тизими самарадорлиги ва шаффофлигини оширишга хизмат қиласи. Ўзбекистон Республикасининг 2021-йил 22-апрелдаги ЎРҚ-684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонуни [1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 27-майдаги ПФ-5729-сонли “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019-йил 5-декабрдаги ПҚ-4544-сонли “Давлат харидлари тизимини янада такомиллаштириш ва давлат харидлари жараёнига тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари давлат харидлари тизимини янада такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Бугунги кунда давлат харидларида иштирок этиш учун тадбиркорнинг маҳсус ҳисобварафида савдо бошлангич суммасининг 3 фоизи миқдорида гаров суммаси бўлиши керак. Агарда иштирокчи томонидан таклиф этилган нарх савдо бошлангич нархининг 20 фоизидан паст бўлса, у таклиф қилган ва бошлангич нархлар ўртасидаги фарқ миқдорида қўшимча гаров суммаси киритилиши зарур. Қўшимча гаров суммаси бўлмаган тақдирда берилган таклиф автоматик тарзда электрон тизимдан четлаштирилади.

Айрим ҳолларда электрон харидлар кўпинча расмиятчиликка айланади. Тендер энди бошланган, лекин маҳсулот аллақачон буюртмачига етказиб берилган ҳолатлар ҳозирда доимий кузатиладиган воқеага айланиб улгурган. Агарда савдода “кутилмаган” етказиб берувчи ғолиб бўлса, у билан шартномани бекор қилиш учун ҳар доим баҳона топилади. Буларнинг барчаси тадбиркорларнинг ҳалол йўл билан ғалаба қозонишга бўлган ишончсизликка олиб келади.

Л.В.Андреева давлат харидларининг хуқуқий масалаларини ўрганишда “давлат эҳтиёжлари”ни мустақил маънога эга бўлган хуқуқий тушунча сифатида алоҳида ажратиб кўрсатди. Бунда давлат ва давлат буюртмачиларининг функция ва ваколатларини амалга ошириш учун зарур бўлган давлат эҳтиёжларининг таркибига товар, иш ва хизматларга бўлган эҳтиёжлар киради [3].

Россия қонунчилигига давлат буюртмаси деганда давлат органлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқариш, товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш учун қилинадиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган буюртмаси тушунилади. Бундай буюртмани нафақат давлат корхоналари, балки бошқа корхоналар ҳам амалга оширишлари мумкин. Буюртма, одатда, танлов асосида берилади. Давлат буюртмаси хўжалик юритувчи муносабатларини бевосита тартибга солишининг усули ҳисобланади. Бундай таърифни А.А.Храмкин бошлигидаги авторлик кенгаш ҳам қўллаб-қувватламоқда [4].

Ўзбекистонда давлат хариди ҳажми ЯИМнинг 11 фоизини ташкил этади. Бу унинг иқтисодий ўсишга таъсир этувчи муҳим омил эканлигини кўрсатади. Давлат хариди ЯИМ шаклланишига бевосита таъсир кўрсатади.

Давлат харидини бошқариш тизимини такомиллаштириш учун қуйидаги элементлардан фойдаланиш самарали йўналиш ҳисобланади:

- давлат харидини бошқариш юзасидан илғор хорижий тажрибадан фойдаланиш;
- давлат хариди сиёсатини давлатнинг иқтисодий сиёсати мақсадларига мувофиқлаштириш;
- давлат хариди соҳасида амалга оширилаётган сиёсатни мониторинг қилиш ва баҳолашни татбиқ этиш.

Г.Қосимованинг фикрича, давлат харидига эътибор унинг аҳамиятидан келиб чиқади. Биринчидан, давлат хариди ижтимоий-иктисодий ривожланишни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга ҳисобланган давлат сектори фаолияти учун зарур товарлар, хизматлар ва ишлар билан ўз вақтида таъминлаб туради. Иккинчидан, давлат бюджети харажатларининг катта қисмини ташкил этувчи давлат хариди унинг барқарорлигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун давлат хариди миқдорини энг мақбул даражада сақлаб туриш учун уларнинг юқори самарадорлигини таъминлаш ўта муҳимдир. Учинчидан, давлат хариди давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларини амалга оширишда фойдаланилувчи қучли восита эканлиги қайд этиб ўтилади.

Давлат хариди давлат эҳтиёжлари учун товар ва хизматларни қисман ёки тўлиқ давлат маблағлари эвазига сотиб олишdir.

Стандарт турдаги давлат харидлари мезонлари рақобатга асосланган механизмни шакллантириши назарда тутилмоқда. Мазкур ҳолатда маълум бир товар (иш, хизмат) лар гурухига устунлик берилмайди. “Мураккаб” мезонлар асосида танлаб олиниши

назарда тутилган маълум бир гурух товар (иш, хизмат)ларга устунлик учун имтиёзлар берилиши мумкин.

Албатта икки томонлама муносабатлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида амалга ошади. Келишув маълум шартлар асосида томонларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини акс эттирган ҳолда юзага келади. Бу эса, шартнома муносабатлари вужудга келишига сабаб бўлади. Бу борада, шартномалар назарияси муҳим ўрин тутади.

Бенгт Хольмстпём ўз назариясида шартнома тузишнинг тамойилларига алоҳида эътибор қаратади. Жумладан, ахборот тамойили ўзаро молиявий манфаатдорлик ва бошқа хусусиятларнинг уйғун муносабатда бўлишини қайд этади. Масалан, ходим билан тузилган шартномада иш ҳақидан бошқа рағбатлантирувчи шартлар ҳам мавжуд бўлишини эътиборга олади. Шунингдек, Оливеп Харт шартномалар назариясида «ижро этилмаган шартномалар» ғояси билан фундаментал асосларнинг янги йўналишини белгилаб берган.

Мазкур назария фанга олиб кирилиши билан томонларнинг шартномани бошқариш хуқуқларини тақсимлаб бериш имконини берган. Бу эса, бизнесни бошқариш устуворликларини таъминлаш билан бирга, нафақат иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларига, балки сиёсий фанлар ва ҳуқуққа ҳам сезиларли таъсир қўрсатди.

Замонавий иқтисодиётда кўплаб шартномалар мавжуд. Харт ва Хольмстрём томонидан ишлаб чиқилган янги назарий инструментлар ҳақиқий шартнома ва институтлар, шунингдек, шартномалар тузишда потенциал муаммоларни тушунишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадқиқотлар асосида айтиш мумкинки, давлат харидларини тартибга солишида шартнома муносабатлари муҳим ўринга эга. Бунда давлат буюртмачиси сифатида бюджетдан маблағ оловучи, етказиб берувчи сифатида бизнес субъектлари ўзаро муносабатларга киришади. Давлат бюджети маблағлари рентабеллигини ошириш учун буюртмачиларнинг арzon нарх ва сифат жиҳатидан талабларини шакллантириш, бошқа жиҳатдан етказиб берувчилар ҳуқуқларини таъминлаш шартнома қоидларида ўз аксини топиши лозим. Бу эса, икки томонлама манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш имконини беради.

Шунингдек, давлат харидини режалаштиришдаги мавжуд муаммоларнинг сабаблари қўйидагилардан иборат:

- бюджет жараёни такомиллашмаганлиги – бюджетни шакллантириш фақат бир йил чегарасида бўлиб, унда ўтган йил бюджетида кўзда тутилган ва тугалланмаган лойиҳаларни молиялаштириш мажбурияти кўрсатилмайди;

- давлат харидлари режалаштирилган давр билан харидни амалга ошириш даври ўртасидаги муддатнинг бир календарь йилига фарқ қилиши натижасида нарх билан боғлиқ мураккабликлар юзага келади;

- давлат бюджетини шакллантиришнинг услубий асослари етарли даражада такомиллашмаганлиги, яъни даромад ва харажат моддаларини режалаштиришда ўзаро мустақилликнинг паст даражада эканлиги.

Тадқиқотларга асосланиб таъкидлаш мумкинки, бюджет харажатлари доирасида давлат харидларини режалаштириш жараёнида эҳтиёж мавжуд бўлган товар (иш, хизмат)нинг келгусида бўлиш эҳтимолига эга бозор қийматини аниқлаш механизмини

акс эттирган маълумотларнинг электрон дастурини жорий этиш мақсадга мувофик ҳисобланади.

Давлат харидлари иштирокчиларининг давлат харидлари бўйича электрон харидларда иштирок этиш босқичлари келтириб, маҳсус ахборот порталида жойлаштирилган эълон, ҳисоб-китоб клипинг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида буюртмачининг ҳисоб рақамида унинг аванс тўлови мавжуд бўлган тақдирда, автоматик тарзда буюртмачининг буюртманомасига айланади. Савдолар буюртмачининг буюртманомасида баён қилинган талабларни ҳисобга олган ҳолда ўтказилади. Савдоларда қатнашиш учун аккредитациядан ўтган буюртмачилар эълон жойлаштиргунга қадар ҳисоб-китоб клиринг палатасининг иккиламчи депозит ҳисоб рақами доирасида ўз шахсий ҳисоб рақамларига олдиндан аванс тўловларини ўтказишлари шарт. Аванс тўловларисиз буюртмачиларнинг буюртманомалари жойлаштирилмаган ҳисобланади ва активлаштирилмайди. Электрон давлат харидлари – электрон дўкон ва бошланғич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион каби маҳсус ахборот порталининг дастурий-техник комплекси орқали ахборот-коммуникация технологиялари воситасида давлат харидларини амалга ошириш усуллари ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Давлат харидлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрель ЎРҚ-684-сон Конуни. WWW.Lex.uz
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси //Халқ сўзи, 2017 йил 23 декабрь.
3. Андреева Л.В. Закупки товаров для федеральных государственных нужд: правовое регулирование. – Москва: Волтерс Клювер, 2009.
4. Настольная книга госзаказчика / Под ред. А.А.Храмкина. 4-е издание, доп. – Москва: ИД «Юриспруденция», 2008. – 187 с.
5. Ўроқов У., Шодмонов Е., Бобобекова Д. Давлат харидларини бошқариш. – Тошкент, 2022.



Filologiya

МИЛЛИЙ МАТБУОТДА ИЛК ЖУРНАЛИСТ СУРИШТИРУВЛАРИ

Назира ТОШПУЛАТОВА

профессор

Ўзбекистон журналистика ва оммавий

коммуникацилар университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада XX асрнинг бошларида Туркистонда чоп этилган миллий нашрлардан бири “Садои Фарғона” газетасидаги танқидий-таҳлилий мақолалар таҳлилий журналистиканинг мураккаб жанрларидан ҳисобланган журналист суриштируви (текшируви) талаблари асосида тадқиқ этилган.

Таянч сўзлар: матбуот, газета, мақола, руқн, таҳлил, журналист суриштируви, фош этиш.

ПЕРВЫЕ ЖУРНАЛИСТСКИЕ РАССЛЕДОВАНИЯ В НАЦИОНАЛЬНОЙ

ПЕЧАТИ

Назира ТОШПУЛАТОВА

профессор

Университет журналистики и массовых

коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В данной статье с учетом требований журналистского расследования исследуются критические и аналитические статьи, опубликованные в газете «Садои Фергана», которая является одним из общенациональных изданий в Туркестане в начале XX века.

Ключевые слова: пресса, газета, статья, колонка, анализ, журналистский запрос, публикация.

Ўзбек матбуотида таҳлилий журналистиканинг пайдо бўлиши ва ривожланишида жадид матбуотининг ўрни ва ҳиссаси бекиёсdir. XX аср бошларида чоп этилган газеталарда Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори Абдурашидхонов, Абдулла Авлоний, Убайдулла Асадуллаҳўжаев, Ҳожи Муин, Абдурауф Фитрат, Ашурали Зоҳирӣ, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон сингари миллий журналистикамиз йўлбошчилари ўлканинг долзарб масалаларига оид танқидий-таҳлилий мақолалари билан фаол иштирок этганлар.

Жадид намояндаларининг матбуотда чоп этилган мақолалари олимлар томонидан

кенг ва атрофлича ўрганилган. Хусусан, матбуотшунос олимлардан Н.Каримов, Б.Дўстқораев, Т.Фидоийи, Ҳ.Сайдов, Н.Авазов, С.Аҳмедов, Д.Абдуллаева, Н.Намозова, С.Ҳалимова, С.Йўлдошбекова, Г.Нишонова, Д.Неъматовалар томонидан олиб борган тадқиқотларда миллий матбуот нашрларининг фаолияти, жадидлар публицистикасининг ўзига хос хусусиятлари, матбуотга олиб чиқилган мавзулари кўлами, мақолаларнинг тили ва услуги, муаллифлар маҳорати ҳар томонлама чуқур тадқиқ этилган. Улар қаторида “Садои Фарғона” газетаси ва Ашурали Зоҳирий публицистикаси ҳам тадқиқотчилар назаридан четда қолмаган. Аммо ушбу нашрда чоп этилган мақолалари таҳлилий журналистика талаблари нуқтаи назаридан алоҳида тадқиқ этилмаган.

Таъкидлаш жоизки, ёзиладиган ҳар бир журналистик материал табиати, мақсади, ахборот олиш усуллари, амал қилиши керак бўлган тамойилларига қараб бир-биридан фарқ қиласди. Шу маънода журналист суриштируви(текшируви) ҳам ўрганаётган обьекти, у билан боғлиқ манбалар мазмуни, уни ёритишдан кўзланган мақсад, жамоатчилик олдидаги ижтимоий вазифасининг аҳамияти нуқтаи назаридан памфлет, фельетон, репортаж, муаммоли мақолалардан мустақил жанр сифатида ажralиб чиқди. Аммо у таҳлилий журналистиканинг йўналиши сифатида қолди. Бу суриштирувнинг тадқиқот ва таҳлилий характеристига эга эканлиги билан изоҳланади. Хўш, журналист суриштируви қандай жанр? Унинг бошқа жанрлардан ажратиб турувчи қандай ўзига хослиги бор?

Бу саволга филология фанлари доктори, профессор Хуршид Дўстмуҳаммад шундай жавоб беради: “Журналист текширувининг бош хусусиятлардан асосийси кенг омма манфаатига зид бўлган, лекин кенг жамоатчиликдан ғайриқонуний равишда сир сақланаётган муаммони атрофлича ва асосли ўрганиб, уни фош этишдан иборат” [1;164].

Филология фанлари доктори Ё.Маматова ва тадқиқотчи Сулаймоновалар томонидан чоп этилган “Ҳақиқат излаб: Ўзбекистонда журналист суриштирувининг самарадорлик омиллари” ўкув қўлланмасида қуйидагича таъриф берилган: “Журналист суриштируви ҳаётдаги яширин ҳодисаларни, яъни ҳокимиятга эга шахслар томонидан ёки тақдир тақозоси билан атайлаб яширилган воқеаларни фош этишни кўзда тутади” [5;18].

Фарб журналистикасида ҳам назариётчи мутахассис, ҳам амалиётчи репортер сифатида танилган Жорж Кримски журналист суриштируви ҳақида шундай дейди:“Одатда таҳмин қилинадики, журналист текширувлари юқори ҳокимиятда юз берәётган жиноятларни фош қилишга қаратилиши керакдай, аммо ҳамиша ҳам бундай эмас. Баъзан текширувнинг вазифаси – у ёки бу тизим, масалан, мураккаб қонун қандай тузилишга эга эканини тушунтиришдан иборат [3;135].

“Newsday” газетасининг собиқ бош муҳаррир ўринбосари Роберт Гриннинг фикрича, бу ҳолатда, ўз фаолияти ва ташаббусига, алоҳида шахслар ёки ташкилотлар сир бўлиб қолишини истаган муҳим мавзуга асосланган журналист материалидир [5;12]. Роберт Грин журналист суриштирувининг қуйидаги муҳим белгиларини ажратиб кўрсатади:

- а) журналист аввал бошқа бирор ёзмаган мавзуда суриштирув олиб боради;
- б) материал мавзуси ўкувчи ёки телетомошабин учун жуда муҳим бўлиши керак;
- в) суриштирувда қўлланган фактлар жамоатчиликдан яширилган бўлади [5;12].

Мутахассисларнинг фикрларидан қўринадики, журналист суриштируви жанр сифатида ўзининг мазмуни, олдига қўйган мақсади, воқеликка таъсири, ахборот олиш усуллари, қўлга киритилган материалларни тасвирлаш жиҳатлари билан бошқа жанрлардан ажralиб туради. Унинг бошқа таҳлилий жанрлардан ажратиб турадиган энг асосий хусусияти жамиятдан, оммадан сир тутилган ноқонунийлик, адолатсизликни

“фош” этишдир.

Журналист суришитрувининг ўзига хос белгилари дастлаб қайси нашрларда пайдо бўлганлиги ҳақида мутахассисларнинг фикрларида бир оз фарқлар кўзга ташланади. Хусусан, 2013 йил Ўзбекистон миллий университети ЮНЕСКОнинг “Журналист суриштируви: назария, амалиёт ва муаммолар” ўқув қўлланмасида ўзбек матбуотида илк журналистик суриштируви элементлари XIX аср охирларида пайдо бўлгани қайд этилади. 1898 йил Андижондаги Дукчи эшон қўзғолонини тарихчи Фозилбек Отабек ўғли “Дукчи эшон тарихи” номли китобида ҳужжатларга асосан баён этади [5;12].

Йирик матбуотшунос олим, мархум Бойбўта Дўстқораев “Садои Фарғона” газетасининг 1914 йилда чоп этилган мақолаларда журналист суриштируви белгилари учрашини қайд этади. Олим шундай ёзади: “Дарҳакиқат, Фарғона водийсининг асосий хўжалик соҳаси деҳқончилик, хусусан пахтачилик, ипакчилик бўлгани учун ушбу мавзулар газетада кенгроқ ёритилди. Шуниси борки, мазкур мавзуларда миллий матбуотимизда илк марта журналист текширувига мурожаат этилди” [2;231].

Филология фанлари доктори Ё.Маматова ва тадқиқотчи С.Сулаймонова юқорида қайд этилган ўқув қўлланмада “миллий журналистика тарихида Махмудхўжа Беҳбудий алоҳида ўрин тутади. Беҳбудий “Сарт сўзи номаълум” мақоласида миллий журналистика тарихида илк бор ҳақиқий суриштирувни амалга оширишга уринади [5;18].

Ушбу ёндашувларни таҳлил қиласақ, “Дукчи эшон” қўзғолони гарчанд XIX аср охирларида содир бўлган бўлса ҳам, у билан боғлиқ тарихий ҳужжатлар нисбатан кейинроқ ўрганилганлиги, суриштирув белгилари бўлишига қарамасдан, у китоб ҳолида чоп этилганлигини ҳисобга олинса, уни “миллий матбуотда” дейиш ўринли бўлмаса керак.

Матбуотшунос Бойбўта Дўстқораев тилга олган “Садои Фарғона” газетасининг 1914 йил 4 май сонида эълон қилинган муаллиф Мухаммад Одилнинг “Пилла кам тутилмоғининг сабаби” сарлавҳали мақоласида суриштирув унсурлари учрайди. Унда пилла кам тутилишининг асосий сабаблари таҳлил қилинади. “Муаллиф ёзади: “илгари қишдан чиқилган ҳамон пилла тутилар эди. Етти-саккиз йилдан бери тартиб ўзгарди. Баҳор келиб “...ердан қор кўтарилишидан бошлаб “пул” деб, ҳар кун жаллоб ва комиссияни ҳовлисига борамиз. Бирмунча пул учун қозихат қилишуб, қанча вақт хатларға овора бўлуб, ул хатни тайёрлаб, комиссия ўзининг фирмасига олиб борув, нотариус билан ўтказуб бермоқға овора бўлуб, комиссияға кафил бўлмоқға ва векселларға кўл қўймоқлариға овора бўлуб оладурғон юз сўм-икки юз сўм пулимиизни олиб, бундек ҳавоға қарасак, экин экадиган вақт ўтуб кетадурғон фурсат бўлуб қолуб, шошулуб экин экмоқға овора бўламиз”. Натижада пилла тутишга вақт кам қолган (изоҳ: чор Россияси даврида пахта жаллоблари, фирмалар маблағга муҳтож деҳқонларга келгуси йил ҳосили ҳисобидан қарз тарзда пул бериб қўйиб, шу йўл билан пахтани анча арzon олишган) [2;229]. Газетанинг 11, 14 ва 16 май сонларида чоп этилган Ашурали Зоҳирийнинг “Пилла кам тутилмоғининг сабаблари” сарлавҳали мақолалари, юқорида қайд этилган мақоланинг мантиқий давоми бўлиб, муаллиф уни уч қисмда баён этиб, ҳар бир қисмда деҳқонларнинг пилла этиштириш билан боғлиқ муаммолар ва уларнинг сабабларини фош этади. Жумладан, биринчи муаммо – ипак қурти тутишнинг машақватлари ва этиштирилган пилла ҳосилининг бозорларда сунъий арzonлаштирилиши, иккинчи муаммо – фирмаларда пиллани бозордан ҳам кам нархга олиниши, учинчи муаммо – ипак қурти тутган деҳқонларнинг оғир меҳнатлари алдовлар ва камситишлар туфайли

умуман қадрланмаслиги “тафтиш” қилинади. Бу билан чекланмай, Ашуралы Зохирий қишлоқ аҳолиси кўпроқ ипак қурти боқиши учун алдов ва талашларни йўқотиш бўйича таклифлар беради” [2;230]. “Бу “фош этиш” – журналист суриштируви ўша даврдаги пиллакорларнинг қанчалар мاشаққат билан қун кўришлари ҳақида аниқ тасаввур беради”.

Шунингдек, газетада Абдулҳамид Чўлпоннинг “Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик” (1914), “Ватанимиз Туркистонда темирийўллар” (1914) сарлавҳали мақолалари ҳамда “Мадрасаларимиз аҳволи” (1915) хабарида ҳам суриштирув белгилари учрайди. Хусусан, унинг “Ватанимиз Туркистонда зироат ва дехқончилик” сарлавҳали мақоласида Туркистон ерлари пахтадан мўл-ҳосил олиш учун ниҳоятда кулай бўлишига қарамай, кўнгилдагидек ҳосил олинмаётгани сабаби дехқонларнинг бири икки бўлмаётгани, пахтачиликда техникадан фойдаланилмаётгани ҳақида сўз юритиб, муаллиф бунинг сабабини ўрганайлик, матбуотда ёзайлик, дея ёшларга мурожаат қиласи. Мурожаатда муаллифни ҳайратга туширган нарса: “...амирқоликлар экин асбоблари ишлатуб, биз 10 киши 10 кунда қилғон ишимизни онлар 2 киши билан 10 соатда қилмоқдадирлар. Онларда ўриш, чочиш, чопиш, териш, экиш – ҳаммаси осон, олот (мошина) билан тез тайёр бўладир. Онлар ўшал мошина билан вақтинда тез йигиштуруб оладирлар. Биз бўлсак, тўплаб ташигунча ямфур, қор ёғуб қолса, далада тамом қоладирмиз” [6]. Муаллифнинг ёзишича, бундай машиналар Россияда ҳам бор. Нега дехқонларимиз машиналардан фойдаланмай, ўзларини мешалашганда қўядилар? Чўлпоннинг ушбу мақоласи газетанинг учта сонида чоп этилади. Юқорида келтирилган парча мақоласининг биринчи қисмида акс этган. Чўлпон қишлоқларга бориб, дехқонларнинг аянчли аҳволини ўз кўзи билан кўради, улар билан сухбатлашиб, ҳайратга тушади. Дехқонларнинг ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмаслиги, бойлар томонидан доимий ҳақоратланишлар ва камситишлир, тинимсиз ва машаққатли меҳнатдан нафақат ўзлари, балки ёш болалари ҳам азият чекишиларини қўриб “қўзларидан тамом қонлик ёшлар тўкмоққа тўғри келадир” деган холосага келади. Мақоланинг иккинчи қисмда ана шулар хусусида ёзади. Учинчи қисмда эса, ҳар қандай хўрликнинг, хорликнинг сабабини одамларнинг саводсизлигидан кўради ва уларни айниқса, ёшларни илм олишга, ўрганишга ундейди.

Чўлпоннинг яна бир “Ватанимиз Туркистонда темирийўллар” (1914) [7] сарлавҳали мақоласи моҳиятан сафарнома бўлса-да, унда муаллифнинг шахсан ўзи борган жойнинг тартиби, тутуми, одамларнинг аҳволи, кайфиятини кузатиб, уларни қиёслаш, солиштириш орқали муаммонинг ечимига доир аниқ таклифлар беради.

Чўлпоннинг “Мадрасаларимиз аҳволи” (1915) сарлавҳали хабарида ҳам суриштирув унсурларини кўриш мумкин. Бу хабарда мадрасада ўқийдиган бир бола бу ердаги ёмон болаларнинг бемаъза ишлари (баччабозлик) билан шуғулланишидан норози бўлгани учун муллаваччалар уни уриб, ҳайдаб солади. Бола инспекторга шикоят қиласи. Текширишга келган инспектор китоблар орасида тунука идишда уламасоч чиққанини тасдиқлайди. Мулла инспекцияга олиб кетилади. Муаллиф хабарни “Ана муллаларнинг аҳволи” деб тугатади. Мазкур хабар босилганидан кейин Чўлпоннинг бошига не-не балолар ёғилади. Газета таҳририяти Чўлпонни ҳимоя қилиб, “Садои Фарғона”нинг 14-сонида андижонлик ўкувчиларга мурожаат ҳам ёзади. Шунга қарамай Чўлпон ўзи кўрган, ҳаётда учратган воқеалар ва улардаги муаммони фош этишга ҳаракат қиласи [4;48].

Ўзбек тадқиқотчилари Ё.Маматова С.Сулаймоновалар Беҳбудий “Сарт сўзи

номаълум” мақоласида илк бор ҳақиқий суриштирувни амалга оширишга уринганига асос сифатида муаллифнинг аҳоли ўртасида сўров ўтказиш, ҳужжатли асл манбаларни ўрганишдан тортиб, тадқиқот мавзуси бўйича ўз замонасининг адабиётларини танқидий таҳлил қилишгача бўлган маълумотларни тўплаш ва уларга ишлов беришнинг турли усулларидан фойдаланганини кўрсатади. Аслида Маҳмудхўжа Беҳбудий “Шўро” журналининг 1911 йил 19-сонида “Сарт” сўзи мажхулдир” (юқорида келтирилган мақола “Сарт” сўзи маълум бўлмади” деб номланган ва биз келтирган мақоладан кейин “Ойна” журналида 1914 йилда босилган” (таъкид бизники – Н.Т.) сарлавҳали мақоласи чоп этилган. Унда чиндан ҳам ахборот олишнинг аҳоли ўртасида сўровнома, ҳужжатли манбаларни ўрганиш, замонавий адабиётнинг мавзуга доир танқидий таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган. Беҳбудийнинг мақоласидан кейин муаллифнинг бу мавзуда матбуотда ўндан ортиқ мақоласи эълон қилинди ва “сарт” сўзи атрофидаги баҳс-мунозаралар ўн беш йилга яқин давом этди. Қолаверса, журналист суриштирувининг муҳим хусусияти фош этиш экан, “сарт” сўзи сир тутилмаган, ўша давр омма мулоқотида қўлланар эди. Шунинг учун бу мақолани суриштирувдан кўра қўпроқ баҳс-мунозарали мақола жанрига мос келади, десак тўғрирок бўлади.

Хуроса қилиб айтганда, журналист суриштируви жанри ўзбек матбуотида миллий босма нашрлар пайдо бўлган даврлардан ривожлана бошлади. Унинг дастлабки намуналари айнан қайси нашрда учраши бўйича якуний хуросага келишга ҳали бироз эрта. Шунга қарамай, “Садои Фарғона” газетаси ва унда чоп этилган, мутахассислар томонидан илк журналист суриштируви намуналари деб эътироф этилган мақолалар жамиятдаги долзарб муаммоларни олиб чиқишида, ҳақсизлик ва адолатсизликни фош этишга хизмат қилган.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Дўстмуҳаммад Х. Журналистнинг касб одоби муаммолари. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 164 б.
2. Дўстқораев Б. Ўзбекистон журналистикаси тарихи: дарслик. – Тошкент: Faafur Гулом, 2009. – 243 б.
3. Кримски Ж. Репортаж, материалларнинг ёзилиши ва таҳрир қилиниши асослари. – Тошкент, 2003. – 135 б.
4. Каримов Н.Чўлпон. Марьифий роман. – Тошкент, 2003.
5. Маматова Я., Сулаймонова С. Ҳақиқат излаб: Ўзбекистонда журналист суриштирувининг самарадорлик омиллари. – Тошкент: Extremum-Press. 2015.
6. Чўлпон, Абдулҳамид. Ватанимиз Туркистанда зироат ва деҳқончилик. Ziyouz.uz
7. Чўлпон, Абдулҳамид. Ватанимиз Туркистанда темир йўллар. Ziyouz.uz.



УСЛУБ – ПОЭТИКАНИНГ ЕТАКЧИ УНСУРИ

Абдураҳмон Эшонқулович ПИРИМҚУЛОВ

филология фанлари доктори

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника

университети Олмалиқ филиали

Олмалиқ, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Нормурод Нарзий ва Рустам Очил каби ўзбек шоирлари ижодидаги услугубий нуқсонлар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қоғия, радиф, услугуб, поэтика, сўз санъати, риторика, сунъий такрор.

СТИЛЬ – ВЕДУЩИЙ ЭЛЕМЕНТ ПОЭТИКИ

Абдураҳмон Эшонқулович ПИРИМҚУЛОВ

доктор филологических наук

Алмалыкский филиал Ташкентского государственного
технического университета имени Ислама Каримова

Алмалык, Узбекистан

Аннотация

В статье с научной точки зрения анализируются стилистические недостатки в творчестве узбекских поэтов, таких как Нормурод Нарзий и Рустам Ачил.

Ключевые слова: рифма, рифмовка, стиль, поэтика, искусство слова, риторика, искусственный повтор.

Услуб арабча сўздан олинган бўлиб, ўзбек тилида “тартиб”, “тизим” деган маъноларни билдиради. Академик Салоҳиддин Мамажонов ёзганидек “услубни бадиий асар тузилишининг барча элементлари – асарнинг ғоявий йўналиши – тематикаси, образлар системаси, сюжет ва композицияси, тили, тасвирий воситалари, жанри ва методи билан ижодкорнинг ўзига хос шахсиятининг диалектик бирлиги белгилайди. Ижодкорнинг дунёқараши, руҳий олами, эстетик идеали унинг ҳар бир яратадётган образи, ҳар бир тасвирий воситасида намоён бўлади. Шунинг учун, айтайлик, ўхшатишми, метафорами, эпитет бўладими – буларга фақатгина ижодкор услубининг муҳим элементлари сифатида, индивидуал белги алматлари тарзидагина қараш лозим” [2;207].

Услуб – бадиий матннинг сарлавҳасидан тортиб, то сўнгги нуқтасигача бўлган поэтик жараённи тўлалигича қамраб олади. Яъни, биз муайян асарнинг, дейлик, шеърнинг мавзуси, ғояси, образлар тизими, тасвир усувлари ёки тил хусусиятларини анализ қиласиган бўлсак, демак, услубнинг маълум бир элементлари ҳақида фикр юритган бўламиз. Шу жиҳатдан услугба доир бир неча қарашлар юзага келган бўлсада, унинг барча сифатларини бутун мураккабликлари билан қамраб оладиган мукаммал

таърифнинг ўзи йўқ. Бизнингча, услугуб шоирнинг бутун маҳоратини, шахсий талант ва иқтидорини бўй-басти билан намоён этувчи, кўрсатувчи қўзгу. Яъни услугуб бадиий матннинг, бинобарин, муаллифнинг сўз санъати дунёсида тутган ўрнини, мавқеини, уни ўзга шоир ёки ёзувчидан фарқини кўрсатувчи муҳим белги саналади. Бироқ унинг умумий ва хусусий жиҳатлари ҳам мавжудки, индивидуал услугуб ҳақида сўз юритганда, унинг умумий жиҳат билан боғлиқликда ўрганиш масаланинг туб моҳиятини очишга ёрдам беради.

Услуб – шундай нозик, мураккаб ижодий жараёнки, у муллифнинг шахсий иқтидори, лаёқатини намойиш этиш билан бирга, айни вақтда унинг ожизлигини, маҳорат бобида пишиб етилмаганини, гоҳида эса жуда саёз, суст, ўзи билмаган ҳолда бадиий адабиётнинг эстетик қоидаларига изчил амал қилмаганини ҳам яққол намоён этади. Шундай шоирлар бўладики, улар қисқа муддатда, дастлабки машқларидаёқ ўзлигини, ўзига хос ижодий услубини намойиш этиб улгуради. Яна шундай тоифадаги қаламкашлар ҳам борки, улар бадиий ижод дунёсида бир неча йил машаққат чекиб ижод қилсалар ҳам шогирдлик поғонасидан деярли қўтарилмайдилар. Назаримизда, шеърнинг туғилиши билан тўқилиши ўртасидаги фарқ шу жойда юзага балқиб чиқади. Яъни, ҳақиқий илхом билан ёзилган шеър табиий гулга, зўрма-зўраки ёзилган шеър эса ясама гулга ўхшаб туради. Ясама гулда чиройли ранг бўлгани билан унда ўзига хос ифор бўлмайди. Табиий гул эса ўзгача ранг ва ифор билан кишини мафтун этади. Бу ўринда услубдаги саёзлик, сўз қўллашдаги нўноқликларга эътибор қаратмоқчимиз. Бу жиҳатдан бизга Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзий ҳамда шоир Рустам Очилнинг ижоди етарли материал беради.

Нормурод Нарзий ижоди истиқлолгача ҳам, ундан кейин ҳам доим танқидчилик марказида бўлди. Шоир ижодида ишқий, маърифий, айниқса, ватанпарварлик мавзуси алоҳида ажralиб туради. Бу жиҳатдан шоирнинг “Ватан туйғуси”, “Юрт ишқида ёнаман”, “Ватан ичра”, “Тўйларинг муборак, Ўзбекистоним”, “Ўзбекистон сўзлагай” ва бошқа шу типдаги шеърлари дикқатга молик. Улар халқона услугуга жуда яқин ёзилгани боис халққа, омма дунёқарашига жуда яқин. Уларнинг миллий қўшиқчилик санъатидаги ўрни ҳам эътирофга лойиқдир, балки. Аммо биз бадиий асарга оҳанг, мусиқа талаби билан эмас, балки бадиий ижоднинг азалий қонун-қоидалари талабларидан келиб чиқиб баҳо берамиз. Яъни, асар қайси жанрда битилганидан қатъи назар, анъанавий поэтик мезонларга, қонуниятларга изчил ва теран амал қилмоғи лозим. Бу ўринда биз зинҳор шеърда қофия ёхуд бадиий санъат бўлиши лозим, демоқчи эмасмиз. Аммо унда муайян инсоний туйғу, дард ё кечинма бўлиши шартлигини таъкиламоқчимиз, холос. У ўқувчига маълум бир ҳақиқатни уқтириш билан бирга унга эстетик завқ бағишлиши ҳам лозим. Шу оддий аксиома инобатга олинмас экан, ёзилган хар қандай жимжимадор асар сўз санъати хазинасидан муносиб ўрин тополмайди. Зотан шеър – санъат, шоир эса санъаткордир.

Шоир зоти сўзни санъат талаблари асосида дарж этолмаса, унинг ёзгани ўзининг ёки ўзи каби содда одамларнинг ниҳоятда тор, биқиқ фикрлаш доирасидан четга чиқолмайди. Шундай экан, асарни сўз санъати оламида узок вақт яшashi учун шоир маълум бир адабий-эстетик талаб ва мезонларга қатъий амал қилиши лозим.

Нормурод Нарзий шеърияти ўтган аср сўнгги чораги танқидчилигида соҳанинг сўл қанотида роса саваланган. Унинг ижодидаги нуқсонлар профессор Озод Шарафиддинов, Норбой Худойберганов, айниқса, танқидчи Сафо Очил томонидан аёвсиз фош этилган. Мунаққид шоирни тақлид, кўчирмакашлик ва ўз-ўзини такрорлашда жиддий

айблаган: "Нормурод Нарзийнинг аксарият шеърларини ўқиганда қизиқ бир аҳволга тушасиз. Фализлигига, риторикага мойиллигига, бадиий бўёқдан маҳрумлигига эътибор бермасликка ҳаракат қилсангиз-да, уларни қаердадир ўқигандек ё эшитандек бўлаверасиз. Охири маълум бўладики, шоир ўз-ўзини такрорлар экан. Баъзи иборалар, образлар, ташбехлар шеъридан-шеърига кўчиб юрар экан. Баъзи шеърлари эса бошдан-оёқ бири иккинчисини такрорлашдан иборат бўлар экан..." [5;130].

Мақола давомида танқидчи шоирни "сўз ўзлаштириш", "кўчирмакашлик" да ҳам айблайдики, биз бу фикрни қўллаб-қувватлай олмаймиз. Шеърнинг ўзи заиф бўлса, тағин кўчирмакашликда ҳам айласак, масалага холис ёндашмаган бўламиз. Демоқчимизки, шоир кўчирганда яхшироқ асарни кўчирган бўлур эди. Бу ўринда ёшлигига ҳам суст ёзарди, ҳозир ҳам шундай, деб баҳо бериш, кифоя. Бироқ юқоридаги фикрларнинг аксариятини инкор қилиб бўлмайди. Бу гапларни мунаққид Сафо Очил ўтган асрнинг 90-йилларида ёзган. Булар шоирнинг собиқ шўро тузуми давридаги ижодига нисбатан айтилган. Унда ҳеч қандай фитна ё ғаразгўйликка йўл қўйилмаган. Нормурод Нарзийнинг ёшлик чоғида "шеърга асос қилиб олган поэтик образни мантиқан ниҳоясига етказолмаслиги", "тил жихатдан оқсаси", "кўпингча гайритабиий иборалар, ноўрин жумлалар тузиши"ни устоз танқидчи Озод Шарафиддинов ҳам ўтган асрнинг 80-йилларида алоҳида танбех шаклида уқтирган [6].

2000 йилда "Янги аср авлоди" нашриёти шоирнинг "Халқим, сен билан қалбим" номли шеърлар тўпламини нашрдан чиқарди. Тўплам Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов ёзган кириш сўз билан очилади. Унда шоирнинг беш юздан ортиқ шеъри қўшиқ бўлгани, улар республиканизнинг таникли хонандалари томонидан севиб ижро этилгани айтилади. Бизда савол туғилди: ўша таникли хонандалар жўшиб куйлайдиган яхши қўшиқлар ичida яхши шеър ҳам бормикин?! Бўлса, улар ҳақида қайси мунаққид ижобий фикр билдириган?! Таассуфки, шоирнинг ушбу тўпламидан ўрин олган шеърларида ҳам ўз-ўзини сунъий йўсинганда такрорлаш, сўзни олий мақсад ва ғояларга сафарбар этолмаслик, сатрлар аро парокандалик, ифода чучмаллиги, сўзбозлик, қофиябозлик ва шу каби иллатлар кўзга ташланади. Шоирнинг бир шеъри "Ўзбекистон деб бераман овоз" деб номланган. Шеърнинг ҳар банди олти мисрани ташкил этади, жами ўн банд. Ҳар банднинг охири:

Асл инсонни севиб, ардоқлаб,
Ўзбекистон деб бераман овоз [3;16],

дейдиган тантанавор иқрор билан якун топади. Аммо ана шу иқрор тепасида келадиган сатрларнинг бирортасида бўлсин охирги икки сатрга вобасталик кўринмайди. Шоир асл инсон деганда, Биринчи президентни назарда тутган. Чунки шеърда мустақилликнинг дастлабки йилларида қисқа муддатда амалга оширилган иқтисодий-сиёсий ўзгаришлар, мустақил ватанимизнинг жаҳон харитасида тутган ўрни, маънавий-маърифий жабҳада, шунингдек ишлаб чиқариш соҳасида эришилаётган ютуқлар ва бунга бевосита юртбошининг раҳнамолик фаолияти туфайли эришаётганимизни ифодалашга уриниш бор. Аммо бу нарса муайян поэтик тимсол ва метафоралар қобигига ўралмайди. Шу боисдан ўқувчи қалбини ларзага солмайди, этини жунжиктирмайди. Сўз ҳам, фикр ҳам ниҳоятда саёз. Эҳтиросдан умуман нишон йўқ. Шеърда ғашга тегувчи риторикадан бошқа нарса мавжуд эмас. Бу каби ҳолатлар, афсуски, бошқа сахифаларда ҳам тез-тез кўзга ташланади. "Мустақиллик қасидаси"дан парча:

Даламдаги чаногим ўша,
Пайкалдаги бошоғим ўша,

Фалакдаги чақмоғим ўша,
Мустақиллик абадий, мангу! [3;11].
Энди “Нигоҳимда яшар Ватан” шеъридан парча:
Пахталар чаноғида,
Буғдойлар бошоғида,
Кўзларим қароғида,
Ватанимни кўурман,
Куйлаб даврон сурурман [3;46].

Нормурод Нарзий, афтидан, “чаноқ” билан “бошоқ”ни қофия сифатида қўллаш мустақилликни мадҳ этади, деб ўйласа керак. Тўғри, халқимиз етиштирадиган хомашёларнинг ҳаммаси шеър манбаи бўлиши мумкин. Аммо у юқоридаги каби ғализ, маълум бир таниш оҳанг ва ибораларни тақрорлаш воситасида бўлмаслиги лозим.

Бадиий асарда, хусусан, шеъриятда ҳар бир сўз алоҳида сехр касб этиши керак. Шеъриятда ўйламай ишлатилган биргина сўз санъат ҳодисасининг бутун нафосатига соя ташлайди. Академик Наим Каримов ёзганидек, “Шеър ўзига хос организм бўлса, сўз унинг ҳужайрасидир. Организм тирик бўлиши учун унинг ҳар бир ҳужайраси соглом бўлиши ва нафас олиб туриши лозим бўлганидек ҳар бир сўз ҳам шеърга, унинг қалби бўлган образга ўз қонини бериб туриши ва уни ҳаракатга келтириши керак...Поэтик тилнинг бениҳоя гўзаллигига эришмоқчи бўлган шоир истар-истамас шакл қурбони бўлиб, шеърда ифодаламоқчи бўлган ғоявий мундарижани бутунлай бузади...” [1;72]. Шу жиҳатдан қарасақ, Нормурод Нарзий шеърларида сўз кўпинча жонли ҳаракатда бўлмайди. Шоир ижодида тақрорнинг табиий кўринишидан кўра, сунъий шакли кўзга жуда кўп ташланади. Натижада шоир айтмоқчи бўлган фикр мавхумлашади, бадиий жозибадорлик касб этмайди.

Сўзни етарлича ҳис этмаслик, натижада уни юксак ғояларга сафарбар қилолмаслик, шаклбозликка ружу қўйиб, мазмунни қурбон қилиш ҳолати, гоҳо санъаткорлик даъво қилиб беҳаё, бепарда сўз ёки сўз бирикмаларини шеър бағрига қистириш иллати шоир Рустам Очил ижодида ҳам учрайди. Рустам Очил қирқ йилдан ортиқ тажрибали шоир бўлгани ҳолда сўзга масъулият ҳиссини тамом йўқотиб қўяди. У шеърнинг, хусусан, ғазал ва тўртликларнинг оддий техник қоидаларига амал қилиш заруратини унутади. Натижада шоирнинг ўзи кутган поэтик ғоя юзага балқиб чиқмайди. Гоҳо шоир шунаقا жўн, майда, ҳатто, шеър тилига кўчириш мумкин бўлмаган уят, беибо сўзларни ёзиб, китобхонга тақдим этганини ўзиям сезмай қолади. Энг ёмони шоир китобни чоп эттиришдан олдин бирорта муҳаррирга таҳрир қилдиришни ё бўлмаса, ўз асарини “ўзга нигоҳ билан ўқиб”, таҳрир қилиш малакасини билмайди. Қуйидаги тўртликда қофия ва радиф етарлича таъминланмаган:

Томиримда қон эмас, май оқсин майли,
Ишқинг оловидан жон ёнсин майли.
Рухим осмонларда парвоз қилса, бас,
Борлигим, йўқлигим сенинг туфайли [4;290].

Эътибор беринг: оқсин, ёнсин қофия ўрнида келган. Охирги мисрада эса буларга оҳангдош сўзни ҳам, “майли” деган радифни ҳам кўрмаймиз. “Оқсин майли”, “ёнсин майли” бўлгач, охирги сатр “тонсин майли” ё “қонсин майли” дейилганда, биз шеърни тўлақонли асар дейишимиз мумкин эди. Бу ҳолатда уни яхши шеър деб бўлмайди. Тўртликда лирик қаҳрамон маъшуқага чин ошиқлигини, садоқатини намойиш этишга уринган. Бироқ бу ғоя бадиият талабларини етарлича идрок этолмагани учун чиройли

шаклга эга бўлмай қолган. Шеърнинг оддий техник қоидаларига амал қилинмагач, ундан ўзига хос ғоя ё поэтика элементларини излашга зарурият бўлмай қолади. Қуйидаги тўртликда ҳам шоир ўйлаган асосий муддао юзага чиқмай қолган. Унда ўқирманга салбий таъсир қилувчи қўпол, бепарда маъно зухур этган:

Оқни оқ десам, қора дедилар,
Ох, секин-аста қалбим едилар.
Энди юраксиз яшаб юрибман,
Қайси аъзомни энди ейдилар?[4;293]

“Қайси аъзомни энди ейдилар” – сатри сўроқ оҳангига айтилган. Биз уни шоирона ифода деб баҳоламаймиз. Шеърнинг бош ва асосий аломати одоб бўлиши лозим. Қалб – мавҳум отга киради. Шундай экан, унинг рақиб томонидан ейилиши ишонарли эмас. Рақиб лирик қаҳрамоннинг қалбини еб тугатибди. Хўш, энди қайси аъзосини емоқчи? Бу жуда хунук ва беибо тасвирдир. Биз бунинг учун шоирга тасанно айтмаймиз. Аксинча, ёши бир жойга бориб қолган одамнинг ғанимларини бу каби ерга уриши, ҳақорат қилиши адабий-эстетик тамойилларга зид эканини қайд этамиз.

Рустам Очилнинг “Умр ўтиб боради”, “Гўзал”, “Девонаман” “Муборак”, “Яхшилик истаюрман” ва бошқа баъзи бир ғазалларида қофия ва радифлар ўз ўрнига тушган. Шу боис уларда ички мусиқийлик, оҳанг ҳам мавжуд. Бироқ “Шукронга айт, ўйнаб тур шахмат”, “Кутаман”, “Дедим”, “Мехру оқибат бўлса” ва бошқа шу каби айрим ғазалларида қофия ва радиф унсурларига риоя қилинмайди.

Рустам Очил сарлавҳаларни ҳам жуда топиб қўйган деб айттолмаймиз. Аввало, шуни айтиш ўринлики, ғазалга тема қўйиш шарт эмас. Мабодо, шоир унга тема (мавзу) қўйишни хоҳласа, радифни сарлавҳага чиқариши лозим. Анъана шундай. Рустам Очилда узун-узун сарлавҳалар бор. Ҳайратланасиз, бир шеър темасига шунча сўзни сарф қилишнинг нима ҳожати бор? Ўқиб қўрайлик: “На десанг шу бўлдим қўлдан келганча”, “Таллимаржонда ишлаб юрган давримда Бешкентга меҳмон бўлган кун”. Наҳотки, шеърга шунча узун мавзу қўйиш шарт деб ҳисоблаш мумкин бўлса? Шеър яхши чиқиши учун сарлавҳа ихчам ва маънодор бўлиши керак. Хулоса шуки, ”услуб бу – мен” деган машҳур ақидада реал ҳақиқат мужассамдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов Н. Ҳамид Олимжоннинг поэтик маҳорати. – Тошкент: Фан, 1964.
2. Мамажонов С. Сайланма. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент:Faafur Ғулом, 1981. – 207 б.
3. Нарзий Н. Халқим, сен билан қалбим. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2000.
4. Очил Р. Сайланма. З томлик. З-том. – Тошкент: Мусика, 2018.
5. Очил С. Орзулар кўкидаги шафақлар. – Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
6. Шарафиддинов О. Талант – халқ мулки. – Тошкент: Ёш гвардия, 1979.



АБДУЛҲАМИД ЧҮЛПОННИНГ “МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙ ХОТИРАСИ” САРЛАВҲАЛИ МАРСИЯСИ ТАҲЛИЛИ

Шахло ҲОЖИЕВА

доцент

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Маколада Абдулҳамид Чўлпоннинг Туркистон жадидчилик ҳаракати бонийси Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг фожиали ўлимидан таъсирланиб ёзган “Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси” сарлавҳали марсияси таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: жадидчилик, янги шеърият, мустабид тузум, марсия, изтироб, поэтик талқин.

АНАЛИЗ СТИХОТВОРЕНИЯ АБДУЛХАМИДА ЧУЛПАНА “ПАМЯТИ МАХМУДХОДЖА БЕХБУДИ”

Шахло ҲОЖИЕВА

доцент

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В настоящей статье анализируется стихотворение Абдулхамида Чулпана “Памяти Махмудходжа Бехбуди”, созданного под впечатлением от трагической смерти лидера движения джадидизма Туркестана Маҳмудхўжа Беҳбуди.

Ключевые слова: джадидизм, новая поэзия, колониальный режим, марсия, поэтическое изображение.

Жадидчилик – жамият ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай қамраб олган, янги адабиётнинг шаклланиши ва ривожини таъмин этган сиёсий-ижтимоий, адабий-маърифий ҳаракат экани аён. Бу ҳаракатнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, миллат зиёлиларини Ватан ва миллат манфаатлари йўлида бирлаштирганидир. Янги ўзбек шеъриятининг асосчиларидан ҳисобланган Абдулҳамид Чўлпон ҳам, бошқа жадидлар ҳам Туркистон жадидчилик ҳаракатининг бонийси [5] Маҳмудхўжа Беҳбудийни ўзларига устоз, йўлбошли сифатида эътироф этган эди. Миллат зиёлиларини “Тилда, фикрда, ишда бирлик” ғояси атрофида бирлаштиришда бу улуғ мутафаккирнинг хизматлари бекиёс. Юрт озодлиги учун курашиш, миллатнинг маърифатини юксалтириш, адабиёт, театр ва маорифни шу йўлга сафарбар этиш Беҳбудий учун ҳаётий аъмол бўлгани рост. Туркистон жадидларининг отаси сифатида катта эътибор қозонганлиги сабабли унинг

ўлими Туркистонни ларзага келтириди. Айникса, бундан Чўлпон қаттиқ қайғурганини унинг ёзган шеър, марсия ва мақолларидан англаш қийин эмас.

Чўлпон Беҳбудийнинг қизғин ижтимоий-сиёсий ва ислоҳотчилик фаолиятига, ижодига ҳавас қилди. “Падарқуш” драмаси қайта-қайта қўйилгани, халқ унга ташна экани ҳақидаги унинг мана бу эътирофи ҳам шундан дарак беради: “Падарқуш” ёзилғандин кейин ёшларимизда катта бир рағбат ҳосил бўлуб, ҳар шаҳарнинг саҳналарида ўйналди, Тошканд, Самарқанд, Хўқанд каби марказларда 2–3 марта барча ҳам ўйналди. Ишта булар миллатнинг интибоҳи (хушёrlиги)га хайрли бир фолдир” [4]. Беҳбудий катта сиёsatчи ҳам эди. Унинг 1907 йилда “Туркистон маданий муҳторияти лойиҳаси”ни тузиб, кўриб чиқиш учун Русия Давлат Думасига тақдим этгани таҳсинга сазовор. Бу лойиҳанинг аҳамияти ҳақида адабиётшунос Нурбой Жабборов мана бундай ёзади: “Беҳбудий Туркистондаги барча халқларни, тилидан, диний мансублигидан қатъи назар, иттифоқ бўлишга, умумий манфаат йўлида бирлашишга, Туркистон муҳториятини сақлаб қолишга чақирди” [1]. Ҳақиқатан ҳам, Беҳбудий Туркистон халқларини яқдил кўрмоқни истаган. Унинг бу ҳаракатини Чўлпон яхши англаган ва қўллаб-қувватлаган.

Беҳбудий 1919 йилнинг 25 марта қўлга олиниб, сирли бир тусда Қарши шаҳрида қатл қилингани маълум. Бундан оғир қайғуга чўмган барча жадидлар сингари Чўлпон ҳам унга атаб шеър ва марсиялар битди. Шоирнинг: “Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси” номли марсияси шулар жумласидан.

Мумтоз адабиётда марсиялар подшоҳларга, яқин қариндошларга бағишлилангани маълум. Жадид шеърияти намояндалари марсиянинг мазмунида ҳам, композициясида ҳам ўзгариш қилгани кузатилади. Чўлпон марсиялари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Исмоилбек Гаспиринский, Максим Горький, Абдулла Алавий, Мулланур Вохидов каби ўша даврнинг машҳур адабий сиймоларига бағишлилангани ҳам ушбу фикрни тасдиқлади.

Чўлпон марсиялари “Адабиёт тарихида шоирнинг бирор яқин кишиси, қариндоши, оила аъзоси вафоти муносабати билан ёзилган марсиялар билан бир қаторда, шоҳлар ва амалдорлар, устозлар (таъкид бизники – Ш.Х.) вафотига атаб ёзилган марсиялар ҳам кўп учраши [2]га ёрқин мисол бўла олади. Бу жиҳатдан шоирнинг Туркистон жадидчилик ҳаракати асосчиси, драматург, шоир ва ношир Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига бағишлиланган марсияси, айникса, характерлидир.

Марсия шоирнинг дастлаб “Булоқлар”, сўнгра “Яна олдим созимни” тўпламларида чоп этилган. Мураббаъ жанрида ёзилган ушбу марсияда Беҳбудийнинг пок хотираси улуғланган. Шоир вафотидан таъсирланган Чўлпон унинг қабрини излагани, бироқ бунинг иложисиз иш эканини ўзига хос поэтик талқин этади:

Белгисиз қабрингни қора тунларда
Амалимнинг шамин ёқиб изладим.
Қизил ва пок қонинг исларин сочгач,
Кучсиз кўйи юришимни тезладим.
Амалимнинг юлдузиким кўз тиқди
Қора, жирканч, ўлим кони – ерларга.
Савол бердим: “Йўқотганим қайда?” – деб
Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга [4].

Бу мисралар Беҳбудийнинг бевақт содир бўлган сирли ўлими Чўлпонга нақадар қаттиқ таъсир қилганини кўрсатади. “Қора, жирканч, ўлим кони – ерларда” қадрдон устозининг белгисиз қабрини, азиз изларини излаган шоир йўқотгани қайда эканини сўрагани – мустабид тузум яловбардорлари Чўлпоннинг ўзини ҳам маҳв этиши

тайин эканини сезади. Бироқ у ҳар қандай шароитда ўз олдига қўйган мақсадидан қайтмаслигини шеърий мисралар тагматнига маҳорат билан сингдириб юборади:

Қўлиндаги тутам-тутам гулини
Қабринг топиб, сочмоқ учун тиришди.
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда
Унинг қилган бу ишлари бўш ишди.

Марсия аввалидаги “Қўлиндаги тутам-тутам гулини Қабринг топиб, сочмоқ учун тиришди” сатрлари Махмудхўжа Беҳбудийнинг Чўлпон учун нечоғлиқ қадрли сиймо эканига далил бўла олади. Академик Наим Каримов Beҳбудийнинг фожиали ўлими тўғрисидаги хабар 1921 йилнинг март ойида келгани ҳақидаги Ҳожи Муин хабари ишонарли эмаслигини таъкидлар экан: “Фитрат, Чўлпон ва С.Айнийнинг Beҳбудий вафотига бағишлиланган шеърлари 1920 йилда ёзилгани” [3]ни бунга далил сифатида келтиради. Олимнинг фикрича: “Беҳбудийнинг содик дўстлари ва издошлари устоз ҳалок этилганидан бир йил ўтгач, 1920 йилнинг апрель ойида хабар топганлар. Улар шу вақтнинг ўзиданоқ Beҳбудий ўлими сирларини билишни, унинг жасади қаерга дафн этилганини аниқлашни шогирдлик бурчи деб билганлар” [3]. Лекин Чўлпон таъбири билан айтганда, “Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда” бунинг имкони топилмаган. Шунинг учун ҳам шоир қаламидан қалбидаги изтироб оҳанглари тўкилади:

Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида
Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакка
Ҳамда аччик хиддатим-ла ул ерда
Оқ каллалик қора девни сўкмакка.

“Оқ каллалик қора дев” – мустабид тузумни Чўлпон шундай таърифлайди. У билан олишмоққа ожизлигидан афсус-надоматлар чекади. Ўзини Beҳбудийнинг издоши деб санаган, унинг пок руҳи олдидаги масъулиятни теран ҳис этган Чўлпон устозига муносиб бўлишга шай эканини алоҳида уқтиради. Бамисоли устози каби шеърият осмонида юлдуз бўлиб, ярқираб нур сочиш ҳақидаги орзунини қуидагича талқин этади:

Шунинг учун юлдуз каби ярқираб
Элда қолган исминг билан турамен.
Шул исмни эслаб чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимиrlамай юрамен.

“Азиз отам” сифатлаши ҳам Чўлпоннинг Beҳбудийга бўлган ҳурмати қанчалар баланд бўлганидан далолат беради. Шодлик гули сўлиб, қўлида мотам гули тутган шогирд кўнглидаги дард чўнг, изтироблари чегара билмайди. Мана бу сатрлар ана шу туйғуларнинг бадиий ифодаси ўлароқ ижод этилганини пайқаш қийин эмас:

Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканини билмайсен.
Шодлик гули қўпдан бери сўлганин
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсен.

Юқоридаги байтни шарҳлар экан, чўлпоншунос Нормат Йўлдошев мана бундай фикрларни билдиради: “Гул – тимсол сифатида табиат ва инсон руҳиятидаги уйғунлик, илоҳий бирлик моҳиятини ташкил этса-да, юқоридаги парчаларда полифоник хусусиятидан ташқари, давр фожиаларини ёритишда муҳим восита бўлиб келган” [2]. Дарҳақиқат, шоир қўлидаги гулларнинг “мотам гули” экани, “шодлик гули қўпдан бери сўлған”и тасвири замирида миллатнинг тараққий боғи хазонга айланиши жараёни ифодаланганки, бундай талқин марсиядаги изтироб оҳангини кучайтиришга хизмат

қилган.

Чўлпон 1913 йилдан Беҳбудий муҳаррирлик қилган “Ойна” журналига мақола ва хабарлар жўнатиб турган ва унинг ижодини кузатиб борган. “Падаркуш” драмаси ҳақидаги фикрларида ҳам буюк замондошига бўлган эҳтироми ифодаси кузатилади: “Падаркуш” ёзилғандин кейин ёшларимизда катта бир рағбат ҳосил бўлуб, ҳар шаҳарнинг саҳналарида ўйналди. Тошканд, Самарқанд, Хўқанд каби марказларда икки-уч мартаба ҳам ўйналди. Ишта булар миллатнинг интибоҳига (сезгирик, хушёрги) хайрли бир фолдир...”.

Чўлпон “Икки йўқотиш” мақоласида ҳам “Маҳмудхўжа отамиз садаф доналарининг имоми бўлиб кетдилар”, – дея ўқинч билан таъкидлаб ўтган. Беҳбудийнинг фожиали ўлимидан нафакат Чўлпон, балки бутун Туркистон таъсирланган. Бу ҳақда 1920 йил Самарқандда чоп этилган “Меҳнаткашлар товуши” газетасидаги мақолада шундай дейилган: “Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихига ёруғ бир чароғ эди. Маҳмудхўжанинг оти Туркистон тарихига зийнатлик мумтоз ўринни олишга муносиб бир зотдир” [3].

Марсия қуидаги аламли сатрлар билан ниҳояланади:

Ана, сочдим қалбимдаги гулларни,

Термак учун чақираман қулларни...

Ушбу мисраларда Чўлпон ўзи сочган мотам гулларини, исён гулларини термак учун қулларни чақирав экан, улар қалбида мустабид тузумга нисбатан нафрат, озодлик учун курашга интилиш учкуни пайдо бўлишидан умид қиласи. Марсиянинг бундай якуни шоир мансуб миллий ўйғониш шеъриятининг моҳиятини ўзида мужассам этгани жиҳатидан характерлидир.

Хуроса қилиб айтганда, Чўлпоннинг устози Маҳмудхўжа Беҳбудийга бағищланган марсияси мазкур жанрнинг оригинал намунаси бўлиши баробарида, шоирнинг маслаги, миллий озодлик ғояси йўлидаги сабот ва матонати бадиий талқин этилгани жиҳатидан ҳам аҳамиятлидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жабборов Н. Маърифат надир. – Тошкент: Маънавият, 2010.
2. Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж: филология фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация. – Тошкент, 1994.
3. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O‘zbekiston, 2008.
4. Чўлпон. Асарлар. Тўрт жилдлик (Тўплаб нашрга тайёрловчи Наим Каримов). – Тошкент: Akademnashr, 2016.
5. Қосимов Б. Танланган асарлар. II жилд. – Тошкент: Fafur Fulom, 2022.
6. Куронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010.



G‘ULOM ZAFARIY DOSTONLARIDA DAVR RUHINING AKS ETISHI

Olim Donayevich USMONOV

dotsent

filologiya fanlari nomzodi

Alisher Navoiy nomidagi o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

Toshkent, O‘zbekiston

usmonovolim@navoiy-uni.uz

Annotations

Ushbu maqolada shoir G‘ulom Zafariyning “Vannaycha”, “Cho‘pon Temir” va “Yoshlar endi berilmas” dostonlari haqida fikr yuritiladi.

Tayanch so‘zlar: yangi zamon dostonlari, poema, kashshof, o‘zbek Otellosi, huquqi nisvon, realistik ifoda.

ОТРАЖЕНИЕ ДУХА ВРЕМЕНИ В ПОЭМАХ ГУЛЯМА ЗАФАРИ

Олим Донаевич УСМАНОВ

доцент

кандидат филологических наук

Университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навоий

Ташкент, Узбекистан

usmonovolim@navoiy-uni.uz

Аннотация

В этой статье анализируются дастаны поэта Гулома Зафари «Ваннайча», «Чабан Темир» и «Молодежь».

Ключевые слова: дастаны нового времени, поэма, пионер, узбекский Отелло, феминизм, реалистическое выражение.

XX asrning birinchi choragi o‘zbek adabiyoti tarixida keskin o‘zgarishlar davri bo‘ldi. Ming yildan beri Sharq madaniy muhitida rivojlanib kelgan o‘zbek adabiyotiga bu davrda G‘arb adabiyotiga xos unsurlar kirib kela boshladı. She’riyat ijtimoiylik kasb etdi. Ovro‘po usulidagi teatr paydo bo‘lishi natijasida dramaturgiya shiddat bilan rivojlandi, roman va boshqa janrdagi asarlar ham paydo bo‘ldi. She’riyatda an’anaviy aruz vazni o‘rnida barmoq vazni qo‘llanila boshladı. Bu davrda dostonchilik sohasida ham jiddiy izlanishlar olib borildi. Ovro‘po dostonchiligi badiiy tajribalari, Sharq mumtoz dostonchiligi va xalq og‘zaki ijodidagi baxshiyona dostonlarning badiiy xususiyatlaridan istifoda etilgan yangi liro-epik asarlar paydo bo‘ldi. Adabiyotshunos No‘mon Rahimjonov bu xususda shunday fikrlarni bildirib o‘tadi: “Ushbu davr poemachiligi (shu jumladan, lirkada ham) poetik tilida, badiiy uslubda klassik dostonchilikdan o‘tgan tantanavorlik, jimjimadorlik, ta’rif-tavsiflash anchagina saqlangan holda, asosan, realistik usul, realistik ifoda bosh kuchga aylana bordi. Poemalar tilining leksik sostavi, grammatik hamda stilistik qurilishi konkret real hayotiy mazmun, real tushunchalar

ifodasi bilan boyiy boshladi”[6;11].

Bunday asarlarni Fitrat “yangi zamon dostonlari” deb ataydi va shunday ta’riflaydi: “shoir, adib el adabiyotiga murojaat qilmay, o‘z ma’lumoti yo o‘z xayolining yordami bilan voqeiy, xayoliy bir qahramon to‘g‘risida doston yozsa, uning asari “yangi zamon dostoni” ataladir... G‘ulom Zafariyning “Cho‘pon Temir” va “Vannaycha” degan dostonlari shul yangi zamon dostonlaridir”[7; 97].

20-yillardan boshlab sho‘ro hukumati o‘z hokimiyatini pog‘onama-pog‘ona mustahkamlay bordi. Yangi ijtimoiy tuzum o‘zbek xalqi turmush tarziga ham birmuncha o‘zgarishlar kiritdi. Turmushda ro‘y berayotgan hodisalar adabiy jarayonga ham ta’sir o‘tkazmasdan qolmasdi. Bu davrda poetik tasvir vositalari silsilasiga bir qancha yangi badiiy obrazlar kirib keldi, sharq mumtoz she’riyatidagi tashbeh va majozlar yangicha ma’no kasb eta boshladi. Hayotda sodir bo‘layotgan jarayonlar, muammolarni badiiy tadqiq etishga urinilgan ilk asarlar paydo bo‘ldi. Yangicha ruhdagi adabiyot keskin sinfiy va siyosiy kurashlar vaziyatida kechdi. Xalq hayotidagi keskin tarixiy burilish, undagi ijtimoiy-siyosiy o‘zgarish hamda ma’naviy ehtiyoj ko‘plab yangi janrlarning paydo bo‘lishiga olib keldi. Davrning yangi g‘oyalari, voqelikdagi keskin, murakkab jarayonlar insonlar ruhiyatidagi evrilishlar, jamiyatdagi turli alg‘ov-dalg‘ov tufayli gangib qolgan xalqning o‘y-xayollarini aks ettirish adabiyotning galadagi vazifasi bo‘lib qolgan edi.

Adabiyotshunos Murod Ibrohimov bu haqda quyidagicha fikrlarni bildirib o‘tadi: “Yangi davr talabi voqelikni keng liro-epik shaklda aks ettiruvchi yangi janrlarning yaratilishini talab etardi. Bunday janr – poema G‘arbiy Yevropa va rus klassik poeziyasida bor edi. D. Bedniy, V. Mayakovskiy va boshqa rus shoirlari o‘z salaflarining an’analardan ijodiy foydalanib, 20-yillardayoq ko‘plab poemalar yarata boshladilar.

Kundalik hayotda ro‘y berib turgan voqealarni aks ettirishga, real kishilarning to‘laqonli obrazini yarata olishga qodir poema janri asta-sekin milliy adabiyotlarga ham o‘ta boshladi. Shu xil poemalar yaratishga intilishlar 20-yillar o‘zbek poeziyasida ham boshlandi”[4;224].

G‘ulom Zafariy dostonchilik sohasida ham kashshoflardan biri edi. Uning “Gulyor”, “Vannaycha”, “Cho‘pon Temir” “Yoshlar endi berilmas” kabi dostonlari o‘scha davr adabiyotida yangi hodisa bo‘lgan. Shoirlar bu asrlarida ham izlanish yo‘lidan borib, mumtoz adabiyotimizdagi ba’zi bir an’analardan voz kechmagan holda, asosan, xalqona usuldan foydalanadi.

Shoirlarning “Vannaycha” dostoni real voqealarga asosida yozilgan. Bu asar endigina tetapoya bo‘lib kelayotgan o‘zbek sahnasida charaqlagan yulduz misol bir yonib o‘chgan o‘zbek qizining fojiali o‘limi munosabati bilan yozilgan. Bu davrda sahnada o‘zbek ayollari kamdan-kam ko‘rinar, har qanday iste’dodli qiz ham o‘z san’atini sahnada namoyish qilishga jur’at qilavermasdi. Shunda sahnada “hur kabi go‘zal, qora ko‘z, qalam qoshli bir sanam” paydo bo‘ladi. Uning nay kabi nafis, jonli tovush bilan aytgan qo‘sishlari barchani o‘ziga maftun qiladi. El uni sevib, unga Vannaycha deb yangi ot qo‘yadi. Hayotda bo‘lib o‘tgan voqeaga romantik tus berilib, asarga To‘lin Oy obrazi kiritilgan. Muallif Vannaycha hayotida ro‘y bergen voqealarga ushbu obraz orqali o‘z munosabatini bildiradi.

Birinchi bo‘limda barcha shodu xurram, qora ko‘z, qalam qoshli go‘zal, uning mayin va shirali ovoziga monand Oyning ham kulib boqqan, gulu gulzorlarga yog‘du sochgan holati tasvirlanadi. Ikkinci bo‘lim bunga butunlay kontrast tarzda ifoda etilgan: To‘lin Oy boshqa bir tun odatiga ko‘ra borliqni kuzatishga chiqadi, ammo endi “gullar yo‘q edi ilgari kabi...

bulbul o‘rnida qarg‘alar edi”[1;8].

Ushbu mudhish voqealarga mutanosib ravishda:

Qurshadi havoni har yog‘in bulut,
Tun ham endi qop-qora bo‘lib,
Motam etdilar barcha koinot,
Qarg‘alar ham qag‘illashardi.

Bu damda barcha voqealarning guvoysi bo‘lgan “Oy ham endi yig‘lag‘on edi” [1;9]. Uchinchi bo‘limda G‘amli Oy yana ko‘k yuzida suzib yurarkan, o‘sha ma’lum bino ustida to‘xtaladi va u yerda odamlar to‘planib turganligining guvoysi bo‘ladi. Ular go‘zal qo‘sishchi qiz Vannaychaxonning o‘limidan chuqur qayg‘uga tushgan. El unga atab marsiya aytadi:

Havo bu kun dim bo‘ldi,
Chiqib qarang kim o‘ldi?
Esizgina, Vannaycha
Eri qo‘lida o‘ldi![1]

Asardagi Vannaychaning eri – uni o‘ta qudratli, ammo johil rashk bilan birgalikda sevuvchi yigit obrazi ancha jonli chiqqan. Sho‘ro davri adabiyotining eng katta qusuri – qahramonlarni ikkiga – ijobiy va salbiy qahramonlarga ajratib, birini oq, ikkinchisini esa faqat qora bo‘yoqlar bilan tasvirlashdan bu doston xoli. Shoir sevguvchi yigitning ko‘r rashk oldidagi ojizligi, qalb fojiasi, iztirobu alamlarini ham ko‘rsatib berishga uringan. Yigit o‘z qurbanini o‘ldirib shunday ketavermaydi, u o‘ksib-o‘ksib yig‘lab, pushaymonlar qiladi, kesilgan boshni qo‘liga olib, uni kechirishni yolvorib so‘raydi. Ikki o‘t o‘rtasida o‘rtanayotgan, to‘xtamasdan yuzini timdalab yig‘layotgan yigitning qalb fojeasi tasviri o‘quvchini larzaga soladi, o‘z rashkining qurbanini bo‘lgan o‘zbek Otellosiga nisbatan kishida jinday achinish hissi paydo bo‘ladi.

“Vannaycha” dostoniga yozilgan taqrizlarda “muallifda Vannaycha qotilini qat’iy qoralash pozitsiyasi yetarli sezilmasligi” [5;213] deb tanqid qilingan. O‘sha davr ruhini, odamlar psixologiyasini, qolaversa, badiiyat talablarini hisobga olmasdan bunday fikr bildirish, bizningcha, bir yoqlamadir. Agar yigit o‘z qurbanini hech bir iztirobsiz va qayg‘usiz ko‘mib ketaverGANIDA bu obraz biz uchun sovuq va yoqimsiz bo‘lib tuyular edi. Jamiyatda hukm surgan axloqiy burch va qoidalar hamda rashk bilan muhabbatning to‘qnashuvi asar dramatizmini kuchaytirgan, uning badiyiligini oshirgan.

Doston kamchiliklardan ham xoli emas. Shoir ijodi haqida yozgan Berdiali Imomov ta’kidlaganidek, “dostonning ritmik-intonatsion qurilishida g‘alizliklar sezilishini ham aytib o‘tish kerak. Bundan tashqari, asardagi Vannaycha qismatini Oyning kuzatuvi orqali ifodalab, uni o‘ragan sharoit, kishilar muhiti deyarli ochilmaganligini shoirning romantizmga mansub fikrlash prinsipi orqaligina izohlash va oqlash mumkin [5;213].

Xalq qo‘sishchisi Vannaycha o‘limi munosabati bilan Cho‘lpon ham mansura shaklida doston yozgan edi. Faqat Cho‘lpongagina xos bo‘lgan nozik tashbehtar hamda dardu alamlar hosilasi bo‘lgan ushbu asarda G‘ulom Zafariy dostonidan farqli o‘laroq shoir qalbida Vannaycha fojiasi munosabati bilan paydo bo‘lgan tuyg‘ular, chuqur qayg‘u bevosita o‘z ifodasini topgan:

“Vannaycha – erkinlikka intiluvchi bir o‘zbek qizi...

Vannaycha sodda bir osiya.

U fransuz huquq nisvoni (feminizmi)ning timsol mujassami bo‘lgan Juzanna Valentin emas...

Unda Juzanna Valentinning yuksak falsafiy, ilmiy qarashlari yo‘q. U Juzanna Valentin kabi oila turmushiga, er-xotin bo‘lib turishga qarshi qo‘zg‘olg‘on emas.

U faqat Turkiston qullig‘ig‘a, musulmon an’anasining behuda taassubiga qurbon bo‘lgan bir o‘zbek qizidir...

Gulidan ayrilg‘on, sahna, kel, ko‘nglingdagi alamlarga qo‘limdan kelgan qadar tilmochlik qilay! Qizidan ayrilgan, xalq, kel, qayg‘ilaringni o‘rtoqlashay”[8;308].

Xalq qo‘shiqchisi Vannaychaning o‘limi har ikki shoirni ham birday larzaga solgan, ular chekkan iztirob qalblaridan doston bo‘lib sizib chiqqan.

Ming yillikurf-odatlar, e’tiqodlarning zilketishi, dunyoqarashlarning shafqatsiz to‘qnashuvi qurbonlarsiz kechmaydi. Ana shu jarayonda odatda Vannaycha singari o‘z davridan ilgarilab ketgan kishilar qurbon bo‘ldilar.

Vannaychaxonning fojiali qismati G‘ulom Zafariyning “Halima” dramasida bosh rolni ijro etgan birinchi o‘zbek aktrisasi Tursunoy Saidazimova taqdirida ham takrorlandi. U ham Vannaycha singari o‘z eri tomonidan o‘ldirilgan. Bu voqeа munosabati bilan Cho‘lpon ham, Hamza ham yozdilar.

G‘ulom Zafariyning “Cho‘pon Temir” nomli dostonining mazmuni “Oshiq G‘arib”, “Tohir va Zuhra” kabi xalq kitoblarini yodga soladi. Ko‘plab ertak va dostonlarda uchragani kabi bu dostonda ham befarzand boy kambag‘alning o‘g‘li Temirni o‘ziga asrandi o‘g‘il qilib oladi. Temirning qadami yoqib, boy xotini ham qiz ko‘radi. Yillar o‘tib, Temir va boyning qizi Gulusal voyaga yetadilar. Ular o‘rtasida samimiyy muhabbat hislari paydo bo‘lib, ular bir umr birga bo‘lishga ahdu paymon qilishadi. Bundan xabar topgan boy qizini kambag‘al yigitga berishdan or qilib, Temirni o‘z xonadonidan quvib yuboradi. Temir tog‘u toshlarda cho‘ponlik qilib yurib, yor firoqida azoblar chekib mungli qo‘shiqlar aytadi. Bu dardchil qo‘shiqlarni tasodifan eshitib qolgan Boburshoh sevishganlarning bir-biriga yetishishiga yordam beradi. U qizning otasini chaqirtirib, uni koyiydi, Gulusalni keltirib, to‘yu tomoshalar bilan Temirga nikohlab beradi. Doston ana shunday nekbin kayfiyatda yakunlanadi.

Shoir o‘z g‘oyaviy niyatini yuzaga chiqarishda yordamchi va shartli obrazlardan unumli foydalanadi. Asardagi Qo‘buzchi va Qo‘buz obrazlari bunga misoldir. Qo‘buzning Temir va Gulusal tilidan aytgan xalq dostonlari ruhidagi dialoglarida asarning badiiy ko‘rkamligi yarq etib ko‘zga tashlanadi:

TEMIR:

Qalam qoshli, qaro ko‘zli,
Qizil yuzli, totli so‘zli,
Qaro sochli, go‘zal yorim
Gulasalxon, sevdim seni.

ASAL:

Yoshligimda bilmas edim,
Ko‘ngil dardin bilmas edim,
Sevgi ekan, endi bildim
Temirxonim, sevdim seni[2;29].

Folklor asarlariga xos ravon, xalqona tildagi ixcham shakldagi ushbu sermazmun misralarni ommaning qabul qilishi oson edi. Shoirning g‘oyaviy-estetik niyati ham keng xalq ommasiga adabiyot orqali ta’sir qilib, unga estetik zavq bag‘ishlash, imkon darajasida ma’rifat

tarqatish bo‘lgan. G‘ulom Zafariyning “Cho‘pon Temir” dostonida ham xalqona ruh sezilib turadi, shoir o‘z asarini yaratishda xalqning boy ma’naviy merosiga suyanadi, uning o‘zidan olib o‘ziga qaytaradi. Shoir Temirning qalb kechinmalari, hijron azobida kechirgan iztiroblari, orzu-armonlarini ifodalashda xalq qo‘shiqlaridan samarali foydalanadi:

Machit bo‘lsa madrasa, ey yor-yor-yor!
O‘rtasida yo‘l bo‘lsa, ey yor-yor-yor!
Bir odil podshoh bo‘lsa, ey yor-yor-yor!
Har kim sevganin olsa, ey yor-yor-yor!
Sevgan sevganin olsa, ey yor-yor-yor!
Sevmagan qarab qolsa, ey yor-yor-yor!

“Cho‘pon Temir” dostonining yana bir o‘ziga xos xususiyati shundaki, asarga zamonaviy o‘zbek adabiyotida bиринчи bo‘lib xalq idealidagi shoh – Bobur obrazi kiritilgan. Xalq orzusidagi odil shohlarning umumlashgan namunasi bo‘lgan Bobur obrazi asarda romantik ruhdagi yorqin bo‘yoqlarda tasvirlanadi. U sevishganlar tomonida turadi, ularning oldida paydo bo‘lgan to‘sиллarni, mushkulotlarni adolatli ravishda hal qilib beradi, hattoki, bu haqda farmon ham chiqaradi:

Xon dedi: Ey mirzolar,
Yozing ushbu buyrug‘im.
Bilsin katta-kichiklar,
Bul mening odilligim.
Ul bir-birin sevsu kim,
Olsin o‘sha chog‘ – u kim.

20-yillarda xalq va jamiyat hayotida jiddiy o‘zgarishlar yuzaga kela boshladi. Qaddini rostlab olgan yangi tuzum o‘z qonunlarini joriy qila bordi. Bu hol kishilar ruhiyatiga, qarashlariga ham o‘z ta’sirini ko‘rsatdi. Turmushdagi bunday hodisalar adabiyotda o‘z aksini topmasligi mumkin emas edi. Adiblar oldida yangi turmush taqdim qilgan mavzularni o‘zlashtirish, yangicha ruhdagi insonlar dunyoqarashi tadrijini ifoda etish vazifasi turardi. G‘ulom Zafariyning “Yoshlar endi berilmas” [3;15] dostoni mana shu yo‘ldagi urinishlardan biri bo‘ldi. O‘sha davrdagi qishloq turmushidan olib yozilgan bu doston yosh kelinchak Cho‘lponoyning paxtazor oralab yurgandagi holati tasviri bilan boshlanadi. To‘g‘онни boy uzoqqa qo‘y boqishga yuborgan. Cho‘lponoy o‘z yorini sog‘inib, yolg‘izlikdan qiynalganida To‘g‘on ekkan g‘o‘zalarning barq urib gullaganini ko‘rib, shu bilan ovunadi. Shu holatda uni boy ko‘rib, es-hushi boshidan uchadi, unga “oshiqu beqaror” bo‘lib qoladi. Boy ko‘nglida, qanday qilib bo‘lsa-da, go‘zal kelinchakni o‘ziga og‘dirish rejasi tug‘iladi. U razil niyatini amalga oshirish uchun Cho‘lponoya o‘zini o‘ta mehribon qilib ko‘rsatadi, xushomadlar qiladi. Cho‘lponoy boyning soxta mehribonchiligi, sirli harakatlariga bo‘lgan shubhasini asossiz deb o‘ylaydi. Va nihoyat, boy o‘z “muhabbat”ni oshkor qiladi, unga molu dunyo va’da qiladi, ko‘nmagach, do‘q uradi. Lekin yoshlar endi ilgarigidek emas. Ma’rifatparvar ziylolar olib borgan kurash beiz ketmagan. Yoshlar endi o‘z haq-huquqlari uchun kurashadilar. Cho‘lponoy boyning do‘qidan cho‘chimaganidek, yolvorishiga ham e’tibor qilmaydi. Boy uning nomusiga tajovuz qilmoqchi bo‘lganida, u boyga pichoq sanchadi. Shu tobda To‘g‘on va Vakilalar paydo bo‘lishadi. Boy jon talvasasida ham hiylasini qo‘ymaydi, To‘g‘onga: “O‘g‘lim, barcha molim seniki, yer, suv, hovli-joy, men yanglishdim, kechir”, deb yolvoradi.

20-yillarda sho‘ro hukumati xalqqa nisbatan o‘ta makkorona siyosat olib borib, ba’zi bir juz’iy islohotlar bilan xalqni o‘ziga ag‘darmoqchi bo‘lgan. Shu yillarda amalga oshirilgan boylarni, xususiy mulkni tugatishdan maqsad barchani kambag‘allashtirish, qashshoqlar davlatini tuzish edi. Chunki qashshoqlarni aldash va boshqarish oson. Sho‘ro davlati olib borgan bu siyosatning “afzalligi”ga oddiy xalqqina emas, hatto ziylolar ham asta-sekin ishona bordilar.

To‘g‘onning so‘zlari uning va u tengilarning sho‘rolarga ishonganining belgisigina emas, hayotda yuz bergen turli o‘zgarishlar bois To‘g‘onlarning ko‘zi ochilgan, ongida va dunyoqarashida o‘zgarish yuz bergen. Shuning uchun ham odamlarning yangi voqelikka, mehnatga va jamiyatga munosabati ilgarigidan farq qiladi. Buni To‘g‘on va Cho‘lponoylarning boyga qarshi dadil harakatlari va uni yengib chiqishlaridan ham ko‘rish mumkin.

“Yoshlar endi berilmas” dostonida ham muallifning sho‘ro hukumati tomonidan olib borilgan yer islohotini qo‘llab-quvvatlagani ko‘rinadi. Dostonda shu davr o‘zbek liro-epik asarlariga xos bo‘lgan badiiy tilning xomligi, vazn va qofiyada ohangdorlikning yetishmasligi, voqenavislik kabi kamchiliklar uchraydi. Shu bilan birga shoirning portret va manzara yaratishdagi mahoratini ham chetlab o‘tmaslik kerak.

Xulosa qilib shuni aytish mumkinki, G‘ulom Zafariy shoir sifatida yangi o‘zbek dostonchiligining paydo bo‘lishi va rivojlanishiga muayyan hissa qo‘shdi. Uning xalqona ruhdagi, sodda til va uslubda yozgan dostonlarida o‘sha davr ruhi, yangi zamon kishilarining ruhiyatidagi ziddiyatlar haqqoniy ochib berildi. Bu dostonlar yangi o‘zbek dostonchiligining tug‘ilishi va taraqqiy etishida bir bosqich vazifasini o‘tadi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Зафарий, Гулом. Ваннайча. //Инқилоб, 1924. – №9–10.
2. Зафарий, Гулом. Чўпон Темир. //Инқилоб, 1924. – №13.
3. Зафарий, Гулом. Ёшлар энди берилмас. //Маориф ва ўқитувчи, 1926. – №5.
4. Иброҳимов М. Ўзбек совет поэзияси жанрларининг таркиб топиши (1917–1930). – Тошкент: Фан, 1983.
5. Имомов Б. Гулом Зафарий – шоир ва драматург // Шарқ юлдузи, 1981. – №11.
6. Раҳимжонов Н. Ўзбек поэмачилигининг шаклланиш хусусиятлари //Ўзбек тили ва адабиёти, 1987. – № 6.
7. Фитрат. Адабиёт қоидалари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995.
8. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. 2-жилд. – Тошкент: Фан, 1993.



НАСРДА ҚАҲРАМОН РУХИЯТИ ТАСВИРИ

Гузал Амиркуловна ХИММАТОВА

доцент

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Термиз давлат университети

Термиз, Ўзбекистон

gozalximmatova97@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада афғон уруши мавзуси ва унинг инсон руҳиятига таъсири ҳамда салбий оқибатлари борасида сўз юритилади.

Таянч сўзлар: инсон, мавзу, ҳаёт, ҳис- туйғу, руҳият, уруш, афғон.

ИЗОБРАЖЕНИЕ ПСИХОЛОГИИ ГЕРОЯ В ПРОЗЕ

Гузал Амиркуловна ХИММАТОВА

доцент

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Термезский государственный университет

Термез, Узбекистон

gozalximmatova97@gmail.com

Аннотация

В этой статье речь идет о теме афганской войны, ее влиянии на психологию человека и отрицательных последствиях.

Ключевые слова: Человек, тема, жизнь, чувства, психология, война, афган.

Инсонлар тақдири сингари фожиаси ҳам турли хил. Айниқса, уруш инсон тақдирини ўзгартириб юборади. Аслида урушнинг ўзи энг катта фожиа.

Уруш мавзусидаги асарларда фожиавийлик масаласи алоҳида ўрганилиши муҳим бўлган масалалардандир.

Ҳаёти бир маромда кечаётган инсон тақдирининг буткул ўзгариб кетиши, унинг руҳияти, зоҳири ва ботинидаги ҳис-туйғулари, кечинмаларининг бадиий талқини Қ.Норқобил ҳарбий насридаги қаҳрамонлар тақдирида ўз аксини топади.

Адибнинг “Уруш сурати” ҳикоясида уруш бир оиланинг ёлғиз фарзандидан жудо қилгани, қари чол-кампир қолиб, ёш йигитнинг жувормаг бўлгани, чол эса тирик бўла туриб ўликтай яшаётгани ҳақида ҳикоя килинади. Қуйидаги жумлаларга эътибор қаратамиз: “Ёлғиз – ёлғиз ўғил. Ғулом бобо билан Ойсара холанинг ёлғизи, ортида қоладиган ёруғ изи.

Ҳарбийга чақирав келди. Ёлғизни афғон урушига олиб кетишиди.

Хола кўп йифлади. Холанинг қўзи хира тортди. Хола кўрмай қолди. Хола: “Ҳали

ўғлим келса, кўзим очилиб кетади”, деб қўярди. Соғинч дарди, таҳлика азоби холанинг ич-ичини ҳам куйдириб кетди. Бир йил ўтар-ўтмай хола омонатини эгасига топшириди. Ғулом бобо букчайиб қолди. Икки кўзи эшикка қадалди. Фақат эшикни кўрди. Ёлғизининг йўлига тикилди икки кўзи. Пахса деворга омонат илинган пастак эшик тиқ этса, бобонинг юраги шиф этади. Жони халқумига келади. Нураб, тўкилиб кетаман деб турган озурда кўхна кулбадан отилиб чиқиб, ялангоёқ юргилайди. Овулдошу қўни-кўшни далда беради: “Келади бобо, келади, Ёлғизингиз келади...”

” Ёлғиз келмади. Темир тобути келди. Эл-эломон бир қалқди – уввос урди эл-эломон: “Нотанти тақдир, келиб-келиб шугина ёлғиз чолнинг Ёлғизига чанг соласанми?..”

Бобо гарангсиб қолди. Эси кирди-чиқди бўлди... [5].

Юқоридаги парчадан кўринадики, ёзувчи кичик бир тасвирданоқ урушнинг асоратларини акс эттирган. Аввало, урушнинг инсон руҳиятига таъсирини акс эттириш адибнинг асосий мақсадларидан бири эканлигини сезиш қийин эмас. Бу нафақат чол ва кампирнинг изтироблари ва дардлари, балки фарзандларини урушга жўнатиб, фарзандларининг ўзини эмас, тобутини қучоқлаб йиғлаган инсонларнинг ички кечинмалари ифодасидир.

Қўчқор Норқобил моҳият-эътибори билан уруш изтироби, азобли оғриқларини тасвирлар экан, умр баҳорининг қаҳратонга айланиш жараёнини ифодалайди. Инсоннинг 18 ёшдаги беғубор, маъсум ҳолати, ҳаёт завқи нашидасидан масрур бўлиб, оламга меҳру-муҳаббатга тўла нигоҳ билан боқсан ёшларга зид тарзда бу даврда кўпгина азобу қийноқларни, уқубатларни бошдан кечирган ўсмирлар ҳаёти ёритиб берилади...

... Инсонийликни бой бериш, юрт ва миллат тақдирни, ҳаёт-мамот масаласи ҳар бир жумла қатидаги чексиз дард, фифон, инсониятни – мудроқ қалбларни огоҳликка даъват этади. Қаҳрамон туш ва хуш орасида онгини кемираётган зулмат пучмоқлари, уруш хотираларини енгишга интилади. Бироқ унинг иродаси, куч-кувати емирилиб, қабоҳат асирига айланади. Афғон уруши оила, жамият, миллатни яксон қиласи. Ҳар бир халқа ич-ичидан узилади, вайронкор кучлар мақсадига эришади. Энг ёмони, у инсониятнинг барча қатламига ўлим шаробини улашади.

Қўчқор Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғи”, “Қоронғу уй” қиссаларида ҳам масаланинг бошқа жиҳати қамраб олинади. Бунинг боиси шуки, уруш фожиалари муаллиф – аёвсиз жанглар иштирокчисининг қалбидан ўтади, дил азобига айланади. Қисса қаҳрамони ҳикоячи ҳар бир аскар вафотида руҳан азобланади, қаҳрамон ҳолатига дардкашлик ҳисси устун келади” [3;90].

Ўтган асрнинг 80–90-йилларига мансуб Қўчқор Норқобил ижодида уруш мавзусининг бош мезонга айланиши тасодифий эмас. Афғонистон урушида иштирок этиши унинг уруш мавзусида қўлига қалам олишга мажбур қилди. Уруш унинг абадий ижод қисматини белгилаб берди.

Филология фанлари доктори, профессор Д.Тўраев ўзининг олиб борган илмий тадқиқотида қуидаги фикрларни келтириб ўтади: “Ёзувчилар ўз қаҳрамонлари характерларини кашф этиш жараёнида турмушда учраб турувчи тасодифий хусусиятлар муаммоларни эмас, аксинча инсон шахсининг туб моҳияти ва ўзагини ташкил этувчи, нисбатан барқарор ва давр билан биргаликда унга ҳамоҳанг равишда борадиган хусусиятларига, ижтимоий турмуш ва муҳит таъсирида таркиб топган асосий ирода йўналишини белгиловчи етакчи жиҳатларга таянишди” [3;6].

Адабиётшунос олим Илҳом Ҳасановнинг қуидаги мулоҳазалари ҳам айни

мавзумизга мос келади: “Даврнинг туб моҳиятини, унинг муаммолари, мусбату манфий жиҳатларини ўз тақдирида мужассамлантира олган қаҳрамонларгина яшашга ҳақлидирлар, ўз даврининг муносиб фарзанди сифатида келгуси авлодлар томонидан қайта-қайта эсланишга лойиқдирлар. Жаҳон адабиётининг узоқ ва бой тажрибаси шундан далолат беради” [4;84].

Кўчкор Норқобил ижодида руҳият тасвири алоҳида ўрин тутади. Адаб даврнинг муаммолари, инсонлар орзулари, дардлари, ўйлари, армонларини қаҳрамонлари тақдирида акс эттиради. Аввало, ёзувчи миллий рух, урф-одатлар, анъаналар, тилимизни ўз ижодида ифодалайди. Миллат руҳиятини, инсон тақдирининг турфа эканлигини талқин этади.

Дарҳакиқат, ижодкор қалам ахли олдида ҳар бир даврда улкан масъулият туради. У ҳам бўлса, даврни бор бўй-басти билан тасвирлаш. Ижодкор қаҳрамони орзу-армонлари, ботиний ва зоҳирий оламини акс эттириш орқали давр ва одамлар қисматини бадиият орқали тарихга ёзади. “Бадиий асар инсон руҳиятига таъсир этувчи санъат ҳосиласи. Сўз оҳанги, маънолар асрори турфа ҳолат, вазиятни теран ифодалашга йўналтирилади. Қаҳрамон сурати-ю, сийратини ёритиш, ундаги эврилишни етказиш ижодкордан нозик дид, юксак салоҳиятни талаб этади”. Албатта, бадиий адабиёт бу борада ўз талабларига эгадир. Ижодкор руҳининг бой бўлиши адабиётнинг муҳим шартларидан биридир.

Бу борада эса, Қ.Норқобилнинг “Қуёшни ким уйғотади?” асарини таҳлилга тортишимиз ўринлидир. Асарда Афғонистонда кечган уруш ва ундан кейинги йиллар хотиралари жамланган бўлиб, бу урушнинг инсон руҳиятига таъсири чиройли чизгилар орқали очиб берилган.

Асарнинг илк саҳифаларида шундай сатрларга дуч келамиз: “Сиз мени тушунишга уриниб кўрганингиздан хурсанд бўламан. Тушуна олмаганингиздан хафа эмасман. Баъзида ўзимга оғирлик қилаётган ўлим – хотиралар гирдобидан омон чиқишининг ягона йўли бепарволик деб ўйлайман-да, одамлар дарёсининг ҳаёт оқимида ҳамма қатори яшашга чоғлана бошлайман.

... Ёшим ўттиз бешга етди. Дўстларимнинг айримлари ақлдан оғаяпти. Касалхонада асаб, бош зўриқиши касалига чалиниб даволанишяпти. Мен уларнинг абгор бўлиб бораётган ҳаётини кўриб чидай олмайман. Кечаси ухлолмайдилар. Бақириб-чақиришади. Алаҳсирашади. Босинқираб уйғониб кетадилар. Улар хотира жароҳати хасталигига йўлиқишишган.

Ўттиз беш ёшга кириб ҳаёти вайрон бўлган дўстларим. Йўқ, аслида, анча йиллар илгари ўн саккиз ёшда уруш билан илк бор юзма-юз келиб, юракда қўрқув ўрмалаб, ботинда нимадир чирт узилиб кетган палладаёқ ҳаётимиз издан чиқиб кетган эди.

Орадан шунча йиллар ўтаяпти. Вақт ўтган сайин хотиралар қайтадан уйғонишини, уруш кўрган одамлар умр бўйи урушда яшashi, урушдан орттирилган дарднинг тузалмас оғриқ эканини ҳам билавермайди.

Баъзида бу ҳаётнинг шунчаки қийинчиликларига дуч келсан, мен урушда шу бугун, шу нарсани кўришим учун ҳам ўлиб кетмаган бўлсан ажабмас... шунга шунча сиқилиш керакмикин, деб қўл силкиб қўя оламан. Бу бир томондан яхши. Бир томондан эса, кишида ҳаётга нисбатан ҳафсаласизлик уйғотади.

Гоҳида бу кунларни кўрмаслигим ҳам мумкин эди. Ўлиб кетишим ҳам мумкин эдик, деган ўй билан ўзимга таскин бераман. Қатъият билан ҳаракат қиласман. Ўзимга ишончим ортади.

Баъзида худога шукур дейман. Мен айрим дўстларимга ўхшаб ақлдан озаётганим йўқ. Хотира хуружининг оғриғига дош бераяпман. Тилим бормаяпти, лекин айтаман, ҳаётда кераксиз кимсага айланниб қолмаганман.

Кечалари ортимдан қувлашади, отишади, рўпарамда қурол ўқталиб туришади, портлатишади, танклар билан устимга бостириб келишади, хуллас, алаҳсийман. Бехосият тушлар...

Уруш тугаганига, яъни, урушдан қайтганимга 15 йил бўлди, лекин менинг умримда уруш тугагани йўқ. Ҳар куни урушни эслайман. Мажбур бўламан эслашга. Нега шундай, билмайман” [1;322].

Инсон ҳаётидаги воқеа ва ҳодисалар бора-бора хотирага айланади. Йиллар ўтиши билан хотиралар жонланади. Яхши бўлса, энтикиб, ширин лаҳзаларни ёдга оламиз. Агар ҳаётингиздаги энг ёмон хотиралар бўлса-чи? Қачондир ўзингиз истамаган ҳолда ғам-ғуссали ёки даҳшатли хотираларни эслашга мажбур бўласиз. Муаллифни ҳам уруш хотиралари қийнайди. Унга тинчлик бермайди. Адиб шундай ёзади: “Мен эски қўлёзмаларим ичидан авайлаб- асраб келаётганим кўк муқовали қалин жилдли иккита кундаликлар дафтаримни олиб вараклаяпман. Мен уни урушда тутганман. Деярли ҳар куни бир, бир ярим сахифа ўзим гувоҳ воқеаларни қофозга туширганман. Хуллас, йўлини топиб, шаклини ўйлаб-ўйлаб кўрсам дуппа-дуруст роман чиқади.

Шу кундаликлардан айрим воқеаларни эълон қилишга журъат қилдим. Мен бу орқали инсон тақдири, инсон юрагининг оғриқлари, ҳаётни севиш, қадрлаш, сабр ва матонат ҳақида фикр юритмоқчиман. Қолаверса, урушнинг нечоғлик даҳшат ва фожиа эканини изоҳлашнинг ҳожати бўлмаса керак” [6;323].

Адибнинг кундаликлари уруш майдонидан олинган жонли репортажлар эмас. Ёки кундалик воқеалар, уруш жараёнлари шунчаки баён қилинмаган. Балки, улар бадиий асар каби ёзилган, воқелик тасвирланган. Мана бу парча фикримизни исботлайди: “...Душман галаси тобора яқин келди. Бу орада уларнинг ортида, ҳимояда туриб бизга снаряд ёғдираётганлар икки жангчининг бошига етди. Хандакларнинг бирига снаряд тушиб, молдован Сасин ва украин Демчук ҳалок бўлди. Доғистонлик Разахонов ярадор. Оғзига темир парчаси тегди. Думбалоқ ошиб худди кучук боласидай аянчли аҳволда ванғиллаяпти. Взводдаги дўхтири унинг бир томони ўйилиб кетган юзига оғриқизлантирувчи ампула урди. Яна битта снаряд мен турган хандақ ёнида портлади. Юзимга оловли шамол урилди. Миямда зирқираб оғриқ қўзғолди.

Кўриниб турибдики, муаллиф ҳар бир ҳолатни аник, кичик деталигача тасвирляяпти. Душманнинг ташқи қиёфаси, портрети, ўзининг ички кечинмалари ҳам бадиий асаддагидек. Албатта, муаллиф бу ерда айборликни сезади. Лекин урушнинг ўз қонуниятлари бор: сен отмасанг, сени отишади.

Баъзан уруш одамни инсонийлик чегарасидан чиқаради. Ҳаёт-мамот учун қураш асосий масалага айланади. Қандай бўлмасин, урушда омон қолиш истаги кучли бўлади. Ўлим шарпаси ҳар доим кезиб юрадиган жанг майдонидан тирик чиқиш энг олий бахтга айланади. Бу қайтадан дунёга келиш билан баробардир. Қуролдошинг, сенга ўз яқинингдек бўлиб кетган сафдошингни қонга беланиб ётган танасини қўриш азоби руҳиятингни, қалбингни остин-устун қилиб ташлайди. Бора-бора дийданг қотади. Ўлим энди сени қўрқитмайди. Балки ҳар лаҳза ўлимни қарши олишдан чўчимайсан. Қачондир тилка-пора бўласан-да, барча азблардан кутуласан.

Бу каби ҳолатлар урушнинг даҳшатини, бутун фожиасини акс эттириб турибди. Икки

аскарнинг ваҳшийларча ўлдирилиши муаллифга душманга нисбатан нафрат уйғотса, ўз армиясининг гуноҳиз қизалоқни бурда-бурда қилган ҳолати ҳам худди шундай ҳисни туғдиради. Албатта, бу ҳолатлар муаллифнинг руҳиятига ўз таъсирини ўтказади.

Бу қундалик қайдларда акс этган сўзлар ёзувчининг юрак тўридан чиқаётган қалб сўзлари, бу мисралар орқали тинч хаётнинг қадрига етиш, тинч-тотувликни ўрнини ҳеч нарса боса олмаслигини эътироф этади. Чунки бу каби ҳолатлар инсон руҳиятига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Умуман, ёзувчи ижоди, хусусан, насира уруш мавзусининг бадиий акс этишида унинг дунёқарашидаги ўзгаришлар ва бунга ўзи иштирок этган Афғон уруши сабаб бўлган. Адибнинг ижод қилишида, янги асарларининг дунёга келишида унинг қундалик қайдлари, кўзи билан кўрган воқеа-ҳодисалар асосий манба бўлиб хизмат қилаверади.

Хулоса қилиб айтганда, К.Норқобил асарларида собиқ тузум даврида ҳукм сурган ижтимоий муҳит фожиасини қаҳрамонлар руҳияти, кечинмалар орқали очиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Норқобил К. Қуёшни ким уйғотади? Қиссалар, ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007.
2. Расурова У. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт омиллари). – Тошкент: Qamar media, 2020.
3. Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. – Тошкент: Университет, 2001.
4. Ҳасанов И. Давр қаҳрамон тақдирида. Катта йўл бошида: адабий танқидий мақолалар. – Тошкент: Ёш гвардия, 1987.
5. <https://mudofaa.uz/26728/>
6. <https://mudofaa.uz/26728/>



FOLKLOR EKSPEDITSIYALARI KUNDALIKLARINING ILMIY- AMALIY AHAMIYATI

Barno To‘rayevna MIRZAYEVA

filologiya fanlari (PhD) bo‘yicha falsafa doktori
O‘zR FA O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti

Toshkent, O‘zbekiston
mirzayeva-70@mail.ru

Annotation

Maqolada folklor ekspeditsiyalari davrida folklorshunos olimlar tomonidan yozib borilgan shaxsiy kundalik daftarlardagi ba’zi qaydlar tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: folklor, ekspeditsiya, kundalik, doston, baxshi, ertakchi, folklorshunos.

НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ФОЛЬКЛОРНО- ЭКСПЕДИЦИОННЫХ ДНЕВНИКОВ

Barno Turaevna MIRZAEVA

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН РУЗ

Ташкент, Узбекистан
mirzayeva-70@mail.ru

Аннотация

В статье анализируются некоторые записи в личных дневниках, записанных учеными-фольклористами во время экспедиций.

Ключевые слова: фольклор, экспедиция, дневник, дастан, бахши, сказочник, фольклорист.

XIX asrning 20-yillaridan boshlab tinib-tinchimas folklorshunos olimlarning mislsiz mehnati tufayli juda ko‘p xalq og‘zaki ijodi namunalari yozib olina boshlandi. Eng qadim davrlardan beri yaratila boshlangan va og‘izdan-og‘izga o‘tib bizgacha yetib kelgan xalq og‘zaki ijodi namunalarini yozib olish va o‘rganish barobarida uni qayta xalqqa taqdim qilish borasida ko‘p ishlar qilindi. O‘zbek folklorshunosligining asoschisi Hodi Zarifov boshchiligidagi folklor ekspeditsiyalari tashkil etildi. O‘sha davrda ushbu ekspeditsiyalarda Buyuk Karimiyy, Mansur Afzalov, Muzayyana Alaviya, Zubayda Husainova, Muhammadnadir Saidov, To‘ra Mirzayev, Malik Murodov kabi folklorshunos olimlar ishtirok etdi.

Folklor ekspeditsiyasi tashkil etilishidan oldin Til va adabiyot instituti (hozirgi O‘zbek tili, adabiyoti va folklori instituti)ning Folklor bo‘limida Hodi Zarifov rahbarligida bo‘lim majlisi o‘tkazilib, ekspeditsiya rejaliari muhokama qilingan. Bu o‘rinda To‘ra Mirzayev shunday yozadi: “1964-yil 25-apreldagi sektor majlisida Farg‘ona vodiysiga uyushtirilajak

ekspeditsiya oldidan ustoz Hodi Zarifning aytganlarini bayon etish bilan cheklanishni lozim ko‘rdim. 60–70-yillardagi ekspeditsiyalar 20–30-yillardagidan jiddiy ravishda farq qiladi, – deya so‘z boshlagan edi ustoz. – U yillarda ulkan dostonchilar, mohir ertakchi va qiziqchilar barhayot edi. Bunday ijodkorlar huzurida bo‘lib, asl folklor namunalarini istagancha yozib olish mumkin edi. Shunday bo‘lgan ham. Ammo keng ma’noda olganda, folklor jarayonlarini kuzatishga, doston va ertakdan boshqa janrlarni, masalan, qo‘shiqlarni, marosim folklorini yozib olishga, og‘zaki badiiy ijod, uning tur va shakllariga nisbatan ijrochi va ijodkorlarning o‘z munosabatlariga doir materiallarni to‘plashga kam e’tibor berilgan... Hozir jonli ijroda mavjud namunalarni tezroq yozib olishga harakat qilish kerak” [4; 220–221].

Hodi Zarifov har bir ekspeditsiya o‘z oldiga aniq maqsad qo‘yishi zarurligini hamda ekspeditsiyalar ilgarigilarida yo‘l qo‘yilgan noaniqliklarga oydinlik krita borishi lozimligini alohida ta’kidlar edi. Hodi Zarifov folklor safarlari davomida nafaqat folklor materiallarni yozib olish ishlarini, balki dala kundaliklarini ham joriy qildi. Ushbu kundaliklar folklorshunoslarning safar chog‘ida ko‘rgan-kechirganlari, xalq ijrochisiga o‘z munosabati, ijrochi mahoratiga bahosi, ijro jarayoni va xalqning ijodkorga munosabati ochiqlanib borilgan. Bundan tashqari, ekspeditsiya a’zolarining kundalik vazifalari, folklor materiallarni qayd etib borish tartibi, ekspeditsiya davomida kimlar yordam berganligi haqida ma’lumotlar berilgan. Chunonchi, olimning 1958-yil yozdagagi safarini Shahrisabz tomonida kechganini yana bir kundalikdan bilib olamiz, u yozadi: “Stalin” kolxoziga yetib keldim. Kolxoz raisi Xurramov bilan so‘zlashib, Tosh shoirdan doston yozib olish uchun bir necha kunga kolxoz ishidan bo‘shatib qo‘yishga ruxsat oldim. Nosirov Shukurni Tosh shoir bilan tanishtirgan edim. 30-iyul erta bilan Tosh shoirning uyiga borib, doston yozishni tayinlab, birga Kitobga keldik. Mehmonxona yonidagi choyxonada bir kishi do‘mbira chertib, terma aytib o‘tirgan ekan. Bu shotirlik Hamro shoir edi. Meni ko‘rib juda quvondi” (ZO‘FA. Inv. №HZ-5. – B.24).

Ma’lumki, ekspeditsiya a’zolari 4–9 kishidan iborat bo‘lar edi. Hodi Zarifovning 1935-yili Farg‘ona vodiysiga uyushtirilgan ekspeditsiya kundaligining ilk sahifalarida shunday qaydlar bor: “O‘zbek tili adabiyoti ilmiy-tekshirish instituti O‘zbekiston Fan komiteti bilan birga Farg‘ona vodiysiga Folklor va lingvistik ekspeditsiya tashkil etdi. Ekspeditsyaning a’zolari to‘qqiz kishilik bir sostav tasdiqlandi. Ekspeditsiya boshlig‘i H.Zarifov, ekspeditsiya muddati 2 oy. Ekspeditsiya a’zolari: H.Zarifov B.Karimov, Sh.Rajabov, S.Zufarov, S.Ibrohimov, Yu.Sultonov, Sh.Abdullaeva, T.Ahmedov, M.Afzalov” (ZO‘FA. Inv. №2204. – B.1). Ekspeditsiya a’zolari uch brigadaga bo‘linib ish yuritishgan.

Farg‘ona vodiysi bo‘ylab uyushtirilgan ekspeditsiya davomida atoqli dostonchilar borligi aniqlangan. Hattoki, ularning repertuari va shogirdlari ham ma’lum bo‘lgan. Bo‘ri baxshi Sodiq o‘g‘li, Usmon Mamatqul o‘g‘li, Umrzoq baxshi Solixov va boshqalar shular jumlasidandir. 1937-yilgi yana bir folklor ekspeditsiyasi davrida “Alpomish” dostoniiing kam tarqalgan versiyasining bir variantini Farg‘ona viloyati Qo‘shariq qishlog‘ida yashagan Bo‘ri baxshi Sodiq o‘g‘lidan Ko‘qonning Beshkapa qishlog‘ida Yusuf Sultonov yozib olgan (ZO‘FA. Inv. №118). Bo‘ri baxshi boshqa o‘zbek dostonchilaridan farqli ravishda o‘zi bilgan doston va termalarni do‘mbirada emas, dutorda ijro etar edi. U dostonchilik yo‘llarini akasi Jo‘ra baxshidan o‘rgangan. Undan “Alpomish”, “Mast bachcha” kabi dostonlar hamda bir necha termalar yozib olingan. Uning “Kanal ichinda” termasi 1941-yilda Hodi Zarifning “O‘zbek folklori” xrestomatiyasining ikkinchi kitobida nashr etilgan. Bo‘ri baxshi 1938-yilda Toshkentda

o‘tkazilgan xalq ijodchilari olimpiadasining ishtirokchisi bo‘lgan [1; 550]. Hodi Zarifovning ma’lumotiga qaraganda, 1935–1937-yillarda Farg‘ona vodiysi bo‘ylab uyushtirilgan folklor ekspeditsiyalarida sakkiz baxshidan 25 doston yozib olingan [3;249].

Folklor arxivida saqlanayotgan nodir manbalar bo‘lmish kundaliklarni varaqlar ekanmiz, har bir sahifani yangi asar o‘qiganday bo‘lamiz. Bosib o‘tilgan behisob yo‘llar, qishloqlar taassuroti, fanga ma’lum bo‘lmagan dostonchilarning, ertakchilarning topilishi va ulardan yozib olinayotgan xalq ijodi namunalari haqidagi izohlar... Bu qaydnomalarda jonli og‘zaki ijod jarayonini yozib olishdagi hap bir detal, fakt aniq qayd etilgan, e’tiborli ma’lumotlar bitilgan. To‘ra Mirzayevning 1962-yil iyul–avgust oylarida Samarqand, Jizzax, Sirdaryo va Toshkent viloyatlari bo‘ylab Hodi Zarifov boshchiligida uyushtirilgan folklor ekspeditsiyasi kundaligida ko‘plab dostonlar va termalar yozib olinganligi haqida ma’lumotlar berilgan.

1953-yilda Hodi Zarifov rahbarligida Qo‘qonga uyushtirilgan ekspeditsiyaning yana bir shaxsiy kundaligida shunday ma’lumotlar yozilgan: “1953-yil 25-iyul soat 21:45 da Toshkentdan jo‘nab, 26-iyul kunduz soat 11:05 da Qo‘qonga keldim. Kuni bilan shoir Charxiyni axtarib, topolmadim. Chorsuda Sherali Ro‘ziyni ko‘rib qoldim. U Charxiyni tez topib berish uchun ko‘p yordam qildi. Muqimiy xujrasiga, Charxiyning uyiga olib bordi. Odatda ko‘p bo‘ladigan joylarni qaradik, topa olmadik. Sherali Ro‘ziy bilan xalq ijodi haqida suhbatlashdik, bu sohada ishlarni davom etdirishini maslahat berdim va maqollar ustida qanday ishlash va natijani Fanlar akademiyasiga yuborishni tushuntirdim. Sherali Ro‘ziy hozir Gorniy stansiyasida maktab muallimi. Kechqurun Charxiyni topib suhbatlashdik. Ibrohimov, Aliev, Sattorov o‘rtoqlar bilan tanishtirdilar. Bularning xotiralarini yozish kerak...” (ZO‘FA. Inv. №2204/b). Hodi Zarifov tanishgan bu insonlar haqida hech qanday ma’lumotga ega emasmiz. Demak, olim to‘plagan materiallar birinchi manba sifatida katta ahamiyatga ega.

1935-yili Hodi Zarifov rahbarligida Farg‘ona vodiysiga tashkil etilgan folklor va dialektologiya materiallarini to‘plash ekspeditsiyasida Farg‘ona vodiysi dostonchilik matabining Bo‘ri Sodiq o‘g‘li, Usmon Mamatqul o‘g‘li, Umrzoq baxshi, Hasan Xudoyberdi o‘g‘li, Hasanboy Rasul o‘g‘li kabi ijrochilarning aniqlanishi va ulardan yozib olingan doston va termalar Farg‘ona vodiysida dostonchilik an‘analari allaqachon yo‘qolib ketgan, degan fikrlarning asossiz ekanligini isbotladi [5; 6]. Olim ekspeditsiyalarga borgan joyida xalq baxshilarini, shoirlarini, qo‘sishchilarini izladi, ularning ijodini, repertuarini yozib oldi.

1964-yili Farg‘ona, Namangan, Andijon viloyatlari bo‘ylab Hodi Zarifov rahbarligida tashkil qilingan folklor ekspeditsiyasida ishtirok etgan folklorshunos olma Zubayda Husainovaning kundaligida Xaydar Boychaevdan “Qunduz bilan Yulduz”, “Go‘ro‘g‘lining Avazni olib kelishi”, “Mulla G‘oyib” kabi dostonlarni yozib olganliklari haqida ma’lumotlar berilgan. Avvalroq 1954-yilda Fatxulla Abdullaev Yangiqo‘rg‘on tumani G‘ovozon qishlog‘ida yashovchi Haydar Boycha o‘g‘lidan “Alpomish” dostonini yozib olgan. 1955-yilda Qashqadaryo viloyatiga uyushtirilgan yana bir ekspeditsiyada “Alpomish” dostonini Abdulla Nurali o‘g‘lidan folklorshunos olma Zubayda Husainova qayta yozib olgan (ZO‘FA. Inv. №1217. – 92 b). “Shoirni 1929-yilda aniqlagan, uning “Alpomish” dostonini bir necha bor tinglagan Hodi Zarif baxshining dostonchilik mahoratiga juda yuqori baho bergen edi. Biroq “Alpomish” dostonining yozib olingan nusxasi shoir kuylab kelgan variantni o‘zida to‘la aks etdirmaydi. Ushbu matn yozib olingan vaqt-soati, shoirning ahvol-ruhiyati taqozasiga ko‘ra, uning kuylab kelgan variantining bayoniga o‘xshab qolgan” [2;518].

1929-yilgigi Surxondaryo va Qashqadaryo vohalariga uyuştırılmış ekspeditsiya jarayonida Hodi Zarifovning yozgan kundalik daftariga To‘ra Mirzayev shunday munosabat bildirgan: “Yosh to‘plovchi nihoyatda shod, chunki u yangi dostonchi-talantli xalq shoirini topdi. Bu shoir Abdulla Nurali o‘g‘li... To‘plovchi Abdulla shoirdan “Alpomish” dostonini tinglar ekan, o‘z kundaligida uning bu shoir ijrosida o‘ziga xos tomonlari, Fozil Yo‘ldosh o‘g‘li “Alpomish”idan farqlari juda aniq yozib qo‘yilgan. Hodi akadagi bunday o‘z ishiga katta mas’uliyat va e’tibor bilan qarash, har bir faktini o‘z o‘rnida to‘g‘ri qayd etish, sarishtasaranjomlik xalq og‘zaki ijodi bo‘yicha “dala ishlari” olib boruvchi har bir olim uchun ajoyib namuna, ijobiy o‘rnakdir” [6; 31].

Kitob tumani, Qaynarbuloq qishlog‘ida tug‘ilib voyaga yetgan Abdulla Nurali o‘g‘li (1874–1957) yoshligidanoq cho‘ponlardan do‘mbira chertishni o‘rgangan. XIX asrning ikkinchi yarmi XX asrning boshlarida yashagan Shahrисabz dostonchilik maktabining yirik vakillari Xidir shoir, Ernazar shoirlar bilan bog‘liq bo‘lgan Rajab shoirning shogirdi bo‘lgan. Rajab shoir haqida ko‘p ma’lumotlar saqlanib qolmagan. Abdulla shoir Rajab shoirdan dostonchilik sirlarini o‘rganib 25 yoshida mustaqil dostonchi bo‘lib yetishgan. 1938-yilda Toshkentda bo‘lib o‘tgan xalq ijodchilari olimpiadasiga qatnashib, muvaffaqiyatga erishgan. Abdulla shoirga 1938-yili “O‘zbekiston xalq dostonchisi” faxriy unvonini berilgan. U “Alpomish”, “Saydimxon”, “Malika ayyor”, “Avazxon”, “Hilomon”, “Qironxon”, “Kuntug‘mish”, “Yusuf bilan Ahmad” kabi xalq dostonlarini kuylagan. Abdulla shoir ijrosi folklorshunos olimlar tomonidan ko‘p kuzatilgan bo‘lsa-da, uning repertuaridagi o‘ndan ortiq doston, deyarli, yozib olinmagan. Shoirdan umrining so‘nggi yillarda, betob bo‘lgan paytda yozib olingan “Alpomish” dostoni u kuylab kelgan variant xususiyatlarini o‘zida mukammal saqlay olmagan. Hodi Zarifov To‘ra Mirzaev bilan bo‘lgan suhbatida, 1929-yil 26–30-iyundagi ekspeditsiyada Abdulla shoir “Alpomish” dostonini juda yuksak badiiy saviyada kuylab bergenini, afsuski, u vaqtida dostonni yozib olishga imkon bo‘lmagani haqida aytadi. O‘sha vaqtida olim Abdulla Nurali o‘g‘lidan “Kunlarim” termasini (ZO‘FA. Inv. №1676) yozib olgan.

Ekspeditsiya a’zolarining mazkur kundaliklari bugungi kun folklorshunosligi uchun g‘oyat muhim ilmiy ahamiyatga ega. Olimlarning folklor ekspeditsiyalaridagi faoliyatini hamda ekspeditsiyalar kundaliklarini alohida o‘rganish va ilmiy tadqiq etish tadqiqotchilar oldida turgan yana bir dolzarb muammo ekanini ko‘rsatadi.

Folklorshunos olimlarning Folklor arxivida saqlanayotgan folklor ekspeditsiya va safarlarida bo‘lgan paytdagi “dala yozuvlari” bitilgan kundaliklarida bugungi kunda yo‘qolib borayotgan folklor ekspeditsiyalarini, ularni tashkillashtirish, og‘zaki ijod namunalarini yozib olish tamoyillari, sahifalash, tahrirlash kabi noyob ma’lumotlarga ega bo‘lamiz. Bu qo‘lyozmalarda har bir fakt to‘g‘ri qayd etilishi bilan birga, jonli og‘zaki ijod jarayoni haqida e’tiborli ma’lumotlar berilgan. Kundaliklarda Hodi Zarifov asos solgan folklor safarları prinsiplariga to‘la amal qilingan.

Xalq og‘zaki badiiy ijodiyotini o‘rganishda folklorshunoslarning folklor ekspeditsiyalarini davomida tutgan kundalik daftarlari g‘oyat muhim ilmiy ahamiyatga ega. Hozirgi kunda nodir manbalar orasida noyob obekt sifatida Folklor arxivida saqlanayotgan folklor ekspeditsiyalaridagi kundaliklarda ayrim sahifalar batafsil yozilgan bo‘lsa-da, ko‘p hollarda ba’zi bir qaydlar bilan cheklanilgan. Olimlarning folklor ekspeditsiyalaridagi faoliyati va ekspeditsiya kundaliklarini alohida o‘rganish davr talabidir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 20-жилд. /Нашрга тайёрловчилар Т.Мирзаев, Б.Мирзаева. – Тошкент: Faafur Fulom, 2021. – 604 б.
2. Алпомиш. Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари. 100 жилдлик. 20-жилд. – Тошкент: Faafur Fulom, 2021. – 568 б.
3. Зариф X. Ўзбек совет фольклористикиаси тарихидан / Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Тошкент, 1970. – 334 б.
4. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф сұхбатлари. – Тошкент: SHAMS-ASA, 2013. – 380 б.
5. Мирзаев Т. X. T. Зарифовнинг илмий ижоди / Ўзбек халқ ижоди. – Тошкент: Фан, 1967. – Б.3-15.
6. Мирзаев Т. Ҳоди Зариф. Адабий портрет. – Тошкент: Faafur Fulom, 1967. – 84 б.

UZA

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



МУЛЬТИМЕДИАВИЙ ЖУРНАЛИСТИКАДА АХБОРОТНИНГ ТРАНСФОРМАЦИЯ, ВИЗУАЛИЗАЦИЯ ВА МОБИЛЛАШУВ ХОДИСАСИ

Мадинаbonу Чориевна НУРУТДИНОВА

Доцент

филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети

Тошкент, Ўзбекистон

injilkhan2022@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада онлайн медиа контентнинг асосий таркиби бўлган визуал ахборотлар формати, уларнинг конвергент ҳолат гибрид жанрларга ўзгариши ўрганилган ҳамда Интернетдаги энг оммабоп сайtlар контенти таҳлилга тортилган. Шунингдек мультимедиавий журналистиканинг онлайн контенти сегментлари тадқиқ қилинган.

Таянч сўзлар: мультимедиа, онлайн медиа, журналистика, гибрид, трансформация, мобиллашув, визуализация, цивилизация, индивидуал.

ФЕНОМЕН ТРАНСФОРМАЦИИ, ВИЗУАЛИЗАЦИИ И МОБИЛИЗАЦИИ ИНФОРМАЦИИ В МУЛЬТИМЕДИЙНОЙ ЖУРНАЛИСТИКЕ

Мадинаbonу Чориевна НУРУТДИНОВА

Доцент

доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

injilkhan2022@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматривается формат визуальной информации, которая является основным содержанием онлайн-медиаконтента, и их конвергенция в гибридные жанры. В статье анализируется контент наиболее популярных сайтов в сети Интернет. Также были исследованы сегменты онлайн-контента мультимедийной журналистики.

Ключевые слова: мультимедиа, интернет-СМИ, журналистика, гибрид, трансформация, мобилизация, визуализация, цивилизация, личность.

XXI аср цивилизациясида яшаган ҳар бир индивид қабул қилган ахборот нисбати инсоният пайдо бўлган тамаддуининг бутун юз йилликда ўқиб излаган маълумотлар коэффициента тенгдир. Инсониятнинг минг йиллик тараққиёти материя (тош асри одамларининг турли иш қуролларини ясаси), энергия (оловнинг пайдо бўлиши ва ундан

фойдаланиш), ахборот (ахборот-коммуникация технологияларининг пайдо бўлиши) га эгалик қилиш билан белгиланади. Ўтмиш цивилизацияси учун бошланғич таълим маълумотлари етарли бўлган. Аммо турли саноат инқилоби ва янги техник ихтиrolар туфайли ибтидоий маълумотлар базаси янги ахборотлар алмашинувига зарурат туғдирди. Бу эса инсониятни янги маълумотларни ўрганиш ва индивидуал мақсадларда фойдаланиш кўникмасини шакллантириди. Яъни инсондаги ахборот олишга бўлган эҳтиёж генезиси меҳнат ва тараққиёт омилига айланди. Турли асрларда кашф қилинган ихтиrolарни ривожлантирувчи асосий калит бу – ахборот воситасига алмашиниб борди. Матн шаклида ўрганилган маълумотлар техник имкониятлар туфайли виртуал форматда иммерсия тасвирга ўзгарди [6].

Глобаллашув асрининг детонацион сифатида майдонга чиқсан Интернет эса амалда ахборот монополиясига бўлган тушунчаларни тубдан ўзгартириди. Эндиликда ҳар бир ўқувчи ўз маълумоларини ҳеч қандай цензорларсиз тўғридан-тўғри трансляция қилиши мумкин. Бу жараён тармоқнинг оммавий коммуникацион хизмати орқали амалга ошириш мумкин.

Фанда ахборот тушунчаси кенг тарқалганига қарамай, мазкур атама инсон фаолият олиб бораётган соҳаларда турли аҳамият касб этади. Ахборот бу материя ёки энергия эмас. Ахборот бу маълумотлар жамланмасидир. Ахборотни маълум бир кенглик ёки аниқ бир тушунча остида таърифлаш ёки чегаралашнинг имкони йўқ. Инсон яшайдиган дунё моддий ва номоддий обьектлар, шунингдек, улар ўртасидаги ўзаро таъсиrlанувчи жараёнлардан ташкил топган. Сезги аъзолари – турли техник дастур ва асбоблар ёрдамида қайд этилган маълумотлар инфомолекулалар сегменти дейилади. Агар у аниқ бир вазифани ҳал этишга қаратилса, унда зарурий ва фойдали ахборот деб топилади. Демак, маълумотларга нисбатан у ёки бу сабабларга кўра фойдаланилаётган, узатилаётган ёки ёзиб олинаётган кузатувлар сифатида қараш мумкин. Маълум вазифаларни ҳал этиш натижасида янги маълумотлар, билимлар, яъни, тизимлаштирилган ҳаққоний, холис, аниқ ёки синовдан ўтган хабарлар комплексига бўлинади. Улар қонунлар, назариялар, тасаввурлар ҳамда қарашларнинг умуммажмуи сифатида бирлашган бўлиши мумкин.

Журналистикада ахборот аниқ бир ҳолат ҳақидаги тасаввур, воқелик хусусидаги янгиликни назарда тутади. ОАВнинг барча тури ахборот билан фаолият юритиши барчага маълум. У маълумотларни йиғади, қайта ишлайди ҳамда уни омма эътиборига тақдим этади. Шу боисдан ахборот унинг асосий қуроли сифатида прогрессив ва регрессив жараёнларда ривож топиб боради.

Халқаро стандартларга кўра ахборотнинг таснифи куйидагича амалга оширилади:

- ғоялар ҳақида ахборот – аниқ контекстда алмашинадиган маълумотлар тўплами;
- воқеликдаги ахборот – муайян ҳолатдаги мавжуд вазият ҳақида маълумот хронологияси;

–шахс ёки маҳсус қурилмалар томонидан ахборот жараёнини моддий ёки маънавий олам ҳақиқатларини акс эттирувчи маълумотлар йиғиндиси. Бунда маълумотларни хотира қурилмасида коммутациялаш орқали параболик кўрсаткичга эга бўлади [1].

Шунингдек, ҳолатдан келиб чиқиб, ахборотни бирламчи ва иккиламчи шаклларга бўлиш мумкин:

Бирламчи ахборот – бу инсонлар томонидан оғзаки, ёзма ёки шартли белгилар

(сигналлар, техник воситалар, аналог ёки рақамли формат шаклида) воситасида тарқатиладиган маълумотлар йифиндисидан иборат.

Иккиласмчи ахборотларга эса инсоннинг, ахборот ёки технологик воситалар, ўсимлик дунёси, ҳайвонот оламининг ўзаро маълумот алмашиши назарда тутилади. Техника асридаги энг муҳим масала, бу маълумотни яратиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш. Бу борада ахборотни узатиш ва таснифлашда алоҳида ёндашув мавжуд. Технологик воситалардан фойдаланишда аналог ва рақамли форматдаги ахборотлар алоҳида кўриб чиқилади.

Глобаллашув жараёнида ахборот жамият ривожланишининг асосий омиллардан биридир. Ахборотнинг тарқатилиши ҳамда омма орасидаги ҳаракатини фанда икки йўналиш – кибернетика ва информатика орқали ўрганилган. XX асрнинг бошларида ахборот хусусиятлари кибернетикадан тўлиқ ажратиб олиниб, семантик ахборотни олиш, сақлаш, узатиш ва қайта ишлаш усуслари бўйича тадқиқотлар олиб борилди [2]. Коммуникатив ахборотларни қуидагича таснифлаб ўрганилади:

График ҳамда тасвирий ахборотлар; маълумот узатиш ва сақлашнинг қадимий усувларидан бири бўлиб, бунда турли расм ҳамда графикалардан фойдаланилган. Мазкур графика ёки шакллар умумий ахборотларнинг бирлиги сифатида қабул қилинган. Ушбу турдаги илк ёзувлар 1799 йили француз олими Жан-Франсуа Шампольон, кейинчалик, 1998 йил немис олими Гюнтер Драер бошчилигидаги археологлар жамоаси томонидан ўрганилган.

Овозли ёки акустик – атрофимиздаги олам турли товушларга бой. 1857 йили Мартинвиль томонидан ихтиро қилинган фонавтограф мазкур турдаги овозларни ёзиб маълумот шаклига ўзгартириш имконини берди. Кейинчалик ушбу товушларнинг ёзувдаги шартли белгилари, яъни,nota ўйлаб топилди.

Матнли ахборот турли белги ёки ҳарфлар бирлашмасидан ташкил топаган. Унинг босма дастгоҳ ихтиро қилингач, омма орасида кенгроқ урфга кирди.

Рақамли маълумот; атроф муҳитдаги объектларни миқдорий ўлчаш, савдо-сотик, иқтисодиёт, молия соҳасида катта аҳамиятга бўлиб, матн маълумотларига эквивалент кодлаш усули сифатида маҳсус белгилар, рақамлар ёрдамида тизимлаштирилди.

Видео ахборот – дунёда содир бўлаётган воқеликни жонли товуш, тасвир билан биргаликда турли ёзув тасмаларига муҳрлашни англатади. Шунингдек, ахборот амалий математика (назарияни мантиқий таҳлил қилиш), информатика (алгоритмик масалалар синтези) ҳамда радиотехника (ахборот сигналларини узатиш ва ишлаш назарияси) фанлари бўйича назарий таҳлил қилган. Бунда эҳтимоллик назарияси ва математик статистика кенг қўлланилади. Ахборот назарияси бўлимлаштириш шартларига кўра маълумотларни кодлаштирилиб, қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

холислик – турли синжаларнинг қарашлари, босими ҳамда таъсирлардан холи бевосита аниқ маълумот;

ишончлийлик – ҳолат ҳақидаги энг сўнгги хуносалар йифиндиси;

долзарблиқ – замон ва макон мутаносиблиги.

Инглиз социологи Франк Вебстернинг “Ахборот жамияти назарияси” китобида “ахборот молиявий восита сифатида энг тез эскирадиган маҳсулот тури бўлиб, у оммавий равищда янги ва эски маълумот турларини ўзида мужассам этади”, – дейилган.

Янгиликлар улкан тезлиқда омма эътиборини қозониб, турли ОАВ орқали энг юқори кўрсаткичларни қайд этиши мумкин. Маълумотни тақдим этувчи воситалар қайта ва қайта уни турли дастур, формат, жанрларда туслаб, ўқувчи эътиборига тақдим этади. Узатилган янгиликларнинг рационал аниқлиги, холислик тушунчалари муҳим аҳамият касб этмайди. Интелектуал омил сифатида йиғилиш, сақлаш, қайта ишлаш хусусиятларига кўра турли шаклларда тақдим этилади. Масалан:

1. Матн кўринишидаги ахборот – турли шартли сўз белгилари, рақамлар, маҳсус графика, жадвалларда акс этади.
2. Сигнал ёки имо-ишора – ахборотни қисқа овоз, сигнал ёки хатти ҳаркатлар ёрдамида узатиш.
3. Оғзаки узатиш усули сўзлашув, мулоқот орқали.

Ахборотни узатишдаги самарали усул сифатида тил энг асосий ўрин тутади. Тил – маҳсус маълумотларни ўзида жамловчи турли белги ёки атамалар йиғиндисидан иборат. Тил мулоқотда расмий ёки илмий бўлиши мумкин. Сўзлашув усулидаги тилда турли хил жаргонлар, шевалар акс этиб битта маълумот турлича номланади. Расмий тилда эса грамматик ҳамда синтактик қоидаларга ихтисослашган аниқ нормаларга асосланган услуб мавжуд. Илмий тил аниқ бир фанга ёки йўналишга мансуб бўлади. Масалан, мусиқада товуш белгилари ҳам бир ахборот бирлиги саналади. Математикадаги рақамлар ва белгиларни ахборот йиғиндиси дейиш мумкин. Ахборот назариясининг асосий бўлимлари манбани кодлаш (компресив кодлаш, энтропик кодлаш) ҳисобланади. Ушбу кодлаш усуллари унинг бевосита оммавийлашиш жараёнига таъсир этади. Оммавийлашиш жараёнини мониторинг қилишда интелектуал салоҳият даражасини ўрганиш жуда муҳим. Прагматик нуқтаи назардан ахборот мультимедиавий агентликнинг гетероген хоссасига эга бўлиб, ижтимоий қатламда турли синфларига мансуб бўлиши мумкин. Одатда, конвергенция хоссасига эга ахборотлар куйидаги тамойилларга асосланади: мослашиш (ахборот турли жанр ва воситаларнинг шаклига киришиши); автономлик (маълумотлар бир неча дастурлар ёрдамида тузилиб, мукаммал даражада аниқ мақсадга йўналтирилган автоном хусусиятни қамраб олади); ҳамкорлик (ОАВдаги барча узатиш воситалари билан ҳамкорлик, яъни, матн (матбуот), овоз-товуш (радио), тасвир (ТВ) шулар жумласидан); коммуникативлик (ахборот Интернетнинг барча фойдаланувчилари учун универсал характерга эга бўлиши керак) бўлиши лозим [1].

Бугунги кунда ахборотни қайта ишлаш ва сақлашдаги энг асосий мезон унинг математик алгоритмини ташкил қилиш ва қўллашда самарали усулларни ишлаб чиқишидир. Шу мақсадда глобал тармоқ муҳитида муаммоларнинг йўналтирилган ахборотлар мониторинги ташкил қилинди. Маълумотларни индекслашнинг янги ёндашуви, унинг таснифи, матнларнинг лингвистик ва семиотик автоматлаштирилган таҳлилий алгоритмлари тизимлаштирилмоқда. Автоматлаштирилган таҳлилий ахборотлар тизимининг самарадорлиги маълумотлар модули асосида баҳоланиб, унинг онтологияси когнитив тақдимот, лингвистик таҳлилни қамраб олади. Тизимнинг асосий ахборот компоненти бу таҳлиллар блокидир. У асосан маълумотларни боғлаш, ички тузилманинг узвийлиги ва барча модулларни сақлаши билан характерланади.

Тизим қуйидаги принципда ишлайди: фойдаланувчи+веб портал+Интернет+хужжатлар, ахборотлар. Ахборот базасининг яна бири билимларни

жамлаш блоки бўлиб, у оммага автоматлаштирилган маълумотлардан фойдаланиш, идрок этиш ва таҳлил қилиш учун қулай дастурлар тақдим этади. Икки ва ундан ортиқ коммуниктив воситаларнинг интеграцияси турли техноген воситалар таъсирида бўлади.

Ахборот яратиш, қабул қилиш, сақлаш ва ишлов бериш хоссасига эга. Ахборотдан фойдаланиш имконияти ва самарадорлиги унинг репрезентативлиги, мазмундорлиги, етарлича текширилганлиги, долзарблиги, ишонарли ва барқарорлиги билан қуидагича таснифланади:

1.Ахборотнинг репрезентативлиги – объект хусусиятини адекват ифода этиш мақсадида уни тўғри танлаш ва шакллантириш билан боғлиқ.

2.Ахборотнинг мазмундорлиги – семантик (мазмуний) ҳажмини ифода этади.

3.Ахборотнинг тўлалиги – қарор қабул қилиш учун минимал, лекин етарли таркибга (кўрсаткичлар жамланмасига) эга эканлигини билдиради. Тўғри қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаган, шунингдек, ортиқча бўлган ахборот ҳам фойдаланувчи қарорларига таъсир кўрсатиши мумкин.

4.Ахборотнинг актуаллиги – ахборотдан фойдаланиш вақтида унинг бошқариш учун қимматлилиги сақланиб қолиши билан белгиланади ва хусусиятлар динамикасига қўра нисбатланади.

5.Ахборотнинг аниқлиги – олинаётган ахборотнинг обьекти, жараён ҳодиса ва реал ҳолатдаги яқинлик даражаси билан белгиланади.

6.Ахборотнинг барқарорлиги – ахборот асос қилиб олинган маълумотлар аниқлигини бузмасдан, ўзгаришларга таъсир қилишини белгилайди.

Интернет ахборотни матн, овоз ҳамда визуал маълумотларни реал маконда, интерактив усулда, мультимедиавий шаклга солиб, оммага тақдим этгани боис, унинг анъанавий шакли ўзгариб кетди. Тармоқ ахборот йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тарқатиш, шунингдек, сақлаш вазифаларини умум нуқтада бирлаштириб, горизонталь ҳамда вертикал усулдаги маълумотларнинг айланма ҳаракати йўлга қўйилди. Бу аудиториянинг ҳам ахборот олиши билан бир вақтда ўзининг маълумотлари билан ўртоқлашиш имконини беради. Шу боисдан ОАВда мазкур маълумотларнинг ижтимоий жиҳатдан актуаллиги ошибб, контент маълумотлари қуидагича трансформацияга учради:

1. Медиакорпорацияларнинг аудиторияга мурожаат шакли.

2. Янгиликлардаги оммавийлик ва ҳаммабоплик хусусияти.

3. Корпоратив ахборотни тарқатиш воситаси.

Бу ҳолат анъанавий ОАВга ҳам хос. Коммуникациянинг янги кўринишини олган Интернет анъанавий ОАВга тегишли барча вазифаларни такрорлаб, уларни мукаммалроқ тарзда оммага тақдим этмоқда. Анъанавий ахборот воситалари айнан маълум бир вазифагина ихтисослашади. Масалан, радио овоз ва товушли, матбуот матнли, ТВ овоз ҳамда тасвирли ахборотлар интерфейсини кузатишимиш мумкин. Интернетнинг бионик хусусиятидан келиб чиқиб, бир янгиликка тегишли барча маълумотларни жамлаш уни овоз, матн, тасвир ҳамда график шаклда бойитиб, аудиторияга тақдим этиш хусусиятини мужассам этади. Аммо онлайн ҳамда анъанавий ОАВни бир-бирига узвий боғлаш улар орасидаги коммуникатив бўшлиқни келтириб чиқаради. Агар босма нашр, радио, телевидение катта аудиторияга эга бўлса ҳам ахборот етказишда у пассив реципиентдир. Бу мавжуд ҳолатда тармоқли онлайн ОАВ маълумотларни мультимедизация қилиб,

тақдим қилиш усууларини оммага мос тарзда узатмоқда.

Масалан, дунёнинг кўплаб босма нашрлари, ўзларининг электрон форматига эга. Янгиликларни видео, аудиотасвирлар орқали бойитиб ўзларининг электрон саҳифаларида халққа тақдим қилмоқда. Журналистлар эса тобора универсаллашиб, матн ёзадиган таҳрирчи, радио овоз монтажчиси, интернет дастурчи сифатда фаолият олиб бормоқда. Тармоқ имкониятлари бирлашиб компьютер технология дастурлари ҳамкорлигидаги телевизион конвергенция умумий яхлит ривожланиш тенденциясини ҳосил қилди. Шу сабабли телевизор ҳамда компьютер оммавий вазифаларнинг бирикувига олиб келди. Янги медиа йўналишларни бир-бирига бириктиришнинг яна бир усули телевизион дастурларни намойиш этувчи ёки архивлаштирувчи Интернет веб сайтини очиш ёки уни ўзаро синхронлаштириш илгари сурилмоқда.

Ахборотдан фойдаланишда Интернет фойдаланувчилари анъанавий ОАВ ўқувчилардан маълумотларни идрок этишда сезиларли фарқ қиласди. Онлайн тармоқ фойдаланувчилари кўпроқ тасвир ва рекламага эътибор бериб, асосан сарлавҳалар ва қисқа матнлар, видео тасвир ёки кичик график бирликлари муҳим ўрин тутади.

Қолаверса, алоқанинг интерфаол шакли ахборотга бўлган қарашни тубдан ўзгартириб, ўқувчига янгиликларни ишлаб чиқишида иштирок этиш имкониятини берди. Бу ҳолат ахборотнинг улкан контентининг ишлаб чиқилишига, ўз навбатида, кўп сонли аудиториянинг жонли иштирокчи сифатида муентазам ҳисса қўшишига сабаб бўлди.

Интернетдаги чексиз хотира мавжуд ахборотларнинг улкан контентини ҳосил қилиб, фойдаланувчининг катта микдордаги маълумотларни саралангандан тартибга келтирилган ҳолда тақдим этади. Онлайн архивлар электрон таҳририятнинг умумий маҳсулоти бир қисми бўлиб, ундан исталган вақтда фойдаланиш мумкин. Ушбу контент маълумотлари ҳар соатда, ҳар дақиқада қайта юкланиш хоссасига эга. Маълумотларнинг дифференциаллик ҳолатига кўра учта асосий босқичда амалга ошади:

–ахборот базаларининг ўз-ўзини янгилаш стериотипи: ҳар бир мавзуу моҳиятига кўра таснифланади;

–маълумотларнинг белгиланган даврийликдаги янгиланиш хоссаси: сайтдаги хотира маълум бир вақт ичida янгиланади, яъни белгиланган кун ёки вақтда ўзини қайта юклайди;

–доимий янгиланиш тенденцияси: бунда якка ахборот оқими ҳосил қилиниб, янгиликлар ва хабарлар марказ ёки агентликлар, муҳбирлар ёки репортёрлар томонидан келтирилиши билан сайтга жойлаштирилади.

Тармоқ ахборот лойиҳаларининг фойдаланувида нисбатан арzonлиги ва марказлаштирилган цензорнинг йўқлиги ихтисослаштирилган газета ва журналларнинг тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Одатда, мультимедиавий ахборотлар мавжуд виртуал борлиқнинг матн, тасвирий, аудио ва видео технологиялар аралашмаси сифатида тавсифланади. Яъни, амалда мавжуд барча техник воситалар маълумот узатишнинг асосий ресурси ҳисобланиб, унда оммавий ва индивидуал мулоқот ўртасидаги тағовутнинг йўқолиши билан тавсифланади. Шу боисдан ахборот жанрларининг трансформациян жараёни, шубҳасиз, медиамайдоннинг амалий жараёнларидан энг муҳимлари сирасига киради. Тармоқда анъанавий ахборот жанрларининг ўзгарган гибрид шакли ҳамда энг оммабоплари куйидагилар:

1.Репортаж+муаллифлик ҳикоялари = Твиттер Репортаж; “...АҚШда 2006 йилда ҳаваскор журналистлар томонидан асос солинган” – деб ёзади тадқиқотчи Уланова М. . Мавзу доирасида жами 140–160 элементдан ошмаган ахборий жанр тури, ижтимоий тармоқларда кенг оммалашган. Асосан онлайн трансляция видеосига қўшимча подкастлар тарзида эфирга берилади. Масалан, <https://twitter.com/> контентида “Острый репортаж из под забора” (Девор ортидаги аччиқ репортаж) янгиликлар тасмасида кўпроқ қисқа 1,2 дақиқали репортажларни кузатишимиз мумкин. Бугунги кунга келиб Твиттер, Инстаграм каби ижтимоий тармоқлардаги муаллифлик репортажлар сони 5 миллиондан ошиб кетди.

2.Онлайн кундалик. Муаллифлик ижоди сифатида (масалан, инстаграмда) тармоқда кенг қўлланилади. Унда муаллиф куннинг долзарб масалалари, янгиликлари бўйича ўз фикр ва шарҳларини ёзиб қолдиради. Матн, видео, фото элементларидан кенг фойдаланилиши мумкин. Инстаграм ижтимоий тармоғининг 75 фоиз видео, фото маълумотлари онлайн тарзда узатиб борилувчи кундаликлардан ташкил топган.

3.Онлайн эслатма жанри. Янгилик, далил ва долзарб воқеаларни ўқувчининг диққатини жалб қилувчи визуал элементлар билан эълон қилиш. У турли сайтлар ва ижтимоий тармоқлар, янгиликлар тасмаси, онлайн нашрларнинг бош саҳифасида тез-тез эслатма шаклида турли ракурслардан намойиш қилинади.

4.Янгиликлар мониторинги. Фойдаланувчилар орасида ўtkазилган сўровноманинг хулосаси инфографика ёки матн кўринишида ифода қилинади. Турли график элемент, матн, сурат ва фотоколлаждан фойдаланиш мумкин.

5. Тармоқнинг фойдаланувчилари орасида шахсий веб саҳифасини юритиш, уни маълумотлар билан тўлдириш энг оммабоп жанр тури сифатида эътиборга молик. Саҳифанинг оммабоплиги аъзолар сони ва ёзилган шарҳлар билан белгиланиб, унинг куйидаги турлари мавжуд:

Видеоблог. Муаллиф томонидан суратга олинадиган турли кўрсатув, шарҳ, монолог, онлайн трансляция, видеороликдан иборат.

Фотоблог. Асосий эътибор фотосурталарни тасвирга олиш; муаллиф айнан ўз қаламига мансуб фотожамланмалардан фойдаланади.

Матн шаклидаги блогинг. Асосан матн кўринишидаги мақола, репортаж, жонли мурлоқот тури.

Микроблог. Турли эслатма, афоризмлар, хабарлар, қизиқарли интервью, инфографик тасвир ёки видео, аудиоёзувли сухбатларнинг жамланмасидан ташкил топиб, бир неча муаллифнинг ижодига мансуб бўлиши мумкин.

Санаб ўтилган трансформацион ахборот жанрлари икки кучли оқим – профессионал мутахассис ва фойдаланувчиларнинг ғоявий ижод маҳсулидир. Интернет кенг медиамайдон сифатида профессионаллар билан бир қаторда оддий омма вакилларига ҳам кенг имкон бермоқда. Шу боис тармоқдаги жанр турлари, муаллифлик лойиҳалар сони, сайтлар салмоғи ҳам кенгайиб бормоқда. Коммуникациянинг янги усули сифатида ихтиро қилинган ҳалқаро тармоқ, бугуннинг асосий ахборот ўчоғига айланди. Интернет тармоғи имкониятлари ахборотни қайта ишлаш ва тарқатиш, маълумотларни сақлаш жараёнини тубдан ислоҳ қилди. Яъни, ОАВдаги ахборот трансформация натижасида шаклан ва мазмунан ўзгарди; ушбу мультимедиа феномени янгиликка оид ахборотнинг

турли тил элементларидан таркиб топган – визуал, матнли, график ва аудиовизуал шакл форматларига бириктириди. Натижада биз бутунлай янги, ажойиб хусусиятларга, ишлаб чиқариш технологиясига, ўзлаштиришнинг ўзига хос қулайликларига эга бўлган маҳсулотни яратса оламиз.

Юқорида қайд этилганларни жамлаб, айтиш мумкинки, тармоқда жанрлар, хусусан, ахборот жанрларининг трансформацияси, шубҳасиз, мавжуд жараённинг давомий тенденциясидир. Анъанавий ОАВда қўлланилган барча ахборот жанр турлари Интернетнинг интерактивлик, гиперматнлилик, онлайн мулоқот каби турли хусусиятлари таъсирида янада мукаммаллашиб тармоқнинг кўп қиррали маълумотлар ҳосиласига айланди. Барча мультимедиавий жанрларнинг асоси бўлган анъанавий медиа ОАВ жанрлари тармоқнинг икки томонлама коммуникация усули, дастурий таъминот ва ижодий ёндашуви туфайли ранг-баранг тур сифатида трансформацияга учрамоқда. Шубҳасиз, ахборот жанрларининг трасформацион жараёни жуда кўп маротаба ўзгаришда давом этади; ўқувчилар орасидаги энг оммабоп ҳамда долзарб тур сифатида медиаплатформаларнинг асосий феномени ва омилига айланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Колесниченко А. В. Практическая журналистика. – Москва, 2008.
- 2.Bell D. The End of Ideology. On the Exhaustion of Political Ideas in the Fifties. Cambridge (Ma.), 1960. P. 402-403.
3. McAdams, M. Flash Journalism: How to Create Multimedia News Packages. Burlington, Mass.: Focal Press/Elsevier, 2005. P. 520-8. <https://flashjournalism.com>
- 4.Marcel Danesi. Dictionary of Media and Communications. Library of Congress Cataloging-in-Publication Data. Print. USA. 2009 y. 192 p.
- 5.Noab Iliinsky& Jilie Steele. Designing data Visualizations. Published by O'Reilly Media, Inc., 1005 Gravenstein Highway North, Sebastopol, CA 95472. Printed in the United States of America 2011. P.110.
6. Steven Heller & Rick Landers. Infographic designers' sketchbook. Hardcover, architechtual press,. Pub.2014. 351 p. 54 p.
7. STEENSEN STEEN (2009c) “Online Feature Journalism: A Clash of discourses”, Journalism Practice 3, P. 29.
8. Turing, A. (1950). Com.puting machinery and intelligence. Mind, 59 (236), pp. 433–460. Reprinted in Hofstadter, D., and Dennett, D. C., eds., The Mind’s I (New York:Basic Books, 1981), P. 67



ОИЛА КОНЦЕПТИНИНГ ЛИНГВОМАДАНИЙ ТАҲЛИЛИ

Фарҳад Фахридинович УСМАНОВ

доцент

Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Андижон давлат университети

Андижон, Ўзбекистон

ufarhod001@gmail.com

Аннотация

Мақолада ҳозирги давр лингвомаданиятшунослигининг асосий вазифаларидан бири бўлган тил бирликлари орқали миллатнинг қадриятлари тизимига ойдинлик киритиш ҳақида сўз юритилади. Хусусан, оила концептининг қадрият даражасида экани далилланиб, ўзбек менталлигида оила тўғрисидаги стереотиплар аниқлаштирилади. Шу мақсадда ўзбек тилининг паремиологик фонди материаллари ва ассоциатив тажриба усусларидан фойдаланилган бўлиб, тажриба иштирокчилари томонидан берилган ассоциацияларда миллий ўзига хосликни бўрттириб кўрсатиши мақсадида рус тилидаги шундай ассоциациялар билан солиширилган.

Таянч сўзлар: концепт, қадрият, оила, ассоциация, ассоциатив тажриба, ассоциатив майдон, стереотип.

ЛИНГВОКУЛЬТУРНЫЙ АНАЛИЗ КОНЦЕПТА СЕМЬИ

Фарҳад Фахридинович УСМАНОВ

доцент

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Андижанский государственный университет

Андижан, Узбекистан

ufarhod001@gmail.com

Аннотация

В статье говорится об определении ценностной системы нации через языковые единицы, что является одной из основных задач современной лингвокультурологии. В частности, доказано, что концепт семья является ценностью, а также уточнены стереотипы о семье в узбекском менталитете. Для этого использовались материалы паремиологического фонда узбекского языка и методы ассоциативного эксперимента, а с целью акцентирования внимания на национальной специфике ассоциаций, данных участниками эксперимента, они были сопоставлены с ассоциациями семьи в русском языке.

Ключевые слова: концепт, ценность, семья, ассоциация, ассоциативный эксперимент, ассоциативное поле, стереотип.

Замонавий лингвомаданиятшунослик тил белгилари орқали миллий маданият

меъёрлари, бошқача айтганда, миллатнинг қадриятларини тавсифлашга интилиши билан характерланади. Зеро, маданият ҳам, тил ҳам белгилик табиатига эга бўлиб, тил бошқа белгилардан ифода универсаллиги билан ажralиб туради. Шундай қилиб, лингвомаданиятшунослик лисоний шахс ва концепт билан иш кўради. Зеро, етук тилшунос олим С.Г.Воркачев таъкидлаганидек, “Моҳиятнан, “концепт” лексемаси терминга айланишининг ягона лингвомаданий асоси – бу семантик бирликларнинг этномаданий авторизацияси (боғлаш, боғлиқлигини қайд этиш – Ф.У.) – уларни тил шахси билан боғлаш зарурати ҳисобланади” [3].

Рус олимлари В.И.Карасик ҳамда И.А.Стернин таҳрири остидаги “Концептлар антологияси” (“Антология концептов”)да муаллифлар лингвомаданий концептларнинг уч узвли табиати хусусида сўз юритиб, концептларнинг қадриятли, образли (образли-перцептивваобразли-метафорик)ватушунчавий(фактуал)увзвлариниажратадилар.Бунда қадриятлилик (ценностьность)нинг кўрсатилганлиги ўзига хос методологик аҳамиятга ҳам эга. Зеро, “Концептнинг маркази ҳар доим қадриятдир, чунки концепт маданиятни ўрганишга хизмат қиласди ва маданиятнинг асоси айнан қадриятлилик тамойилидир. Қадриятли муносабатлар мавжудлигининг кўрсаткичи баҳо предикатларининг қўлланилишида кўринади. Агар субъект бирор ҳодиса ҳақида “яхши” (ёмон, қизиқарли, зерикарли ва ҳоказо) дея олса, ушбу ҳодиса шу маданиятда концептни шакллантиради” [1; 14].

Концептларнинг қадриятга айланишида тил жамоасининг маданият стереотиплари асосидаги баҳоси муҳим. “Мулоқот жараёнида борлиқнинг у ёки бу унсурига нисбатан баҳо предикатларининг қўлланиши ушбу маданиятда шу унсур асосидаги концепт мавжудлигининг кўрсаткичи деб ҳисобланиши мумкин” [2; 181]. Н.Артуюнованинг келтирилган таърифидан концепт ва қадриятни фарқлашнинг имкони бўлмай қолади. Дарҳақиқат, улар ўзаро яқин, концепт қадрияtsиз бўлмайди, қадриятлар хусусида сўз юритиш концепт ҳақида гапириш билан баробар. Масалан, “тинчлик” ёки “ватан” кабиларни концепт ҳам, қадрият ҳам ҳисоблаш мумкин. Мазкур масалага эътибор қаратган муаллифлар бизнинг назаримизда, қуйидаги асосли хулосага келишади: “Ҳар бир қадрият амалда концепт бўла олади, лекин ҳар бир концепт қадрият бўла олмайди. Масалан: муҳаббат, дўстлик, озодлик, меҳнаткашлик – бир вақтнинг ўзида ҳам қадрият, ҳам концептлар, лекин уруш, ўлим, фалокат, қайгу каби концептлар ҳеч қачон қадрият бўлмаган ва бўлмайди ҳам... Шунингдек, концептлар доираси қадриятларницидан анча кенг, қадриятлар микдори ундай эмас, бинобарин, бу хусусият қадриятлар мавжудлигининг шартларидан бири ҳамдир” [6]. Демак, концептнинг қамрови қадриятга нисбатан кенг, улар мазмуни ва жамиятдаги мақсади билан фарқ қиласди. Шу боис қадриятларга нисбатан “қадриятли концептлар” атамаси ҳам қўлланилади.

Инсоният тарихининг ilk жамоавий давларида биргаликдаги турмуш, авлод қолдириш, наслни давом эттириш учун тузилган оила кейинчалик ўзаро ҳурмат ва фарзандлар учун ilk тарбия муҳитига айлана борган. Оилада ижтимоий ва диний қарашлар асосида оилавий қадриятлар яратилади. Жамиятдаги меъёрлар, биринчи навбатда, оила орқали авлоддан-авлодга етказилади. Шунинг учун инсоннинг ижтимоийлашувида оиланинг ўрни катта.

Мусулмон жамиятида оиланинг ўрнига тўхталган Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф уни фароғат қасри деб атайди ва шундай дейди: “Оила мустаҳкам, тинч, ҳалол ва пок бўлса, жамият ҳам осойишта, мустаҳкам, фаровон бўлади. Аксинча, оилаларда

парокандалик, бузгунчилик бўлса, ҳалол-ҳаромнинг фарқи қолмаса, ўша жамият бузилади, тинчи йўқолади, охир-оқибат у чуқур таназзулга юз тутади. Шунинг учун қадимдан ҳар бир жамият оила масаласига катта эътибор бериб, оилаларнинг мустаҳкам ва бахтиёр бўлиши учун имконида бор бўлган барча чора ва тадбирларни кўриб келган” [12; 4].

Оила жамиятнинг энг кичик бўғини, яқин қариндошларнинг ижтимоий бирлашмаси хисобланади. Ўзбек тилининг изоҳли лугатида ушбу сўзнинг таърифи (а. бола-чақа, хонадон; уруғ, авлод) Эр-хотин, уларнинг бола-чақалари ва энг яқин туғишганларидан иборат бирга яшовчи кишилар мажмуи; хонадон [13] бўлиб, ушбу денотатив маънонинг “туғишганларни бирлаштирган жамоа” маъноси “бир мақсад, маслак билан бирлашган қўп кишилар, халқлар, мамлакатлар” [13] ҳамда “ўсимликлар ва ҳайвонлар систематикасида тузилиш жиҳатидан бир-бирига ўхшаш, келиб чиқиш жиҳатидан ҳам ўзаро яқин бир нечта уругни ўз ичига олган гурӯҳ” [13] кўчма маъноларининг шаклланишига асос бўлади.

Ўзбекистон миллий энциклопедиясида оила сўзининг дефиницияси қуйидаги: “ОИЛА – никоҳ ёки туғишганликка асосланган кичик гурӯҳ. Унинг аъзолари рўзгорининг бирлиги, ўзаро ёрдами ва маънавий масъулияти билан бир-бирига боғланган. Оиланинг энг муҳим ижтимоий вазифалари – инсон зотини давом эттиришдан, болаларни тарбиялашдан, оила аъзоларининг турмуш шароитини ва бўш вақтини самарали ўюштиришдан иборатdir” [14].

Келтирилган дефинициялардан оила сўзи маъносининг қуйидаги ядро компонентларини ажратиш мумкин:

- 1) эр-хотин, никоҳ;
- 2) бола-чақа, туғишганлик;
- 3) биргалиқдаги истиқомат, рўзғор бирлиги.

Оила концептига яқин концептлар никоҳ, уй, эр ва хотин концептлариидир. Мулоҳазаларнинг асосли бўлишини таъминлаш мақсадида, дастлаб, изоҳли лугатлардаги маъноларга таяниб, уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталишимиз мақсадга мувофиқ. Никоҳ (а. уйланиш, эрга тегиш; эр-хотинлик; эр-хотиннинг қовушиши) 1 Эр-хотинликни шариат йўли билан расмийлаштириш маросими ва шу маросимда домулла томонидан ўқиладиган шартнома. 2 Эр-хотиннинг ўзаро розилиги билан ҳуқукий жиҳатдан расмийлаштирилган оилавий иттифоқ; эр-хотинлик [14]. Уй – бирор оила ёки хонадон ўрнашган бино ва шу бинога таалкуқли ер; ҳовли, оила; хонадон. Эр – хотин киши билан никоҳ аҳдида бўлган эркак киши. Хотин – бирор эркак никоҳидаги аёл. Кўринадики, ушбу концептлар бир-бири билан изчил боғланган яқин муносабатда бўлади.

Демак, оиланинг ташкил топишида расмий-ҳуқукий жиҳатдан ҳамда диний-ахлоқий жиҳатдан талаблар мавжуд. Оиланинг эркак ва аёлнинг розилиги билан бунёд бўлиши ёзиб қўйилган меъёр бўлса, унга ота-онанинг розилиги – ёзилмаган ахлоқий меъёрлардан.

Тадқиқотчилар томонидан қадимдан туркий оилалар ўртача 5–6 кишидан иборат бўлгани ва бундай оиласга нуклеарлик (оила бир ота-она ва фарзандлардан ташкил топиши) хос эканлиги қайд этилади [8]. Шунингдек, қадимги туркий тилда қўпхотинликни англатувчи сўзнинг мавжуд бўлмаганлиги ушбу тил шаклланган даврларда бундай анъ-ананинг ҳам мавжуд бўлмаганини кўрсатади. Тарихчиларнинг қайд этишича, қадимги

туркий тилда “ахлоқи бузук аёл” ёки “никоҳсиз туғилган бола” каби тушунчаларни ифодаловчи сўзлар бўлмаган, бундай сўзлар форс тилидан ўзлаширилган. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, қадимги туркларнинг оила институти мустаҳкам, аёллари эса ифратли ва ҳалол бўлганлигидан далолат беради [8].

Оила концептини таҳлил қилишда, В.Телиянинг таъбири билан айтганда, лексик коллокацийлар ёки фразеологик чатишмалар тавсифи унинг тўлиқроқ англанишига йўл очади. Чунки “уларда ижтимоий-маънавий маданият концептлари гавдаланади ва, айтиш мумкинки, улар концептнинг мазмун-мундарижасини тўлиқроқ деконструкция қилиш имконини беради” [9]. Ўзбек лингвомаданиятида оиланинг вужудга келиши ҳамиша “қуриш” билан боғланади. Оилани ташкил этиш бу “турмуш қуриш” ёки “уйланиш” экан, бунда турмуш қурганларнинг алоҳида ўз рўзгорига, қўргонига эга бўлиши ўз ифодасини топади. Шу ўринда турк тилида ҳам турмуш қуриш маъносидаги *evlenmek* сўзининг асоси *ev* – “уй” эканини эслатиш ўринли. Кўринадики, ўзбекча менталитет учун оила ва уй концептлари бир-бирининг яқин ассоциатлари ҳисобланади ва бир-бирининг ўрнида қўллана олади: Уйимизда бошланган можародан Жиян бекорга келмаганини тушундим (Назар Эшонқул. Бепоён осмон). Алоҳида таъкидлаш керакки, оила – уй ёпиқ қўрғон, ундаги гап қўчага чиқмаслиги, оиладаги гапларни ҳеч ким билмаслиги лозимлиги маданий меъёр даражасида: Ҳарқалай, уйдаги гапнинг қўчага чиқмагани дуруст бўлди. Раҳмонали бу сирни мендан бошқа кишига айтмаган (**Сайд Аҳмад. Иқрор**).

Ўзбек кишиси оила аъзолари ҳақида гапирганда уйдагилар ёки уй ичи ифодаларини қўллайди. Мисолларга эътибор беринг: Кўйинг, ўладиганнинг ўлгани дуруст, уйдагиларнинг тингани дуруст. – Сизга ким айтди масалангиз кўрилади, деб? (**Сайд Аҳмад. Азоб**); Бизнинг уй ичимида мендан кичик иккитагина ўғил укаларим бўлса ҳам, уларнинг қўлидан ҳали ҳеч иш келмас эди (Faafur Fулом. Кўнгилсизнинг «қилиғи»). “Бирликли уй – баракатли, ғовғали уй – ҳалокатли” мақолида ҳам оила назарда тутилаётганини тушуниш қийин эмас. Фикрларнинг мантиқий давоми сифатида уйда эркак киши ҳал қилувчи эканини тушуниш мумкин. Чунки у уйланади, қиз эса турмушга чиқади ва ўзга уйга келади – келин бўлади (юқорида келин сўзининг асоси кел экани ҳақида тўхталинди) яъни ўз уйидан чиқиб, эрнинг қарамоғига ўтади. Қизнинг турмушга чиқишини турмушга бериш ҳам дейилади. Бу, бир томондан, қизнинг ихтиёри тўлиқлигича ўзида эмаслигини, бошқа томондан уни қалин (никоҳ тўйида куёв томондан келин томонга бериладиган, тўланадиган пул, мол ва ш.к. [13]нинг эвазига келинликка берганларини англаради. Бундай одат ўзбек маданиятида ҳозир ҳам учраб туради. Масаланинг моҳиятини никоҳланиш вақтида қизнинг розилигини “...бағишлидингизми?” деб, йигитдан эса “...қабул қилдингизми?” деб сўралиши лўнда акс эттира олади. “Туркӣларда оила патриархал характерда эканини кўрсатувчи белгилардан бири ота томонидан қариндошларнинг алоҳида номланиши (амаки ва тофанинг фарқланиши – Ф.У.) ҳисобланади. Ўз тарихида матриархат даврини бошдан кечирган халқлар тилларида отанинг ака ёки укасини ифодаловчи сўз йўқ. Аксарият европа тилларида отанинг акасини ва онанинг акасини бир термин ифода этади” [15].

Ўзбек мақолида “Эр-хотин – қўш хўқиз” экани акс этгани ҳолда, оила қурганда йигитга қаратса айтиладиган “ола хуржун елкасига тушди” ибораси рўзгорнинг асосий юки эркакда эканини англаради. Ўзбек лингвомаданиятида эркаклар ўз аёлларига нисбатан хўжайин деб аталиши ҳам эр том маънода ўз аёлининг хўжайини эканини,

хатто у билан ажрашиш ҳам эрнинг жавоб бериши билан бўлишини эслаш ўринли: Мана энди... бир кунда хотинимнинг жавобини бераман (П.Турсун. Ўқитувчи).

Оила катта масъулият ва ўзига яраша қийинчиликлар қобиғи бўлгани ҳолда, бараканинг ҳам илдизи ҳисобланади: Бош икков бўлмай, мол икков бўлмас; Бошим икки – молим икки (ўзбек халқ мақоли). Масалан: Йигитнинг боши икки бўлмагунча, моли икки бўлмайди (С.Аҳмад. Қадрдон далалар). Фақат ундаги тинчликни асрар керак, акс ҳолда Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун барака кўтарилади (ўзбек халқ мақоли).

Яна бир қатор мақолларда оиланинг аҳил бўлиши кераклиги, унинг вафо ва меҳр маскани эканлиги акс этади: Сувсиз ҳаёт бўлмас, вафосиз – оила; Иноқ оилада бешик бўшамас; Аҳил оила – баҳтли, ноаҳил оила – вақтли; Сержанжал уйда барака йўқ; Оила – қўш устунли айвон ва ҳ.к. (ўзбек халқ мақоли). Куйидаги мақоллардан эса, хотиннинг оқиласиги оиладаги тинчлик гарови эканини тушуниш мумкин: Бўз яктак қичитар, яхши хотин тинчтар; Ёмон хотин эрига дўзах қилар; Ёмон хотин ўлса, кенг тўшак қолар, яхши хотин ўлса, меҳнат-ғам қолар; Ёмон хотин ҳайитда эридан чиқар; Ёмон хотиннинг ўйнаши кўп; Ёғмас булут элни алдар, ёмон хотин –эрни; Олис йўл отни синар, оғир кун – хотинни ва ҳ.к. (ўзбек халқ мақоли).

Айрим концептлар бир-бири билан жуда яқин алоқада ва бир-бирини тўлдирадиган, аниқлаштирадиган, маълум вазиятларда ўзаро алмашадиган даражада мазмуний тўйинганликка эга бўладики, уларни гиперконцепт дейиш мумкин. Чунки “уларда яқин компонентларнинг яқин ассоциатив ва дифференциал алоқалари мавжуд бўлади” [4]. Шу нуқтаи назардан оила концептини гиперконцепт дейиш мумкин. Ушбу концепт ёки қадриятнинг ассоциатив потенциалларини ҳам аниқлаш муҳим. Зоро, ассоциатив тажриба оламни концептуаллаштиришнинг ўзига хослигини кўрсатади. Бошқача айтганда, “бир обьект бўйича турли миллат вакилларида бир-биридан фарқ қилувчи вербал ассоциациялар юзага келиши кузатилади. Бу ҳолат турли тил эгаларининг миллий-маданий қарашлари, қадриятлари, воқеликка муносабати кабилар билан боғлик” [5; 26]. Ассоциатив тилшунослик бўйича салмоқли тадқиқот олиб борган, ўзбек тилининг илк ассоциатив лугати муаллифларидан бири Д.Лутфуллаева ҳам “ассоциатив лугатларда, айниқса, бошқа лингвистик лугатларда қайд этилмаган халқ маданиятининг ўзига хос қирралари акс этади” [5] дейди. Айтилган фикрларни ҳисобга олиб, эркин ассоциатив тажриба ўтказдик. Синалувчиларга ““ОИЛА” тушунчасига доир ассоциацияларни ёзинг” тарзида савол берилган бўлиб, улардан шу сўзни эшитганганларида хаёлларига келган биринчи ҳар қандай сўзни ёзиб бериш сўралган.

Ассоциатив лугатлар анъанасига мувофиқ жавоб реакцияларини камайиб бориш тартибида берамиз.

ОИЛА: ота-она 37; баҳт 25; муқаддас 16; фарзанд 16; ота 11; ота-онам 9; севги 8; меҳр 7; муқаддас даргоҳ 7; ишонч 7; қўрғон 5; муҳаббат 4; ватан 4; фарзандларим 4; фарзандлар 3; хотиржамлик 2; ҳурмат 2; сабр 2; тинчлик 2; тотувлик 2; она 2; меҳроқибат 2; Ватан оиладан бошланади 2; аёлим 2; отам 2; фарзандлар камоли 2; кичик ватан 2; кичик жамият 2; баҳт ва омад, баҳт маскани, баҳтли яшаш, баҳтнинг пойдевори, баҳт-у саодат, Бир оила бўлиб телефонларсиз дастурхон атрофида бирга кечки овқат ейиш, бир-бирига ўзаро меҳр ва муҳаббат, бир-бирига ҳурмат, бир-бирини тушуниш, бирдамлик, бирлик, бобо-буви, бувим, бутун, ватан, ватаним, ватаннинг пойдевори, дадам, дўстлик, жамият бўлаги, жамиятнинг бир бўлаги лекин жамиятнинг ичидаги бир дунё. Жаннат оналар оёғи остида, Инсон мустаҳкам оила қуриб ва уни қадрласа, кўп

ютуқларга эришса, унга мароқли бўлади, Инсон оиласи билангина баҳтли, инсон учун энг яқин инсонлар, инсон ҳаёти давомида энг катта топган бойлиги, Инсон ҳаётидаги энг муҳим кичик давлат. Ушбу давлатнинг ўз қонун-қоидаси мавжуд булиб, бу нарса Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам алоҳида белгилаб қўйилган, Оила – бу ота-она, эр-хотин ўртасидаги гўзал муносабатлар, фарзанд тарбияси ва уларни баркамол қилиб вояга етказиш, иссиқ маскан, катта ва кичик оилам, келажакка умид, кичик бир ватан, кичик бир қўргон, кичик ватаним, қадриятлар, қувонч, мен, мен ва менинг оилам, менинг оилам, мужассамлик, муқаддас макон, мустаҳкам қўргон, оила, Оила бу – таянч манбаидир. Ҳар қандай қийин ҳолларда оиламиз ёнимизда бўлади, оила – бу жамиятимизнинг ажралмас баҳосидир. Мен ўз оилам билан фахрланаман. Оила сенинг ҳақиқий баҳтинг, оила тинч – юрт тинч. Оила ҳеч нарса усиз татимайдиган бойлиқдир, оилам, олов. Она кулса хона тўлар, ота кулса, ғаминг кетар, онажоним, опам, ота-онага ҳурмат, севги-муҳаббат, сен учун мавжудлик ва маънони англатиб турадиган яқинлар, сабр қилиш. Сен масъул бўлган шахслар билан тузилган жамоа: турмуш ўртоқ, фарзандлар, совчи, сунячиқ, тарбия, турмуш ўртоқ, ўзаро ҳурмат, узилмас ришталар. Үйдагилар билан бирга бир дастурхон атрофида ўтириш, уруғ-аймоқ, фарзандларим борлиги ва соғлиги, фарзандларим ва турмуш ўртоғим, фаровонлик, хотиржамлик маскани, ҳаётимнинг ажралмас қисми, ҳаётнинг мазмуни, ҳамжиҳатлиқ, ҳар бир инсон яшайдиган ватан, шахсий хавфсизлик, энг яқин ва ишончли дўст, эр-хотин, эр-хотиннинг бир-бирини тушуниши, юрт тинчлиги оила, яқинлар ва фарзандлар, яқинларим, яқинлик, яхши ҳордиқ.

Демак, “оила” стимул сўзига берилган реакциялар сони 272 та. Турли жавоб реакциялари 111 та, такрор жавоб реакциялари 28 та, якка жавоб реакциялари 83 та, жавобсиз қолган ҳолатлар йўқ. Бунда мазкур концепт ассоциатив майдони ядрои учун энг юқори частотага эга стимуллар олинди. Эркин ассоциатив тажрибада ушбу майдон ядрои сифатида частотаси 2%дан юқори бўлган реакциялар олиниши учрайди [7; 338]. Б.Тажибоев эса бирдан ортиқ учраган реакцияларнинг барчасини ассоциатив майдон ядроидан ўрин олади, деб ҳисоблайди [10; 34]. Агар биз ҳам 2%лик чегара қўйсак, бизнинг ҳолатимизда ушбу ассоциатив майдон ядрои қуйидаги реакциялардан иборат бўлади: ота-она – 37 марта (13,6%), баҳт – 25 марта (9,1%), муқаддас – 16 марта (5, 9%), фарзанд – 16 марта (5,9%), ота – 11 марта (4%), ота-онам – 9 марта (3,3%), севги – 8 марта (2,9%), меҳр – 7 марта (2,5%), муқаддас даргоҳ – 7 марта (2,5%), ишонч – 7 марта (2,5%).

Келтирилган реакциялардан “оила” концептига муносабат мутлақ ижобий экани кўринади. Перифериядан ўрин олган реакциялар ҳам ушбу манзарани ўзгартирмайди. Шунингдек, унинг асосий таркибий тузилиши аён бўла боради: у ота-она ва фарзандлардан иборат бўлади, оила таркибида, албатта, фарзанд бўлиши керак деган стереотип мавжудлигини кўрсатади. Қанчалик кутилмаган бўлмасин, ушбу концепт ядроидан бобо ва буви ўрин олмаган. Шунингдек, ўзбеклар менталитетида унинг бир умумий ҳудуд – уй билан боғлиқлиги сезилади (муқаддас даргоҳ). Реакциялар частотаси оиланинг асосий шартларини ҳам билдиради: у баҳт, севги, меҳр ва ишонч хукмронлик қилувчи муқаддас даргоҳ сифатида қадрланади. Бундан ташқари, тажриба жараёнида бир қатор синалавчилар оила билан боғлиқ мақол, матал, ибораларни ҳам келтирганлигига гувоҳ бўлдик.

Қиёс учун рус тилида оила – семья сўзининг ассоциацияларидан дастлабкилари

куйидагича: большая (катта); дружная (ахил); дети (фарзандлар); дом (уй), моя (менинг); и школа (ва мактаб); школа (мактаб); мама (она); крепкая (мустаҳкам); счастливая (бахтли); любовь (муҳаббат), распалась (бузилди), ячейка (бўғин); муж (эр) [11]. Е.А.Сермягина ва А.С.Поршневалар ўтказган тажрибада эса бу сўзга карьера (карьера, мартаба), пьянство (ичкиликбозлиқ), вынужденный долг (мажбурий бурч) реакциялари хам келтирилганини кўрсатишидаи [7; 339].

Оила стимулига берилган ассоциацияларни мазмуний гурухларга ажратиш янада қизиқарли маълумотлар бериши мумкин. Бу гурухлар қуйидаги мазмуний уяларни ташкил этади:

1-жадвал

Оила концептининг ассоциатив майдони мазмуний уялари

Уяning номи	Реакциялар	Уядаги реакциялар сони	Уяning майдондаги салмоғи %
Оила таркиби	Ота-она, фарзанд, ота, ота-онам, фарзандларим, фарзандлар, аёлим, отам, она, бобо-буви, бувим, дадам, опам кабилар	103	37,8
Оилага умумий муносабат	Муқаддас, муқаддас даргоҳ, баҳт маскани, баҳтнинг пойдевори, ватан, ватаним, ватаннинг пойдевори, инсон ҳаёти давомида энг катта топган бойлиги, иссиқ маскан, кичик бир ватан кабилар	52	19,1
Оиланинг номоддий вазифалари	Баҳт, хотиржамлик, тинчлик, тотувлик, баҳт ва омад, баҳтли яшаш, баҳт-у саодат, инсон оиласи билангина баҳтли, келажакка умид, тарбия кабилар	52	19,1
Оиладаги муносабатлар	Севги, меҳр, ишонч, муҳаббат, ҳурмат, меҳроқибат, бир-бирига ўзаро меҳр ва муҳаббат, бир-бирига ҳурмат, бир-бирини тушуниш, бирдамлик, бирлик, дўстлик, ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик кабилар	43	15,8
Оилага бўлган ижтимоий талаблар	Кичик жамият, ватан оиладан бошланади, бутун, жамият бўлаги, Жамиятнинг бир бўлаги, лекин жамиятнинг ичидаги бир дунё. Инсон ҳаётидаги энг муҳим кичик давлат. Ушбу давлатнинг ўз қонун-қоидаси мавжуд булиб, бу нарса Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Оила бу жамиятимизнинг ажралмас баҳосидир. Мен ўз оиласи билан фахрланаман, Мужассамлик кабилар	9	3,3

Оиладаги мажбуриятлар	Сабр, бир оила бўлиб телефонларсиз дастурхон атрофида бирга кечки овқат ейиш, инсон мустаҳкам оила қуриб ва уни қадрласа, кўп ютуқларга эришса, унга мароқли бўлади, она кулса хона тўлар, ота кулса ғаминг кетар, сабр қилиш, уйдагилар билан бирга бир дастурхон атрофида ўтириш кабилар	8	2,9
Оила концептига бевосита боғланмаган ассоциациялар	Олов, совчи	2	0,7
Оиланинг моддий вазифалари	Фаровонлик	1	0,3

Жадвалда келтирилган маълумотларни таҳлил қилиб, айтиш мумкинки, ўзбекча менталитет учун оиланинг таркиби, унинг қамровига эътибор кўпроқдек. Аслида унинг асосини турли вариациялардаги ота, она ва фарзанд реакциялари ташкил этади. Кейинги ўринда оиласа умумий муносабат ифодаловчилар бўлса, сўнг эътибор оиланинг инсон ҳаётидаги номоддий вазифаларига қаратилади. Оиладаги ички муносабатлар сирасида эса хурмат ва меҳр-оқибат турли шаклларда келтирилади. Шунингдек, ҳеч бир реакция салбий муносабат ифодаламайди. Яна бир эътиборли жиҳат ўзбек оиладаги мажбуриятлар сифатида кўп нарсани кутмайди: бунда асосан сабр ва биргаликда бир дастурхон атрофида ўтириш тилга олинган. Оиланинг моддий вазифаси мазмуний гуруҳи биргина аъзо (фаровонлик)дан иборатлиги ҳам миллий менталлик оилани яқин қариндошларнинг ўзаро илиқ ва ижобий муносабатларига қурилган номоддий қувват манбай сифатида тушунишни кўрсатади. Демак, оила ўзбек маданиятининг юксак қадрияти хисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Антология концептов. Т.1. /Под ред. В.И.Карасика, И.А.Стернина. – Волгоград: Парадигма, 2005.
2. Арутюнова Н.Д. Язык и мир человека. – Москва: Шк. «Языки русской культуры», 1999.
3. Воркачев С.Г. Лингвокультурология, языковая личность, концепт: становление антропоцентрической парадигмы в языкоznании // Филологические науки, 2001 - № 1. – С. 64-72.
4. Кострубина Е.А. Типы концептов: гиперконцепт семья – дом // Вестник Пермского университета, 2010. Вып. 6(12). – С. 51-57.
5. Лутфуллаева Д. Ассоциатив тилшунослик назарияси. Монография. – Тошкент: Meriyus, 2017. – 140 б.
6. Ремизова В.Ф., Костина Н.Г. Концепт VS. ценность. URL: <http://elib.osu.ru/handle/123456789/5555>
7. Сермягина Е.А., Поршнева А.С. Составление ассоциативного поля концепта

«семья» в русском языке путем проведения свободного ассоциативного эксперимента // Физика. Технологии. Инновации: сборник научных трудов. – Екатеринбург: УрФУ, 2015. – Вып. 1. – С. 337-340.

8. Тишин В.В. К вопросу о форме семьи у древних тюрков в связи с ее хозяйственными функциями // Этнографическое обозрение, 2012. – № 4. – С. 92-107.

9. Телия В.Н. Концептообразующая флюктуация константа культуры «родная земля» в наименовании родина // Язык и культура: Факты и ценности: К 70-летию Юрия Сергеевича Степанова / Отв.ред. Е.С.Кубрякова, Т.Е.Янко. – Москва: Языки славянской культуры, 2001. – С. 412.

10. Tajiboyev B.R. O‘zbek tilida so‘zlarning assotsiativ ma’no strukturasi (Milliy-madaniy semali birliklar): Monografiya. – Toshkent: Mahalla va Oila, 2021. – 108 b.

11. Черкасова Г.А. Русский сопоставительный ассоциативный словарь. – М.: ИЯз РАН, 2008. URL: http://it-claim.ru/Projects/ASIS/RSPAS/RAS_SAS.htm#RS92

12. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Бахтиёр оила. – Тошкент: Hilol-Nashr, 2013.

13. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Беш жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

14. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Ўн икки жилдлик. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 5-жилд, 2003. – 704 б.

15. <https://beznenmiras.ru/news/redakciya-khabarlare/semia-u-tiurkov>



O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



DRAMATIK ASARLAR TILINING DISKURSIV TAHLILI (METAFORA MISOLIDA)

Nurislom Iskandarovich XURSANOV
dotsent

Filologiya fanlari bo‘yicha (PhD) falsafa doktori
Renessans ta’lim universiteti

Toshkent, O‘zbekiston
e-mail: nurislomkhursanov92@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5714-2745

Annotation

Maqolada ingliz va o‘zbek dramalarida qo‘llanilgan metaforalarning lingvokulturologik xususiyatlari haqida so‘z yuritiladi.

Tayanch so‘zlar: drama, metafora, lingvokulturologiya, lingvopragmatika, kognitiv tilshunoslik, lingvokognitiv jarayon, konsepsiya, kognitiv-pragmatik yondashuv.

ДИСКУРСИВНЫЙ АНАЛИЗ ЯЗЫКА ДРАМАТИЧЕСКИХ ПРОИЗВЕДЕНИЙ (НА ПРИМЕРЕ МЕТАФОРЫ)

Нурислом Исхандарович ХУРСАНОВ
доцент

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам

Университет образования Ренессанс
e-mail: nurislomkhursanov92@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5714-2745

Annotation

В статье речь идет о лингвокультурологических особенностях метафор, используемых в английских и узбекских драмах.

Ключевые слова: драматургия, метафора, лингвокультурология, лингвопрагматика, когнитивная лингвистика, лингвокогнитивный процесс, концепт, когнитивно-прагматический подход.

Tilshunoslar, tarjimonlar, faylasuflar, psixologlar, filologlar, kognitiv olimlar va adabiyotshunoslardan olib borilgan zamonaviy tadqiqotlar metafora tilning rivojlanishi va uning imkoniyatlarini kengaytirish, shuningdek, fikr va tajribani uzatishda ulkan rol o‘ynashini isbotlaydi. O‘tmish va hozirgi boy madaniy va tarixiy tajribani umumlashtirgan holda odamlar ko‘p hollarda metaforalarni qo’llash orqali muloqotga kirishadilar, bu borada o‘z fikrlari, his-tuyg‘ulari va tajribalarini oshkor qilish va tinglovchiga yetkazishga yordam beradi. Birinchidan, tarixiy tilshunoslik sohasida shakllangan qarashlarga ko‘ra, so‘z ma’nolarining rivojlanishi ko‘p jihatdan metafora hodisasi bilan bog‘liq, deb hisoblanadi.

Ma'lumki, hind-yevropa oilasining ko'plab tillaridagi so'zlar o'zining ko'p ma'nosiga ega bo'lib, aniq jismoniy obyektlar nomlarini mavhum tushunchalar doirasiga metaforik tarzda o'tkazishga bog'liq. Shunday qilib, davom etayotgan semantik o'zgarishlar – asl ma'noring torayishi va kengayishi, birinchi navbatda, uni keyingi tushunish obyektni dastlabki vizual idrok etish bilan bog'liqligi muhim sanaladi. Va bu ikki jarayonning tutashgan joyida so'z ma'nosni yangi semantik ma'nolarni o'zlashtirishi yoki ularni yo'qotishi mumkin. Kognitiv lingvistika va lingvopragmatika o'rtasidagi bog'liqlik metaforani o'rganishning antroposentrik yo'nalishidir. Majoziy so'zni o'rganishga kognitiv-pragmatik yondashuvning asosi sifatida nafaqat lingvistik shakllar va moddalarning munosabati va birligi, balki trixotom birlik ham taxmin qilinadi: til – og'zaki aloqa –shaxs. Asosiy e'tibor lingvistik vaziyatlarga qaratiladi, bunda shaxs jonli nutqning subyekti, nutqiy tafakkur obyekti, badiiy asardagi personaj sifatida ishtirok etadi [2]. Tilning faol talqini kognitiv-pragmatik tadqiqotning asosiy g'oyasidir, chunki til ontologik jihatdan inson faoliyati mahsuli hisoblanadi.

Metaforani o'rganishga kognitiv-pragmatik yondashuv doirasida asosiy e'tibor muallif va qabul qiluvchi faoliyatining shaxsiy va ijtimoiy jihatlariga qaratilgan. Shu munosabat bilan badiiy adabiyotda metafora tasvirlanganda kommunikativ jarayonning shaxsiy va ijtimoiy-madaniy jihatlari hisobga olinadi. Bu uchta asosiy komponentni o'z ichiga olgan ikkilamchi nominatsiya belgilarini o'rganish zarurligini anglatadi: kognitiv, lingvo-pragmatik, lingvokulturologik [7]. Metaforada aks ettirilgan eng muhim jarayonlar hayotiy tajribani kontseptuallashtirish, ya'ni bilimlarning minimal tuzilmalarini taqsimlash va turkumlashtirish, ya'ni ularni kategoriyalarga birlashtirishdir [1]. Bu lingvokognitiv jarayonlar konsepsiyalarning paydo bo'lishi va shakllanishida ishtirok etadi va metaforani lingvopragmatik jihatdan o'rganish imkoniyatini belgilab beradi.

O'zbek va ingliz dramatik diskursida tahlil uchun tanlangan matnlarda metafora pragmatik ma'nosining uchta asosiy jihatiga diqqat qaratish lozim [4]:

- 1) ma'lumot beruvchi, tavsiflovchi;
- 2) nazorat qilish (harakatlarni boshqarish, boshqalarning fikriga ta'sir qilish);
- 3) ekspressiv.

Ushbu ramka effektlari metaforalarni murakkab, ochiq, intuitiv, hissiy va xayoliy jihatdan uyg'otuvchi kognitiv holatlarni uzatish uchun kuchli vositaga aylantiradi. Bunda salbiy yoki ijobiy mazmunga ega assotsiatsiyalar paydo bo'ladi:

Ijobiy mazmunga ega:

MA'MUR. Kampir erib ketdilar, yuz gramm choy tutinglar.

XAKIM. Oyim shunaqalar, bir pov etib yonadilaru darrov o'chadilar. (S.Ahmad, "Kelinlar qo'zg'oloni").

TEDDY: It was just lovely play... I suppose... that's all I suppose it was. Love play? Two bleeding hours? That's a bloody long time for love play! (H.Pinter, "The Homecoming")

Salbiy mazmunga ega:

FARMON (To'xtaga). Ermisan, nimasan? Xotining akalaring olida yalangoch yursa ham eting jimirlamaydi-ya. Aslida sen o'zingni xudo urgan. Opkir uyga. Etagi uzunroq ko'ylak kiyidir. Ko'kragi o'lg'urga ham bir nima yopib qo'y. (S.Ahmad, "Kelinlar qo'zg'oloni")

JIMMY: I told you-pusillanimous. Do you know what it means?

Cliff shakes his head

Neither did I really. All this time I have been married to this woman, this monument to attachment, and suddenly I discover that there is actually a word that's sum up. Not just an adjective in the English language to describe her- with- it's her name!

Pusillanimous! It sounds like some fleshy roman matron, doesn't it?

Cliif looks troubled and glances uneasily at Alison.

Poor old sectus!

...Pusey! What say we get the hell down to the Arena and may be feed ourselves to a couple of lions, huh? (J. Osborne, "Look Back in Anger").

Bir qator nazariyotchilarning ta'kidlashicha, bunday majoziy haqoratlar hatto inkor etuvchi tinglovchilarda ham o'ziga xos "sheriklik" ni keltirib chiqaradi, bu esa inkor etish samaradorligini pasaytiradi.

Yuqoridagi ma'lumotlarni umumlashtirgan holda badiiy matnda diskursni shakllantiradigan salbiy yoki ijobiy mazmunga ega assotsiatsiyalar sifatida quyidagilarni keltirish lozim:



1-havola. Diskurs nazariyasining muhim tushunchalari [8].

Propozitsiya – qator gaplarning paradigmatic qayta o'zgarishlar bilan aloqador, fikrlarning tasdiq, buyruq, so'roq kabi turli kommunikativ vazifalari bilan o'zaro bog'liq invariant ma'nolaridir. U nutqiy vaziyatni ifodalab, tildagi lisoniy hodisalar vositasida tavsiflash, so'zlovchi yoki yozuvchini fikr ifodalashda asosli dalillar bilan qurollantirish kabi vazifalarni amalga oshiradi. N.Mahmudov [5]: "Gap semantikasi obyektiv va subyektiv ma'nolar munosabatidan tashkil topgan nisbiy butunlik" degan qarashga moyillik bildiradi. Gapning obyektiv mazmuni deganda, gap orqali ifodalangan va inson ongida aks etgan obyektiv voqelikni tushunadi. Bu voqelik sintaktik semantikaning nominativ yo'nalishida propozitsiya atamasi bilan nomlanadi. Propozitsiya ma'lum gap semantikasida o'z ifodasini topgan muayyan voqe, hodisa hisoblanadi" [6]. Umuman olganda, propozitsiya bilish jarayoni bilan bog'liq baholash xarakteridagi tushuncha bo'lib, semantik jihatdan ifodalanayotgan fikrning voqelik faktlariga mos kelishi yoki kelmasligini aks ettiradi.

Ma'lumki, presuppozitsiya pragmatik hodisa sifatida til belgisining nutq bilan bog'liq jihatlarini namoyish qiladi. Ayrim mualliflarning fikricha, presuppozitsiyaga pragmatik hodisa sifatida qaralishi shu ma'nodaki, u so'zlovchining gapda xabar berilayotgan yoki so'ralayotgan voqelikka nisbatan muayyan nuqtayi nazarini aks ettiradi va "hukmning tabiiy asosi" "so'zlovchilarining umumiyligi bilish fondi, ularning oldindan kelishuvi" sifatida talqin etiladi. Ilmiy manbalarda presuppozitsiya bu tarzda turlicha nomlangan bo'lsa-da, til birligining ishorasi asosida gapda yashirin ifodalanuvchi axborot tarzida baholandi. Presuppozitsiya til birligining nutqiy vaziyat hamda nutq egalarining til ko'nikmalari bilan bog'liq tarzda yuzaga chiquvchi pragmatik xususiyati bo'lib, mohiyatan gap qurilishi asosida yotuvchi yashirin

hukmnning tashqi ishoraga asoslanuvchi ko‘rinishini anglatadi [10]. Bunday tashqi ishora tilda moddiy ifodachisiga ega bo‘lganda, presuppozitsiya lingvistik xususiyat kasb etadi. Bu jihatdan, lingvistik presuppozitsiyaning gapda lisoniy vositalar ishorasi asosida yashirin ifodalanuvchi axborot tarzida baholanishi asosli.

Shu kunga qadar tilshunoslikda bu hodisaga nisbatan presuppozitsiya, prezumptsiya, tagbilim, ichki ma’no, monema, pragmatik ma’no, sigmatik ma’no terminlari qo‘llandi. Presuppozitsiya asosiy hollarda gapda muayyan til birligining ishorasi asosida yashirin tarzda yuzaga chiqadi. So‘zlovchi obyektiv voqelik haqidagi muayyan axborotni gapda ochiq ifoda etishni xohlamaganda, presuppozitsiyaga yo‘l ochiladi [11]. Presuppozitsiyaning gapda ifodalanishi muayyan nutqiy vaziyatni, nutq egalarining til ko‘nikmalarini taqozo etadi. Presuppozitsiya nutqda turli sintaktik qurilmalar orqali yuzaga chiqadi. Bunday sintaktik qurilmalar bevosita propozitsiyani ham aks ettiradi. Presuppozitsiya orqali anglashiluvchi axborot esa sintaktik qurilmadan bu hodisani o‘rganish bilan bog‘liq mavjud ilmiy manbalar tahlili asosida lingvistik presuppozitsiyaga xos quyidagi eng umumiy belgilarni ajratish mumkin:

1. Lingvistik presuppozitsiya til birligining kontekst, nutq vaziyati, so‘zlovchi va tinglovchilarning voqelik haqidagi umumiy bilimlari hamda til ko‘nikmalari bilan bog‘liq jihatlarini aks ettiradi.
2. Lingvistik presuppozitsiya sintaktik strukturada yashirin ifodasiga ega bo‘lgan vaziyat ifodasi hisoblanadi.
3. Lingvistik presuppozitsiya gap tashqi strukturasida bevosita aks etmaydi, ammo gapning semantik strukturasi orqali yashirin ifodasiga ega bo‘ladi.
4. Lingvistik presuppozitsiya sintaktik strukturada muayyan tashqi signallari – ishora vositalariga ega bo‘ladi.
5. Lingvistik presuppozitsiyada nutq ishtirokchilariga oldindan ma’lum voqelik ifodasi o‘z aksini topadi.
6. Lingvistik presuppozitsiya asosiy hollarda tilda amal qiluvchi tejash tamoyili asosida yuzaga chiqadi.
7. Lingvistik presuppozitsiya propozitsiya bilan bir qatorda gapning semantik tuzilishida ishtirok etadi va har qanday gapni mazmunan murakkablashtiradi. Buning natijasida gapda shakl va mazmun birligi buziladi.
8. Lingvistik presuppozitsiya gapda bevosita ifodalangan propozitsiyaga semantik jihatdan aloqador bo‘lgan axborotni aks ettiradi va asosiy hollarda ayni propozitsiyaga semantik jihatdan zidlanadi.

Ma’lumki, lingvistik presuppozitsiyani o‘rganishda tilshunoslarning asosiy e’tibori unga ishora qiluvchi til vositalariga qaratildi. Negaki presuppozitsiyaga ishora qiluvchi til birliklarining lisoniy tadqiqi gap mazmuniy tuzilishidagi o‘ziga xos o‘zgarishlarni aniqlashda alohida o‘rin tutadi. Har bir tilning lingvistik presuppozitsiyaga ishora qiluvchi o‘z tashqi signallari mavjud.

Ma’lumki, lingvistik presuppozitsiyani o‘rganishda tilshunoslarning asosiy e’tibori unga ishora qiluvchi til vositalariga qaratildi. Negaki presuppozitsiyaga ishora qiluvchi til birliklarining lisoniy tadqiqi gap mazmuniy tuzilishidagi o‘ziga xos o‘zgarishlarni aniqlashda alohida o‘rin tutadi. Har bir tilning lingvistik presuppozitsiyaga ishora qiluvchi o‘z tashqi

signallari mavjud.

N.D.Arutyunova chet el olimlarining tushunchalarini tahlil qilish asosida atamaning 5 ta asosiy ma’nosini aniqlaydi [3; 325–331].

1. Jumla ma’nosining kommunikativ jihatdan ahamiyatsiz elementlari (ekzistensial presuppozitsiyalar), ma’noning kommunikativ jihatdan ahamiyatsiz komponentlari so‘zning denotatga to‘g‘ri berilishini ta’minlovchi so‘zlar.

2. Ma’ruzachilarining hodisalar o‘rtasidagi tabiiy munosabatlar haqida taqdimoti (mantiqiy taxminlar).

3. Nutq aktining samaradorligi uchun shartlar (pragmatik presuppozitsiyalar).

4. Matndagi bir so‘z yoki gapning boshqa so‘z yoki gap orqali semantik belgilanishi (sintagmatik presuppozitsiyalar).

5. Ma’ruzachining nutjni qabul qiluvchining xabardorlik darajasi haqidagi fikri (kommunikativ presuppozitsiyalar).

Semantik presuppozitsiyadan farqli o‘laroq, qo‘sishimcha ma’no ham pragmatik ma’no hosil qilishi mumkin. Masalan, “Nega qoqqan qoziqday turib olding?” gapida ko‘zlangan ma’no “O‘zingizga munosib joy oling” semasiga ega. Yoki bo‘lmasi ingliz tilidagi jumlasida “Have you gone out of your mind or something?” biron maqsadga erishish uchun harakat qilish yoki oldindan ko‘zlangan maqsadga erishish ma’nosiga urg‘u berilmoqda [9].

Xulosa qilib aytganda, har xil turdagи presuppozitsiyalarning tabiatи va ularning tasnifi bo‘yicha ham bir qator nazariyalar va qarashlar mavjud. Dramatik diskursda presuppozitsiyaning ifodalanishi muallifning kommunikativ maqsadini namoyon qilish, nutqiy aktni belgilash funksiyalari bilan yuzaga chiqadi. So‘roq gaplarda presuppozitsiyani aynan bir shaklda ifodalanadi deb bo‘lmaydi. Balki kontekstga muvofiq turli mazmun va shakkarda ifodalanishi mumkin. Demak, o‘zbek tilidagi dramatik diskursning pragmatikasi tahlilida quyidagilarga alohida e’tibor qaratish lozim:

so‘zlikning tanlanishi, so‘z muqobillarining qo‘llanilishi;

nutqiy vaziyatning yuzaga kelishi, nutqiy vaziyatga aloqador hodisalar;

qahramonlar nutqining pragmatik dasturi;

nutqiy vaziyatni hisobga olgan holda fikrning adresatga ta’siri;

nutqning qanday ko‘runishda tashkil etilganligi va bunda nutqning o‘ziga xosligi(monolog, dialog, polilog);

turli lisoniy va nolisoniy birliklar, verbal va noverbal vositalardan foydalanish;

fikrning mavzu va g‘oyaviy yo‘nalisah liniyasini baholash;

suppozitsiya, presuppozitsiya, implikatsiya, subyektiv bahoning gender sterotiplarda xilma xilligi;

gender sterotiplarga muvofiq nutqning xoslanishi va h.k.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Алефиренко Н.Ф. Фразеология в свете современных лингвистических парадигм. – Москва: Элипс, 2008. – 271 с.

2. Алефиренко Н.Ф. Когнитивно-прагматическая субпарадигма науки о языке. Когнитивно-прагматические векторы современного языкоznания : сб. науч. тр. – Москва: Флинта: Наука, 2011. – С. 16–28.

3. Арутюнова Н.Д. Понятие пресуппозиции в лингвистике // ИАНОЛЯ. Серия литературы и языка. – 1973. – Т. 32. Вып. 1. – С. 325 – 331.
4. Демьянков В. З. О формализации прагматических свойств языка. Языковая деятельность в аспекте лингвистической прагматики. – Москва: ИИОН АН СССР, 1984. – С. 197–222.
5. Маҳмудов Н.М. Эллипсис в узбекском языке: Дисс...канд. филол. наук. – Ташкент: 1977.
6. Нурмонов А. Шакл ва мазмун муносабати – лингвистик тадқиқотлар асоси // Ўзбек тили ва адабиёти, 2010. – №4. – Б. 29.
7. Раупова Л. Диалогик нутқнинг дискурсив талқини (полипредикатив бирликлар мисолида): монография. – Тошкент: Фан, 2011.
8. Xursanov N. I. Ingliz va o‘zbek dramalarida verbal va noverbal vositalar munosabati // O‘zbekistonda xorijiy tillar. — 2024. — 10-jild, № 1 (54). — В. 17-27.
9. Хурсанов Н.И. Дискурсивная интерпретация метафор в английской драме: когнитивно-прагматическая характеристика: Республикаанская научно-практическая конференция «Современные направления лингвистики». 2024 – С. 258-264.
10. Khursanov N. Discourse and pragmatics: phenomena in linguistics. Uzbekistan: Language and Culture. 2023 Vol. 1. – pp. 30-45.
11. Korompot C., Siregar I., Khursanov N.I., Abdullaev D., Mohamed K. Investigating Gender DIF in the Reading Comprehension Section of the B2 First Exam. Int J Lang Test. 2024.: <https://doi.org/10.22034/ijlt.2023.421011.1301>



NAZAR ESHONQULNING “URUSH ODAMLARI” QISSASIDA IJTIMOIY FOJALAR TASVIRI

Dilmurod XOLDOROV

dotsent

Alisher Navoiy nomidagi o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

Toshkent, O‘zbekiston

xoldarov.dilmurod@mail.ru

Annotation

Maqolada taniqli yozuvchi Nazar Eshonqulning “Urush odamlari” qissasida urush fojiasi bilan bog‘liq tasvirlar va ijodkorning uslubiy o‘ziga xosligi yoritilgan.

Tayanch so‘zlar: Tersota, rais, qissa, roviy, fojia, ruhiyat, uslub, shaxs fojiasi, ramz, urush mavzusi.

ОПИСАНИЕ СОЦИАЛЬНОЙ ТРАГЕДИИ В ПОВЕСТИ НАЗАРА ЭШОНКУЛА «ЛЮДИ ВОЙНЫ»

Дилмурод ХОЛДОРОВ

доцент

Университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

xoldarov.dilmurod@mail.ru

Annotation

В данной статье на примере рассказа известного писателя Назара Эшанкула «Люди войны» анализируется описание событий, связанных с трагедией войны и стилистическое своеобразие автора.

Ключевые слова: Терсата, председатель, рассказ, рассказчик, трагедия, менталитет, стиль, личная трагедия, символ, тема войны.

Nazar Eshonqul an’anaviy uslubda yozilgan “Urush odamlari” qissasi bilan adabiyot maydoniga kirib keldi. Yozuvchining bu qissasi mohiyatida inson tabiatidagi ruhiy kechinmalar juda bilimdonlik bilan, aynan ulkan adib nazari bilan badiiy tahlil qilinadi. Ana shu dastlabki qissasida ham Nazar Eshonqulning o‘z tasvir manerasiga, murakkab tabiatli qahramonlar yarata olish qobiliyatiga egaligi yaqqol seziladi. Asarni tushunish, uning tagzaminiga yashiringan ma’nolarni anglash uchun, asar ruhiga kirish, voqelikni butun murakkabligi bilan his qilish kitobxonidan faol sezimni talab qiladi.

Sarlavhadan aniq bo‘lganidek, qissa urush mavzusida yozilgan. Aslida, XX asr o‘zbek adabiyotida Ikkinci jahon urushi to‘g‘risida yozilgan ham nazmiy, ham nasriy asarlar talaygina. E’tibor berilsa, ularning aksariyatini Ikkinci jahon urushi davri adiblari yozishgan. Yetim qolgan norasidalarga qarata aytilgan “Sen yetim emassan” degan hayqiriq tillarda

doston bo‘lgan. Nazar Eshonqul urush davriga guvoh bo‘lgan emas. Ammo bir haqiqatni unutmaslik kerakki, yozuvchi mo‘ysafid yoshidagi momolaridan, bobolaridan davr dahshatlari to‘g‘risidagi hikoyalarni eshitgan va yurak-yuragidan his etgan bo‘lishi aniq. Chunki garchand “Urush odamlari”da jang maydonlaridagi otishmalar, dushman bilan ochiqcha olishuvlarga oid epizodlar bo‘lmasa ham, o‘quvchi urush qoldirgan asoratni sezib, dil-dildan his qilib turadi. Chunki Nazar Eshonqul urush davri odamlarining iztiroblarini, oilaviy majorolarning kelib chiqishiga aynan o‘sha balo-ofat sababchi bo‘lganini matnostida ta’kidlab turadi.

Qissada tinchlik qadriga yetish, tinch-totuv yashash, hayotni sevish, umrning bir zumda o‘tib ketishi va boshqa insonning hayot-mamotiga taalluqli masalalar xususida ochiq-yalang‘och xitoblar yo‘q. Ammo asarning o‘ziga xos uslubi mohiyatiga singdirilgan Boyxun bobo nomi bilan bog‘liq bir rivoyat borki, u aynan yozuvchining badiiy maqsadi mohiyatini aks ettiradi.

Rivoyatda “...urug‘ oqsoqoli Boyxun (balki, Boysundir) endi bu joylarda yashab bo‘lmasligini va qon to‘kilgan yer endi hosil bermay qo‘yanini, suv ham, oftob ham ulardan yuz o‘giranini, endi bu yerlardan urushsiz yurt izlab ketish kerakligini aytibdi. Uning gapini hamma ma’qullabdi. Urug‘ turli tomonga urushsiz yurt axtarib tarqalib ketibdi.

Boyxun boshchiligidagi o‘troqlar esa quyoshga, muqaddas olovga tomon yo‘l olishibdi. Ular quyosh tomonda urushsiz yurt bor deb o‘ylab tobora tikroqqa ko‘tarilishibdi. Biroq ular qaerga borsa, urush izlaridan quvlab yetar, ularning hayotiga xavf solar, qonlariga tobora singib borar ekan”, - degan gaplarni aytadiki, bu insoniyat tarixi bilan bog‘liq voqealardir. Bashariyat tarixi hech qachon urushlarsiz kechmagan. Hatto zamonaviylashgan XXI asrda ham bu mudhish jarayon to‘xtayotgani yo‘q. Yer yuzining turli joylarida ro‘y berayotgan qirg‘in-barot urushlar, qon to‘kilishi Boyxun bobo surriyodlarining hamon izg‘ib yurganliklaridan darak beradi. Bundan anglashiladiki, qissaga kiritilgan rivoyat qissaning badiiy qimmatini yanada oshirgan.

Har doim epik asar markazida inson va uning ma’naviy olami, uning fazilati hamda qusurlari tasviri, shaxsning psixologik kechinmalari turadi. Inson dunyosini bor-bo‘yicha ko‘rsata olmagan, uni butun hayot murakkabliklari bilan tasvirlamagan har qanday asar nuqsonli sanaladi. Qiziq mavzular yoki shiddatli kechgan voqealarning o‘zina nasriy asarning to‘laqonli bo‘lishini ta‘minlay olmaydi. Shu ma’noda “Urush odamlari” qissasida tirik odamlarning real qiyofalari, ojiz va kuchli qirralari tasvirlanadi. Ayniqsa, syujet zanjirining barcha xalqalarini bog‘laydigan Normat polvon, Anzirat, Biydi momo, Mirzaqul rais, Buxor polvon qiyofasini aniq tasavvur qilish mumkin.

Urush bizning yurtlardan 4000-5000 chaqirim uzoqda bo‘lgan. Biroq uning manfur qiyofasi tul qolgan ayollar, sevgilisidan qoraxat kelgan yosh qizlar, farzandidan ayrilgan chollar, kampirlar ko‘z o‘ngida hamisha namoyon bo‘lib turgan. Shu nuqtai nazardan “Urush odamlari” qissasida ikkinchi jahon urushi haqida gap ketsa ham, asar tagmatnida umuman uning inson ruhiyatiga ta’siri, jamiyatda qoldirgan salbiy illatlari yotadi.

Nazar Eshonqul tasvir bayoniga kirishar ekan, asar qahramoni Anzirat tilidan “... u daryoning ikki betidagi ikki xil hayotni his qilar, biri ter to‘kib yig‘ar, ikkinchisi talab ketar – nazarida, narigi qirg‘oq baxtsizlik keltiradigan qirg‘oq edi”[2; 3], – degan so‘zlarni keltiradi.

Keltirilgan ramzlar ortiga razm solsak, daryo – bu inson umri, tiriklik belgisi. Insonda hamisha ikki his o‘rtasida kurash ketadi. Biri ezgulik, ikkinchisi yovuzlik. Ikkisiga ham

tiriklik belgisi daxldor. Ikkisida ham hayot bor. Umri davomida inson goh u “qirg‘oq”qa, goh bu “qirg‘oq”qa o‘zini tashlaydi. Ikkisida ham hayot lazzati bor. Faqat ulardan bittasigina mangulikka daxldor. U osonlikcha qo‘lga kiritilmaydi. Inson esa tabiatan osoniga moyilroq. Ezgulikning yovuzlik ustidan hamisha g‘alaba qilishi faqat ertaklardagina uchraydi.

Yozuvchi insonni ana shunday ikki “qirg‘oq” orasida imtihon qiladi. Uning ichida kechayotgan tartibli, tartibsiz xayollarni ochib tashlaydi. O‘quvchini ajdodlar zamoniga sayohat qildiradi. Boyxun bobo tilidan: “Agar urushsiz yurtni topmasalaring, unda aka – ukaga, do‘sit – do‘sitga, xotin – erga, odamlar bir-biriga xiyonat qiladigan, bir-birini aldaydigan bo‘lib qoladilar, qaerda qon oqsa, o‘sha yerda xiyonat ko‘p sodir bo‘ladi, baxt u yerdan yuz o‘giradi, odamlar yashash ilmini emas, bir-birini o‘ldirish ilmini o‘rgana boshlaydilar, suv o‘rniga qon ichadigan maxluqqa aylanadilar, Urush – yer yuzidagi hamma ezgu narsani quritadi, sizlarni yer yuzidan supurib tashlaydi. Sizlar hammalarining johil va adashgan urush odamlariga aylanib qolasizlar. Shu sababli sizlar urushsiz yurtni topinglar, urushni oralaringdan haydanglar, totuv yashashga o‘rganinglar. Bilinglarki, odamizodning otasi bitta, onasi bitta – hamma bir-biriga jigar, kimki urushga qarshi bo‘lsa, ular sizlarning jigarlarining – urushsiz yurt axtarib ketgan qo‘ng‘irotlar. Ularni qo‘llanglar. Agar urushsiz yurt topsalaring, ularni ham olib kelinglar”[2; 16], – degan ulkan bir falsafani ilgari suradi. Bu iqtibosda, bizningcha, qissaning asosiy mazmuni jo qilingan.

Qissada Sharif ko‘sса, Mulla Sattor, Zubay boybicha, Keldiyor so‘pi, Rajab ko‘sса kabi epizodik obrazlar ham borki, ular urush davri kishilarining ruhiy holatini tasavvur qilishga imkon beradi.

Qissa voqealari to‘rt muchasi sog‘ Normat polvonning urushdan nogiron bo‘lib, “urushning tirik guvohi”ga aylanib uyga qaytishi bilan boshlanadi. Yozuvchi mahorati sabab o‘quvchi bevosita asar ruhiga singishib, o‘sha odamlar davrasida o‘tirganday his qiladi. Chunki, “qayg‘urishayotganini bildirish uchun yuzlarini burishtirib, qoshlarini yozib, yoqalarini ushlab, yana qo‘yib yuborib, lablarining bir chetidan “cho‘lp” etib tovush chiqarib, hayratlangan bo‘lishar” [2; 300], kabi lavhalarda asar voqeasi tasvirlanayotgan muhit xarakterini turli tomondan ko‘rish imkonini beradi. Bu o‘rinda asarning yetakchi qahramonlaridan biri Normat nigohi go‘yo obektiv vazifasini o‘taydi. To‘g‘rirog‘i, N.Eshonqul bir qarashda sodda, ammo mohiyatida o‘ta murakkab holatni – urush davri qishloq kishilarining psixologiyasini, hissiyotlari, botiniy va zohiriylarini olamlarini Normat nigohidan o‘tkazib tasvirlaydi.

Normat polvon urushdan omon qaytganiga shukronalar keltirib, qolgan umrini xotiniga, bolalariga, shu odamlarga yaxshilik qilib o‘tkazishni niyat qiladi. Xotini Anziratning nozlanib, kaklik go‘shtini yegisi kelganini eshitgandan so‘ng: “...bu narsalarni hech narsaga almashmayman”[2; 21] – degan qat’iy qarorga keladi. Biroq to‘rt yillik urushning kichkina bir qishloq hayotiga yetkazgan zahar-zaqqumlari, iztiroblari, ularni his qilish azobi hali oldinda edi. Asarning badiiy maqsadi asta-sekinlik bilan ochila boradi. Voqealarni bunday yashirin tarzda berilishi yozuvchi tomonidan qo‘llangan asarning tuguni bo‘lib, keyingi holatlar shu tugunni yechishdagi voqealar bilan bog‘lanib ketadi. Yozuvchi bo‘lib o‘tgan voqealardan qahramonni xabardor qilish uchun mayda detallargacha ahamiyat beradi. Xotini Anziratning ruhiyatida kechayotgan o‘zgarishlar, ovqatlanishdagi o‘zini tutishi, qilib qo‘ygan aybini oqlashga intilishlari, Normatning cho‘loqligiyu, o‘zining shu holatda unga mos emasligini xayolidan o‘tkazishigacha barcha-barchasi qalamga olinadi, psixologik tasvir etiladi.

Nihoyat, Normat polvon manfur xiyonatdan xabar topadi. Qahramonning ichki olamida kechayotgan og‘riqli-azobli, ziddiyatlari fikrlarning g‘ujg‘on o‘ynashi kitobxonni ham o‘ziga sherik qiladi. Nega shunday bo‘ldi? – degan haqli savol o‘quvchini ham, qahramonni ham birday qiynaydi. Normat ikki o‘t orasida iztirob chekadi. Biri to‘rt yillik urush dahshatlari, undan omon qolish, oilasi bag‘riga tezroq qaytish bo‘lgan bo‘lsa, ikkinchi tomondan, xotinining xiyonati, o‘zi tirik bo‘la turib, farzandlarining yetim bo‘lib qolayotganligi azob beradi. U “Meni, avvalo, urushga bor, deb aldashgan, keyin urushda aldashgan, xotinini yo‘ldan urish uchun uni urushga yuborishgan – urushda ishlarini bitkazish uchun aldashgan, uni hamma aldagan, ko‘rgan har bir kishi aldagan, kelgan birinchi kunlariyoq aldashgan, yo‘llarda aldashgan, gospitalda aldashgan, uni mana shu mash’um voqeani ko‘rsatish uchun uyiga qaytarishgan, so‘ng ustidan kulib yurishgan, uni hamisha aldab kelishgan...”[2; 74], – degan xulosalarga keladi. Bu nafaqat Normat uchun, balki har qanday inson uchun fojiali xulosa. Odam dunyoda aldanib yashayotganini anglasa, uning uchun bu hayotning xaschalik qimmati qolmaydi. Bunday odam hamma narsadan bezadi, hamma narsaga, hatto o‘ziga ham nafrat bilan qaray boshlaydi. Yozuvchi Normat yo‘liqqan mana shunday murakkab fojiaviy vaziyatni ochib berish uchun zahirasida bor barcha so‘z va ibora, tasvir, detal, ishoralarni ishga soladi. Boshqa personajlar tilidan, xarakteridan unumli foydalanadi. Bu o‘rinda eng katta vazifani Anzirat obraziga yuklaydi.

Urushning eng dahshatli fojiasi qissadagi Anzirat obrazi orqali beriladi. U yetti o‘g‘ilning ichida voyaga yetgan, hayot qiyinchiliklarini ko‘rmagan, otasining erka qizi edi. Taqdir taqozosi bilan Normatday polvonga jufti halol bo‘ladi. Normat polvon bilan totuv-inoq ikki farzandni tarbiyalayotgan edi. Biroq urush uning hayotini alg‘ov-dalg‘ov qilib tashladi. Norasida qizining hayotini saqlab qolish maqsadida sho‘ro raisi Mirzaqulning oldiga boradi, uning makri qurbaniga aylanadi. Ya’ni daryoning o‘zi istamagan qirg‘og‘iga o‘tib qoladi. Daryoning ikkinchi qirg‘og‘i insonni to‘g‘ri yo‘ldan urishga ahd qilgan, shayton uya qurgan qirg‘oq edi.

Adib urush odamlarining azob-uqubatlari, fojiasi, urush davri psixologiyasini yoritishda Anzirat ichki kechinmalarini shafqatsiz tarzda ochib tashlaydi. Ammo bu borada neytral yo‘ldan boradi. Anziratning fojiasini biryoqlama tasvirlashdan qochadi. Shu orqali inson qalbining o‘ta murakkabligini o‘quvchiga anglatadi. Anzirat gohida qilayotgan gunohlarini bolalarining hayotini saqlab qolish uchun qilyapman, deb o‘ziga taskin ham beradi. Biroq bu tazarrular, oqlashlarga o‘zi ham chin dildan ishonavermaydi. Shuning uchun yozuvchi uning ichida kechayotgan, shuuridagi ikkinchi “men”ini ochishga harakat qiladi. U “...Mirzaqulning suyib erkalashini, soqoli olinmagan chakagi bilan bo‘ynini qitiqlashini, uch yildan beri erkak hidini ko‘rmagan sochlarini erkak qo‘llari silashini... xullas, erkakni, erkakning dag‘al qiliqlarini, ulardan keladigan yoqimli va ehtirosni qo‘zg‘aydigan hidni qo‘msardi” [2; 56], – kabi tasvirlarda inson ruhiyatining qanchalik murakkabligi, inson hamisha o‘z qilmishlarini oqlashga moyil ekanligini bildiradi.

Xiyonatga qanday hukm chiqarilishi mumkin? Albatta, har xil. Har kim o‘z milliy o‘zanlaridan kelib chiqib, hukm o‘qiydi. Biz Mallavoy qismatini eshitgandan keyin Normat polvondagi uyga qaytish fikrini nimagadir hazm qilolmaymiz. Lekin juda-juda xohlaymiz. Yozuvchi bu yerda ham o‘z uslubiga sodiq qoladi. Ularning uchalasi ham o‘lim topadi. Boshqacha bo‘lishi ham mumkin emasdi. Normatning tirik qolishi uning polvonlik sha’niga

nomunosib bo‘lardi. Chunki u ajdodlarining azaliy an’analariga qarshi bora olmasdi.

Qissadagi Biydi momo obrazi milliy g‘urur timsoli, ayollarimizning sadoqat va vafo ramzidir. U har bir harakatidan o‘z urug‘ining himoyachisi, sha’nining qo‘riqchisi sifatida namoyon bo‘ladi. Momo nafaqat gapda, balki yurish-turishda ham ibrat ko‘rsatadi.

Chuqurroq razm solinsa, Biydi momo Anziratning taqdiriga achingan kitobxonga ogohlik tarzida kiritilganday taassurot uyg‘otadi. Inson bolalari har qanday vaziyatda, har qanday sharoitda o‘z sha’nini yo‘qotmasligi, daryoning qaysi qirg‘og‘ida muqim qolish odamning o‘ziga bog‘liqligini ta’kidlayotganday bo‘ladi. Biydi momo ham yoshligida beva qolib, ikki bolasini o‘zi katta qilgan. Og‘ir mehnat bilan beli bukilgan. Ammo u birovlargacha sir bermaydi. “Hech kim uning nima uchun bunchalik jonini jabborga berib, kuyib-pishayotganini bilmasdi. Qo‘lini so‘rab kelgansovchilarni bir xil javob bilan qaytarardi: “Meni erim taloq qilmagan, hali ham uning nikohidaman” [2; 33]. Biydi momo hayot murakkabliklarini, yosh beva ayolning ehtiyojlarini, iztiroblarini faqat qattiq mehnat bilan yengadi, shu bilan o‘zini ovutadi. Chunki qissanavisning “Anglashilgan va sodir bo‘lgan gunoh ikkinchi gunohning ostonasidir” [3; 6], – degan haqiqatlari hech qachon o‘z ahamiyatini yo‘qotmaydi. Anzirat esa hayot murakkabliklari oldida o‘zini tutolmaydi, natijada hayoti fojiali yakun topadi.

Umuman, qissa har qanday murakkab vaziyatda ham inson o‘zligini, o‘z g‘ururi va qadrini toptalishlardan asrab qolishi, sabrsizlik va shaytoniy qirg‘oqqa o‘tish inson boshiga cheksiz kulfatlar keltirishi haqidagi ulkan haqiqatni badiiy jahatdan asoslaydi. Qissaning ma’naviy-estetik qimmati ham shunda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Расулов А. Илми ғарифбани қўмсаб... – Тошкент: Маънавият, 1998.
2. Эшонқул, Н. Уруш одамлари // Ялпиз хиди. – Тошкент: Шарқ, 2008.
3. Эшонқул, Н. Тасаввурга дош берсанг бўлди... // Ёшлиқ, 2003. – №3. – Б. 6.



АДАБИЁТШУНОСЛИК ТЕРМИНЛАРИ МИКРОСИСТЕМАСИ ХУСУСИДА

Махбуба Муродовна ХУДОЙБЕРДИЕВА

ўқитувчи

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

xudoberdiyeva@gmail.com

Аннотация

Мақолада ўзбек терминосистемаси борасида олиб борилган тадқиқотлар, соҳага оид терминларнинг лексикографик хусусиятлари, жумладан, адабиётшунослик терминлари микросистемаси ҳақида сўз боради. Унда терминологиянинг асосий мақсади сифатида соҳа терминларини замон талабига мос равишда шакллантириш ва маълум меъёрий тартибга келтириш муҳим омил сифатида қаралган. Шунингдек, адабиётшунослик соҳасига оид терминларнинг шаклланиши ва тараққий этишида юзага келган муаммолар ва уларнинг ечимиға оид айрим таклифлар ҳам берилган.

Таянч сўзлар: лексика, термин, махсус лексика, сўзликлар, терминология, терминологик луғатлар, лексикографик тасниф, изоҳли луғат, адабиётшунослик, соҳавий лексика, луғатчилик.

О МИКРОСИСТЕМЕ ЛИТЕРАТУРОВЕДЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ

Махбуба Муродовна ХУДОЙБЕРДИЕВА

Преподаватель

Каршинский государственный университет

Қарши, Узбекистан

xudoberdiyeva@gmail.com

Аннотация

В статье речь идет об исследованиях, проведенных по узбекской терминологической системе, лексикографическим особенностям терминов, относящихся к данной области, в том числе микросистеме литературных терминов. В ней в качестве основной цели терминологии важным фактором рассматривается формирование терминов предметной области в соответствии с требованиями времени и приведение их в определенный нормативный порядок. Также приведены проблемы, возникшие при формировании и развитии терминов, относящихся к области литературоведения, и некоторые предложения по их решению.

Ключевые слова: лексика, термин, специальная лексика, словари, терминология, терминологические словари, лексикографическая классификация, толковый словарь, литературоведение, отраслевая лексика, словарь.

Табиийки, жамиятда кечаётган ўзгаришлар ҳақли равища тилда, хусусан, лексикада

акс этиб боради. Шунга мувофиқ мамлакатимизда сўнгги йилларда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, инновацион ислоҳотлар ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида бўлгани каби тилшуносликнинг айни шу соҳасида олиб борилаётган бир қатор илмий тадқиқот ишларида ўз аксини топмоқда. Маълумки, ҳар қандай ривожланиш мамлакатнинг турли соҳаларига, айниқса, тилшуносликнинг лексикология бўлимига сезиларли таъсир кўрсатади. Натижада, тилнинг лексик сатҳида бўладиган бундай ижобий ўзгаришлар унинг луғат таркибида ҳам сезиларли ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, соҳа мутахассислари олдига мавжуд изоҳли луғатларни тўлдириш, таҳрир этиш ва қайта нашр эттириш масалаларини қўяди.

Маълумки, ҳар қандай тилда унинг бўй-бастини кўрсатувчи манбалар сифатида, аввало луғатлар, изоҳли луғатлар муҳим аҳамият касб этади. Луғатшуносликнинг кейинги йиллардаги тадрижий босқичига назар ташласак, ўзбек тилининг ўша давр ҳолатидан келиб чиқкан ҳолда сўз бойлигини кўрсатувчи икки томли изоҳли луғатнинг (1981) яратилишидан бошлаб беш томли изоҳли луғатларнинг (2008) яратилишигача бўлган даврда луғат ва луғатшуносликка доир бир қатор илмий тадқиқот ишларининг олиб борилгани соҳада орттирилган бой тажриба ва мавжуд камчиликларни ёритишга қаратилди. Тилда изоҳли луғатлар яратилишининг асосий сабаби шундаки, у нафақат адабий тилнинг сўз бойлигини тўплаш ва таснифлаш, балки унинг меъёрини тартиблаш ва белгилашдан иборат. Чунки бундай меъёрлаштирилган луғатлар жамият аъзоларининг нутқ маданиятини оширувчи асосий восита бўлиши билан ҳам аҳамиятлидир.

Ўзбек тилида мавжуд изоҳли луғатлар луғат тузувчи муаллифларнинг таъкидлашича «....ўзбек тилининг бутун сўз бойлигини эмас, балки ҳозирги замон ўзбек тилининг кенг истеъмолдаги сўз бойлигини тўплаш ва таснифлаш» [9;7]ни ўз олдига мақсад қилган. Бундан изоҳли луғатларнинг яратилиши узоқ йиллик катта меҳнат маҳсули сифатида юзага келишини ҳисобга олиб, шу кунгача яратилган 2 томли (1981 йилда), 5 томли (2008 йилда) ўзбек тилининг изоҳли луғатларининг тузилишини ўрганиш жараёни учун тадқиқот обьекти сифатида танлаб олинган адабиётшунослик терминлари ва уларга тегишли бўлган муаммолар ҳамда уларнинг ечими хусусида тўхталиб ўтиш мақсад қилинди. Тилдан фойдаланувчиларнинг мавжуд изоҳли луғатлардан фойдаланиши чоғида уларнинг ижтимоий мавқеи муҳим аҳамият касб этмайди. Бу эса яратилган изоҳли луғатларнинг умумий хос хусусиятга эга эканлиги билан баҳоланади.

Шу ўринда лексикологиянинг ажралмас қисми ҳисобланган терминлар хусусида сўз борганда жамиятдаги фан ва техника, сиёsat, иқтисодиёт ва маданий ҳаётга доир бир қатор терминларнинг шаклланиши ва тараққий этиш босқичида терминология тизимида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари ва улардан кўзланган мақсад муҳим аҳамиятга эгадир. Кейинги йилларда жадал суръатларда ривожланаётган терминологиянинг муҳим тармоғи ҳисобланган соҳа терминологиясига доир луғатлар тузиш, терминлар захирасини бойитиш, тўлдириш ва такомиллаштириш илмий тадқиқот олиб бораётган изланувчиларнинг асосий мақсади эканлигини таъкидлашни ўринли деб ўйлаймиз. Ўзбек тили терминологиясига назар солинганда, луғат таркибининг аксарияти русчабайналмилал сўзлардан ташкил топганлиги яқол кўзга ташланади. Ўзбек тилига ўзлашган бундай терминлар жамиятнинг турли соҳалари учун характерлидир.

Маълумки, ҳар бир фан соҳасининг ривожланиш ва такомиллашув даражаси шу соҳа терминологиясининг қай даражада тараққий этганлиги, шунингдек, тартибга солинганлиги каби белгилар билан ҳам узвий боғлиқдир [3;62-63]. Ҳар бир соҳага оид терминларнинг илмий адабиётда қўлланилишида аниқ ва равshan ифода шаклига

эришилмас экан, бу борадаги ғализлик ва ноаниқлик ўз ечимини топа олмайды.

С.Д.Шелов терминларни фан соҳаларига кўра бўлиб, турли билим соҳаларига оид терминлар – кенг кўламда мазмун касб этадиган терминология эканлигини асослайди. У терминнинг фақатгина муайян бир билим соҳаси терминологияси баъзи умумий муҳитнинг ажралмас қисми эканлигини ва у ерга бошқа билимлар соҳалари, мураккаб жамлик каби ўзининг терминологияси билан кириши мумкинлигини ҳамда узлуксиз алоқада бўлиши натижасида улар компонентларининг кесишишига ёки тўқнашувига сабаб бўлади, деган фикрни ҳақли равишда таъкидлайди [6;795-799].

Турли фан соҳаларига оид терминологик луғатларнинг ишлаб чиқилганлиги, улар соҳа мутахассисларининг иш фаолиятида нечоғлик аҳамиятга молик муҳим манба бўла олишини юқорида келтирилган бир неча фикрлар асносида илғаш мумкин. Шу ўринда изоҳли луғатлардаги мавжуд адабиётшуносликка оид терминлар, уларнинг соҳа тараққиётидаги ўрни, турли даврларда улар билан боғлиқ бир қатор муаммо ва камчиликларнинг юзага келганлиги хусусида тўхталиб ўтиш билан бирга барча соҳаларда олиб борилаётган туб ислоҳотлар қатори бу соҳадаги мавжуд терминологик муаммолар ечимиға доир фикр-мулоҳазалар ҳақида тўхталиб ўтиш муҳим ҳисобланади.

Бир неча йиллар ўзбек тилшунослигига адабиётшуносликка оид терминлар изоҳли луғатининг яратилиши соҳа мутахассисларининг дикқат марказида турган асосий масаларидан бири бўлганлиги ҳеч кимга сир эмас. Буни биргина соҳага оид Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаев, С.Иброҳимова муаллифлигига «Адабиётшунослик терминлари луғати»нинг яратилгани, ундан сўнг Н.Хотамов, Б.Саримсоқов ҳаммуаллифлигидаги «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати» кабиларининг яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу ўринда Н.Хотамовнинг «Ўзбек адабиётшунослиги терминологиясининг совет давридаги тараққиёти» мавзусидаги номзодлик диссертациясининг яратилиши, ишда асосан адабиётшунослик терминларига лингвистик жиҳатдан қаралганлигига, адабиётшунослик терминларининг адабий-эстетик моҳияти, терминларнинг гоявий-бадиий вазифалари, айни шу тушунчалар билан боғлиқ истиқболли масалаларнинг чуқур таҳлил этилмаганига гувоҳ бўламиз [5;30].

Бугунги кунга қадар «Адабиётшунослик терминлари луғати» ҳамда «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати» соҳани илмий жиҳатдан ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилган. Дастребки яратилган «Адабиётшунослик терминлари луғати»нинг сўзбошисида муаллифлар адабиётшунослик терминлари бадиий адабиёт ва адабиётшуносликнинг тараққиёти билан узвий ҳолда бойиб бориши, айрим терминлар муайян тарихий-ижтимоий сабаблар билан истеъмолдан чиқиб, уларнинг ўрнини бошқа терминлар эгаллашини, янги адабий ва илмий-маданий алоқалар адабиётшунослик терминлари фондини бойитиб, муштарак терминларни вужудга келтиришини алоҳида таъкидлаганлар [11;3]. Бу луғатни яратишда Л.Тимофеев ва Н.Венгронинг «Краткий словарь литературоведческих терминов» номли қўлланмаси асос қилиб олингани айтилади. Кейинчалик бу соҳа терминларини бошқа тиллардаги муқобиллари билан таққослаш мақсадида Н.Хотамов ва Б.Саримсоқов ҳаммуаллифлигига «Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати» яратилди. Жумладан, асарда адабиётшунослик терминларининг турли даврдаги такомили, уларнинг шаклланиши, луғат яратилган даврга қадар мавжуд адабиётшунослик терминларининг изоҳи ва қўлланилиш доираси хусусида айтиб ўтилган. Асар муаллифларининг таъкидлашларича, бундай изоҳли луғатни яратиш ва мутахассислар эътиборига ҳавола этиш учун турли даврадабий муҳитини кузатиш, ундаги

ўзгаришлар ва орттирилган тажриба сабаб бўлган. Адабиётшунослик терминларининг икки тилли изоҳли луғат сифатида яратилиши унинг асосий моҳияти ва долзарблигини белгиловчи омил ҳисобланди. Луғатнинг бу асосий жиҳати унинг яратилишида нафақат рус тилида мавжуд соҳа терминларини татқиқ этиш, балки ўзбек тилига қардош бошқа тиллардаги муқобилларини ҳам ўрганиш ва таҳлил этиш заруратини туғдирди. Натижада асарнинг яратилиши учун бир қанча асарларнинг асос бўлганлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, асар муаллифлари К.Квятковскийнинг “Словарь поэтических терминов”, Л.Тимофеев, С.Тураевнинг “Словарь литературоведческих терминов”, Ҳ.Ҳомидий, Ш.Абдуллаев, С.Иброҳимованинг «Адабиётшунослик терминлари луғати», Ғ.Абетовнинг “Әдеби терминдердің қысқаша орысша-қазақша сөздігі”, Р.Ходизода, М.Шукров, Т.Абдужабборовларнинг «Луғати истилоҳоти адабиётшуносиги», Олим Усмон, Р.Донёровнинг «Русча интернационал сўзлар изоҳли луғати» каби адабиётлар асосий манба бўлиб хизмат қилганлигини таъкидлаб, мазкур муаллифларга ўз миннатдорчилигини билдиришган [12;10].

Бугунги шиддат билан ривожланиш жараёни барча соҳаларда туб ўзгаришлар ва ислоҳотлар қилишни талаб этар экан, соҳа терминологияси ҳам янгича қарап ва эътиборга муҳтоҷлиги сезилади. Шу жиҳатдан юқорида келтириб ўтилган адабиётларга таянган ҳолда бугунги кун талабига мослаштириш зарурияти туғилади. Чунки ўтган асрнинг бошларида яратилган асарлар, илмий тадқиқот ишлари бугунги кун терминологиясининг асосий пойdevори бўлган ҳолда соҳа терминологиясининг янгича қиёфа касб этишида зарур манба ҳисобланади. Д.Қуронов, З.Мамажонов, М.Шералиева ҳаммуаллифлигига яратилган «Адабиётшунослик луғати» соҳа терминологиясида яратилган сўнгги адабиёт бўлиб, унда 550 та адабиётшунослик термини изоҳланган.

Терминологиянинг муҳим тармоғи ҳисобланган соҳа терминларини яратиш тилшуносликнинг долзарб масалаларидан бири эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Зоро, юқорида таъкидланганидек, ҳар қандай соҳа учун яратилган мукаммал терминологик луғатлар шу соҳа мутахассислари учун қимматли манба бўлиши тайин.

Шу мақсадда яратилган ва яратилаётган луғатлар салмоғи ва сифати ҳар бир соҳа учун муҳим саналади. Кузатишлар жараёнида шу нарса аён бўладики, адабиётшуносликка оид изоҳли луғатлар яратилиши бошқа соҳаларга нисбатан бироз суст эканлиги бу соҳа терминологиясида қилиниши керак бўлган вазифалар кўплигини кўрсатади. Чунки соҳа терминологиясига оид луғатлар XX аср бошида бошланган бўлсада, орадаги узоқ танаффус соҳага оид терминларнинг давр талабига мос равища қайта шакллантирилмагани, натижада бир қатор чалкашликлар, муаммоли ҳолатлар, бир неча бор нашр эттирилган ўзбек тилининг изоҳли луғатларидағи турли тафовутларнинг юзага келишига сабаб бўлди.

Кейинги йилларда яратилган изоҳли луғатларда адабиётшунослик терминларининг кўлами ва уларни изоҳлашдаги баъзи параметрлар бугунги соҳага оид терминларни илмий изоҳлаш учун етарли эмаслигини кўрсатади. Айтиш жоизки, ҳар қандай фан соҳаси ўзининг ривожланиш босқичига кўтариш экан, бунда соҳа терминологияси бой илмий пойdevорга эга бўлиши талаб этилади. Узоқ йиллар давомида адабиётшунослик терминларида кузатилган муаммо ва камчиликларни бугунги илм-фан тараққиётига мос равища бойитиш, шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзбек терминосистемаси, жумладан, адабиётшунослик терминлари микросистемаси йиллар давомида ўзининг тадрижий

таракқиёт йўлини босиб ўтди. Уларнинг эволюцион ўзгаришларини илмий жиҳатдан кузатиш, таҳлил ва тадқиқ этиш, шунингдек, муайян холосалар чиқариш ўзига хос аҳамиятга эга.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Акобиров С. Лексикографическая разработка терминологии в руссконациональных словарях. – Ташкент, 1969.
2. Дадабоев Ҳ.А. Ўзбек терминологияси. – Тошкент, 2019.
3. Нурмонов А. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Шарқ, 2002.
4. Усмонов О. Ўзбек тили терминологиясида лексик варианлар. – Тошкент: Фан, 1986.
5. Хатамов Н.Т. Развитие узбекской литературоведческой терминологии в советский период. Дисс. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1971.
6. Шелов С.Д. Ещё раз об определении понятия “термин”. //Вестник Нижегородского университета, 2010. №4 (2). – С. 795-799.
7. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 1-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1981.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 томли. 2-том. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 1981.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси, 2006.
10. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. – Тошкент, 2013.
11. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаев Ш., Иброҳимова С. Адабиётшунослик терминлари лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1967.
12. Хотамов Н., Саримсоқов. Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979.



“FARHOD VA SHIRIN” DOSTONIDAGI XIZR OBRAZI GENEZISI

Nafisa Azatbekovna RAXMANOVA

o‘qituvchi

Chirchiq davlat pedagogika universiteti

Chirchiq, O‘zbekiston

nafisa @cspi.uz

<https://orcid.org/0009-0002-9793-3415>

Annotations

Ushbu maqolada Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin” dostonidagi to‘ldiruvchi obraz – Xizrning genezisi, unga yuklatilgan vazifalar tahlil obyekti qilib olingan. Dostonda “payg‘ambar” so‘zi “rasul” yoki “nabi” ma’nosida emas, “Xudoning xohish-irodasini bandalariga yetkazuvchi ilohiy vakil” ma’nosida qo‘llangani asoslab berilgan.

Tayanch so’zlar: Navoiy, “Farhod va Shirin”, Xizr, animatik mifologiya, manistik mifologiya, mursal payg‘ambar, ilmi ladun sohibi.

ГЕНЕЗИС ОБРАЗА ХИЗРА В ПОЭМЕ «ФАРХАД И ШИРИН»

Нафиса Азатбекована РАХМАНОВА

преподаватель

Чирчикский государственный педагогический университет

Чирчик, Узбекистан

nafisa @cspi.uz

<https://orcid.org/0009-0002-9793-3415>

Аннотация

В данной статье в качестве объекта анализа взяты генезис образа Хизра, дополнительного персонажа поэмы Алишера Навои «Фархад и Ширин», и поставленные перед ним задачи. Обосновывается, что слово «пророк» употребляется не в значении «посланника» или «расула», а в смысле «божественного представителя, передающего волю Божию Его рабам».

Ключевые слова: Навои, «Фархад и Ширин», Хызр, аниматическая мифология, манистическая мифология, мурсал-пророк, мастер знаний.

“Farhod va Shirin” sujetiga Navoiy tomonidan kiritilgan, lekin navoiyshunoslar tomonidan kam o‘rganilgan obrazlardan biri Xizr obrazidir. Shubhasiz, Alisher Navoiy asarlarida tasvirlangan Xizr obrazining badiiy talqinlari Y.E.Bertels [2;118], N.Mallayev [5;110], I.Haqqulov [15;178-182] tadqiqotlarda o‘z aksini topgan. Ibrohim Haqqulov tog‘ri ta’kidlaganidek, Navoiy ”she’rdan she’rga Xizr degan ma’lum va mashhur nomnigina takrorlaydi. Ammo fikr va tuyg‘u, ohang va tasvirlar bari bir o‘zgarib, yangilanib boradi” [15;182]. Bu xulosa Xizr obraziga yuklatilgan vazifalarga ham taalluqlidir.

Eposlardagi Xizr obraqi genezisi animatik (yashillik ma'budi) va manistik (ajdodlar homiyligi, afsonaviy va tarixiy qahramonlar) miflar bilan bog'liq. Xizrnning Farhodga aynan yashil kiyimda ko'rinishi sababini turkiy folkloragini animatik miflardan qidirish maqsadga muvofiqdir. Ozarbayjon folklorshunosi M.Seyidov Xizr so'zining etimologiyasini umumturkiy asosga bog'lab, "xiz" va "ir" so'zlarining qo'shilmasidan "Xizir" so'zi kelib chiqqan deb hisoblaydi. "Xiz" – "issiqlik", "qizimoq", "quvvat", "o't (olov)" ma'nolarini bildirsa, "ir" esa ikki xil ma'noda keladi: 1) kelasi zamon qo'shimchasi; 2) "kishi", "yigit", "hurmatli", "muqaddas iloh" ma'nolaruda keluvchi so'z. Olimning xulosasiga ko'ra," Xizir" turkiy so'z bo'lib, yozni, yozning issig'i, harorati, o'tini, quvvatini, qutini keltiruvchi kishi, qahramon demakdir [17;45].

Manistik miflarning kelib chiqishi esa ibtidoiy insonning turmush tarzi, orzu-istaklari bilan bog'langan. Epik janrlarda, xususan, ertaklarda manistik mifologiyaning rudimentlarini nisbatan ko'p uchratishimiz mumkin. Shulardan biri homiy chol obrazidir. Ertaklardi homiy chol nuroni, donishmand, og'ir-bosiq, katta hayotiy tajribaga ega hayotiy obraz. U ertak qahramonining boshiga musibat tushganda cho'l-u dashtda, ovloq joylarda ko'rindi, muammoli vaziyatlarda to'g'ri yo'l ko'rsatadi, homiylik qiladi. Muammoning yechimiga olib boruvchi yo'lning mashaqqatli ekanidan ogohlantiradi, ertak qahramonini mardlikka chorlaydi. Og'ir vaziyatlarda qahramon ko'ziga bir necha marta ko'rindi va har safar uni qutqaradi. Homiy chol oddiy odamlar bilmaydigan ko'p sirlardan voqif, kezi kelganda, ularni ertak qahramonlariga ochadi. Xalq qahramoni shu homiy vositasida murodiga yetadi. Keyinchalik homiy chol obraqi ertaklarda Xizr deb atala boshladi. Xizr homiy cholning variantiga aylandi. Qadimgi turkiylarning qabila homysi, shomon, shuningdek, qut-baraka, sog'lik va omad timsoli deb qaralgan ajdodlar kultiga sig'inish bilan bog'liq animistik tasavvurlari asosida bu mifologik obraz shakllandi.

Yo'lida duch keladigan homiy chol obraqi – Xizr xalq dostonlariga ham ko'chdi. Ertaklarda xalq homysi bo'lgan manistik obraz eposga ko'chgach, vazifasi biroz o'zgaradi. U endi yakka shaxsning, ya'ni bosh qahramonning homysi va rahnamosi sifatida tasvirlanadi. Xalq dostonlarida "Xizr har qanday sharoitda, har qanday joyda qahramonga yordam beruvchi oq soqolli, qizil yuzli, oppoq kiyimli chol siymosida tasvirlanadi. Qahramonning yonida Xizr tursa, boshqalar ko'rmasligi mumkin. Ba'zan Xizr bajargan ishlarni ham qahramon amalga oshirdi, deb o'ylashadi. Hatto Xizrnning ko'pchilik xatti-harakatlari qahramonga ham sirli" [11;41].

G'ulom Akramov o'zbek xalq ertaklari va "Go'ro'g'lining tug'ilishi" dostonidagi Xizr obraqiga yuklatilgan vazifalarni qiyosiy tahlil qilib, bu obraz transformatsiyasida uch bosqichning mavjudligini ta'kidlaydi:

- 1) animistik mifologiya bosqichi, ya'ni tabiat miflari;
- 2) manistik mifologiya bosqichi, ya'ni doimiy kuch sifatida talqin qilinishi;
- 3) epos bosqichi, ya'ni Xizr obrazining to'laqonli manistik obraz darajasiga ko'tarilishi [1;406].

O'zbek xalq afsonalarida tasvirlangan bu mifik personaj o'zining quyidagi qirralari bilan talqin qilinadi:

- 1) Xizr – boshiga mushkul savdo tushgan kishilarga homiylik qiluvchi afsonaviy xaloskor;
- 2) Xizr – o'zining zukko maslahatlari bilan odamlarga yaxshilik qiluvchi donishmand;
- 3) Xizr – boqiy hayot suvini topib ichganligi uchun abadiy barhayotlikka erishgan afsonaviy

qahramon;

- 4) Xizr – shifobaxsh chashmalar ko‘zini ochgan g‘ayrioddiy shaxs;
- 5) Xizr – cho‘l va sahrolarda g‘oyibdan paydo bo‘lib, qiyin ahvolda qolgan kishilarga ko‘mak beruvchi ezgulik timsoli;
- 6) Xizr – dehqon dalasiga mo‘l hosil va baraka ato etuvchi hosildorlik ramzi;
- 7) Xizr – odamlarni hamisha qo’llab-quvvatlab turadigan ezgu pir yoki aziz avliyolardan biri [4;111].
- 8) O‘ng qo‘lining bosh barmog‘i suyaksiz bo‘lishi, nogahonda yo‘liqib, bir zumda ko‘zdan g‘oyib bo‘lishi Xizrga xos belgi sanaladi. U har bir odamga umri davomida uch marta duch keladi, lekin aksariyat hollarda odamlar Xizr bilan uchrashganini bilmaydilar.

Xizr obrazining yozma adabiyotga kirib kelishi turkiy xalqlarning islom dinini qabul qilishi, “Qur’on”, tafsir, hadislar, “Qissas ul-anbiyo”lar bilan bevosita bog‘liq: 1. Xizr va Ilyos – hayot bulog‘idan „obi hayot“ ichgan va umri boqiy bo‘lgan payg‘ambarlardir. Qiyomatgacha, Ollohnning amri bilan, Xizr dengizda, Ilyos quruqlikda qiyin ahvolga tushib qolgan insonlarga yordam beradilar.

2. Xizr – Nuh payg‘ambar avlodidan, ilmi ladun va g‘ayb ilmi sohibi. Muso (s.a.v) ilmi ladunni o‘rganish uchun unga shogird tushgan. Iskandar esa tiriklik suvini izlab u bilan birga zulmatga kirgan.

3. Bosh qahramon qiyin ahvolga tushib qolganda yo‘l ko‘rsatuvchi; ilmi ladun bilan qurollangan payg‘ambar, nabiylar yoki podshoh.

4. Xalqning tasavvurida u oq soqolli, oq kiyimli chol sifatida namoyon bo’lsa, yozma adabiyotda baland bo‘yli, yashil kiyim kiygan chol, suvoriy yoki yo‘lovchi ko‘rinishida paydo bo‘ladi.

5. Xizr orollarda yashaydi, osmonda uchadi, dunyo bo‘ylab kezib yuradi, har yili haj qiladi, juma kunlari Makka, Madina va Quddus shaharlaridagi masjidlarda namoz o‘qiydi.

6. Dengizda suzuvchilarga homiylik qiladi, maxsus duolar bilan chaqirilsa, yordamga keladi: suvga cho‘kayotganlarni qutqaradi.

7. Sufiyalar Xizrni avliyolar piri sifatida e’zozlaydilar.

8. Islomiy manbalarda Xizr umri boqiy deb ta’riflanganiga qaramay, uning bir nechta qabrlari mavjud va ular musulmonlarning ziyoratgohiga aylantirilgan.

Endi bevosita Navoiyning “Farhod va Shirin”idagi Xizr tasviriga murojaat qilsak: Farhod Suqrot tog‘i tilsimini ochishga bel bog‘lab, Sulaymon uzugidagi duolarni behudlik bilan o‘qib yo‘lga tushadi va uning oldidan keng bir yaylov chiqadi. Undagi buloq va qirg‘og‘idagi yam-yashil daraxtlar Farhodga hayot suvi va Xizr Payg‘ambarni eslatadi:

Qirog‘inda daraxti ko‘kka hambar,

Bu hayvon suyi ul Xizri payambar [6;163].

Buloqda cho‘milib, o‘zidagi g‘am-tashvish kirlarini yuvib, Tangriga yalinib-yolborib, maqsadlarining tezroq hal bo‘lishini so‘rab sajda qiladi. Sajdadon bosh ko‘targanda esa bosh tomonida farishtaday nuroniy, yashil kiyimli bir kishini ko‘radi. U o‘zini “Xizrman” deb tanitadi.

“Xizr obrazining dostoniga kiritilishi unga afsonaviylik yoki ilohiylik elementlarining kiritilishi emas, balki dostonning asosiy mavzusi – sevgini ulug‘lashdir. Farhod sevgini yuksaklarga ko‘tarish uchun dunyoga kelgan. Uning qismati shu sevgi bilan bog‘liq... Navoiy Xizr obrazini o‘z dostoniga kiritar ekan, musulmon Sharqida mashhur bo‘lgan bu kuchni ham

ishq va oshiqlar madadkoriga aylantiradi. Xizr abadiy hayot timsolidir. Demak, sevgi abadiy hayotiylik ko‘magida g‘oliblik kasb etadi”, deb ta’kidlaydi A.Qayumov [13;76].

Xizrning doim tirikligi va payg‘ambarligi to‘g‘risida Islom manbalarida birorta dalil, hujjat yo‘q. Payg‘ambarimiz (s.a.v.)ning muborak hadislarida butun insoniyatga Alloh taolo tomonidan 124 ming payg‘ambar yuborilgani, shulardan 313 tasi rasul ekanligi haqida ma’lumotlar berilgan. Rasul-payg‘ambarlarga 104 ta muqaddas kitob nozil qilingan ekan. “Qur‘on”da Xizr alayhissalom zikr qilinmagan. “Qahv” surasining ikkinchi qissasida Musoning solih banda bilan uchrashuvi berilgan. Har bilguvchining ustidan undan-da kuchli bilguvchi borligini ko‘rsatish uchun Alloh Musoni xizmatkori bilan safarga otlantiradi [14;265–268]. Tarjimonlar Imom Buxoriyning “Al-jome’ as-sahih” asariga tayanib, “solih banda” so‘zini “Xizr” deb tarjima qilganlar. Holbuki, “Sahih hadis” da Xizir emas, Hazir ismli kishi tilga olingan.

Nosiruddin Rabg‘uziyning “Qisasi Rabg‘uziy” asaridagi ma’lumotlar “Qur‘on”dagi ma’lumotlar bilan bir xil, faqat solih bandaning ismi Xizr deb berilgan: “Qachon Musog‘a yalavochliq birla Tavrot tamom berildi ersa, Mavlo taolo Muso birla yuz ming so‘z so‘zlashti. Muso xushlanib aydi: “Iziyo, bu karomatkim manga berding, azin kim ersaga berdingmu?” Yorlig‘ keldi: “Ey Muso, tengizlar azoqinda maning bir qulim bor. Saning ilming aning ilmi to‘shinda bir qatra suvcha bo‘lg‘ay. Aning ilmi daryodek ”...Muso aydi: ”Illohiy, ul kim ersa, yalavochmu, sovchimu turur?” Yorlig‘ keldi: “Ul sovchilardan turur, sen yalavochlardan turursen”. Shu sababli Xizr Muso bilan uchrashganda o‘zini “Men Tangri quli Xizrman” deb tanishtiradi [10;20] . Nosiruddin Rabg‘uziyga ko‘ra, Xizr – rasul-payg‘ambar emas, Yaratganning so‘zlarini oddiy insonlarga yetkazuvchi sovchi, ya’ni xabarchidir.

“Tarixi anbiyo va hukamo” asarida esa Xizr mursal payg‘ambar sifatida ta’riflangan: “Xizr a.s.ni mursal debdurlar. Va ul Arfaxshad binni Somning o‘g‘lonlaridindur va Zullqarnayn zamonida aning mulozimi erdi. Zulqarnayn hayvon suyi xiyoli bila zulumotqa kirgonda Xizr a.s. ani boshlab kirdi. Va derlarkim, Ilyos a.s. dog‘i birla erdi. Umidkim, quyiroq zikr bo‘lg‘ay. Ul svuni tengri taolo bu ikovga nasib qildi va Zulqarnayn mahrum yondi. Va ba’zi debdurlarkim, haq taolo Xizr a.s.g‘a ilmi ladunni nasib qildi va hayvon suyi iborat ondindur. Ahli islom mu’taqidi uldirkim, Xizr a.s. umri jovid topibdur va imom Shofe’i rahmatullohi mazhabidadur, vallohu taolo a‘lam” [7].

Berilgan ta’rifda Xizrning to‘rtta xislatiga urg‘u berilmoqda: 1) mursal payg‘ambar; 2) doimiy barhayot zot; 3) ilmi ladun sohibi; 4) imom Shofe’i rahmatullohi mazhabidan bo‘lgan solih banda.

Navoiy hazratlari muqaddas kitoblar nozil bo‘lgan payg‘ambarlarni “ulul-azm payg‘ambarlar” deb ataganlar. Mursal payg‘ambar deganda farishta Jabroyil vositasida vahiy qabul qilgan zotlarni nazarda tutganlar. Vahiy esa aql ojiz qolganda yuzaga chiqadigan ma’naviy xastalikni da’volash uchun insoniyatga payg‘ambarlar vositasida yuboriladigan ilohiy tarbiya dasturidir [9;5].

Navoiy dostonda Xizrning ladun ilmi sohibi ekaniga urg‘u bermagan bo‘lsalar-da, dostonni usmonli turk tiliga tarjima qilgan Lam’iy Xizrni “pir-i irfon” va “ilmi ladun sohibi” deb tanishtiradi. U ladun ilmiga mahram bo‘lgani uchun Haqdan Farhodning ahvoli haqida xabar oladi:

*Görince ani Ferhâd oldu hayran ,
Buyurdi lütfile ol pir-i ‘irfan.*

*Ki ben Hizrum sana irşâda geldüm,
Bu feth içün mübârek bade geldüm.
Benüm her dem ledûn ‘ilmîne mahrem ,
Ki Hak itdi kelimen bana hemdem [16;133].*

“Tasavvuf terimleri ve deyimleri sözlüğü” kitobida ilmi ladunga shunday ta’rif berilgan: “Ilmi ladun: Alloh tarafidan o’rgatiladigan ilm. Shar’iy va zohiriy ilmlar malak va Rasul vositachiligida yuboriladi, ilhom esa faqat Haqdan keladi. Bu sabab-la ilhomga ilmi ladun deyiladi. Hazrati Musoning Hazrati Xizrdan bu ilmni o’rganishni istagani “Kahf” surasining 60–82-oyatlarida alohida bayon qilingan. Zohiriy bilim o’zaro muloqotda, kitob, qalam, daftar bilan egallanishiga qaramay, bu oyatlarga ko’ra, ilmi ladun davomli sukutda va umr bo‘yi (qol bilan emas, hol bilan) egallanadi” [11;133].

Islomiy manbalarda Xizrning barhayotligi xususidagi fikrlar bir xil emas. “Agar Xizr (a.s.) Payg‘ambarimiz (s.a.v.)ning zamonlarida tirik bo‘lganlarida, nabiy yoki rasul bo‘lsalar, Allohnинг ahdiga muvofiq yordam berish, agar valiy bo‘lsalar, Payg‘ambarga imon keltirish va bay’at qilish uchun Rasululloh (s.a.v.)ning huzurlariga kelishlari shart edi. Payg‘ambarimizning islam bayroqlari ostida Badrdami, Uhuddami yoki boshqa g‘azotlardami musulmonlarning g‘alabasi uchun bor ilmi, hunari bilan yordam berishlari kerak edi. Axir, Badr g‘azotida Jabroil (a.s.) va boshqa ulug‘ farishtalar Payg‘ambarimiz bilan bir safda jang qildilar-u ilmi laduniy va g‘ayb sohibi bo‘lgan Xizr (a.s.) ishtirok etmasmidilar? Xizr (a.s.)ning Payg‘ambarimiz (s.a.v.) ning huzurlariga kelib ketganliklari biror zaif rivoyatlarda ham uchramaydi. Demak, bu narsa Xizr (a.s.)ning hozirda hayot ekanliklari borasidagi taxminni bekor etadi” [9;121].

Shayx Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf ham Xizrning barhayot emasligi to‘g‘risida to’rtta dalil keltirganlar:

1-dalil. Xizr doimiy barhayot bo‘lsalar, Muhammad (s.a.v)ning shariatlari oxirgi din bo‘lgani uchun, ularning oldilariga kelib, dinlariga imon keltirishlari kerak edi.

2-dalil. Imom Buxoriydan Xizr, Ilyos va Idris doimiy tirikmi deb so‘ragan ekanlar. Shunda Imom Buxoriy bir hadis keltirganlar: “Payg‘ambarimiz: “Yuz yildan keyin bugungi dunyoda yashab turgan kishilardan birortasi qolmaydi”, - degan ekanlar”. Shunga ko’ra, agar Xizr o‘sha davrda tirik bo‘lgan bo‘lsalar, 100 yildan keyin ular ham o‘tgan bo‘ladilar.

3-dalil. Badr urushi kuni payg‘ambarimiz Allohgaga murojaat qilib aytgan ekanlarki, “Agar bular halokatga uchrasa, yer yuzida hech kim senga ibodat qilmaydi” deganlar va 313 kishining ismi, otalarining ismi, qabilasining nomini sanab o‘tganlar. Agar Xizr o‘sha davrda tirik bo‘lganlarida shu ro‘yxatda nomlari keltirilgan bo‘lar edi. Shunga asoslanib, ulamolar Xizrning vafot etganini ta’kidlaydilar.

4-dalil. “Qur’on”ning ”Anbiyo” surasida Payg‘ambarimizga odamzodning abadiy yashamasligi haqidagi Allohnинг xabari bayon etilgan: 8-oyat. Biz u(payg‘ambar)larni taom yemaydigan bir jasad qilgan emasmiz va ular mangu hayot kechirguvchi ham emas edilar [14;288]. 34-oyat. (Ey Muhammad), Biz sizdan avval ham biron odamzodga abadiy hayot bergen emasmiz. Bas, agar siz o‘lsangiz, ular abadiy qolurmi? (Yo’q, ular mangu qolmaslar) [14;290]. Dalillardan ko‘rinib turibdiki, Xizr – Alloh taolo o‘z rahmati va ilmi bilan fayzlantirgan solih bandalardan biri. U muayyan ummatga yuborilgan rasul emas.”Dinda savolim bor ” asarining ikkinchi kitobida Xizr haqida shunday ma’lumotlar berilgan: 1) keng ilm, chuqur hikmat va chiroyli sabrga zarbulmasal bo‘lgan Xizrning asl ismi Balyo ibn Malkon ibn Folig‘dir. Ismini Ilyo ibn Ilyos deganlar ham bor. U Nuh alayhissalomning

sulolalaridandir; 2) Xizr – uning laqabi, “yashil” degan ma’noni bildiradi. Aytishlaricha, u oq mo’ynaning ustiga o’tirganlarida yashil bo’lib qolgan ekan. Buxoriyning «As-Sahih»larida rivoyat qilingan hadisda shunday deyiladi: Payg‘ambar sollallohu alayhi vasallam: «Uni Xizr deb atalishining sababi, mo’ynaning ustida o’tirgandi. Bir vaqt mo’yna uning ortidan yashil holda silkindi», - dedilar; 3) Muso alayhissalomning “Kahf” surasida zikr qilingan sohiblari Xizrdir (64–70-oyatlar); 4) ulamolarning ittifoqiga ko’ra, Xizr – Alloh taolo rahmati va ilmi bilan fayzlanligan solih bandalardan biri. U muayyan ummatga yuborilgan rasul emas. Ammo payg‘ambarligi to‘g‘risida ixtilof mavjud [3;4].

Nega unda Navoiy uni “payg‘ambar” deb atadi? Bizningcha, bu savolning javobini “payg‘ambar” so‘zining ma’nolaridan qidirish kerak bo‘ladi. Payg‘ambar so‘zi forscha bo‘lib, “payg‘om” – xabar, “bar” – yetkazuvchi degan ma’noni bildiradi. “O’zbek tilining izohli lug’ati”da quyidagi ma’nolari berilgan: 1) xabar beruvchi, oldindan xabar keltiruvchi; 2) din. Xudoning xohish-irodasini bandalariga yetkazuvchi ilohiy vakil; 3) rasul; 4) nabi. Bizningcha, Navoiy “payg‘ambar” so‘zini “rasul” yoki “nabi” ma’nosida emas, “Xudoning xohish-irodasini bandalariga yetkazuvchi ilohiy vakil” ma’nosida qo’llaganlar. Fikrimizga XXIII bobdagi quyidagi baytlar isbot bo‘la oladi:

*Vale qandil aro bu so ‘z muharrar,
Ki, hotam kimgakim bo ‘lsa tuyassar:
O‘qub hotam aro yozilg ‘on ismin,
Ochar Iskandari Rumiy tilismin.
O‘qulsa ko ‘p qilur farxunda hotif,
Ul ish mushkullaridin oni voqif* [6; 160].

Qandilda quyidagi so‘zlar yozilgan edi: ”Kimgaki bu uzuk tuyassar bo‘lsa, o’sha uzukda yozilgan ismlarni o‘qigan odam Iskandari Rumiyning tilsimlarini ochadi. Bu uzukdagisi ismlar o‘qilganda yo‘qlikdan ovoz kelib, tilsimning mushkullaridan uni xabardor qiladi”. Qandilda yozuvdan shu narsa ayon bo‘ladiki, Navoiy Xizr obraziga yangi vazifalarni yuklagan. U Hotifning so‘zlarini yetkazuvchi, uchinchi manzilning mushkullaridan Farhodni xabardor qilish uchun yuborilgan ilohiy vakil sifatida namoyon bo‘lmoqda. Xizrnning vazifasiga nafaqat g‘aybdan xabar keltirish, balki Iskandar tuggan tugunlarni yechishda odamlarga yordam berish (Navoiy yuklagan vazifa) ham kiradi:

*Anga ish bog ‘lamoq bo ‘ldi hamesha,
Manga ochmoq aning bandini pesha.
Tilismi hamki bog ‘labdur zamiri,
Ocharda menman elning dastgiri.
Tilismedinki band o ‘lmish bu vodiy,
Kelibturmen sanga bo ‘lmoqqa hodiya* [6;164].

Demak, Iskandar tilsimini yechishda Farhodga faqatgina Xizr yordam bera olardi, chunki u Iskandar bilan birgalikda tiriklik suvini qidirib zulmatga kirgan, mehnat-mashaqqatlarga yo‘liqqa. Iskandar topa olmagan suvni Xizr topib, qonib ichgan, shu tufayli uning joni rohatda. Iskandar esa jonini qiy nab, labi qovjirab, tashnaligicha qaytgan. Zulmatdan chiqqach, uning qilmoqchi bo‘lgan ishlariga falak hasad bilan band solgan, shu sababli Farhod qadam qo‘ygan uchinchi manzil – Jamshid jomiga olib boruvchi yo‘l ham Yaratgan tomonidan tilsimlangan edi. Bu manzildagi hisorni Navoiy “kunduz hisori”, Lam’iy Chalabiy esa “Qal’ai ro’shan” deb ataydi. Farhod ikkinchi piri – ilohiy karomati bilan ruhiy dalda bo‘lgan Xizr maslahatlariga

amal qilib uchinchi to'siqni yengadi va qalbi xurshidday nurga to'ladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ақрамов Ф. Манистик мифология. XX аср ўзбек фольклоршунослиги тўплами. – Тошкент, 1979.
2. Бертельс Е.Э. Роман об Александре и его главные версии на Востоке. Избранные труды. Т.4. – Москва, 1965.
3. Dinda savolim bor.2-kitob. – Toshkent: O'qituvchi, 2021.
4. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001.
5. Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиети. – Тошкент, 1974.
6. Навоий, Алишер. Фарҳод ва Ширин. МАТ. Йигирма томлик. 8-том. – Тошкент: Фан, 1991.
7. Навоий, Алишер. Тарихи хукамо ва анбиё. МАТ. 16-жилд. – Тошкент, 2000.
8. Нарзиқулова. М. Миф, фольклор ва адабиет. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.
9. Обидов Раҳматуллоҳ қори. Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир. – Тошкент, 2005.
10. Рабғузий, Носируддин Бурхонуддин. Қисаси Рабғузий. Китоб 2. – Тошкент, 1991.
11. Турдимов Ш. “Гўрўгли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари. – Тошкент: Фан, 2011.
12. Эркинов С., Навоий «Фарҳод ва Ширин»и ва унинг қиёсий таҳлили. – Тошкент: Фан, 1971.
13. Қаюмов А. “Фарҳод ва Ширин” сирлари: Эзгулик ва севгини улуғловчи мотивлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1979.
14. Куръони Карим. /Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: Чўлпон, 1992.
15. Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989.
16. Erkal,Abdulkadir.Lami'I Celebi Ferhad u Sirin (Ferhadname) (Inceleme-Metin). Yuksek lisans tezi.Erzurum, 1998.
17. Seyidov M. Azerbayjan miflik tefekkurunun gaynaglari.- Baki: Yezichi, 1989.



AHMAD A’ZAM ESSELARIDA IJODKOR BADIYATI

Gulasal Kuralovna KAZAKOVA

o‘qituvchi

Urganch innovatsion universiteti

Урганч, Хоразм

gulasalkazakova@mail.ru

Annotatsiya

Maqolada adabiy-tanqidiy esselarda yozuvchilar siyoshi aks ettirilishi, ijodkor portreti tasviri muhim omil ekanligi tahlilga tortilib, Ahmad A’zam ijodida yozuvchi badiyati o‘rganilgan. Badiiy adabiyotda A.A’zam ijod manerasini tashkil etuvchi jihatlari, essenavislikdagi yutuqlari qayd etilgan.

Tayanch so‘zlar: esse, adabiy portret, munaqqid, tanqidiy baho, iste’dod, xarakter, ijod manerasi, publisistika.

ХУДОЖЕСТВЕННОСТЬ ТВОРЧЕСТВА В ЭССЕ АХМАДА АЗАМА

Гуласал Куроловна КАЗАКОВА

преподаватель

Ургенчский инновационный университет

Ургенч, Узбекистан

gulasalkazakova@mail.ru

Аннотация

В статье анализируется тот факт, что образ писателей отражается в литературно-критических очерках, важным фактором является образ портрета писателя, исследуется художественность творчества Ахмада Азама. В художественной литературе отмечены аспекты творческого стиля и достижения А.Азама в написании эссе.

Ключевые слова: эссе, литературный портрет, критик, критическая оценка, талант, характер, творческий стиль, публицистика.

Yozuvchi, munaqqid, senarist, telejurnalist Ahmad A’zam ijodida adabiy o‘ylar, adabiy-tanqidiy yo‘nalishdagi esselar ko‘plab uchraydi. Jumladan, “Mas’ul so‘z” nomli kitobidan shoir va xalqimiz ardog‘idagi buyuk ijodkorlar yaratgan asarlar, yosh qalamkashlar ijodiga berilgan tanqidiy va xolis baho adabiyotimizda katta yutuqlardan hisoblanadi. Boisi, adabiy tanqidning o‘zi ham ba’zan tanqid ostiga olinsa, samara yaxshi ekanligi, qolaversa, badiiy mukammal asarlar adabiy jarayonga kirib kelishi uchun ham tanqidchilarimiz an’anaviy bir xil baho berishdan voz kechib, tanqid ilmini dastavval mukammal egallab olishi zarurligi haqida ham fikr-mulohazalarini bayon qiladi. Shuningdek, yosh ijodkorlar asarlari haqida tugal tanqidiy fikr bildirish uchun munaqqidning o‘zi badiiy asarni his qilish va ko‘ngil prizmasidan o‘tirish tamoyili asosida ish ko‘rsa, natija yaxshi bo‘lishi haqida qat’iy ta’kidlab o‘tadi. Har

qanday vaziyatda ham biz adabiyotni hayotimiz oynasi ekanligini, boy madaniy merosimizni kelajak avlodga yetkazuvchi tarix zarvaraqlariga bitguvchi yosh qalamkashlarni tarbiyalab borishda adabiy tanqid va munaqqidlarning roli beqiyosligi haqida to‘xtalib o‘tadi. Ijodkorlar Raur Parfi, Xurshid Davron, Shavkat Rahmon tomonidan yaratilgan g‘oyaviy pishiq asarlar tahlili va ijodkorlar siymosini badiiy gavdalantirishga bag‘ishlangan “Mas’ul so‘z” kitobida adabiy jarayonning bu masalalariga alohida e’tibor qaratiladi. “Mansur dard”, “Olam so‘z shakliga kirganda”, “Kunduzning rangi”, “Piyoda tog‘lar” esselarida so‘z sehrining g‘oyat nafisligidan maydonga kelgan she’riyatning dolzarb masalalariga jiddiy e’tibor qaratadi. So‘zning ma’no nozikliklariga yuklangan g‘oyaviy jihatdan pishiq asarlar adabiyot maydonida yetilishi zarurligini batafsил yoritadi.

“Mas’ul so‘z” adabiy-tanqidiy essesida shoir Shavkat Rahmon ijodining adabiyot maydonida tutgan beqiyos o‘rni haqida to‘xtalib o‘tiladi. Shoirning “Yurak qirralari” nomli to‘plamiga tanqidiy yondasharkan, unining “Rangin lahzalar” nomli to‘plamidagi yondashuv biroz susayganini keltirib o‘tadi. Tarjimalarida esa yozuvchining o‘zligini eslatuvchi metaforalar, poetik motivlar, ruhiy ohanglar sezilib turishi tarjimonlik faoliyatiga qusur ekanligi, badiiy adabiyot qimmati ham biroz tushib ketishi haqida aytib o‘tadi.

Xuddi shu kabi adabiy tanqidiy mavzudagi esselarda ham shoir va ijodkorning asar yaratilishiga turki bo‘lgan omillar, yozuvchining insoniy jihatlarini keltirish orqali asar yaratishga sabab bo‘lgan jihatlarni yoritib borish adabiyot maydonida tadqiqot ishi sifatida to‘la to‘kis o‘z aksini topmagan. Shu bois esselarda ijodkor shaxsini badiiy gavdalantirish ilmiy maqola va xulosalarda o‘z aksini topishi ayni muddao hisoblanadi.

“Davradan tashqaridagi odam” essesida Murod Muhammad Do‘stning “Galatepaga qaytish” asari struktural xarakteri, fikriy mundarijasi, muammolar yechimining turlicha yoritilishi bilan qimmatli ekanligini ta’kidlab o‘tadi. “Shunday ham yoziladi...” qismida esa yosh qalamkashlar ijodiga berilgan baho bilan yozuvchi shaxsiyatini aralashtirib yubormaslik munaqqidning asosiy vazifalaridan biri ekanligi qayd qilingan. Bugungi kundagi adabiy tanqid oldidagi dolzarb masalalardan hisoblangan badiiy asar qimmati va uni avlodlarga zavolsiz yetkazish mas’uliyati ijodkorlar oldidagi eng asosiy vazifalardandir.

Essenavis ijtimoiy hayotning turli jihatlarini badiiylik asosida qog‘ozga tushirar ekan, televideniyadagi ko‘plab dolzarb mavzudagi teleko‘rsatuvlardan tortib, nasriy, publisistik asarlar, adabiy-tanqidiy maqolalar, suhbat va esselar muallifi hamdir. Badiiy ijod haqida A.A’zamning ushbu fikrlari yozuvchining ijod manerasini tashkil etadi: “Til badiiyatini egallamay asar yozish – o‘ziga nisbatan behurmatlik va kitob ahliga nisbatan axloqsizlik. Axloqsizlikni so‘kkandan ko‘ra, uni quloqni berkitib, eshitmagan ma’qul deb bilaman” [2]. Adabiyot va hozirgi adabiy jarayon borasidagi bunday ta’sirli va mas’uliyatli so‘z egasining hayot qarashlari, ijod jarayoniga yondashuvi har bir davrda, ayniqsa, bugungi axborotlar oqimi keng, kitob o‘qishga ishtiyoq ancha susaygan bir davrda yanada dolzarb.

Dunyo tan olgan sara asarlarni chuqur o‘rganish bilan birga o‘zbek adabiyoti klassiklarini mukammal darajada bilishga intilish ijodkorni badiiy ijod olamiga yetaklagan omil ekanligini qayd etadi. Badiiyati teran asarlarni o‘quvchilar qatlamini kengaytirish uchun muvofiq yozish zarurati ham mavjud. Yuqorida tanqidiy fikrlarini Ahmad A’zamning “Navqiron yomg‘ir” nomli essesida teran anglashimiz mumkin. Hech bir iste’dod dunyoga tayyor holda emas, ijodning bolalik, balog‘at, yoshlik davrlari kabi o‘ziga xos tarzda bo‘y ko‘rsatishini

ta'kidlar ekan, Xurshid Davron ijodidagi balog‘at davri adabiyot olamida o‘zgacha yangilik ekanligini ta'kidlaydi. Ijod pillapoyalaridan ilgarilayotgan yoki ijodning ilk davrlarida go‘zallik va dunyo zavqiga oshuftalik sezilib turarkan, balog‘at davridagi yutuqlari talayginadir. Boshqa essenavislarda ko‘zga tashlanmagan bunday o‘xshatish faqat Ahmad A’zam ijodining betakrorligini ko‘rsatadi. Shoир uchun mutlaq kamolot bo‘lmanidek, uning o‘z yo‘li, ovozini topishi – muayyan bir davr bilan belgilanmaganidek, balog‘at buyuk bir ijod yo‘lining ibtidosi hisoblanadi. Xurshid Davron ijodidagi balog‘at davri esa xiyla qiyinchiliklar bilan kechganligi, shoир sifatida adabiyotga kirib kelishida Usmon Azim, Azim Suyun, Shavkat Rahmon, Shukur Qurbonov singari shoirlar bilan bir davrda she’riyatga kirib kelganligi, bugungi kunda esa ijod osmonidagi eng porloq yulduz kabi nur taratishini keltirib o‘tadi.

Ahmad A’zam ijodiga xos xususiyatlardan biri o‘tkir fikrlash va sinchkovliklir. Hayotdagi hamma ham ko‘ra olmaydigan holatlarni nazardan qochirmasligi uning boshqa ijodkorlardan farqlantiruvchi asosiy xususiyatidir. Badiiy so‘z imkoniyatlaridan unumli foydalanib, adabiyot ixlosmandlarini o‘ziga tortuvchi, milliy adabiyotimizda o‘ziga xos o‘ringa ega asarlar yaratgan ijodkor deya baholaymiz. Nasrdagi yutuqlarini asar g‘oyasini ifodalashdagi batafsillik, tasvir jarayonida hech narsani ko‘zdan qochiqmaslik, mayda detallardan ham unumli foydalanish tamoyili tashkil etib, adabiyotda shakl va mazmun jihatdan mukammal asarlar yaratishga qo‘l urgan o‘z yo‘li va o‘z o‘rniga ega ijodkor hisoblanadi. Ahmad A’zam bilan tengdosh ijodkor, yaqin do‘sti Usmon Azim yozuvchi haqida shunday degan: “Tengdoshlarga nisbatan adabiyotdagi ijodni biroz kechroq boshlagan, davlat ishlari bilan ko‘p yurib, ma’lum tajriba orttirib, bu tajribalarni qog‘ozga tushishni afzal bildi. Qodiriylar va Cho‘lpon yagona, hech kimga o‘xshamas bo‘lganidek, Ahmad A’zam ham adabiyotda boshqa ijodkorlardan farqli edi. She’riyatda ohang bo‘lganidek, prozada ham o‘ziga xos ohang bor. Har bir ijodkorning yaratgan asarini o‘qiganingizda yozuvchining ichki ovozini sezib turasiz. Adabiyot shu hisobga boyidi. Mana shu boylikka Ahmad A’zamning ham hissasi bor” [3]. Adabiyot haqida erkin fikriga ega, g‘arb adabiyotini chuqur o‘rgangan ijodkor qolaversa, bu o‘zlashtirish yana davom etib, umrining oxirigacha bunday qiziqish u insonni tark etmagan.

“Ahmad A’zam asarlarida odatdagiday boshi va oxiri bor voqealar, sabab va oqibat doirasida harakatlanadigan qahramonlar tasvirlanmaydi. Bir qarashda ijtimoiy salmoqdan mahrum mayda tafsilotlarning adoqsiz silsilasi aks etganday tuyulguvchi bu asarlarni tushunish oson kechmaydi. Chunki bu tafsilotlar zamiridagi ma’noni o‘qirmanning o‘zi topishi kerak bo‘ladi. Bunday yaratiqlar adabiyotni yangilabgina qolmay, kitobxonlar didining o‘sishiga ijobiy ta’sir ko‘rsatishi bilan ahamiyatlidir” [4]. Adabiyotshunos olim Qozoqboy Yo‘ldoshev Ahmad A’zam ijodining bosh mezonini belgilovchi yuqoridagi sifatlarini keltirib o‘tgan bo‘lsa, ijodkorning farzand sifatidagi burchi, jigarlariga otalardek g‘amxo‘rlik qilishi, 1973-yilda otasi vafotidan keyin ro‘zg‘orning barcha tashvishi uning gardanida qolib ketishi haqidagi ma’lumotlarni ukasi Quddus A’zamov quyidagi xislatlarida keltirib o‘tadi: “Olamdan o‘tgandan keyin qadri ko‘proq bilinar ekan. Ahmad A’zam men uchun ham aka, ham ustoz edi. Agar nimagaki erishsam hammasi akam tufayli. Akamdan bizga qolgan yodgor bilim va talab. Har bir narsaga zamonasozlik nuqtayi nazaridan emas, haqqoniylig bilan yondashardi. Prinsipiallik, masalaga haqqoniylig yondashuv asosida ko‘rsatuvlar tayyorlashni akamdan o‘rgandim” [3]. “O‘zlik” ko‘rsatuvini shu qadar jiddiy, ko‘tarilgan mavzuni batafsil yoritishga intilar ekanki, har bir sonida yangi bir mavzu, inson shaxsining turli-tuman fojeaviy qirralarini ochib bergen.

Maqola yozganda yurakni o‘rtovchi mavzularni ko‘tarib chiqadi. Har bir narsaga zamonasozlik nuqtayi nazaridan emas, haqqoniylig bilan yondashadigan shaxs, dunyoqarashini o‘zgartirmas, o‘z fikrida sobit turuvchi inson ekanligini yaqinlari ko‘p eslaydi. Ahmad A’zamning aynan mana shunday sobitqadamliligi, adolat uchun kurashchanligi uning “G‘uliston” nomli asari yaratilishiga asos vazifasini bajargan.

“Men bir kuni shu tarzda ko‘nglimni ko‘tarmoqchi bo‘ldim. Ivisrib ketgan ekan, zarur payti izlagan tuyg‘umni topolmayman; bu tuyg‘u yo‘qligidan emas, ko‘nglimning tartibsizligidan; unda hamma tuyg‘ularim aralash-quralash, sochilib-bosilib yotgan ekan... Ko‘nglimni xuddi uy ko‘targandek, saranjom-sarishta qilishga bel bog‘ladim. O‘zi ham ko‘nglimda ming xil mayda-chuyda tuyg‘ular uyulib ketgan ekan, ularning keragini kerakka ajratguncha bo‘larim bo‘ldi. Ularni shamollatish uchun oftobga yoyganimda ko‘pi qurib, uvalanib ketdi. Lekin ularning tagidan – ko‘nglimning tubidan shunaqa tuyg‘ularim topilayotirki! Shunchalik badavlat ekanimni o‘zim bilmay, qashshoq benavo yuravergan ekanman. Ko‘ngil ko‘tarishim to‘xtagani yo‘q. Hali ish ko‘p, lekin hozirdanoq ko‘nglimga kirsam, yayrab ketaman – shunaqa sarishta, shunaqa bahavo, shunaqa keng...” [1]. Yuqoridagi ijodkor qalamiga mansub badiiy tasvir vositalari orqali Ahmad A’zam ko‘ngilni eng oliv hakam deya bilishi, undagi jamiki tuyg‘ularni vijdon oldida doim sergak va saranjom sarishta bo‘lish istagida ekanligini anglash mumkin. Adabiyotning bosh vazifasi ham inson ko‘nglini yaxshi fikrlar bilan tarbiyalash, ezgu g‘oyalarni mujassam etishga intilishida ekanligini ta’kidlash lozim. Vaholanki, adabiyotda ko‘ngil mayllarini qog‘ozga tushirish, nekbin tuyg‘ular ifodasini bor tarovati bilan ko‘rsatib berish an’naviy mavzular sirasiga kirib, Ahmad A’zam buni ham e’tibor markazida tutgan. Ijodidagi yangilik, uslubda erkinlikni ta’minalash kabi poetik vositalardan tashqari adabiyotdagi an’naviylik tamoyilini ham nazardan chetda qoldirilmagan.

Men bir kuyning to‘lqinlarida oqib kelyapman kelyapman kelyapman,

Qalqib-qalqib ketyapman ketyapman ketyapman,

bu kuy meni qaysi qaysi qaysi

qirg‘og‘iga qachon qachon qachon

tashlab ketadi, bilmayman bilmayman bilmayman,

faqat bu kuyni o‘zim chalyapman chalyapman chalyapman.

Ushbu sochmada berilgan mohiyat Ahmad A’zam murakkab taqdir yo‘li, ijod olamining beqiyosligi, hayot maslagini to‘laqonli ochishga xizmat qiladi. Ya’nikim o‘tkinchi bir dunyoda hayot atalmish ummonda har kim o‘z kuyi, ohangi, yashashdan ko‘zlangan teran maqsad kabi sabablar bilan suzadi. Xayrli amallari, ezgu maqsadlari bilan o‘z hayotini zavqqa bag‘ishlaydi. Inson iymon-e’tiqodiga singdirilgan, adabiyotdagi bosh mavzu – hayotga va Ollohga tavakkal qilish kabi an’naviylik mezonlaridan tashqari, kishini chuqr mushohada yuritishga yo‘naltiruvchi modernistik yo‘nalish hamohang keltirilgan.

Ahmad A’zam farzand tarbiyasi va o‘zidan kichikka muomalada e’tibori yuksak bir inson bo‘lgan ekanki: talabchan, qattiqqo‘l, qattiqqo‘llik ostida esa mehri yashirin sabr-toqat egasi hamdir. Shu bilan birga farzandlarga muomalada hech ovozini ko‘tarmas, ammo xafa bo‘lib qo‘yarkan-u, 2—3 kun gaplashmay qo‘yanida har kim o‘z xatosini tushunib yetarkan. Xuddi shu talabchanlik farzandlarida ham sezilib turadi. Ular ham otasi kabi hayotda o‘z mustahkam o‘rniga ega, fikrida va hayot maslagida qat’iyati bois ko‘zlagan maqsadlariga har doim yetib yurgan ijodkorga munosib avlod bo‘lib yetishgan.

Yaqinlari, do'stlari Ahmad A'zamni kuyunchak bir shaxs, yurganda ham shaxdam-shaxdam, gapirganda qat'iy-qat'iy gapiradigan inson ekanligini ko'p xotirlaydi. Uning "O'y o'ylaganda..." nomli badiasi balki shu fe'l-atvori tufayli dunyoga kelgan bo'lsa ajab emas. Esseda inson o'z ruhiyati bilan yolg'iz qolganda unga hamrohlik qiluvchi tuyg'ular, o'y-kechinmalar ummoni haqida bahs yuritadi. Inson bir daqiqa ham o'ysiz tura olmasligi, xayolga kelgan o'ylarda esa osoyishtalik har doim hukmron bo'lavermasligini qayd etadi. Vatan va millat taqdiriga aloqador har qanday o'y-fikr o'ylovchining asli kim ekanligidan dalolat beradi. Yanikim, butun dunyoda ro'y berayotgan voqeа-hodisalar o'ylovchini ba'zan chuqurroq o'yga toldirishi ham mumkinligini, oxir-oqibat millat taqdiriga befarq bo'lмаган har qanday inson ogohlilikka da'vat etilishi nazarda tutiladi. Bu esse markazida Ahmad A'zam o'z ijod pozitsiyasi bilan namoyon bo'lib, ona Vatan oldidagi fuqarolik burchi, inson sifatidagi kamoloti, ro'y berayotgan har qanday hodisaga daxldorlikni his qila bilishi kabi xislatlari bilan namoyon bo'ladi.

Har bir janr o'z xususiyatlaridan tashqari, mushtarak jihatlari ham mavjud bo'ladi. Xuddi shu umumiyligjanrlarni bir tizim ostiga ham birlashtiradi. O'zbek adabiy tanqidining barcha janrlari mohiyatan o'zaro mushtarakdirlar. Ularning barchasida adabiyotning rivoji, kamoloti, yuksak badiiyligi uchun kurash, kitobxon estetik ongini yuksaltirish vazifasi muhimdir.

Ahmad A'zamning "Aka" nomli essesida ijodkor, tahrirchi Mahmud Sa'diy bilan tanishuvi, publitsistikaga qo'ygan qadami shu inson bilan bog'liq ekanligi yoritiladi. "Guliston" jurnaliga yozuvchi Turg'un Po'latning "Ichkuyov" qissasiga Ahmad A'zam taqriz yozadi va ushbu taqrizni Mahmud Sa'diy qabul qiladi. Ahmad A'zamning ijod maydoniga kirib kelishidagi ilk qadami, adabiyot ilmi va so'z sehri haqidagi bilimlarining mukammal emasligi xususidagi kechinmalari tasvirga olinarkan, yillar o'tib buyuk munaqqid bo'lib yetishganligida M.Sa'diyning ham katta hissasi borligini sezish mumkin. Mahmud Sa'diy esa shogirdlarga to'g'ri yo'l ko'rsatishda, ilm parchalarini ulashishda aslo charchamas, og'rinmas ustoz sifatida qalamga olinadi. Mahmud Sa'diy faqat ijodkor Ahmad A'zamga bunday e'tibor qaratmas, tahririyatga kelgan har bir ishni sinchkovlik bilan o'qir, keyin yana matn ustidan "rasm solar", har bir kelgan muallif bilan yakkama-yakka suhbat qurar, birontasi tekshirilib muallifga qaytarilmay qolmas ekan. Bu mehnatga kundalik ish bo'lganligi bois ko'nikilgan, aslo og'rinmas kasbining fidoyi ustoz sifatida e'tirof etilgan. Ahmad A'zam ustoz haqidagi ushbu fikrlarni umumlashtirgan holda, adabiyotning yashovchanligi mana shunday tahrirchilar mehnati asosiga yuzaga kelishini ta'kidlaydi. Shaxs sifatida M.Sa'diy mehnatkash, jonkuyar, mas'uliyatli va o'ta talabchan inson sifatida tilga olingan.

Ilk maqolani bunday qattiqqo'llik bilan tekshirilib, ijod olamida yangi nihol qadalganligini e'tirof etgan ustoz M.Sa'diyni esse muallifi "adabiy jarayonga qo'limdan yetaklab olib kirgan, shu jarayonda suzishni o'rgatgan" inson deyar ekan, har doim u insonga talpinishini, fikrlarini eshitishga har doim tashna ekanligini keltirib o'tadi. Taniqli adabiyotshunos Dilmurod Quronov esa Ahmad A'zam haqidagi fikrlarini "Zavqimdan bir shingil..." essesida jamlaydi: "Ahmad A'zam ijodiy izlanishlari kaminani hamisha hayratga solib, aniqrog'i, shoshirib kelgan. Munday qarasang yozganlari oddiy-oddiy narsalar-u, nimasidir biz ko'nikkan narsalarga o'xshamaydigandek, ongimizda muqimlashgan nazariy qoidalarga ko'pam mos kelmaydigandek tuyulaveradi" [7]. Bu tuyg'uni ijodkor ilk bor Ahmad A'zam qalamiga mansub "Odaming olasi" hikoyasini o'qish asnosida his qilganligini keltirib o'tadi. Ushbu fikrlarning

mantiqiy davomida D.Quronov Ahmad A'zam haqidagi maqolasi bilan ijod maydoniga kirib kelganligini keltirib o'tadi va bir kitobi muqovasiga yozish mashaqqati bergan zavjni hech qaysi bir yumush bera olmasligini kiritganiga sevinadi. Sababi, Ahmad A'zamdek qalam egasi adabiy jarayondan chetlashmasligi, tanqidiy fikrlari bilan doim qatnashib turishi lozimligini izohlaydi.

Badiiy adabiyotdan tashqari publitstistika sohasi hamda partiya a'zosi sifatidagi faoliyati adibni ijod maydonidan biroz chetlashtirgan, adabiyot esa A.A'zam kabi qalami o'tkir ijodkorga har doim mushtoq bo'lgan. Zero, yozish beradigan zavq, o'qish zavqiga havaslilikni keltirib chiqaradi. Yuksak mahorat bilan yaratilgan esselari, ijtimoiy hayotning har qanday sohasida o'z so'zi va ijod erkinligiga ega Ahmad A'zam faoliyatini chuqur tahlil qilish adabiyotshunoslik va hozirgi adabiy jarayon oldidagi dolzarb masalalardan biridir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. A'zam A. "O'zim bilan o'zim". Ijodiy sayt. www.ahmad-azam.com. 12-bet
2. Аъзам А. Адабий асар – тил ҳодисаси. //Ёшлик, 2012. – № 6.
3. Даврон, Хуршид кутубхонаси. Аҳмад Аъзам хотираси. Адабий сұхбат. WWW.kh-davron.
4. Йўлдошев Қ., Йўлдошева М. Руҳиятнинг бетакрор жилолари. WWW.kh-davron. 2012 йил 5 февраль.
5. Назаров В., А.Расулов А., Ахмедова Ш., Қаҳрамонов Қ. Ўзбек адабий танқиди тарихи: дарслиги. – Тошкент, 2012.
6. Qahramonov Q., Burhonova F. Ijod va e'tiqod. – Toshkent: Akademnashr, 2022
7. Куронов Д. Завқимдан бир шингил. //Шарқ юлдузи, 2012. – № 6.
8. Кўчкорова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Тошкент, 2011



ТОГАЙ МУРОД АСАРЛАРИДА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР МАСАЛАЛАРИ

Абубакир УРАЗОВ

эркин изланувчи

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон
abubakirurazov24@gmail.com

Аннотация

Мақолада ёзувчи Тогай Мурод асарларида миллий характер хусусиятлари, қадриятлар ва урф-одатларимизнинг ўзига хос ёритилиши тадқиқ этилади. Унинг қиссалари мисолида миллий қиёфалар, миллий рух ва замон фалсафаси очиб берилади.

Шунингдек, адаб асарларида мардлик, ор-номус, севги ва нафрат, жасурлик, адолат ва ноҳақлик, жисмоний ва руҳий баркамоллик, шахс ва ҳалқ манфаатларининг тўқнашуви фактлар асосида қиёсий таҳлилга тортилади.

Таянч сўзлар: ҳалқчиллик, образ, миллий характер, миллий қиёфа, умумлашма, урф-одатлар, адабий образ, персонаж, миллий қиёфа, услугуб ҳалқона.

ВОПРОСЫ О НАЦИОНАЛЬНОМ ХАРАКТЕРЕ В ПРОИЗВЕДЕНИЯХ ТОГАЯ МУРОДА

Абубакир УРАЗОВ

Самостоятельный соискатель
Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы
имени Алишера Навои
Ташкент, Узбекистан
abubakirurazov24@gmail.com

Аннотация

В статье исследуется своеобразное освещение в произведениях Тогая Мурада особенностей национального характера, ценностей и традиций. На примере его повестей раскрываются национальные образы, национальный дух и философия времени.

А также на основе фактов сопоставляются мужество, честь, любовь и ненависть, высокомерие, справедливость и несправедливость, физическая и психическая зрелость, столкновение интересов личности и народа в произведениях автора.

Ключевые слова: народность, образ, национальный характер, национальный образ, обобщение, обычаи и традиции, литературный образ, персонаж, национальный облик, народный стиль.

Барча ҳалқлар адабиётида “характер” деган тушунча бор. Бу тушунча замирида “миллий характер” англашилади. Миллий характернинг андозаси реал ҳаётдаги

прототиплардан олинади. Адиб миллий характер яратишида барча жиҳатларни эътиборга олиши талаб этилади. Турмушдаги характерга тўғридан-тўғри таяниш, яъни бир кишининг ҳаёт тарзи ва хулқ-авторини тўлалигича бадий асар қахрамонида жонлантириш характернинг тасвирини тўла таъминлай олмайди. Шунинг учун ҳам ёзувчи бадий тўқима, умумлаштириш, типиклаштириш орқали асар қахрамонлари характерларини сайқаллантириб боради.

“Характер” сифатида ҳар қандай қахрамон ҳам эътироф этилавермайди. Тўғри, асар қахрамонларининг ҳаммасида ҳам характер бор. Лекин қахрамонларнинг ҳаммаси миллий характер даражасига кўтарила олмайди. Адабиётшунос Тўхта Бобоев ёзганидек, “...ёзувчи бадий образ яратишида (ҳаёт қахрамонларини адабий қахрамонларга айлантиришда) санъатнинг типиклаштириш – умумлаштириш ва индивидуаллаштириш каби қонуниятларига қатъий амал қилади. Шу сабабли, ижодкор учун фақат илғор дунёқарашиб билан қуролланишнинг ўзигина кифоя қилмайди, у реалистик адабиётнинг қонун-қоидаларини, маҳорат сирларини ҳамда бадий ижод методини пухта эгаллаган бўлиши лозим. Ҳаётий асар яратишида ёзувчи шахсияти, унинг бадий образлар орқали фалсафий фикрлай олиш қобилияти, турмуш ҳақидаги тушунчалари, дунёқараши, ёзувчилик маҳорати, туғма таланти ва меҳнатсеварлиги катта роль ўйнайди” [1].

Образлар характеридаги халқчиллик асарнинг умрбоқийлигини таъминлайди. Бу каби асарлар асрлар ўтса ҳам ўз қадр-қимматини йўқотмайди. Ўзбек адабиётшунослигида шу даврга қадар А.Қодирий, Чўлпон, Ойбек, А.Қаҳҳор каби адабиёт намояндалари асарларида халқчиллик нафасларини сезган бўлсақ, замонавий адабиётда бу анъанани бир қанча истеъдодли ёзувчиларимиз давом эттиришди. Уларнинг яратган қахрамонлари соддалиги, самимилиги, ватанпарварлиги, меҳр-оқибатлилиги билан бир қаторда соф миллий, халқчил образлар бўлиб, китобхон қалбига кириб борди.

Юқорида айтиб ўтилганидек, ёзувчи асар қахрамонларининг характер- хусусиятини белгилашда ўзлари гувоҳ бўлган, кўрган-кечирган инсонлар кечинмаларини ёки бирор мақсад учун хизмат қиладиган қахрамонларни асарга типиклаштиради.

Ўз вақтида жуда катта шов-шувга сабаб бўлган Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асарида ўша даврдаги ҳар хил гуруҳлар ҳақидаги фактлар бир қадар очиқ, полифоник тарзда ёритилган. Унда адиб қахрамонлар характерларини чуқур ўйланган драматизм, руҳий таҳлил, коллизияларга асосланиб тасвирлайди. Асардаги образларга юклangan вазифаларга кўра, сюжет кенг кўламли, ўткир ва зиддияти воқеалар асосида шаклланади. Муаллиф асардаги воқеа-ходисаларни, қахрамонларнинг маънавий дунёсини, тафаккур тарзларини халқчил, исломий эътиқод нуқтаи назари билан тузади. Асар кўлами фалсафийлиги, содда тилда ёзилгани билан ўқувчини жалб қилади.

Ёзувчи Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” романи эса XX асрда ўзбек халқининг бошидан кечирган ижтимоий-сиёсий воқеаларни бошқа адилларга ўхшамаган услубда баён қилади. Асар концепциясидан қўрқичли йиллар билан мустақиллик даври қиёси табиий таомилда зеҳнимизга кўчади. Эркин ёзиш ва фикрлаш орқали ижоднинг юқори чўққисига кўтарилиш ва бадий ҳукм чиқаришнинг бундай самаралари социалистик реализм адабиётида бўлган эмас. Шунинг учун қатор-қатор асарларда реализм тасвирнинг бирёқламалигига, чекланганлигига дуч келамиз. Уларда образларнинг хаққонийлиги, муҳим муаммоларни тарғиб қилиши, жой номларининг тафсилотлари сезиларли тарзда маҳорат билан баён қилинар, лекин халқчиллик, миллийлик бир оз панада қолиб кетар эди. Китобхонлар ҳамда адабий жамоатчиликнинг эса миллий характер яратилишини талаб қилишига маънавий эҳтиёжи ва ҳаққи бор эди.

Янги даврда яратилган бадий асарларда миллий характер ва миллий воқелик баёни орқали умуминсоний ғояларни тарғиб этишга интилиш сезиларди.

“Инсон омили, яшамоқнинг чинакам моҳияти, дунёни фалсафий теранлик билан идрок қилиш, ҳеч бир одам ва миллатнинг Она-замин ва бутун инсоният муаммоларидан мосуво эмаслиги каби ғояларни қўйлашга мойиллик қучайган. Тарихнинг аччиқ изтироб-сабоқларини эсдан чиқармай, ўз руҳида оламшумул дардларни, янгича шиҷоатни ҳис этмоқ, айни ҳолатни ҳалқнинг янгича яшай бошлиш жараёни билан уйғунликда ифода қилмоқ саодати ҳозирги адабиёт вакилларига ҳалқчил ва миллий асарлар ёзиш имкониятини насиб қилди. Ҳалқлар ижтимоий тараққиёт тарихининг ҳар қандай даврида моддий иқтисодий ҳамкорлик ва ибратланишлар талаб қилингани каби маънавий, маърифий, маданий алоқалар ҳам мудом қонуний эҳтиёждир. Зотан, асоси миллий борлиқ ва миллий онгга тақалган чинакам адабий қадриятларнинг юксаклиги уларга ўзга ҳалқларнинг рағбат ҳамда муҳаббат мавқелари билан белгиланади” [3].

Адибларнинг асосий мақсадларидан бири – ўзи яратган образларни кўп минг сонли китобхонларнинг севимли қаҳрамонларига айлантиришdir ва улар шу ниятда ижод қиласиди. Зотан, буни эса барча адиблар ҳам уддасидан чиқа олмаган. Бу борада улар турли-туман воситалардан фойдаланади. Қаҳрамонларни миллий характерга йўғрилган қилиб тасвирлашга, кийимини ўзгартирса, бошқа миллатга ўхшаб қолмаслигига тиришади. Ҳар бир деталдан унумли фойдаланиши, образ хатта-ҳаракати китобхонда шубҳа туғдирмаслиги, эътиroz ёки ишончсизлик ўйғотмаслигига эришишни ҳамиша эсдан чиқармасликка интилади. Ҳатто, асар қаҳрамонига ўзининг меҳрини яшириш-яширмасликни ҳам меъёрида ушлаши керак. Ёзувчи ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай усулда ҳам маҳоратини кўрсата олса, аниқ мақсадга эришади. Баъзи асарларни ўқир эканмиз адибларнинг ўз севимли қаҳрамонига ўзгача муҳаббатини кўрамиз. Бу борада Абдулла Қодирийнинг Отабек, Кумуш, Зайнаб, Анвар, Раъно образларига меҳри балқиб турганини сезиш қийин эмас. Бу – шу йўналишнинг ўзига хос юксак намунаси.

Ҳалқчил ва миллий характер ёзувчи ижодининг муҳим ютуғи. Бадий адабиётнинг қайси жанри бўлмасин, асар қаҳрамонлари ҳақиқий миллий характерлар даражасига етсагина, у асар чин маънода муваффақият қозонади. Асар қаҳрамонларининг миллий характерлар сифатида эътироф этилишида талқин, олиб чиқилган мавзу ва масала, тасвир кўлами ва адиб ғояси муҳим ўринда туради, албатта. Аммо, фақат шулар асарнинг ютуғини белгилайди, деб хулоса чиқариш ноўрин.

Асадаги қаҳрамонлар характерининг миллий мукаммаллиги унинг қанчалик ибратли, таъсирчан ва ҳалқчил бўлмоғига ҳам боғлик. Бу ёзувчидан катта маҳорат, ўзига хос услугуб ва ҳалқона фикрлаш тарзини талаб қиласиди.

Дарҳақиқат, бадий асада тасвирнинг белгиланган кўлами ва меъёри бўлиши зарур. Асад тили миллий тилнинг барча ютуқларидан имкон қадар фойдаланилган ҳолда ёзилганини ифодалаб туриши керак. Бу борада маълум меъёрни белгилашда адибнинг муайян образлилик иқтидорига эга бўлиши талаб этилади. Зоро, прозада образлилик масаласи поэзияга қараганда маълум маънода чекланган бўлади. Айниқса, реалистик методда ёзилаётган ижод маҳсулида ёзувчи барча жиҳатларнинг ҳалқчил бўлишини хоҳлади. Романтика маромида ушланади ва унинг жиловига ортиқча эрк берилмайди. Бу ўринда муаллиф образлиликнинг шу вазифани кўтара оладиган усулларига мурожаат қиласиди. Асада табиат тасвирининг кўриниши, сўз, мақол ёки ибораларнинг кўлланилиши ва қаҳрамоннинг унга муносабати, атрофдаги мавжудотга, ёки миллий удумларга образнинг алоқадорлиги каби кичик бир деталь ҳам шунчаки келтирилмайди,

хаммаси учун ёзувчининг юксак маҳорати талаб этилади.

Тоғай Мурод ўз асарларида қаҳрамонларни миллий характер даражасига олиб чиқишида унинг ўзига хос маҳоратини ҳис қиласиз, муаллифнинг бу борадаги ютуқларини англаб, адабиётнинг барча талаб ва вазифаларини чуқур идрок қилган ҳолда ёзганини сезасиз. У асарларида миллий маънавият ва қадриятларга доир ҳеч кимнинг ҳаёлига келмаган долзарб мавзу-муаммоларни ўртага ташлайди, халқона, жозибали акс эттиришга интилади. Иброҳим Faфуровнинг бу борадаги қуидаги фикрлари эътирофга лойик: “Тоғай Мурод бундай воқеаларни таъсиран қилиб тасвирлайди. Уларни чин маънода қўшиқ қилиб юборади. Унинг тасвири халқ оғзаки ижоди санъатининг энг яхши анъаналарига уланиб кетади, уларни янгича йўлда ривожлантиради. Сал эркинроқ фикрлаб, уни прозанинг бахшиси десақ, хато бўлмайди. Тоғай Мурод кўз ўнгимизда ўз оригинал йўли ва услубига эга ижодкор каби шаклланиб бормоқда. Бу адиб халқнинг қадимдан шаклланган урф-одатлари, расм-руsumлари поэзиясини чизишга, уларнинг илтифот, назокат, ўзаро хурмат ва шу асосда муҳаббатли бўлишга ундайдиган илғор томонларини очишга уста. У асосий эътиборини, кучи ва эҳтиросини шунга қаратади ва шунда маҳорат кўрсатади. Ёзувчининг асосий эътибори шунда бўлгани учун унинг қаҳрамонлари вақтдан, ижтимоий муҳитдан бир қадар ажralиб қолгандай бўлиб туюладилар. Урф-одатлар қанчалар поэтик кўтаринкилик билан тасвирланмасин, улар охир-оқибатда қаҳрамонларни тўла маънодаги замонавий кечинма ва интилишларга эга инсон каби тасвирлашга тўқсинглик қилар экан...” [5].

Иброҳим Faфуров бу ўринда объектив мулоҳазалар орқали, албатта, қисса, унинг тасвир усулидаги ўзига хосликнинг маълум бир қирраларинигина келтириб ўтган. Қиссанинг дастлабки вариантидаги айrim камчиликларга тўғри шама қилади. Адабиётшуноснинг таъкидича, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасидаги қаҳрамонлар тасвирида дастлаб конкрет муҳитдан бир қадар ажralиб қолгандай туюлган. Танқидлардан тўғри хулоса қилган адиб асар устида жиддий фаолиятини яна давом эттиради ва уни қайта ишлаб, камчиликларни бартараф этади. Адабий асарнинг мунаққидлар, адабиётшунослар таҳлилига тушиши табиий ҳол, албатта. Баъзи ижодкорлар танқидни тўғри қабул қилади, асарини бошқа нуктадонлар нуқтаи назари или кўздан кечиради. Айrimлари эса асардаги мавжуд кемтикларни сезса-да, уни қайта ишлашга унамайди. Жаҳон адабиётидан маълумки, асарни қайта ишлаш тажрибаси буюк иқтидорлар ижодида ҳам кузатилган. Тоғай Мурод “Ойдинда юрган одамлар” асарини ишлаш жараёнида мана шу ҳолатни бошидан ўтказган. Муҳокамалар жараёнида кўрсатиб ўтилган қиссадаги айrim камчиликларини ўз вақтида бартараф этган. Чунончи, ёзувчи асардаги давр масаласида айrim чалкашликларга йўл қўйган. Маълум муддат қайта сайқалланган қисса янада мукаммал ва яхши сифатларга эга бўлади. Қиссанинг хозирги варианти олдингисидан ўқишли, тушунарли ва жозибадордир. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримкул Қодиров ҳам шу воқеалар тўғрисида қуидагиларни ёзган: “Хайриҳоҳлик билан айтилган танқидий фикрлар Тоғай Мурод учун катта бир сабоқ бўлди. Ёш адиб бу танқиддан тўғри хулоса чиқариб, “Ойдинда юрган одамлар” қиссасини қайта ишлади, гоявий акцентларни ўз ўрнига қўйиб чиқди, эскирган урф-одатлар, нотанқидий тасвирланган жойларни қисқартириди, янги замонга мос деталлар ва чизгиларни кўпайтириди. “Ойдинда юрган одамлар” қиссасининг журнал вариантида давр, замон ноаниқ тасвирланган эди... Қиссада эллигинчи йиллар билан йигирманчи йиллар қоришиб кетганини муаллиф ҳам танқидий мулоҳазалар натижасида сезди ва бу нуқсонни тузатиб чиқди” [4].

Мунаққидларнинг ҳақли эътиrozлари асосида қайта ишланган “Ойдинда юрган одамлар”нинг бугунги, маромига етган вариантини ўқиш янада мароқли. Асардаги реаллик сифат жиҳатидан янада тиниқлашган, жой-макон ва вақт-замонга кўра қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ишонарли. “Ойдинда юрган одамлар” бадиий эътирофга кўра, ниҳоятда содда, бир вақтнинг ўзида мазмунида қандайдир рамзий ишораси бор бўлган лавҳадан бошланади. Адирда ёнбошлаб ётган бобо момога қаратади: “Қулоқ сол, момоси, қулоқ сол, қаердандир одам овози келяпти”, дейди. Улар еллар елаётган тарафга қулоқ тутадилар, бобо овозни аникроқ эшитиш учун ўнг кафтини қулоғи сиртига елпана қилиб тутади. Чуқур тин олиб, ойдинга тикиладилар.

“Манов ёқдан, шекилли... – дедилар.

– Ўзи, вақting хушми момоси? Эсон-омон юрибсанми? Тўрт мучалинг бутми...?” [2].

“Сийрак адир” борлиғимизга сингиб кетган жуда таниш миллий-маҳаллий манзарани, кенгликларни тасаввуримизга келтиради. Шу жумланинг ўзидан ўқувчи асарга сингишни бошлайди. Бобо одамларни сўрайпти? Демак улар тақдирида одамга зорлик, “одамсизлик” бор экан. Сюжетлар кетма-кетлигига буни англаб, титраймиз. Одам овозига интизорлик, бўшлиқдан ҳам инсон сасини қидириш, сукунатга қулоқ тутиб, мужда кутиш – бунинг маъноси кейин очилади. Улар ойдинга тикилади, ойга интилади. Ойдин – ёруғлик, бунинг ўзига хос рамзий маънолари бор. Бу умид, ишонч, талпиниш, ойдин – муҳаббатнинг қалблардаги нури, беғуборлиги. Улар энди кўришдими, нима учун бобо ёнидаги кампиридан соғлигини сўрайди? Модомики, бу тарзда ҳол-аҳвол сўраётган экан, улар ҳаётида айрилиқлар бор. Ўша бўшлиқ, айрилиққа қарамай ўртадаги самимийлик сюжетни кучайтирган. Шу қаби “қандайдир” рамзийликнинг моҳияти воқеалар давомида ўқувчи кўз ўнгидаги шаклланиб боради. Мана шу лавҳадан кейинги тасвиirlар бевосита жонли воқеликка кўчади. Асар сюжетидаги айrim жумлалардан шу нарса маълум бўладики, воқеалар 30-йилларда кечади. Совчилар келиш маросими, тўй тафсилотлари ўқувчини буткул сюжетга маҳлиё қиласи.

Мехрга тўла Қоплон билан Оймомонинг муносабатлари, қаҳрамонлар руҳиятидаги эврилишлар, ибо, иффат-ҳаёning тасвиirlари ёзувчининг жиддий кузатувлари маҳсули, дея bemalol айта оламиз. Жаҳон адабиётидаги баъзи асарларда келтирилган тўғридан-тўғри ишқий кечинмалар китобхонларни бездиргани рост. Тоғай Мурод бу борада асар қаҳрамонларини гоҳ хаёлан, гоҳ бевосита сухбатлаштиради, уларнинг бир-бирига муносабатини фикрлардаги тагмаънолар орқали аён қиласи.

“...Тоғлар кулранг, қирлар кулранг бўлди. Арчалар кўум-кўк бўлди. Адирлар ўркач-ўркач бўлди. Товатошлар улкан-улкан бўлди. Ёнгоқлар азим-азим бўлди.

Бир қиз елкасида кўза кўтариб, булоққа келди. Кўзасини ерга кўйди. Булоқ сувларида юзини ювди.

- Шунда, сув остида турмиш бир отлиққа кўзи тушди.
- Қиз рўмоли билан юзини яширди, қиз ҳаёланди.
- Кўзларингни яширма, Оймомо, – деди отлиқ.
- Кетинг, одамлар кўради кетинг, – деди қиз.
- Булоқ сувларидан ичайин деб келдим...
- Ичган бўлсангиз, энди кетинг.
- Кўзларингни бир кўрайин деб келдим.
- Кўришга менинг кўзларимдан ўзга-да кўзлар кўпdir.
- Йўқ, ҳар банданинг ўз кўрадиган кўзлари бўлади. Сенинг кўзларинг – меники.

Келма, десанг, майли, энди келмайман.

Кўзларни деб келмасангиз-да, булоқ суви ичгани келинг...” [2].

Маълумки, кўпгина асар сюжетларида севишганларнинг гап-сўзлари очик, “яланғоч” сўзларда ифода этилади. Бу ифодалар эса қаҳрамонларнинг ички рухий ҳолаттуйғуларини ҳаққоний, чинакамига тасаввур этиш имконини бермайди. Тоғай Мурод қаҳрамонлари миллий-маҳаллий жиҳатидан жуда иффатли одамлар. Уларнинг шевага хос ифодалари, ўзини тутиши ва муносабат тарзининг тасвирланиши қаҳрамонларнинг жонли эканлигини таъминлаган. Маълумки, юртимизнинг айрим вилоятларида ҳалигача аёл ўзига маҳрам бўлган эркак-эрни исми билан ёки исмига “ака” қўшимчасини қўшиш билан мурожаат қилмайди. Мана шу жиҳатлар асарда қаҳрамонлар қиёфасини тиниқлаштиради:

“– Гапир, –деди куёв.

– Ўзи гапирсин, – деди қайлиқ.

– Сен гапир.

– Ўзи гапирсин-да.

– Нимани гапирайин?

– Ўзимизнинг оқшомлардан гапирсин, қирдаги буғдой ўримидан гапирсин...

– Сен гапир, қирдан қайтиб, зардолилар остида оёқ илганимиз, мен сенга зардоли териб берганимни.

– Ўзи гапирсин, қўллари зардоли шохларида бўлса-да, кўзлари менда эканини.

– Сен гапир, шамолда рўмолинг учиб кетгани, мен ушлаб келганимни.

– Ўзи гапирсин, рўмолга узатган билагимдан маҳкам ушлаганини, йиғлайман десамда, қўйиб юбормаганини” [2].

Тўй маросимидан ташқари воқеаларда ҳам адиб ўзига хосликни кўрсатишга ҳаракат қиласди. “Қайлиқ ўйини”га борган асар қаҳрамони Қоплоннинг рухияти тасвирланар экан, унинг Оймомо билан самимият ва фазилатлари атроф-муҳит манзараларига уйғун ҳолда ифода этилади. “Болалар шувиллак чалабериб, сибзиқ чалабериб” [2] қулоқларни қоматга келтирган кун, ҳалинчак учайтган қизларнинг тасвири каби сюжетлар кечинмаларни юзага чиқаришда қулай воситалар сифатида бош мақсад ва ғояга хизмат қиласди.

“– Отини нима қўямиз? – деди.

– Барчиной.

– Сен ҳали...

– Қиз яхши-да. Менга ёрдамчи бўлади.

– Йўқ, ўғил бўлсин. Отини-да ўйлаб қўйибман: Хушвақт!

– Кейин?

– Кейин, Хушвақтни катта қиласми. Уйлантирамиз-жойлантирамиз, невара-чевара қўрамиз. Мен бова бўламан, сен момо бўласан. Қайлиги завқланиб-завқланиб кулди.

– Мен бу кишини боваси деб чақираман.

– Мен сени момоси деб чақираман” [2].

Ёзувчининг баён усулида ҳам баҳшиёналик устуворлик қиласди. Бу эса асарнинг енгил ўқилишини, тасвир ва тасаввурнинг тушунилишини, жозибадорликнинг кучайишини таъминлайди. Тўй маросимида нонлар ёпилиши, келин сарполари, юкларининг отларга юкланиши, болаларнинг отларга мингашаман деган хархашалари, қариндошларнинг кўз ўшлари, келиннинг таъзим қилдирилиши, гулхан атрофида айлантирилиши, чимилдикдаги анжомларга берилган таърифларнинг завқ билан, қисқа-лўнда

тасвирланиши кишида ўзгача туйгулар ўйғотади. Бу борада муаллифнинг узатилаётган келиннинг йиглашига бағишенган нутқи характерли:

“Келин йифи бошлади:

Йигини ўзи уйи – ўлан түшагини тарк этажагидан, хеш-акраболаридан олислаб кетажагидан десак-да бўлади...

Мўлт-мўлт қараб турмиш, сел-сероб йиглаб турмиш жиянлари кўнгли учун десак-да бўлади.

Ё, акаси билан янгаси биздан қутулиш учун зорманда экан, демасин деган андишада йиглайдими?

Шундан десак-да бўлади.

Ё, куёви уйига боражаги қувончидан, хушвақтлигидан йиглайдими? Айникса, шундан десак-да бўлади!” [2].

Қахрамонлар рухиятини акс эттиришда, хусусан, кечинма-хаёлларни тасвирлашда ёзувчи ўзига хос йўл тутади. Ортиқча тафсилот, баёнлар йўқ. Уларни халқона гапиртиради, оддий сўзлатади, андишаларини муҳитнинг табиий ҳодисалари асосида келтириб чиқаради. Фарзандсизлик доғида Қоплон билан Оймомони ички кечинмалар, ғам-ташвишлар асосида “синаб” кўради. Қоплон – адолатсизликка тоқати, ғаламисликни кўрарга кўзи йўқ самимий, покиза инсон. Бундай одамлар ҳаётда ўз ташвишларидан халқнинг манфаатини устун қўйиб яшашади. Ҳеч нарсадан тап тортмайди. Моҳияттан олиб қаралса, бундай характерлар хилма-хил бўлишини англаш унчалик мураккаб эмас.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бобоев Т. Ҳаёт материалидан бадиий образга. – Тошкент: Фан, 1976.
2. Мурод, Тоғай. Танланган асарлар. Ойдинда юрган одамлар. – Тошкент: Шарқ. 2008.
3. Шермуров Т. Мустақиллик ва ижтимоий тараққиёт. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997 йил.
4. Қодиров П. Тоғай Мурод қиссалари. Сўнг сўз. – Тошкент, 1985.
5. Гафуров И. Ўттиз йил изҳори. /Адабий ўйлар, мақолалар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1987.



ТИЛДА НИСБИЙЛИК ГИПОТЕЗАСИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШИ

Дилшода ЮЛДАШЕВА

докторант

Самарқанд давлат университети

Самарқанд, Ўзбекистон

dilshoda.yu@mail.ru

Аннотация

Мақолада XX асрда америкалик тилшунос Эдуард Сепир, кейин эса антрополог Бенжамин Ли Уорфнинг лингвистик нисбийлик гипотезаси (Сапир-Ворф гипотезаси) деб номланган тезиси очиб берилган.

Таянч сўзлар: нисбийлик назарияси, лингвистика, қатъий ва юмшоқ формула, сабаб ва натижа муносабатлари, когнитив фикрлаш, оқим, сон, макон, замон.

СУЩЕСТВОВАНИЕ ГИПОТЕЗЫ ОТНОСИТЕЛЬНОСТИ В ЯЗЫКЕ

Дилшода ЮЛДАШЕВА

Докторант

Самаркандский государственный университет

Самарқанд, Узбекистон

dilshoda.yu@mail.ru

Аннотация

В статье рассматривается гипотеза которую выдвинули в XX веке американский лингвист Эдвард Сепир, а затем антрополог Бенджамин Ли Уорф, названный гипотезой лингвистической относительности (гипотеза Сепира-Уорфа). А также приведены примеры разных культур относительно этой гипотезы.

Ключевые слова: теория относительности, лингвистика, твердые и мягкие формулы, причинно-следственные связи, когнитивное мышление, поток, число, пространство, время.

“Гипотеза” тушунчаси замонавий фаннинг энг муҳим категориясидир. Ҳар қандай илмий назария ҳам доимо исботланган ва тўғри бўла олмаслигини билган аср гносеологи К.Поппер ўз асарларида кўпинча “назария” атамасини “гипотеза” атамаси билан алмаштирган. Кенг маънода гипотеза “ўрганилаётган объектнинг сабаблари ёки хусусиятлари тўғрисида қисман асосланган гипотезани илгари суриш ва текшириш жараёни” деб тушунилади.

Гипотеза ҳодиса ёки объектни ўрганишда қуйидаги функцияларни бажаради: а) тадқиқотни режалаштириш учун асос яратади; б) ўрганишнинг мантикий маркази бўлиб хизмат қиласди; в) тадқиқотга йўналиш ва мураккаблик беради.

Кўпинча гипотеза тахминга қиёсланади, аммо бу нотўғри. Гипотезани тахминдан

ажратишига имкон берувчи асосий фарқловчи хусусият бу гипотеза учун асосларнинг мавжудлигидир. Гипотезанинг асоси – фактлардир. Аммо булар ҳозирча етарлича аниқ тушунтириб бўлмайдиган фактлар.

Дунёда шундай далиллар борки улар ҳали-ҳамон бутун жаҳон тилшунослари орасида жуда кучли мунозаралар келтириб чиқармоқда. Шулардан бири Сепир-Уорф гипотезасидир. Бу гипотезанинг яна бир номи «Лингвистик нисбийлик гипотезасидир», рус тилида эса «Гипотеза лингвистической относительности» тариқасида дунёга танилган. Бу гипотезанинг ғояси замонасининг машхур олими, тилшунос, антрополог, Америка ҳинду тиллари тадқиқотчisi Эдуард Сепир томонидан илгари сурилган ва кейинчалик унинг шогирди Бенжемин Уорф Ли ушбу гипотезани ривожлантирган.

Агар Алберт Эйнштейн физикада нисбийлик назарияси муаллифи бўлса, машхур америкалик олимлар Эдвард Сапир (1884–1939) ва Бенжамин Ли Уорф (1897–1941) тилшуносликдаги лингвистик нисбийлик гипотезаси муаллифлариdir. А.Эйнштейн дунё фазосининг турли нукталарида вақтнинг нисбийлигини кўрсатди, Э.Сапир ва Б.Уорф эса турли тилларда сўзлашувчиларнинг дунёқарашининг нисбийлигини, яъни, дунёқарашларининг ўз она тилларига боғлиқлигини кўрсатишга ҳаракат қилдилар.

Авваломбор «лингвистик нисбийлик» атамасига тўхтайдиган бўлсак, бу тил тузилиши она тилида сўзлашувчиларнинг дунёқарashi ва дунёни билиши, шунингдек, уларнинг когнитив жараёнларига таъсир этишини назарда тутади.

Аввалига шуни таъкидлаймизки, Сепир-Уорф гипотезасининг икки хил формуласи қайд этилган, булар – қатъий ва юмшоқ.

Қатъий шакллантиришнинг моҳияти шундан иборатки, тафаккур тил билан белгиланади, яъни когнитив категориялар лингвистик категориялар билан белгиланади ва чегараланади.

Юмшоқ формуланинг моҳияти шундан иборатки, фикрлаш лингвистик категориялар билан биргалиқда анъаналар ва тилдан ташқари ҳатти-ҳаракатларнинг баъзи шакллари таъсирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатади. Лингвистик нисбийлик ғоясининг асосий хусусиятларини XIX аср файласуфларининг асарларида, шу жумладан, тилшунос олим, немис мутафаккири Вилгелм фон Гумболдтнинг ишларида ҳам кузатсак бўлади.

XX аср бошларида Эдвард Сепир ва Франс Боас бошчилигидаги американлик антропологлар ҳам бу гипотезага яқинлашишга уринишган, бироқ Сепир лингвистик детерминизмни энг кўп танқид қилган, буни унинг асарларида кўриш мумкин. Сапирнинг шогирди бўлган Бенжамин Уорф ҳам унинг устозини, ҳам релативизм назариясининг бошқа тарафдорларини фаол қўллаб-куватлади.

Сапир-Уорф гипотезасининг маъноси шундан иборатки, тилнинг тузилиши инсон тафаккурига ва унинг атрофидаги дунёни бошдан кечиришига шакллантирувчи таъсир кўрсатади. Унинг асосий шартларига кўра, турли тилларда сўзлашувчи халқлар атрофдаги дунёнинг асосий тоифаларини, масалан, мулқ, миқдор, сон, макон, вақт ва бошқаларни идрок этишда фарқ қиласди.

Турли тилларда сўзлашувчиларнинг реал воқеа ва ҳодисаларни қандай баҳолашларидағи фарқ ҳам муҳим эмас ва гипотезанинг ўртасидаги асосий фарқ бу ғоя бўлиб, унга асосланиб, бир нечта тилларда гаплаша оладиган одамлар бир нечта фикрлаш усусларидан фойдаланишлари мумкин.

Биз кўриб чиқаётган лингвистик нисбийлик назариясига мос келадиган тил тизими атрофдаги дунёнинг ўзига хос таснифини белгилайди, бу ерда ҳақиқий воқелик одамга

доимий ўзгарувчан тасвиirlар ва таассуротлар оқими шаклида кўринади.

Шундай қилиб, гипотезанинг асосий объектлари орасида биз қуидагиларни ажратиб кўрсатишимиш мумкин:

когнитив ва фикрлаш салоҳияти;
вақтни билиш;
сабаб ва натижа муносабатларини билиш;
рангни идрок этиш;
шаклларни идрок этиш.

Гипотезани ўрганишнинг асосий обектлари: шакл ва рангни идрок этиш, вақт ва сабаб-оқибат муносабатлари, когнитив ва ақлий хабардорлик қобилиятларидир.

Устози Боаснинг сўзларидан иқтибос келтирган ҳолда, Уорф эскимос тилларида қор турлари учун турли хил сўзлар борлигини ва инглиз тилида уларнинг барчаси бир сўзда бирлаштирилганлигини айтди. Уорф ўзининг асосий ғоясини, хусусан, шундай ифодалаган: “Биз табиатни она тилимиз чизган чизиқлар бўйича ажратамиз” ва уни лингвистик нисбийлик гипотезаси деб атаймиз.

Уорфнинг фикрича, «Дунё бизга таассуротларнинг калейдоскопик оқими сифатида кўринади, уни бизнинг онгимиз, шунинг учун, биринчи навбатда, онгимизнинг лингвистик тизими ташкил қилиши керак ... “хақиқий дунё” бу жамиятнинг лингвистик маҳоратининг асоси... Биз кўрамиз, Биз эшитамиз, ҳис қиласиз ва бошқа йўл билан эмас, балки бошқа йўл билан ўйлаймиз, асосан, жамиятимиз тил билимлари талқинларни танлашни олдиндан белгилаб беради».

Буюк Британия Бош вазири ва классик филология бўйича мутахассис Уилям Гладстон 1858 йилда асарини нашр этди. У Гомер матнларида мавжуд бўлган, замонавий ўқувчилар учун одатий бўлмаган мажозий таққослашлар таҳлили асосида қадимги юононларда кўк ранг йўқлигини тахмин қилди. Шунинг учун уларда бошқа ранглар хилма хиллиги ҳам йўқ, деган холосага келди.

Дунёда энг машхури Элеанор Росч томонидан олинган маданиятлараро маълумотлар эди. У 1970 йилларнинг бошларида Янги Гвинея тоғларида этнографлар томонидан кашф этилган Дани қабиласига алоқадор рангларни ўлчаш тажрибаларини ўтказди. Дани тили сўз бойлигининг соддалиги билан ажралиб турди, хусусан, унда ранглар ва уларнинг хилма-хиллигини билдириш учун факат иккита сўз бор. Улардан бири барча совук рангларни, иккинчиси эса барча очиқ ва иссиқ рангларни белгилаш учун ишлатилади.

Росч ранглар ва соялар ўртасидаги субектив ўхшашлик моделини яратиш учун стандарт психофизик процедурдан фойдаланган. У ўз субъектларига рангли картани кўрсатди ва кейин дарҳол ёки бир оз паузадан сўнг, бир нечта рангли карталар орасидан бу рангни топишни сўради. Хатолар частотаси (рангларни аралаштириш) тўғрисидаги маълумотларга асосланиб, кўп ўлчовли масштаблашдан фойдаланиб, фазовий моделни куриш мумкин, унда алоҳида ранглар нуқталар билан ифодаланади ва нуқталар орасидаги масофа рангларнинг субектив ўхшашлигига мос келади.

Ушбу тажрибалар шуни кўрсатдики, Дани ва Калифорния университети талабалари (назорат гурухи) ўртасида идрок этилган ва тан олинган рангнинг фазовий нақшлари рангни кодлашнинг лингвистик воситаларидаги сезиларли фарқларга қарамай, одатда жуда ўхшаш эди.

Албатта, лингвистик нисбийлик гипотезаси каби умумий назарий фаразни битта, нисбатан тор ва бундан ташқари, фикрлаш соҳаси билан бевосита боғлиқ бўлмаган

холда синаб кўриш мумкин, деб ҳисоблаш хато бўлади. Сўнгги йилларда бизни семантика ва нутқ синтаксиси хусусиятларининг ранг сояларини идрок этиш ва тан олиш жараёнларига қараганда анча мураккаб когнитив жараёнлар билан ўзаро таъсири ҳақиқатини тан олишга мажбур қиласидан маълумотлар тўпламмоқда.

Шундай қилиб, маданиятларо тадқиқотларга кўра, хитой ва инглиз тилларини тенг даражада биладиган икки тилли субъектлар томонидан шахсий хусусиятларни баҳолаш улар фойдаланадиган тилга боғлиқ. Бироқ, бу масала бўйича мавжуд маълумотлар жуда зиддиятли. Икки тилли мавзулар билан олиб борилган бир қатор тадқиқотларда тилларни маҳаллий тилдан инглиз тилига ўтказиш аниқ тушуниш ва тоифаларга ажратиш стратегияларига таъсир қиласиди. Шу сабабли, тил ва маданий нисбийликни, энг муҳими, маданиятлар ва тилларнинг мумкин бўлган биргаликда эволюциясини муҳокама қилиш учун асос бор.

Бир-бирига боғланган тилларнинг яна бир қизиқарли фарқи шундаки, инглиз тили кетма-кет ўзгаришлар оқимини тавсифлашга имкон берадиган жойда, немис ҳаракат феълларидан фойдаланиш мақсадни кўрсатишни англатади. Бунинг мумкин бўлган сабаби “лингвистик жиҳат (аспект)”нинг ўзига хослиги – феълларнинг инглизча “инг” шакли. Бу бизга жараённи ўтмиш ёки келажакни ҳисобга олмасдан, ҳозир содир бўлаётган ўзгариш ҳолати сифатида тасвирлаш имконини беради.

Немис тилида феълларнинг бундай шаклиниң йўқлиги воқеаларни янада яхлит тушунишни талаб қиласиди, бу ерда ҳар бир ҳаракат ва ўзгариш бошланишини, шунингдек, кўпроқ ёки камроқ мос келадиган якунни назарда тутади. Немис тили соҳиби учун “кема тубига чўкмоқда”, инглизлар учун (ва шунингдек, руслар учун) кема шунчаки чўкмоқда: “чўкмоқда”. Эҳтимол, шунинг учун ҳам инглиз ва немис тилларида сўзлашувчилар томонидан воқеалар кетма-кетлигини тавсифлашда сезиларли фарқларни аниқлаш мумкин.

Фарқлар қисман воқеаларни қузатишида пайдо бўлади – инглизлардан фарқли ўлароқ, немислар кўпинча бирон-бир ҳаракатнинг мумкин бўлган якуний нуқтасини кўз билан қидирадилар, ҳатто бу ҳаракат фақат бир гурӯҳ ўрдакларни ҳовли бўйлаб ҳаракатлантиришдан иборат бўлса ҳам.

Б.Уорф шундай деб ёзган эди: «Бу нутқ, яъни тилдан фойдаланиш тилнинг ёрдамисиз ўзининг асосий хусусиятларида аллақачон ривожланган нарсани “ифода қиласиди”. Лекин, аслида, лингвистик нисбийлик гипотезаси муаллифларининг фикрича, «биз табиатни она тилимиз таклиф қилган йўналишда қисмларга ажратамиз» Бу лингвистик нисбийлик гипотезасини шакллантиришга олиб келди: “Шундай қилиб, биз нисбийликнинг янги принципига дуч келдик, унда ўхшаш жисмоний ҳодисалар фақат тил тизимлари ўхшаш ёки ҳеч бўлмагандага коррелятив ўхшаш бўлса, оламнинг ўхшаш расмини яратишга имкон беради”.

Неогумбодтчиликнинг кўплаб танқидчилари асосий эътиборни лисоний нисбийлик гипотезасининг, асосан, унинг синхрон жиҳати билан боғлиқ бўлган услубий камчиликларига қаратдилар. Ушбу тақдимотнинг мақсади ушбу гипотезанинг бошқа, камроқ ўрганилган томонига – диахроникага эътиборни жалб қилишdir.

Сапир-Уорф гипотезасининг ушбу нуқтаси, биринчи навбатда, дунёнинг лингвистик расмининг ёши ҳақида гапирадиган соҳа билан боғлиқ. Тил фандан анча қадимий бўлгани учун, Б.Ворфнинг фикрича, у ахборот жиҳатидан иккинчисидан бекиёс бойроқдир. У шундай деб ёзган эди: «Дунёда мавжуд бўлган ҳайратланарли хилма-хил тил тизимлари

бизни инсон руҳиятининг ғоят қадимийлигига ишонтиради”.

Айни пайтда тилдаги маданий тараққиёт нафақат луғатни, балки Э.Сепир айтганидек, унинг грамматик шаклларини ҳам қамраб олади. Қолаверса, у бутун тил тизимидан ўтади, унинг ҳеч бир элементини четга суриб қўймайди. Бу ҳақда таниқли тилшунос олим И.А.Бодуэн де Куртене шундай ёзган эди: «Тил ҳаётида тартибсизликни, келишмовчиликни бартараф этиш, унга тартиб ва монотонликни киритиш бўйича доимий ишларни кўриш мумкин».

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Верещагин Е. М. Костомаров В. Г. Лингвокультурологическая теория слова. – Москва: Русский язык, 1980. – 320.
2. Верещагин Е. М. Костомаров В. Г. Язык и культура. – Москва: Индрик, 2005. – 1308 с.
3. Головин Б.Н. Основы речевой культуры: Учеб. для университетов. – Москва: Высшая школа, 1988. – 320 с.
4. Гумбольдт В. Избранные труды по языкоznанию. – Москва: Прогресс, 2000. – 400 с.
5. Коул М., Скрибнер С. Культура и мысль. – Москва: Развитие, 1977. –261 с.
6. Лурье С.В. Историческая этнология: Учебник для вузов. – Москва: Академический проект: Гаудеamus, 2004. – 624 с.
7. Попова З.Д., Стернин И.А. Когнитивная лингвистика: Учебное издание. – Москва: Восток Запад, 2007. – 314 с.
8. Сапир, Э. Статус языкоznания как науки /Языки как символы мира/E. Sapir. – M. – Sankt-Peterburg: Terra Fantastica, 2003. - 131 р.
9. Блоомфиелд Л. Лангуаж – Москва: Прогресс, 1968.-608 п.



ROMANTIK BO‘YOQLARDAGI HAYOT HAQIQATI TALQINI

Toshpo‘lat Yuldashevich TUGALOV

Tadqiqotchi

Samarqand davlat universiteti

Samarqand, O‘zbekiston

tugalovtoshpulat@mail.ru

Annotation

Maqolada O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi, professor Nuriddin Shukurovning nafaqat XX asr o‘zbek adabiyotining zukko tadqiqotchisi, balki adabiy jarayonlarning istiqbolini oldindan ko‘ra bilgan, o‘zbek mumtoz adabiyotini ham qunt bilan o‘rgangan, bu mavzuda keng qamrovli mulohaza va mushohada yurita oladigan bilimdon munaqqid sifatida amalgalashgan ilmiy tadiqotlari haqida so‘z yuritiladi. Jumladan, olimning mumtoz adabiyotimiz namoyandalari Navoiy va Bobur ijodi, mumtoz she’r poetikasi, aruz vazni borasidagi izlarnishlari hamda ushbu tadqiqotlar adabiyotshunoslar tomonidan e’tirof etilganligi haqidagi fikrlari o‘z ifodasini topgan.

Tayanch so‘zlar: mumtoz she’riyat, an’anaviy janrlar, aruz, badiiy uslub, g‘azal, badiiy tahlil, ruboiy, badiiy san’atlar, gumanizm, qofiya, poetik fikr.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ РЕАЛЬНОСТИ ЖИЗНИ В РОМАНТИЧЕСКИХ КРАСКАХ

Ташпулат Юлдашевич ТУГАЛОВ

Исследователь

Самаркандский государственный университет

Самарканд, Узбекистан

tugalovtoshpulat@mail.ru

Annotation

В статье речь идет о научных исследованиях Заслуженного деятеля науки Узбекистана, профессора Нуриддина Шукурова не только как глубокого исследователя узбекской литературы XX века, но и как ученого, предвидевшего перспективы литературных процессов, кропотливо изучавшего узбекскую классическую литературу, способного к всесторонним размышлениям и наблюдениям на эту тему. В статье отражены, в частности, взгляды ученого на творчество классиков нашей литературы Навои и Бабура, на поэтику классической поэзии, на аруз, а также на признание этих исследований литературоведами.

Ключевые слова: классическая поэзия, традиционные жанры, аруз, художественный стиль, газель, художественный анализ, рубай, изобразительное искусство, гуманизм, рифма, поэтическая мысль.

Taniqli munaqqid O‘zbekistonda xizmat ko‘rsatgan fan arbobi, professor Nuriddin

Shukurov nafaqat XX asr o‘zbek adabiyotining zukko tadqiqotchisi, balki adabiy jarayonlarning istiqbolini oldindan ko‘ra bilgan, o‘zbek mumtoz adabiyotini ham qunt bilan o‘rgangan, bu mavzuda keng qamrovli mulohaza va mushohada yurita oladigan bilimdon munaqqid edi. Ayni damda faoliyat yuritayotgan adabiy tanqidchilar ham Nuriddin Shukurovni adabiy jarayonlarga o‘ta talabchan va hozirjavob adabiyotshunos sifatida e’tirof etishadi, eslashadi.

Novator olim Alisher Navoiyning “Parim bo‘lsa...”, “Qora ko‘zim” kabi g‘azallarini tahlil etib, respublikada bir g‘azal talqiniga maxsus maqola yozish tashabbusini boshlovchilaridan biri bo‘lgan. U an’ anaviy janrlar haqidagi risolasida, Erkin Vohidovning ijodiga bag‘ishlangan adabiy portretida o‘zining mumtoz she’riyat bilimdoni sifatida ham namoyon etgan. Olimning Alisher Navoiy va Zahiriddin Muhammad Bobur kabi daho ijodkorlarning g‘azallariga bag‘ishlangan sharhlarini kuzatganimizda o‘ta sinchkovlik, nozik did va adabiy ta’bli tadqiqotchi o‘ziga xos xulosalar qiladi .

“Qayd etmoq lozimki, Nuriddin Shukurov tarixiy va zamонавија poetikani, aruz va barmoq sistemalarini, she’r tuzilishi qonuniyatlarini chuqr egallagan, ularni mumtoz va hozirgi zamon she’riyati tahliliha mohirlik bilan tadbiq qila oladigan nazariyachi olim edi. Esimda, uch jilddan iborat “Adabiyot nazariyasi” asarining SamDU o‘zbek va tojik filologiyasi fakultetida muhokamasi o‘tkazildi. Kitob mualliflaridan Izzat Sulton, Matyoqub Qo‘shjonov, aruzshunos va she’rshunos olim Ummat To‘ychiev va boshqalar Toshkentdan keldilar: ma’ruzalar, chiqishlar, babs-u munozaralar bo‘ldi, Samarqandlik adabiyotshunos olimlar ham akademik V.Abdullaev, B.Valixo‘jaev, S.Mirzaev, N.Shukurov, R.Muqimov va boshqalar ham jiddiy masalalar ustida fikr-mulohazatarini o‘rtaga qo‘ydilar, o‘z bilag‘onliklarini namoyish qildilar. Navbat uch jilddagi aruz sistemasiga bag‘ishlangan fasllar bahsiga yetganda N.Shukurov yirik aruzshunos olim, kitobdagagi aruzga oid nazariy fikrlar muallifi Ummat To‘ychiyev bilan bahsga kirishdi va o‘zining haqligini ajoyib tarzda isbotlay oldi. Shu munosabat bilan kitobdagagi aruzga oid fikrlarga qo‘shimcha va tuzatishlar kiritiladigan bo‘ldi [2;26].

Professor Nuriddin Shukurov o‘z davrida poetika, badoye’, sanoye’ va aruz ilmining chinakam bilimdoni sifatida mumtoz she’riyat namunalaridagi aruz bahrlari va vaznlarini, Navoiy, Ogahiy, Bobur, E. Vohidov g‘azaliyoti va ijodiy metodini zukkolik bilan aniqlab tahlil qilib bergen, Uning tadqiqot va maqolalari mumtoz, hozirgi zamon she’riyati estetik boyligini, poetikasini, badiiy-uslubiy jihatlarini tadqiq etishga bag‘ishlangan [3].

Navoiy she’riyatiga xos obrazlar, ramziy-majoziy, ilohiy ishqqa xos asrorlar, g‘azalning hatto baytlar aro ma’nosini bilishga hamma vaqt ehtiyoj bo‘lgan. Nuriddin Shukurov ilmiy faoliyati davomida va ilmiy jamoatchilik o‘rtasida g‘azallarni baytma-bayt sharhlash amaliyotini boshlab bergen jonkuyar va zahmatkash olim sifatida birinchilardan edi.

Alisher Navoiyning “Parim bo‘lsa, uchib qochsam...” g‘azalini o‘qib, mulohaza yuritar ekan, olim g‘azalning har bir tarkibiy qismi, obrazlar, o‘xshatishlar, so‘z mohiyati va yuki, uning ta’sir kuchi va o‘quvchining saviyasi hamda tayyorgarligini sira nazardan qochirmaydi. G‘azalni sodda va izchil, samimiylar, yorqin ifodalarda izohlab beradi. Shu maromda munaqqid bor mahoratini ishga solib kitobxonni, avvalo, Navoiy hazratlarini maqsad va muddaosini anglashga, keyin esa g‘azaldagi so‘zlarning mag‘zini chaqishga, tasavvur olamini kengaytirishga e’tibor qaratadi.

“Hazrat Alisher Navoiy asarlarida shunday so‘zlar borki, zohiran kishiga ma’nolari tushunarlidek tuyulsa-da, botinan unday emas. Zero, ularning zamirida muayyan bir sirli

ma'nolar yashirin. Oddiy kitobxon uchun bu ma'nolarni anglash har doim ham oson kechavermaydi. Ular badiiy so'z maqomining san'atkorna ifodasi namunalaridir” [1;4]. Shu nuqtayi nazardan Nuriddin Shukurov o'quvchi uchun misralar qatida yashiringan so'zlar, timsol va ma'noga yo'l ochadi. Bunda sharh va izohlar orqali asar mohiyatiga yetgan muxlisning shoirga muhabbat va ixlosi oshib, munaqqidning ilmiy-amaliy iqtidoriga tahsin aytadi va g'azaldan zavq, bahra oladi. Unda keyingi g'azallarni o'qish va mazmunini chaqishga rag'bat uyg'onadi. Bu qoniqish va qiziqishning sababchisi ilmiy-amaliy bilim, iqtidor esh bo'lgan tahlildir.

Munaqqid “Parim bo'lsa, uchib qochsam...” g'azalini yuqorida qayd etganimizdek baytma-bayt sharhlaydi, kerak bo'lsa, shoir ta'birining asoslarini ko'rsatib, izohlaydi. Misol uchun:

Chiqib bu dayrdin Isog'a nevchun hamnafas bo'lmay,

Bihamdilloh tajarrud birla hammatdin qanotim bor,

misralarini shahlar ekan, olim Iso payg'ambarga oid rivoyatni keltiradi va o'quvchi shuurini yangi bir ma'lumot va bilim bilan boyitadi. Nuriddin Shukurov Alisher Navoiyning bu g'azalini o'quvchi ko'ngli, ong-u shuuriga singdirib, maroqli saboq berib borar ekan, so'nggi yettinchi baytdagi shoir arzini kengroq sharplashga ehtiyoj sezadi.

Navoiy bilki, shog' ko'ngli manga qayd o'lmas, billoh,

Agar kavnayng'a xashok chog'lig' iltifotim bor.

Darhaqiqat, daho shoirning jonidan o'tgan shubha va alam nedir? Sinchi olim “Xo'sh, Navoiyning bunchalik kuyinishining, o'rtanib nola-faryod chekishining sababi nimada? Buning hayotiy asoslari bormi? – degan savol qo'yib, “Ha, bor!” deya javob beradi va kitobxonga muallif haqida ham qo'shimcha ma'lumotlar beradi, Alisher Navoiy dahosi, uning ziddiyatlarga boy hayoti va ijodining mohiyatini anglashga rag'batlantiradi.

Munaqqid Nuriddin Shukurov o'z mantiqiy xulosalari bilan mazkur g'azalning Navoiy zamoni haqiqatlari aks etgan halqchil, noyob shu bilan birga yuksak san'at asari ekanini e'tirof qiladi. Mohir ilmiy sharhi, tushunarli izohlari bilan Alisher Navoiy g'azalning kitobxon qalbiga yengil singib, undan bahra olishiga yordam qiladi.

Zukko munaqqid Nuriddin Shukurov ta'biri bilan aytganda, bu g'azal Navoiyning mutafakkir, faylasuf sifatidagi buyukligi ham hayotiy hodisalarni majoziy-romantik obrazlarda umumlashtirish borasidagi iqtidorini ham har baytni hikmat darajasiga ko'tarish mahoratini ham o'zida yorqin aks ettirgan.

Nuriddin Shukurov g'azal yozilishiga sabab bo'lgan omillarni birma-bir sanab o'tadi va “1460–1461-yillar oralig'ida Abu Said saltanatidagi zulm-istibdoddan zoranib, “Parim bo'lsa, uchib qochsam...” g'azalini yozgan” [3;9], deb fikrini asoslaydi. Kitobxon munaqqidning mohirona sharh va tahlillari tufayli nafaqat g'azaldan bahramand bo'ladi, daho shoirning og'ir ijtimoiy davrdagi ruhiy holatidan, ijodkorning shaxs sifatidagi kurashchan pozitsiyasi, ilg'or g'oyalaridan ham asrlar osha xabar topadi. Olim ijod mahsulini ortida ham shaxs hayoti, dunyoqarashi, davr va zamon, oddiy inson his-tuyg'ulari borligi, har bir she'rni keng qamrov va tahlil orqali tushunish zarurati borligi tanqidchining nazaridan qochirilmasligi kerak, degan xulosaga keladi.

Eng muhimi, g'azal tahlili bilan bir qatorda Nuriddin Shukurov o'quvchilarga yana bir jihat, inson qadr-qimmati birinchi o'rinda turishi, uning erki va huquqi toptalmasligi kerakligi, ijtimoiy mavqeidan qat'iy nazar barcha odamlar hayotning gultoji ekanligini faylasuf shoir

g‘oyatda to‘g‘ri ifoda etganini ko‘rsatadi. Hamma davrlarda bu muhim masala ijod ahlining qalami va e‘tiboridan tushmaganligi, inson uchun qayg‘urish, unga hamdard bo‘lish, ruhlantirish adabiy dunyoqarashning bosh g‘oyasi bo‘lib kelganini e‘tirop etadi. Olim g‘azallarni sharhlar ekan birinchi o‘ringa insoniy xislatlar, shaxs va jamiyat munosabatlarida odam qadri darajasiga e‘tibor qaratadi. Shu o‘rinda aytish mumkinki, bu jarayon Nuriddin Shukurovni ikki zamon, ikki olam-asar va kitobxon o‘rtasidagi ruhiy-ijodiy muloqot ko‘prigini yarata olgan munaqqid sifatida e‘tirop etishga izn beradi.

Zahiriddin Muhammad Bobur g‘azallaridagi romantik bo‘yoqlar, so‘zlar jilvasi, ulardagi hayotiy asoslar professor Nuriddin Shukurovni ham batamom rom aylagan edi.

Adabiy tanqidchi Zahiriddin Muhammad Bobur g‘azallarini tahlil qilish va sharhlash jarayonida asarning yozilish sabablari, ijodkorning his-tug‘ularining hayotiy asoslariga murojaat qilishni afzal ko‘radi. Bu usul kitobxonning shoir hayoti bilan ijodining hamohangligini anglash bilan birga ijod mahsulining ta’sir darajasini kuchaytiradi. Nuriddin Shukurov Boburning “Qoldimu?” radifli g‘azalini sharhlar ekan, ana shu yo‘ldan boradi va kitobxonga yanada keng va qo‘shimcha ma’lumot berib, uni izlanishga undaydi: “Boburning g‘azallarini o‘qigan har bir odam ularni birinchi navbatda an’anaviy ishqiy g‘azallar sifatida anglaydi va shunday qabul qiladi. Lekin “Boburnoma”da berilgan ma’lumotlar ayrim g‘azallarninn konkret sarguzashtlar, muayyan hodisalar ta’sirida yozilganligidan, shunga ko‘ra ularning zamirida aniq hayotiy kechinmalar, kuchli ijtimoiy mazmun yashiringanligidan dalolat beradi” [3;11].

Kitobxon ko‘z o‘ngida Bobur qalbining ehtiroslari bilan birga shu davr voqeа-hodisalari jonli hayot kartinasida paydo bo‘ladi. “Hayotiy asoslar va romantik bo‘yoqlar” maqolasida olim shunday yozadi: Ota yurti Andijonni qo‘ldan chiqarish; Movarounnahr poytaxti Samarqandni egallah yo‘lidagi umidlarning puchga chiqishi Boburni g‘oyat og‘ir foje’ ahvolga solib qo‘ygan edi. Og‘ir muvaffaqiyatsizliklardan, sargardonlikdan hosil bo‘lgan g‘am-alam, iztiroblar Bobur ruhini muttasil ezardi. U:

Bormoqqa ne maskan tuyassar,

Turmoqqa ne davlat muqarrar, –

deb o‘rtanardi. Ana shu ruhiy azoblar jarayonida “Yod etmas emish kishini mehnatda kishi” misrasi bilan boshlanadigan ruboyisini yozadi. Nihoyat, ana shu kechinmalarning aniq ifodasi sifatida “Jonimdan o‘zga yori vafodor topmadim” deb boshlanuvchi g‘azali vujudga keladi” [3;12]- degan fikrni aytadi.

Chindan ham, ulug‘ shoir va sarkarda hayotini yaxshi o‘ragangan kishi uning asarlarida hayotiy asoslar romantik bo‘yoqlarda juda ustalik bilan yaqqol aks ettirilganini his etib turadi. “Qoldimu?” radifli g‘azalning mazmun-mohiyatini ochib berish asnosida olim bu g‘azal ham Bobur hayotiga doir konkret sarguzashtlar, muayyan hodisalar ta’sirida yozilgani va kuchli ijtimoiy mazmun yashiringanini bayon qiladi.

Charxning men ko‘rmagan jabr-u jafosi qoldimu?

Xasta ko‘nglim chekmagan dard-u balosi qoldimu?

Tadqiqot avvalida olim “Xo‘s, Bobur klassik she’riyatdagi an’analarni, romantik tasvir usulini davom ettingani uchun bu g‘azal shunchalik dardli bo‘lib chiqdimikin, yoki bu she’rdagi musibat konkret bir hayotiy sarguzasht voqeа ta’sirida yuzaga keldimikin?” – degan savolga javob izlaydi. Boburning 1507-yil qishida kichik qo‘sish bilan tog‘ yo‘li orqali Hirotdan Qobulga borayotganida qorli bo‘ron hujumiga duch kelgani, bu yo‘lni bir hafta davomida

bosib o‘tgani, qadam-baqadam siljigani haqidagi “Boburnoma”dagi muxtasar ma’lumotlarga to‘xtalib, ushbu satrlarga shu voqeas osos bo‘lganini dalillaydi.

Munaqqid e’tiroficha, Bobur qor va bo‘ron hujumi tufayli hosil bo‘lgan azob-uqubatni ochiq aytmay, kechinmalarini charx-falakning oshiqlar boshiga solayotgan jabr-u jafolaridan biri sifatida umumlashtiradi:

Meni xor etti-yu qildi muddayig‘a parvarish,
Dahri dunparvarni o‘zga muddaosi qoldimu?

G‘azalda konkret voqeas tufayli hosil bo‘lgan kechinma ana shu tarzda romantiklashtirilgan bo‘lsa-da, g‘azalning yozilish tarixidan xabardor kishi bu misralar ortida hayotiy kechinma, mulohazalar ham mavjudligini ilg‘ab olishi mumkin. Olim “Baytning tagida yana-beshavqat dunyo meni o‘z yurtimdan, vatanimdan, ota-bobom poytaxti Samarqanddan ayirib xor etdi, mening raqiblarimga g‘amxo‘rlik ko‘rsatdi, ularni g‘olib qildi, dahri dunparvar (pastkash dunyo)ning yana qanday muddaosi bor ekan? degan mazmun ham bor” [3;14] deydi.

Biroq, mazkur g‘azal aniq voqeas-hodisalar ta’sirida yozilgan bo‘lsa-da, ishqiy g‘azal sifatida takomilga yetgan. Bobur nozik didli san’atkor-ijodkor sifatida ijtimoiy voqelikdan majoziy ma’nodagi “quyosh” so‘zi orqali yor obrazini yuzaga chiqaradi.

Meni o‘ltirdi, javr-u jafo birla u quyosh,
Emdi turguzmak uchun mehr-u vafosi qoldimu?

Bu bayt she’rga an’anaviy ishqiy g‘azal xususiyatini bag‘ishlaydi. Tabiat hodisasi tufayli hosil bo‘lgan kechinma ishqiy kechinmaga aylantirilgan va u romantik bo‘yoqlarda umumlashtirilib ifodalangan.

Nuriddin Shukurov “Boburning o‘quvchi qalbini, ruhini to‘la qamrab oluvchi g‘azallari ko‘p. Ana shulardan biri “Qaro zulfiqar firoqida...” deb boshlanuvchi she’rdir. Bu she’rda Boburning yuksak iste’dodi, lafziy va ma’naviy san’atlardan foydalanish mahorati, ishq-muhabbat, vafo-sadoqat, gumanizm g‘oyalarini asosiy leymotiv qilib olish tendensiyasi yaqqol mujassamlangandir” [3;15] – deb ta’kilaydi, baytma-bayt tahlil qiladi.

Qaro zulfiqar firoqida parishon ro‘zg‘orim bor,
Yuzingning ishtiyoqida ne sabr-u ne qarorim bor.

Birinchi baytdagi tanosib san’ati, oshiqlik pafosi g‘azalning keyingi baytlarida yanada kuchayib boradi. Har baytda ichki qofiyadoshlik usulining qo‘llanilishi, har yarim misraga alohida jumlaning sig‘dirilishi g‘azal ritmiga alohida bir o‘ynoqilik, jonlilik bag‘ishlashi, keyingi baytlarda ham tanosib san’ati, ichki qofiya va radiflar, kuchli poetik fikr Bobur g‘azaliyotining yorqinligi o‘ziga xosligini ifoda etishini qayd etadi:

Fig‘onim oshdi bulbuldin, g‘ami yo‘q zarra bu quldin,
Base, Bobur, o‘shal guldin ko‘ngilda xor-xorim bor.

Munaqqid har bir g‘azal tahlilida she’riy san’atlar, uslub rang-barangligi, oshiqlik tuyg‘ulari, yuksak badiiylik kitobxonning zavq-shavqi va ma’naviy lazzat olishi manbaidir deb qaraydi.

Adabiyotshunos Hotam Umurov olimning “Hamma maqolalarida ham tanqidiy-falsafiy salohiyati yaqqol ko‘zga tashlanadi; jo‘shqin subyektiv qarashlar ilmiy mushohada bilan birlashadi; estetika erishgan so‘nggi yutuqlarga amal qilish va ilmiy muammoni qiziqarli yoritish san’ati ko‘zga barala tashlanadi; ilmiy-mantiqiy izchillik tadqiq va tahlil bilan omuxtalashib ta’sirchanlikni, isbotni, ishonchni yuzaga chiqaradi”, – deydi [2;68].

Nuriddin Shukurov g‘azal janrining favqulodda keng imkoniyatlarini ko‘rsatib o‘tar ekan, G‘afur G‘ulom, Hamid Olimjon, Erkin Vohidov, Haydar Yahyo, Jamol Kamol erishgan yutuqlar yangi mazmun, shakl, badiiy so‘z mo‘jizalarini ilmiy tadqiq etib, zamonaviy she’riyat yaratishda muallif mahorati sirlarini kashf etilishiga urg‘u beradi. Ijodkor mahorati asarning asl yutug‘ini belgilashi haqida birinchilardan bo‘lib tahliliy maqolalariga e’tibor qaratadi. Bu jihat ham adabiyotshunos olimning milliy tanqidchilikdagi yuksak ilmiy izlanishlari natijasi, o‘ziga xos mahorat egasi ekanigini oydinlashtiradi.

Darhaqiqat, aruzda ilmiy tadqiqotlar olib borish kishidan juda katta salohiyat talab etadi, Nuriddin Shukurov o‘zbek adabiyotining xolis bilimdoni, mumtoz adabiyot ilmining donishmandi edi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Абдулхайиров. М. Бадиий сўз мақоми. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 2014 йил 22-сон. – Б.4.
2. Орзивеков Р. Соғинч //Устоз ёди. Самарқанд, 2005. – 242 б.
3. Шукуров. Н. Сўз сехри, шеър меҳри. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – 216 б.

O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



НИШОТИЙНИНГ БАДИЙ МАҲОРАТИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Маржона ШОМУРОДОВА

талаба

Қарши давлат университети

Қарши, Ўзбекистон

e-mail: marjonashomurodova879@gmail.com

Аннотация

Ушбу мақолада ўзбек мумтоз адабиётининг йирик вакили Муҳаммадниёз Нишотийнинг бадиий маҳорати масаласи ўрганилган. Хусусан, шоир ғазалларидан бирининг бадиияти, жанр хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: девон, ғазал, байт, мисра, бадиий санъат, бадиий мазмун, адабий анъана, поэтик маҳорат.

НЕКОТОРЫЕ СООБРАЖЕНИЯ О ХУДОЖЕСТВЕННЫХ НАВЫКАХ НИШОТИ

Маржона ШАМОУРОДОВА

студент

Каршинский государственный университет

Карши, Узбекистан

e-mail: marjonashomurodova879@gmail.com

Аннотация

В данной статье рассматривается художественное творчество Мухамеднияза Нишати, известного представителя узбекской классической литературы. В частности, подробно проанализированы художественно-жанровые особенности одной из газелей поэта.

Ключевые слова: диван, газель, бейт, строки, искусство, художественное содержание, литературная традиция, поэтическое мастерство.

Мумтоз шеъриятда ғазал шоирнинг ижодий маҳорати ва салоҳиятини яққол намоён қилувчи асосий жанрлардан ҳисобланади. Мумтоз адабиёт тарихида ғазал жанрида асар яратмаган ижодкорни топиш мушкул. Муҳаммадниёз Нишотийнинг бизга маълум “Девон”и таркибида бир қатор қасида ва мухаммаслар билан биргалиқда мазкур жанрга оид 38 та лирик асар жамланган [2]. Ана шу латиф ғазаллардан бири “Оразинг ўтрусиға, эй гул, нетонг, ой келса кам...” дея бошланади [3;393]. Қуйида ушбу лирик асарни бадиий таҳлил қилишга харакат қиласиз. Ғазалнинг дастлабки байти қуйидагича:

Оразинг ўтрусиға, эй гул, нетонг, ой келса кам,

Хуснинг афзундур дамодам, ул бўлиб кам дам-бадам.

Мазмуни: Эй гул, не ажабки, оразинг (юзинг) қархисида ой “кам” (паст, ожиз

маъносида) келса, ул (сенинг олдингда) кам бўлиб, сенинг ҳуснинг эса дам-бадам ортиқдир.

Шоир ошиқ тили билан ёрга мурожаат қилиб, унинг юзини мумтоз адабиётда гўзалликнинг анъанавий ва юксак тимсоли бўлмиш “ой”дан-да устун қўяди. Гўзал ёр қаршисида ойнинг ҳусни фурсат сайин камайса, ёрнинг гўзаллиги эса шунчалик ортиб боришини тасвирлаб, муболага қилади. Шунингдек, байтда таносуб (ораз, ҳусн), нидо (эй гул), истиора (гул), тазод (афзун, кам), тасдир (кам) сингари шеърий санъатлар ҳам учрайди.

*Кимки кўрса “жим”и зулф-у “мим”и оғзинг ҳайъатин,
Ҳусни мулки тахтида дегай сани, албатта, Жам.*

Юқоридаги байт шуниси билан аҳамиятли-ки, шоир ғазал ичида араб ҳарфларини келтириш орқали ҳарфлардан ҳам тасвир, ҳам ифода мақсадида фойдаланади. Аникроғи, “жим” (ж) ҳарфининг кўринишини сочга, “мим” (м) ҳарфининг кўринишини эса ёрнинг ғунчадек кичик оғзига ўхшатади. Дикқат қилинса, “жим” (ж) ҳарфининг қуий қисми шаклан ёр юзига қўниб турган зулфга (гажак), “мим” (м)нинг юқори қисми эса ёр оғзига менгзайди. Зеро, мумтоз шеъриятда ёр оғзининг кичиклиги ундаги ҳаё ва латофат рамзи саналган. Ифода мақсадига келадиган бўлсак, ёзувда “жим” ва “мим” ҳарфларини қўшиб ёзганимизда, форсча “Жам” сўзи келиб чиқади.

Ушбу сўз афсонавий форс шохи Жамшид исмининг қисқармасидир. Байтнинг умумий мазмуни қуидаги: “Кимки сенинг “жим”га ўхшаш зулф-у, “мим” каби оғзингни кўрса, албатта сени ҳусн мулки тахтида Жамшид деб атагай”.

Бу, мумтоз поэтикада анчайин машҳур услуб. Масалан, Алишер Навоийнинг “Жон”имдаги “жим” ики “дол”ингфа фидо” мисраси билан бошланувчи рубоийсида “жон” сўзидаги, Мухаммад Ризо Огаҳийнинг “Мушкин қошининг ҳайъати ул чаҳми жаллод устина” мисраси билан бошланувчи ғазалининг матлаъсида “насс” сўзидаги ҳарфлар ўрни ва шакли асосида ўзига хос услубида яратилган поэтик тасвир фикримизни далиллайди.

Кейинги байт:

*Маҳлиқолар ҳалқасида эрди, бас, зеби нигин,
Отинги оғушига олмоқга хотам бўлди ҳам.*

Мазмуни: Бори зеби зийнат “маҳлиқолар” (ой юзлилар) “ҳалқаси” (доира шаклида ясалган, билак ёки бармоққа тақиладиган аёллар безак буюми)да эди. Отингни (ном, умуман бир шахсга нисбатан қўлланиши ҳам мумкин) оғушига олиш учун “хотам”(узук) ҳам бўлди (эгилди маъносида).

Ушбу байтнинг бир қарашдаги мазмуни айнан шундай. Аммо ундаги сўзларнинг шаклий жиҳати ҳам яна бир ўзгача маъно ташийди. Яъни шоир байтда сўзлар таркибидағи ҳарфлар жойлашувидан ҳам шундай моҳирона фойдаланадики, натижада байт янада гўзаллашади. Бу ўринда шарқ мумтоз адабиётида қўлланган муаммо жанрининг моҳиятига хос сўз ўйини мавжуд. Шоир ишорасига кўра, “ҳам” (ҳ) оғушига, яъни сўздаги ҳарфлар ўртасига “от” (ә) олинса, “хотам” (ҳ) сўзи ҳосил бўлади.

Қуидаги байтда эса шоир бадиий ниятини дўстга мурожаат орқали давом эттиради:

*Кўз-у, қош-у, оғзидин динимга етмиши юз футур,
Эй рафиқ, этгил тааммул, гар десам они санам.*

Мазмуни: Эй дўст, мулоҳаза қилиб кўргинки, агар уни (ёрни) “санам” десам, унинг кўзи, қоши ва оғзидан динимга (эътиқодимга) юз “футур” (зараар) етади. Бу ўринда санам сўзи севгили, маъшуқа маъносида эмас, балки исломий эътиқодга зид бўлган “бут”, “хайкал” маъносида қўлланмоқда.

Ғазалнинг бешинчи байти қуидагича:

“Лом” зулфи, “мим” оғзи ўз мисоли йўқлигин,

Жазм билдурди манга жозим эрур нечунки лам.

Байтда қўлланган “жозим” сўзи “жазм қилувчи; бир ишга қасд қилувчи”, “ҳақиқат” маъносида. Биринчи мисрадаги икки ҳарф (“лом” ва “мим”) бирикувидан ҳосил бўлган ибора “лам” (араб. لام) “инкор”, “йўқ”, “ундай эмас” маъносини ифодалайди.

Байт мазмуни: Ёрнинг “лом” (ل)га қиёс зулфи ва “мим” (م) каби оғзи маъшуқанинг айни ўзидағи сингари ўхшали йўқ эканига “жазм билдириди”, яъни қатъий ишонтирди. Негаки, ёр зулфи билан оғзининг ўхшали йўқлигини уларнинг ташбеҳига мисол бўлган ҳарфлар (бирикуви لام) ҳам тасдиқлайди.

Аввалги байтларда кузатилгани каби шоир араб алифбосидаги сўз шакллари воситасида бетакрор бадиий тасвир яратади.

Ғазалнинг бошқа аксарият байтлари сингари “ҳарф ўйини” (китобат) ушбу байтда ҳам кўринади. Яъни, биринчи мисрада ёр зулфига монанд “лом” ва митти оғиз мисоли “мим” ҳарфлари қўшиб ёзилса, иккинчи мисра сўнгидаги “лам” сўзи вужудга келади. Шунингдек, байтда китобат (“лом”, “мим”) иштиқоқ (жазм, жозим), таносуб (“лом”, “мим”; зулф, оғиз), тазод (жозим, лам) каби шеърий санъатлар мавжуд.

Олтинчи байт:

Ул кўз-у ул зулф истаб, йўқ оғзини ахтариб,

Оташин оҳим эрур ғам шоҳига заррин алам.

Мазмуни: Ёрнинг кўзиу зулфини орзулайман. Бениҳоя кичикилигидан йўқ даражадаги оғзини ахтариб тополмайман. Натижада тортган оташин оҳим кўкка ўрлаб, ғам подшосига заррин байроқ (алам) бўлади.

Ғазалнинг еттинчи байти ҳам ажойиб сўз ўйини билан безатилган:

Гарчи камдурман итингнинг хоки пойидин, юз оч,

Камлигимга, эй пари, қил икки юз бирла карам.

Мазмуни: Гарчи қадр-қимматда итингнинг хоки пойидан-да “кам” (паст) бўлсан-да, эй пари, юзингни очгин ва камлигимга шу икки юзинг бирла “карам” (мурувват) қилгин.

Мумтоз адабиётда ҳарфлар воситасида муайян сонларни ифодаловчи “Абжад ҳисоби” тизими мавжуд бўлиб, ғазалларга яширин маъно киритиш учун қўлланилади. Бу, албатта, шоир яратган лирик асарнинг бадиий қимматини оширишга хизмат қилади. Юқоридаги байтнинг иккинчи мисрасида бадиий тасвирнинг “Абжад ҳисоби” билан боғлиқ ажойиб намунасини кўришимиз мумкин. Аввало, мисрадаги “кам” ҳамда “карам” сўзларига диққат қиласйлик. “Кам” сўзи таркибидаги “коф”(ک) ва “мим”(م) ҳарфлари ўртасига “Абжад ҳисоби” бўйича микдори 200 га тўғри келадиган “ро” (ر) ҳарфини қўшиб ёзиш орқали “карам” (کارم) сўзи ҳосил бўлади. Фикримизча, шоир “ошиқнинг “кам”лигига “карам” қилувчи икки юз” деганда айнан шу мазмунга ишора қилган. Шу жумладан, байтда шеърий санъатлардан нидо (эй пари), такрир (юз, кам)дан унумли фойдаланилган.

Саккизинчи байт:

Топмагунг матлуб кўз-у зулф-у оғзидин нишон,

Ўзлугунг то қилмасанг даши фано ичра адам.

Мазмуни: Токи ўзлигингни фано дашти ичра “адам” (йўқ; йўқлик) қилмас экансан, “матлуб” (маъшуқага ишора)нинг кўз-у, зулф-у оғзидан нишон тополмайсан.

Мазкур байт моҳияттан чуқур тасаввуфий маънога эга. Зотан, байтда қўлланган “ўзлик” тушунчаси тасаввуф адабиётида, жумладан, Нишотий салафи Ҳазрат Навоий асарларида ҳам инсон нафсига нисбатан айтилади. Шоир байтда инсон токи ўзлигини, яъни нафсини фано дашти (фоний дунё)да енгишга, йўқ қилишга эришмас экан, “матлуб” (истак)ига етиши мумкин эмаслигини англатмоқчи бўлади. Байтда таъдид (кўз-у, зулф-у оғиз), таносуб (кўз, зулф, оғиз) каби шеърий санъатлардан фойдаланилган.

Икки зулфи “дол”-у “лом”идин балои дил бўлуб,

Зулф-у, қадд-у, қошидин юзланди меҳнат жонга ҳам.

Кўриниб турганидек, “дол”(‐) ва “лом”(‐) ҳарфлари зулфга, аникрофи, хотин-қизлар юзининг икки чаккасига тушиб турадиган гажаксимон кокилга қиёсланган. Буни мазкур араб ҳарфларининг якка ҳолдаги кўринишидан ҳам англаш қийин эмас. Энди ифодавий мақсадига келсак, “дол” ва “лом” ҳарфларини қўшиб ёзганда, форсча “дил” (‐) сўзи юзага келади.

Байтнинг мазмуни: “Икки зулфининг “дол” ва “лом”идан кўнгилга бало бўлиб, зулф, қад ва қошидан жонга ҳам меҳнат (машаққат) юзланди”.

Байтда бир қатор шеърий санъатлардан ҳам унумли фойдаланилган. Хусусан, байт мисраларида таъдид (дол-у лом; зулф-у қад-у қош), таносуб (зулф, қад, қош; дол, лом; дил, жон; бало, меҳнат) каби санъатларни учратиш мумкин.

Газалнинг ўнинчи байти қўйидагича:

Қошу қадду зулфини истаб таним монанди нол,

Ғамза тиги бирла жиссими қилди то қоши қалам.

Нол – қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қилтириқ. Ушбу ўринда қамиш қалам ва ёзув ашёси бўлган сиёҳ билан маъшуқа қоши ва зулфининг ранги ўртасидаги мутаносибликка ишора бор.

Мазмуни: Қалам қошли ёр васлини қўмсаб, вужудим нол каби ожизланиб қолди. Бунинг боиси ёрнинг ғамза тифи билан боқиши.

Бу ўринда ҳам шоир таъдид (қош-у қадд-у зулф) ва таносуб (қош, зулф; қад, тан, жисм; нол, қалам)ни ўринли истифода этади.

Газалнинг якунловчи сўнгги байти қўйидагича:

Бўлмасун афғон-у оҳингдин мушавваш хотири,

Топсанг ул зулф-у оғизни, эй Нишотий, асра дам.

Мазмуни: Тортган афғон-у оҳингдан ёрнинг ўй-хаёли “мушавваш” (ташвишли) бўлмасин, эй Нишотий, агар “ул зулф-у оғиз” (маъшуқага ишора)ни топсанг, доимо асраргин.

Шоир юқоридаги якунловчи байтда ёрни ташвишга солмасликка, уни ҳатто ошиқнинг маъшуқа ҳажрида тортадиган оҳ-у фифонидан ҳам асрашга даъват этади. Бу эса ушбу ғазал мазмунига ўринли якун ясаган дейиш мумкин. Шунингдек, юқоридаги байтда таъдид (афғон-у оҳ; зулф-у оғиз), таносуб (афғон, оҳ; зулф, оғиз; бўлмаслик, топмаслик)

шеърий санъатлари учрайди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, ғазалиёт шоир поэтик маҳоратининг тиниқ кўзгусидир. У орқали ижодкор салоҳиятига аниқ баҳо бериш мумкин. Хусусан, юқорида сўз юритганимиз, Муҳаммадниёз Нишотийнинг ижоди, нозик истеъоди, бетакрор сўз қўллаш маҳорати эътиборга моликдир. Шоир ижодий меросининг ҳали якунига етмаган, китобхонлар, мумтоз адабиёт ихлосмандлари учун нотаниш бўлган қирралари талайгина. Бу, албатта, тадқиқотчидан шоирнинг ижодий меросини изчил таҳлил ва тадқиқ қилишни талаб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. Иккинчи китоб – Тошкент: Ўқитувчи, 1967. – 384 б.
2. Девони Нишотий. Қўлёзма. Алишер Навоий номидаги давлат Адабиёт музейи Қўлёзмалар фонди. Инв.№156. – 720 б.
3. Нишотий. Ҳусн ва Дил. Достон. Шеърлар. – Тошкент: Faafur Fулом, 1967. – 440 б.
4. Нишотий. Танланган асарлар. – Тошкент: Бадиий адабиёт, 1960. – 88 б.
5. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. III том. – Тошкент: Фан, 1978. – 380 б.
6. Recai Kiziltunç. Muhammed Niyaz Nisati. DIVAN. – Ankara: Fenomen yayincilik, 2019. – 178 б.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



KATTA EPIK JANRLARDA “HUSHDAN KETISH” MOTIVINING BADIY VAZIFASI

Dilrabo Nazirjon qizi HAKIMJONOVA

talaba

Alisher Navoiy nomidagi

Toshkent davlat o‘zbek tili va adabiyoti universiteti

Toshkent, O‘zbekiston

xakimovadilrabo420@gmail.com

Annotation

Maqolada hushdan ketish motivining genezesi, epik syujet yaxlitligini ta’minlashdagi badiy vazifasi, mazkur motiv xalq og‘aki ijodida jo‘nroq, avomga xos tarzda tasvirlanganligi, klassik adabiyotda esa tariqat yo‘liga kirgan solik ma’lum maqom, darajaga yetganda yuz beradigan jarayon sifatida qaralishi xususida ayrim mulohazalar bayon qilingan.

Tayanch so‘zlar: epik syujet, epik konseptsiya, motiv, motivlar kombinatsiyasi, obraz, g‘oya.

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ РОЛЬ МОТИВА “ПОТЕРЯ СОЗНАНИЯ” В БОЛЬШИХ ЭПИЧЕСКИХ ЖАНРАХ

Дилрабо Назиржон кизи ХАКИМЖОНОВА

студентка

Ташкентский государственный университет
узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

xakimovadilrabo420@gmail.com

Аннотация

В статье описывается генезис мотива обморока, его художественная функция в обеспечении целостности эпического сюжета, то, что этот мотив более популярно изображается в народном творчестве, а в классической литературе он рассматривается как определенный статус и процесс вступления на путь учения человеком, при этом приводятся некоторые суждения.

Ключевые слова: эпический сюжет, эпическая концепция, мотив, сочетание мотивов, образ, идея.

Motiv folklor asarlari syujetining bir bo‘lagi, o‘ziga xos funksiyaga ega element. Epik syujet motivlar kombinatsiyasidan tashkil topadi. Voqealar rivojini harakatga keltirib turadigan

asosiy unsur ham motiv. Har bir motiv (tush, safar, sinov, g‘ayritabiiy tug‘ilish, evrilish, hushdan ketish) epik konseptsiyaning bir butun holda namoyon bo‘lishida birlamchi ahamiyat kasb etadi. Motivlar birlashib, syujetni yaxlit holga keltiradi. Adabiyotshunoslik terminlarining izohli lug‘atida motiv: 1. Syujet tarkibidagi halqalardan biri. 2. Asarning asosiy mavzusi va g‘oyasini to‘ldirishga xizmat qiluvchi qo‘s Shimcha mavzu yoki g‘oyaviy linya, [5;191–192] deya ta’riflangan.

“Kuntug‘mish” dostonida Kuntug‘mish va uning qirq yigit Xolbeka tomonidan jo‘natilgan sandiqni ochishganda: “Ichidan bir qog‘oz chiqdi, qog‘ozni yozib ko‘rsa, Xolbeka oyimning to‘lgan kamoli, oyday jamoli munavvar bo‘lib turibdi. Shahzoda ko‘rgan hamono tushida ko‘rgan mahbubini tanib, ichki dardini hech kimga ayta olmay yurgan edi, bir ishqisi yuz bo‘lib, toqat keltira olmay behush bo‘lib yiqildi” [2;7]. Ma’lumki, Kuntug‘mish va Xolbekaning ilk uchrashuvi tush motivi bilan bog‘liq. Bu uchrashuv qator ramziy ma’nolarni ifodalaydi. Tush bevosita g‘ayb ilmi bilan aloqador masala. Oshiq va ma’shuqa uchrashuvida tush, “pok yuz pok oshiq uchun ilohiy mazhar” talqinida esa hushdan ketish motivi yetakchilik qiladi. Xo‘s, mazkur motivning (hushdan ketish motivi) kelib chiqish asosi qanday?

“Kuntug‘mish” dostonining bir varianti Ergash Jumanbulbul o‘g‘li tilidan yozib olingen. Adabiyotshunos olim Ibrohim Haqqul Ergash shoirga quyidagicha ta’rif bergan: “Ba’zi irfoniy holatlari bilan yassaviya tariqatiga mansub otalarga o‘xshab ketadigan Ergash Jumanbulbul dunyoning oq-qora, past-u baland, toza va chirkin, yaxshi va yomon voqeа-hodisalariga hamisha hur nigoh bilan qaray olgan botinshunos baxshidir”. Olim dostonda kelgan olti baytli muxammas darveshlik nuqtayi nazaridan Ergash shoirda Mashrab bilan ruhdoshlik mavjudligini tasdiqlashga xizmat qilganligi, xalq dostonlariga xos bo‘lgan baxshiyonalik, qahramon boshiga tushgan musibat, oh-u afg‘on, kulfat tasvirini aks ettirishning kutilmagan yo‘lini ham, usulini ham topganligi (olti baytli muxammas misolida), Ergash shoir kuchli va faol, tolmas va kurashuvchi shaxs erkini dor ishqisi maqomiga ko‘targan yagona oqin ekanligi, Mansur Halloj dorga osilgandan so‘ng Sharq tasavvuf adabiyotida dor sevgisi yoki dor ishqisi degan tushuncha paydo bo‘lganligi, badiiy ijodda mazkur tadbirdan Ergash Jumanbulbul chin oshiqlik, sidq-u sodiqlik, eranlik, oliy jonbozlik timsoli sifatida foyadalanganligiga alohida to‘xtalib o‘tadi.

Demak, dostonlar epik syujetida tasavvuf ta’limotiga oid qarashlar mavjud, hozirgacha saqlangan. Bu bevosita baxshi shaxsiyati, badiiy kamoloti, faoliyati bilan ham uzviy bog‘liq. “Kuntug‘mish” dostonidagi bunday timsollar Ergash Jumanbulbul o‘g‘lining Sharq mumtoz adabiyotidan boxabar bo‘lganligi (xususan, tasavvuf adabiyotidan), din ahli, tasavvuf namoyondalari uchun ham murakkab va munozaralarga boy tushunchalarni xalq dostonlarida qahramon holati, voqealar rivoji, xalqonalikni singdirgan holda yangi usul, yangi yo‘l bilan mohirona ifoda eta olganida ko‘rinadi. Hushdan ketish motivi ham ana shunday omillar natijasida paydo bo‘ldi. Bundan tashqari folklor janrlarining dinamiklik asosida takomillashib borishi orqali shakllandi.

Mazkur motiv mumtoz adabiyotda ham uchraydi (Alisher Navoiyning “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun” dostonlarida). Abdukamol Abdujalilov “Folkorda motiv tushunchasi” nomli maqolasida xalq og‘zaki ijodidagi motiv bilan yozma adabiyot namunalaridagi motiv tushunchasi o‘rtasida tafovut borligini aytib o‘tadi: 1. Yozma adabiyotda syujetni bunyod etuvchi

kuch – g‘oya; shu syujet ichida harakat qiluvchi xarakter (obraz)larning munosabatlaridir. Motiv – asarning asosiy mavzusi va g‘oyasini to‘ldirishga xizmat qiladigan qo‘srimcha vosita. 2. Folklor asarlarida esa motiv birlamchi hamda syujet to‘laligicha motivlar kombinatsiyasidan tashkil topadi. Shu bois folklordagi motivning o‘rnini va xususiyatlarini tadqiq qilishda folklor asarlarining o‘ziga xos xususiyatlari va tabiatidan kelib chiqqan holda munosabat bildirish to‘g‘ri bo‘ladi [1;109].

Bizningcha, folklor motivlari ham, klassik adabiyot motivlari ham syujet yaxlitligini ta’min etadi. Faqat har ikkisida motiv mohiyati asar xarakteridan kelib chiqib, tasavvufiy yo‘nalishda bo‘lsa, irfoniy; dunyoviy yo‘nalishda bo‘lsa, dunyoviy nuqtayi nazardan farq qilishi mumkin.

Hushdan ketish ko‘proq tasavvuf, tariqat yo‘lini maslak tutgan xos bandalarda kuzatiladigan holat. Ko‘plab valiy zotlar boshlaridan o‘tkazgan bu jarayon Kuntug‘mishda ham sodir bo‘ldi. Butun boshli syujetni tasavvuf bilan bog‘lash to‘g‘ri emas. Chunki Kuntug‘mish tariqat yo‘liga kirgan solik, pir etagini tutgan murid emas. “Layli va Majnun” dostoni qahramoni Majnun – majzubi solik. Ya’ni, unda tug‘ma jazba, dard mavjud. Majnun pir, murshid tarbiyasiga muhtoj emas. Laylining ishqida shu qadar beqaror ediki, har gal uni ko‘rganda muttasil hushidan ketardi. Farhod esa soliki majzub. Tariqat yo‘lini qadamba-qadam bosib o‘tishi uchun har bir bosqichda murshid tarbiyasiga muhtoj. Kuntug‘mish Xolbekani suratda ko‘rib, hushidan ketgan edi. Farhod Shirinni ko‘zguda ko‘rib, hushini yo‘qotadi. “Kuntug‘mish” dostonida – surat, “Farhod va Shirin” dostonida – ko‘zgu detali o‘ziga xos funksiyaga ega. Majnun, Farhod, Kuntug‘mishning hushini yo‘qotishiga asosiy sabab Ilohiyat fayzi, nuri aks etgan mazhardir. Majnun Laylining, Farhod Shirinning yuzida ilohiy mazharni ko‘rganidek, Kuntug‘mish ham Xolbekada Tajalliyot zuhurini ko‘rdi. Dostonning bir o‘rnida ayni mazharga ishora mavjud: “Ikki Xudo bexabar karvonsaroyga borib ko‘rsalar, qalandarning uyidan yorug‘ chiqadi. Uy ravshan, munavvar bo‘lib turibdi. Bir-biriga: “Qalandar uyov ekan”, – deb asta-asta eshikning orqasidan siylab qarasa, bular uxlab yotibdi. Uyda chiroq ham yo‘q, uyi ravshan-munavvar bo‘lib turibdi. Toza sig‘alab ko‘rsa, Xolbeka oyimning yuzidan niqobi siljib ketibdi. Yuzi ochilib, o‘n to‘rt kechalik oyday bo‘lib, uyni munavvar qilib turibdi” [2;56].

Majnun majzubi solik bo‘lganligi uchun Laylini ko‘rganda har safar hushidan ketardi. Farhod dastlab, ko‘zguda, so‘ngra Arman yurtiga borganda (Shirinning yuzidagi niqobini shamol uchirib yuboradi), Kuntug‘mish esa Xolbekani suratda ko‘rganda hushini yo‘qotdi. Har uchchala qahramonda bu jarayon daraja jihatdan turlichadir. “Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun” dostonlaridagi ishq konsepsiyasining badiiy ko‘lami “Kuntug‘mish” dostonidagi ishq tasviridan birmuncha farqlidir.

Zero, adabiyotshunos olim Uzoq Jo‘raqulovning bu masalaga oid qarashlari har jihatdan to‘g‘ri va o‘rinli: “Epos uchligi qisman ilohiy kitoblar, qisman mifta’sirida shakllandi. Zamonlar o‘zgarishi (bu o‘rinda mif hukmron bo‘lgan – johiliya davrlari va ilohiy aqidalar hukm surgan ma’rifat davrlari nazarda tutilyapti)ga qarab, ayni uchlik mohiyati, shuningdek, epos syujet tizimi ham turli o‘zgarishlarga uchradi. Obrazlar ijtimoiy-falsafiy, badiiy-estetik jihatdan milliyashdi. Oshiq – milliy qahramonga, ma’shuqa – millat onasiga, raqib – millat g‘oviga aylandi” [3;211]. Demak, yozma adabiyot namunalari (“Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun” dostonlari)dagi oshiq va ma’shuqa munosabatlarida umuminsoniy g‘oyalar, komil inson masalasi birlamchi bo‘lib, ishq konsepsiysi markazida inson fenomeni, bashariyatga daxldor

gumanizm turadi. Avom, xoslar, siddiqlar ishqilari farqlanadi, darajalanadi. Xalq dostonlarida, xususan, ishqiy dostonlarda esa har bir obrazning missiyasi o‘zgardi. Uzoq Jo‘raqulov fikrlariga qo‘shilgan holda Kuntug‘ mish – milliy qahramon, Xolbeka – millat onasiga aylandi, g‘oya esa umumiylikdan xususiylikka ko‘chdi, ijtimoiylashdi, milliylik birinchi planga chiqdi, deyish mumkin. Klassik adabiyotda ham, xalq og‘zaki ijodida ham motivlar bir xil bo‘lishi mumkin, ammo har bir motiv vazifasiga, asar xarakteriga ko‘ra alohidalik kasb etadi. Xususan, hushdan ketish motivi. Motiv o‘rnini, xususiyatini tahlil etishda folklor asarlarining tabiatidan kelib chiqib munosabat bildirish lozim.

Dostonda tush, hushdan ketish, safar, sinov motivlari bir butun epik syujetni hosil qilgan. Har bir motiv butunning bir bo‘lagi, ajralmas qismi. Ilk uchrashuv tush motivida, birlamchi omil hisoblangan muhabbatning badiiy ko‘lami, asosiy planda voqealanishi, Kuntug‘ mishning Xolbekaga, Mutlaq Ruhning bir qismi ekanligi uchun oshiqligi hushdan ketish motivida, millat onasi (umuman olganda, millat) uchun qahramonning yo‘lga otlanishi safar motivida, safar davomida qahramonlarning turli kulfat, musibat bilan sinalishi sinov motivida namoyon bo‘ladi. Hushdan ketish motivi xalq og‘zaki ijodida jo‘nroq, avomga xos tarzda qabul qilinadi. Klassik adabiyotda esa aksincha (tariqat yo‘liga kirgan solik ma’lum maqom, darajaga yetganda yuz beradigan g‘ayritabiyy jarayon). Ammo mazkur motiv genezesi (xoh folklor asarlarida bo‘lsin, xoh klassik adabiyotda) A’rof surasida kelgan ilohiy axborotga borib taqaladi, ya’ni kelib chiqish asosi bitta. Zero, A’rof surasida: “Muso Biz belgilagan vaqtida (Tur tog‘iga) kelgach, u bilan Robbi bevosita gaplashdi. Muso: “Robbim! (O‘zingni) menga ko‘rsatgin, Senga bir nazar qilay!” – dedi. (Alloh): “Meni ko‘ra olmaysan. Lekin (ana u) toqqa (bir) boq! (Agar Men unga bir nazar solganimda toqat qilib) o‘z o‘rnida tura olsa, sen ham meni ko‘rasan”, – dedi. Robbi toqqa tajalliy (andak bir ko‘rinish) qilgan edi, uni maydalab tashladi. Muso (bundan ta’sirlanib) behush holda yiqildi. Hushiga kelgach dedi: “Senga tasbeh ayturman, Senga tavba qildim va men mo‘minlarning birinchisi (peshvosi)durman”. “Ey Muso! Men seni odamlar uzra risolalarim (Tavrot bitiklari) va gaplashganim bilan mumtoz (imtiyozli) etdim. Bas, senga bergenimni (qabul etib) ol va shukr qiluvchilardan bo‘lgan!” – dedi (Alloh). (A’rof, 143–144) [4;102–103]. Yuqoridagilardan kelib chiqib shunday xulosa qilish mumkin:

1. Motiv epik syujetning bir bo‘lagi, syujet motivlar kombinatsiyasidan tashkil topadi. Voqealar rivojini harakatga keltirib turadigan asosiy unsur. Har bir motiv epik konseptsianing bir butun holda shakllanishida birlamchi ahamiyatga ega.

2. Hushdan ketish motivining epik syujetga kirib kelishi, birinchidan, Ergash Jumanbulbul o‘g‘li shaxsiyati, badiiy kamoloti, faoliyati; ikkinchidan, folklor janrlarining dinamiklik asosida takomillashib borishi bilan uzviy bog‘liq.

3. Ushbu motiv xalq og‘zaki ijodida ham (“Kuntug‘ mish” dostoni), klassik adabiyot namunalarida (“Farhod va Shirin”, “Layli va Majnun” dostonlari) ham uchraydi, biroq syujet yaxlitligidagi vazifasiga, xarakteriga ko‘ra alohidalik kasb etadi. Motiv o‘rnini, xususiyatini tahlil etishda asar tabiatidan kelib chiqib munosabat bildirish lozim.

4. Mazkur motiv genezesi (xoh folklor asarlarida bo‘lsin, xoh klassik adabiyotda) A’rof surasining 143–144-oyatlarida kelgan ilohiy axborotga borib taqaladi, ya’ni kelib chiqish asosi bitta.

5. Klassik adabiyotda oshiqlari va ma’shuqa munosabatlarida ishq kontseptsiyasi markazida

inson fenomeni, bashariyatga daxldor gumanizm turadi. Xalq dostonlarida esa obrazlar missiyasi o‘zgardi. Kuntug‘mish – milliy qahramon, Xolbeka – millat onasiga aylandi, g‘oya esa umumiylid dan xususiylikka ko‘chdi, ijtimoiylashdi. Milliylik birinchi planga chiqdi.

6. Hushdan ketish motivi folklorda jo‘nroq, avomga xos tarzda tasvirlanadi. Mumtoz adabiyotda esa unga tariqat yo‘liga kirgan solik, ma’lum maqom, darajaga yetganda yuz beradigan jarayon sifatida qaraladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Abdujalilov A. Folklorda motiv tushunchasi. – Toshkent: Adabiy meros, 2021, 109-bet.
2. Jumanbulbul o‘g‘li, Ergash. Kuntug‘mish. – Toshkent: Ilm-ziyo-zakovat, 2021.
3. Jo‘raqulov, U. Alisher Navoiy “Xamsa”sida xronotop poetikasi. – Toshkent: Turon-iqbol nashriyoti, 2017.
4. Mansur, Shayx Abdulaziz. Tarjima va Tafsir. – Toshkent: Munir, 2021.
5. Hotamov N., Sarimsoqov B. Adabiyotshunoslik terminlarining ruscha-o‘zbekcha izohli lug‘ati. – Toshkent: O‘qituvchi, 1979.



O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



Falsafa

YANGI O‘ZBEKISTONDA YANGI MA’NAVIY VA MA’RIFIY MAKONNI YARATISHDA QADRIYATLAR OMILI TA’SIRINI OSHIRISH YO’LLARI VA IMKONIYATLARI

Xakim Primovich TO‘XTAYEV

professor v.b.

O‘zbekiston Milliy universiteti

Toshkent, O‘zbekiston

tuxtaevxakim0@gmail.com

Annotatsiya

Maqolada yangi ma’naviy makon – Yangi O‘zbekistonning ma’naviy qiyofasini namoyon etadigan, insonlar baxtli va totuv yashaydigan milliy va umuminsoniy qadriyatlar va ma’naviyat tamoyillariga yog‘rilgan jamiyat ekanligi ilmiy-falsafiy jihatdan o‘rganilgan. Shu bilan birga, bugungi kunda insoniyat hayotiga tahdid soladigan xavflar qatorida milliy va umuminsoniy qadriyatlar qadrsizlanishi va ma’naviyat qashshoqlashuviga olib borayotgan muammolar oolib berilgan.

Tayanch so‘zlar: yangi ma’naviy makon, milliy va umuminsoniy qadriyatlar, ma’naviy yuksalish, ta’lim va tarbiya, madaniyat, san’at, ilm-fan, kitobxonlik, jaholatga qarshi – ma’rifat, zamonaviy aksiologiya qoninuyatlari, qadriyatlar transformatsiyasi, aksiologiya qonunlari, innovatsion rivojlanish.

ПУТИ И ВОЗМОЖНОСТИ ПОВЫШЕНИЯ ВЛИЯНИЯ ЦЕННОСТЕЙ В СОЗДАНИИ НОВОГО ДУХОВНОГО И ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО ПРОСТРАНСТВА В НОВОМ УЗБЕКИСТАНЕ

Хаким Примович ТУХТАЕВ

и.о. профессора

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

tuxtaevxakim0@gmail.com

Аннотация

В статье с научно-философской точки зрения изучено, что новое духовное пространство - это общество, представляющее духовный облик Нового Узбекистана, в котором люди живут счастливо и гармонично. Вместе с тем, раскрываются проблемы, которые наряду с угрозами человечеству, приводят к обесцениванию национальных и общечеловеческих ценностей, духовному обнищанию.

Ключевые слова: новое духовное пространство, национальные и общечеловеческие ценности, духовное развитие, образование и воспитание, культура, искусство, наука, чтение, просвещение против невежества, современные законы аксиологии,

Dunyo turli manfaatlar to‘qnashuvi maydoniga aylangan bugungi kunda insoniyatning baxtli va xotirjam turmushiga tahdid soladigan xatarlar qatorida milliy qadriyatlar qadrsizlanishi va ma’naviyat qashshoqlashuviga olib borayotgan muammolar ham ko‘payib bormoqda. Juhon xalqlari qatori yurtimiz aholisi ham yangi uyg‘onish davri poydevorini yaratish asnosida erkin, zamonaviy talablarga javob beradigan, yangi ma’naviy makonni bunyod etishni maqsad qilgan.

Bunyod etilayotgan ushbu makon – Yangi O‘zbekistonning ma’naviy qiyofasini namoyon etadigan, insonlar baxtli va totuv yashaydigan, milliy va umuminsoniy qadriyatlar va ma’naviyat tamoyillariga yo‘g‘rilgan jamiyatdir.

Dunyoviy va mintaqaviy mafkura xurujlari davrida bunday ezgu g‘oyalar, yuksak ma’naviy tamoyillarga asoslangan ijtimoiy makonni yaratish imkon bormi, bu maqsad yo‘lida nimalar qilish kerak, degan savol kun tartibiga chiqadi.

Bu maqsad yo‘lida, o‘z-o‘zidan, yoshlarni ajdodlarimizdan qolgan ulkan ma’naviy-axloqiy meros, milliy qadriyatlarga oshno qilish, ularda ma’naviy yuksalish, bilim olish va komillikkai tilishni rag‘batlantirish asosiy masalaga aylanadi.

Shunday ekan, yoshlarni komillik darajasida tarbiyalash, ularni zararli illatlardan saqlash, avvalo, jamiyatimizda sog‘lom fikr hamda qudratli kuch ustuvor bo‘lishiga zamin yaratishini bir daqiqa ham unutmaslik kerak.

Buborada tarixiy haqiqatni tiklash, alloma bobolarimizning asarlarini yanada ko‘proq nashr qilishga alohida ahamiyat qaratish bugungi davr talabiga aylandi. Masalan, alloma bobomiz Abu Rayxon Beruniyning «Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar» (asl nomi «Al-osor al-boqiya an al-qurun al-holiya») asari tariximizning islomdan ilgarigi davrini, o‘sha davrga xos unutilgan qadriyatlarni qayta tiklashga urinishning yaqqol misolidir, deyish mumkin.

Hozirgi davrda mazkur asarning qayta nashr etilishi keyingi asrlardagi bosqinlar, ularning mohiyati va oqibatlarini anglashda muhim ahamiyatga molikdir. Mutafakkir bobomiz Beruniyning yirik ensiklopedik asari, ba’zi manba'larda «Osor al- boqiya», «Osorul boqiya» kabi nomlari ham bor.

Nemis sharqshunos E.Zaxau 1876–1878-yillarda asarning arabcha matnini, 1879-yilda ingliz tilidagi tarjimasini («Sharq xalqlarining tarixi» nomi bilan) nashr ettirgan. Ko‘pincha ilmiy adabiyotda «Xronologiya» deb ham ataladigan bo‘lgan. Eronlik olim Sayrafiy 1943-yilda Tehronda fors tilida chiqargan. Asarning ruscha tarjimasi 1957-yilda, o‘zbekcha tarjimasi 1968-yilda Toshkentda Beruniy «Tanlangan asarlari» turkumida (1-jild), hozirgi davrda esa 2020-yilda O‘zbekiston FA Abu Rayhon Beruniy nomidagi Sharqshunoslik instituti tomonidan nashr qilingan [3].

Asarda O‘rta Osiyo xalqlari, yahudiy, yunon va boshqa xalqlarning yil hisoblari, hayitlari, mashhur kunlari, ilmiy hayoti tarixi, davlat tutishi, urf-odatlari to‘g‘risida to‘liq ma’lumotlar berilgan. Unda olimning tabiiy fanlarning turli sohalariga, jumladan, astronomiya, matematika, fizika, haritografiya va boshqa fanlarga oid kashfiyotlari ham o‘z ifodasini topgan. Mutafakkirning jamiyat va inson to‘g‘risidagi qarashlari ham o‘ziga xos. Inson hayoti va

faoliyati moddiy omillar, tabiiy qonuniyat asosida kechadi. «Beruniy insonning xarakteri haqida so‘z yuritar ekan, uni odam tabiatidagi ziddiyatdan keltirib chiqarish yo‘li bilan tushuntirishga harakat qiladi. Inson tabiatan bir-biriga qarshi, ziddiyatli qismlardan iborat, murakkab bo‘lib, bu birlik esa hamisha mavjud qismlarni bo‘ysundiruvchi sohibi kuchi tufayli yuzaga chiqadi» [2].

Asar Beruniy davridan ilgari, ya’ni yurtimizga islom kirib kelganidan oldingi zamonlar ma’no-mazmuni va tarixiy ahamiyatini tushunishga xizmat qilgan. Shuni afsus bilan qayd etish kerakki, Vatanimiz tarixining islomgacha davri falsafa nuqtai nazaridan nihoyatda kam o‘rganilgan. Turli bosqinlar, mustamlakachi va mutaassib tuzumlar bunga yo‘l bermagan, ular natijasida bu davrga oid manbalar, xalqimizning jahon madaniyati, insoniyat taraqqiyotiga ta’sir ko‘rsatgan boy madaniy merosi ayovsiz yo‘q qilinavergan.

Beruniy zamonida ba’zi tushuncha hamda atamalar, ko‘plab alloma va mutafakkirlarning nomlari nafaqat tildan, balki dildan ham chiqib ketdi va butunlay unutildi. Alloma bobomizning asarida aynan ana shu shafqatsiz qonuniyatni va uning oqibatini naqadar to‘g‘ri anglagani allomaning kitobdagagi fikrlaridan yaqqol ko‘rinib turadi.

Mamlakatimizda yangi ma’naviy makon yaratishni maqsad qilingan ekan, xalqimizning ma’rifiy hayotidagi islohotlarni jadallashtirish, ma’naviy muhitni sog‘lomlashtirish ishida sustkashlikka yo‘l qo‘ymaslik talab qilinadi. Shuni hisobga olgan holda, jamiyat ma’naviyatiga, yoshlar tarbiyasiga mas’ul bo‘lgan mahalla, ulamolar, ijodkorlar, huquq-tartibot idoralari va boshqalar o‘z faoliyatini jadallashtirishi kerak. Ammo, shunisi achinarlik, o‘tkazilgan tahlillar amalga oshirilgan ba’zi ishlarning natijador emasligini va masalaga jiddiy qarash kerakligini ko‘rsatmoqda. Bunda:

birinchidan, aholi orasida milliy va umuminsoniy qadriyatlarga sodiqlik, bag‘rikenglik, millatlararo totuvlik kabi umuminsoniy tamoyillarni singdirishning ma’naviy asoslarini yaratish borasidagi ishlarda kamchiliklar kuzatilmoqda;

ikkinchidan, aholi, ayniqsa, yoshlar ongiga qilinayotgan g‘oyaviy tajovuzlar ta’sirida milliy qadriyatlarga nolisand qarash, turli zararli ruhdagi yo‘nalish yoki oqimlarga ergashish, ekstremistik kayfiyatdagi guruhlarga adashib qo‘shilib qolish holatlari uchramoqda;

uchinchidan, bunday begona va buzg‘unchi mafkuraviy xurujlarga, «ommaviy madaniyat» atalmish ma’naviy xatarga nisbatan amalga oshirilayotgan ishlar darajasi davr talabiga javob bermaydi;

to‘rtinchidan, aytilayotganidek, yoshlarni turli ko‘rinishdagi tahdidlardan asrash, ularni yuksak ma’naviyat egasi qilib tarbiyalash mezonlarini ishlab chiqish borasida nazariy asoslar taqdim etilmayapti, ilmiy-tadqiqot ishlari yetarli emas;

beshinchidan, yoshlar ongi va qalbiga vatanga sodiqlik, daxldorlik hissini singdirish, ularda har qanday g‘oyaviy xurujga qarshi mafkuraviy immunitetni tarbiyalash borasidagi ishlar ham yetarli emas;

oltinchidan, ayrim mas’ul tashkilotlar tomonidan hududlarda ma’naviy-ma’rifiy ishlar ilmiy asosda yo‘lga qo‘yilmagani, o‘z faoliyatini yaratilayotgan imkoniyatlar darajasida yuritmasligi ham natijalarga ta’sirini o‘tkazmoqda;

yettinchidan, sohaga aloqador ba’zi rahbarlarning ishlarni o‘z holiga tashlab qo‘yishi, mas’uliyatni his qilmayotgani ham kutilgan natijani bermayapti.

Davlatimiz tomonidan yangi ma’naviy makonni yaratish yo‘lida jadal ish olib borilmoqda.

Jamiyatimiz rivoji yo‘lida bir qator, jumladan, ta’lim-tarbiya, madaniyat, san’at sohalari va ilm-fanni rivojlantirishga oid qaror va farmonlar qabul qilindi.

Bundan tashqari, madaniyat va san’at sohasiga alohida e’tibor qaratilayotgani, respublikaning hamma hududlarida mashhur adabiyot va san’at vakillari nomi bilan ataluvchi ijod maktablari tashkil etilayotgani ham ma’naviy hayotimizda muhim voqeaga aylanmoqda.

Ma’naviy muhitni yanada optimallashtirish borasida yana bir savobli ishga qo‘l urildi: diniy-ekstremistik ruhdagi oqimlar ta’siriga tushgan shaxslarga nisbatan munosabat o‘zgartirilib, ularning jamiyatdagi o‘rnini tiklash, muammolarini hal qilish yo‘lidan borilmoqda.

Bu yo‘lda yosh ijodkorlarning qo‘llab-quvvatlanayotgani, poytaxtimizda «Adiblar xiyoboni» majmuasining, qator hududlarda zamonaviy kutubxonalarining bunyod etilishi, Islom sivilizatsiyasi markazi tashkil etilgani, «Ma’naviyat va ma’rifat markazi» faoliyatining tubdan yangilanganligi, «Yozuvchilar uyushmasi» hamda «Ma’naviyat» nashriyotlariga moddiy mablag‘lar ajratilgani kabi ishlar sohadagi faoliyatning yangi bosqichga ko‘tarilganigan dalolatdir. Shuningdek, «Besh tashabbus», «Obod qishloq», «Obod mahalla» kabi ijtimoiy harakatlar mazmun-mohiyatiga ham yuksak ma’naviyat, sog‘lom dunyoqarash g‘oyalari singdirilgan.

Qayta ta’kidlayotganimizdek, dunyo g‘oyaviy jihatdan tobora xavfli tus olmoqda. Inson qalbi va ongi uchun kurash yo‘lidagi ma’naviy tahdidlar ijtimoiy hayotimizdagi ijobiy yangiliklarga soya solishiga yo‘l qo‘yib bo‘lmaydi. Ma’naviyatimiz, yoshlar ta’lim-tarbiyasiga, milliy o‘zligimizga salbiy ta’sir o‘tkazadigan, globallashuv oqibatida yuzaga kelayotgan buzg‘unchi g‘oyalalar har tarafdan sezdirmay kirib kelayotgan bir sharoitda ma’naviy-ma’rifiy tashviqot ishlari mamlakatdagi keng qamrovli islohotlar va yangilanishlar sur’atidan ortda qolayotgandek.

Jamiyatimizda hamon ijtimoiy-siyosiy ongning yetarli tarbiyalanmaganligi, dunyodagi murakkab siyosiy, ma’naviy, g‘oyaviy jarayonlarni anglash va tahlil qilish darajasining pastligi kabi omillar terrorizm, diniy ekstremizm, aqidaparastlik, odam savdosi va boshqa transchegaraviy tahdidlarga qarshi kurashishda ma’naviyat va ma’rifat omilidan asosiy quroq sifatida foydalanishga yo‘l bermaydi.

Tashqaridagi ayrim kuchlar tomonidan yurtimiz tinchligi va barqaror rivojlanishi, xalqimizning bag‘rikeng va totuvligi, milliy va diniy qadriyatlarimizga tajovuz qilinayotgan vaziyatda ularga qarshi kurashish yo‘llarini ishlab chiqish, amaliyotda qo‘llash zamon sur’atidan ortda qolmoqda.

Ayniqsa, bu holatni ommaviy axborot vositalari hamda internet tarmog‘i orqali tarqatilayotgan audio va video mahsulotlari orqali kirib kelayotgan ichkilikbozlik, giyohvandlik, zo‘ravonlik va axloqiy buzuqlik kabi yemiruvchi illatlarga qarshi g‘oyaviy-tarbiyaviy ishlar samaradorligi qoniqarli ahvolda emas.

Zamonaviy yoshlarning dunyoqarashini tarbiyalashda, ayniqsa ijtimoiy fanlarni o‘qitilishida real hayot bilan bog‘langan holda yangicha yondashuvlar, zamonaviy yoshlarning qiziqishlari va ehtiyojlariga javob berishi kabi masalalar e’tibordan chetda qolgan.

Eng asosiy kamchiliklardan biri – bu ma’naviy-ma’rifiy masalalarni hal qilishda, turli mazmundagi tadbirlarni tashkillashtirishda fuqarolik institutlari, davlat organlari va xususiy sektorning uzviy hamkorligiga hanuz erishilmaganidir.

Bu kabi holatlar oldimizga bir qator savollarga javob izlash vazifasini qo‘yadi. Ular

kelajakni ko‘zlagan holda amalga oshirishni taqozo etmoqda. Sohada shu asosda ish yuritilmas ekan, ma’naviy muhitda kutilgan natijalarga erishib bo‘lmaydi.

Bu borada hali sohada bajarilishi lozim bo‘lgan vazifalar talaygina. Bugungi tahlikali zamonda rivojlanish yo‘limizda ko‘ndalang turgan qator masalalarga to‘qnash kelmoqdamiz.

Hal etilishi lozim bo‘lgan birinchi masala shundan iboratki, oxirgi yillarda O‘zbekistonni 2030-yilgacha [1] Harakatlar strategiyasi bo‘yicha rivojlantirish doirasida ma’naviy-ma’rifiy sohani rivojlantirish bo‘yicha ham qator qarorlar qabul qilindi va shu asosda ish olib borilmoqda.

Dunyo miqyosida ma’naviyat qashshoqlashuvi kuzatilayotgani sohaning tamoyillari ahamiyatini tobora oshirmoqda. Shu bois Respublika «Ma’naviyat va ma’rifat» kengashiga raislik qilish O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti zimmasiga yuklandi. Hududiy bo‘limlarni esa hudud hokimi boshqarishi belgilandi. Bu esa ma’naviy-ma’rifiy ishlarning davlat siyosati darajasiga ko‘tarilgani hamda barcha vazirlik, idoralar, nodavlat tashkilotlar, banklarning, qolaversa barcha tadbirkorlarning jiddiy vazifasiga aylanganini ko‘rsatadi.

Joylarda ixtisoslashgan klasterlarni tashkil qilib, hudud hokimlarining qishloq xo‘jaligi borasidagi mushkullarini yengil qilmoqdamiz. Endi ularning ma’naviyat targ‘iboti bo‘yicha faoliyatini tahlil qilish vaqtি keldi. Chunki, ular boshqarayotgan hududdagi aholining kayfiyati, ma’naviy ehtiyojlari, qiziqish va intilishlari o‘rganilmas ekan, jamiyatda ijobjiy o‘zgarishlar yuz bermaydi.

Dunyoda umuminsoniy va milliy qadriyatlarning oyoq osti bo‘lish hollari kuchayib bormoqda. So‘nggi yillarda jahonni larzaga solgan koronavirus pandemiyasi fonida esa xudbinlik, tajovuzkorlik kayfiyati insonlar ongiga xavf solib qo‘ydi. Mana shunday vaziyatda bizga milliy ong, qadriyatlar, ming yillik axloqiy qarashlarimiz, xalqimizga xos mehr-oqibat, bag‘rikenglik, sabr-bardosh kabi fazilatlar qo‘l keladi.

Bunday fazilatlarni tarannum etish va xalq tarixiy xotirasini uyg‘otishda kino san’atining o‘rni beqiyos. Shuning uchun shu paytgacha e’tibordan chetda qolgan kino san’ati rivojiga ahamiyat qaratilmoqda. Bu borada «O‘zbekfilm» binosining qayta ta’mirlanishi, «Kinochilar uyi», «Kinochilar guzari» yaratilgani, soha xodimlari uchun ikkita ko‘p qavatli uy qurib berilganini ta’kidlash joiz. Bundan tashqari, kino sohasi uchun malakali mutaxassislarni tayyorlash ishiga ahamiyat qaratilmoqda.

Jamiyatimizda so‘z erkinligi, ommaviy axborot vositalarini rivojlantirish, so‘z va ijod erkinligini ta’minalash asosiy vazifalarimizdan biriga aylangan. Sohaga doir qonunchilikni takomillashtirish, hamma uchun qonun ustuvorligiga erishish ustida uzlusiz ish olib borilyapti.

O‘z o‘rnida axborot maydonida faoliyat yuritayotgan mutaxassis va blogerlar mavjud qonuniy talablarga rioxal qilishlari shart. Jamiyatda bo‘layotgan o‘zgarishlar, voqeal-hodisalar to‘g‘risidagi xolis axborotlarni o‘z vaqtida, ro‘yrost yetkazish ayrim g‘arazli kimsalar tarqatadigan yolg‘on xabarlarni yo‘qqa chiqaradi. Shuning uchun vazirlik va idoralardagi axborot xizmatlari faoliyatini kuchaytirish, tezkorlikka e’tibor berish lozim.

Shu o‘rinda «Respublika ma’naviyat va ma’rifat kengashi» fidoyi olimlar, ijodkorlar boshini qovushtirib, ularning bugungi hayot nafasi, jamiyatdagi ijobjiy o‘zgarishlarning mazmun-mohiyatini yoritishga qaratilgan faoliyatini muvofiqlashtirish choralarini ko‘rishi kerak. Ijodkorlar, ziyoli insonlar xolis va ta’sirchan axborotlar tarqatishda oldingi safda bo‘lishi kerak.

Bu yo‘nalishdagi yana bir mahsuldor omil Internet tarmog‘i bo‘lib, «Respublika ma’naviyat

va ma'rifat kengashi» Axborot texnologiyalari vazirligi bilan hamkorlikda «manaviyat.uz» [4] portalini yaratib, unga ma'naviyat sohasiga doir ma'lumotlar, yangiliklarni joylashtirib bormoqda.

Ma'naviy tarbiya yo'lida amalga oshirilayotgan ijobiy o'zgarishlar qatori xalq e'tiroziga sabab bo'layotgan holatlar ham mavjud. Ayrim davlat va nodavlat telekanallarida namoyish etilayotgan ko'rsatuvarlar, seriallar, ko'p sonli reklamalarning saviyasi talab darajasida emas. Ba'zi dasturlar ma'naviy oziq berish o'rniga yoshlarni yengil hayot tarziga odatlanishi, milliy ma'naviyatdan, mentalitetdan uzoqlashishiga olib keladi. Shu sababli odamlar orasida «Telekanallarda badiiy kengashlar bormi o'zi, ular qayoqqa qarayapti?» degan haqli e'tirozlar ko'payib bormoqda. Bundan kelib chiqadigan galadagi vazifa – sohaga aloqador bo'lgan barcha tashkilotlar huzuridagi Badiiy kengashlar faoliyatini tubdan yaxshilash ekanligi ravshan.

Ma'naviy-ma'rifiy ishlarning keng ommaga yetib borishi, xalqimiz, har bir fuqaroda vatan taqdiriga daxldorlik hissini uyg'otish masalasiga jiddiy qarash kerak. Bugungi notinch zamonda ichki va tashqi ma'naviy tahdidlarga qarshi immunitetni mustahkamlash, ma'naviy hayotni boyitish masalasi, davlat hamda jamoat tashkilotlarining faoliyatini kuchaytirish vazifasi dolzarblasti.

Kuzatishimizga ko'ra, Yangi O'zbekistonda yangi ma'naviy makonni barpo etish, yangicha tafakkur tarzini shakllantirish uchun quyidagi vazifalarini amalga oshirish talab qilinadi:

- Ma'naviy-ma'rifiy sohada hududlar kesimida ma'naviy muhitni optimallashtirish xaritasini shakllantirish;
- jamiyatimizda targ'ibot hamda tashviqot ishlarini «Jaholatga qarshi ma'rifat» shiori ostida tashkil etish hamda kreativ va ta'sirchan usullar yordamida natijadorlikka erishish;
- har yilgi dasturlarimizga yoshlarni vatanparvar, fidoyi, mustaqil fikrli qilib tarbiyalashga doir chora-tadbirlarni aks ettirish va ularning ijrosini nazorat qilish, ularning ongini zaharlashga, yo'lidan adashtirishga urinadigan g'oyaviy tahidlardan asrashga ustuvor ahamiyat qaratish;
- ommaviy axborot vositalari hamda nashriyotlar ishida milliy qadriyatlarimizga e'tiborni oshirish, narkobiznes kabi chegara bilmas jinoyatlarga qarshi xalqaro hamkorlikni kuchaytirish;
- ko'p millatli xalqimizning azaliy totuvlik va diniy bag'rikenglik fazilatlarini mustahkamlash, yosh avlodga islom dini bilan bir qatorda boshqa diniy qarashlarni hurmat qilish, boshqa millat vakillariga ehtirom ko'rsatish ruhini singdirish bo'yicha zarur tadbirlarni ishlab chiqish;
- tarbiya va ma'naviyat ishini tashkillashtirishda yuqori natijalarini qo'lga kiritgan davlatlar tajribasini o'rganish, hozir yurtimizda yuz berayotgan faoliyatni respublika miqyosida yangi bosqichga olib chiqish;
- innovatsion loyihalarni qo'llab-quvvatlash, erishilgan natijalarini amaliyotga tatbiq etilishini ta'minlash va sohaga bo'lgan qiziqishlarni rag'batlantirish;
- mamlakatdagi ijtimoiy-ma'naviy muhitning ijobiy barqarorligini saqlash yo'lida ma'naviy targ'ibot-tashviqot ishlarini ilmiy asosda, sohaga doir ilmiy va uslubiy tadqiqotlarning samaradorligini oshirgan holda tashkil qilish.

Aytilganlardan kelib chiqadiki, «Mamlakatimizda yangi ma'naviy makonni samarali shakllantirish uchun aniq maqsadga yo'naltirilgan chora-tadbirlar dasturi»ni amalga oshirishda ijtimoiy hayot sohalari va har bir hududning o'ziga xosligini e'tibordan qochirmaslik zarur.

Mazkur dastur doirasidagi ishlarni tashkil etish yo‘l-yo‘riqlarini belgilashda, sohaga doir qonun hujjatlarining mazmun-mohiyatini ommaga keng ko‘lamda yetkazish orqali ularda daxldorlik hissini kuchaytirish masalasiga jiddiy qarash kerak.

Xulosa qilib aytganda, yangi ma’naviy makonni yaratish, ma’rifatli jamiyatni barpo etishda alloma bobolarimiz tamonidlan asoslab berilgan milliy qadriyatlarni aholi, ayniqsa, yoshlarning qalbi va ongiga singdirish muhim vazifalardan biridir.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисидаги 2023 йил 11 сентябрь Фармони. // <https://lex.uz/docs/-6600413>
2. Xidirov A. Abu Rayhon Beruniy. Ilm-fan tug‘dori: risola. – Toshkent: Anorbooks, 2023.
– 113 в.
3. https://uz.wikipedia.org/wiki/Qadimgi_xalqlardan_qolgan_yodgorliklar
4. <https://manaviyat.uz/>



O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



АХБОРОТ-МАФКУРАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ ТАЪЛИМ- ТАРБИЯ ВА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ АСОСИДА КУРАШИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Илҳом Абдихалилович СУВАНОВ

Фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
Республика Маънавият ва маърифат маркази хузуридаги
Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти
Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот асосида курашиш имкониятлари илмий таҳлил этилган. Шунингдек, маънавий тарғиботда кенг қамровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилинган тақдирдагина кўзланган самарага эришиш мумкинлиги ҳақидаги фикрлар ёритилган.

Таянч сўзлар: ахборот-мафкуравий таҳдидлар, дунёқарашиб, таҳдид, таҳлил, мафкура, тарғибот, таълим-тарбия, ғоявий тарбиялаш, кенг қамровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат.

ВОЗМОЖНОСТИ БОРЬБЫ С ИНФОРМАЦИОННЫМИ И ИДЕОЛОГИЧЕСКИМИ УГРОЗАМИ НА ОСНОВЕ ОБРАЗОВАНИЯ И ПРОПАГАНДЫ

Илҳом Абдихалилович СУВАНОВ

Доктор философии (PhD) по философским наукам
Институт социально-духовных исследований при
Республиканском центре духовности и просветительства
Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье с научной точки зрения анализируются возможности борьбы с информационными и идеологическими угрозами на основе образования и пропаганды. Также рассматриваются идеи о том, что желаемый эффект может быть достигнут только при соблюдении таких организационных принципов, как комплексность, непрерывность, поэтапность, нормативность, личный пример в духовной пропаганде.

Ключевые слова: информационно-идеологические угрозы, мировоззрение, угроза, анализ, идеология, пропаганда, образование, идеологическое просвещение, комплексность, непрерывность, поэтапность, нормативность, личный пример.

Ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши курашга қаратилган ахборот-мафкуравий таълим турли таълим воситаларини қўллаш орқали мактабгача таълим, умумий ўрта

таълим, профессионал таълим, олий таълим муассасаларида олиб борилади.

Айнан таълим-тарбия ва маърифат жамият барқарорлигининг асосий омилларидан ҳисобланади, инсонларни эзгуликка даъват этади, саховатли, сабр-қаноатли бўлишга ундаиди. Шунинг учун узлуксиз таълим тизимида маънавий тарбия асосларини кучайтириш талаб этилади. Тарбияда танаффус бўлмаслиги керак. Тарбия нафақат таълим тизимида, балки, оиласда, маҳалларда ҳам йўлга қўйилиши керак. Зоро, “миллий маънавиятмизни ривожлантириш, уни халқимиз, айниқса, ёшларимиз ҳаётига сингдиришда ижтимоий-гуманитар фанларнинг ўрни бекиёсдир. Хусусан, биз учун ниҳоятда долзарб бўлган тарих фани ҳам бундан мустасно эмас. Миллий тарихни халқимиз, айниқса, ёшларимизга миллий руҳда етказиш, уларнинг қалбига, шуурига сингдириш керак. Акс ҳолда, унинг тарбиявий таъсири бўлмайди. Ватанимиз ҳудудида мавжуд бўлган ҳар бир давлатчилик тузуми, ҳар қандай ижтимоий жараён – у ғалаба ёки мағлубият бўладими, юксалиш ёки таназзул бўладими – барча-барчаси халқимиз босиб ўтган мураккаб тарихий йўлнинг узвий ва ажралмас қисмидир. Шунинг учун ҳам биз тарихимизнинг барча босқичларини яхлит ҳолда қабул қилиб, ҳар томонлама чуқур ўрганишимиз зарур. Ўтмишдаги ютуқ ва ғалабалардан куч-қувват олиб, хато ва мағлубиятлардан хулоса ва сабоқ чиқариб яшайдиган халқ ўзининг тараққиёт йўли ва келажагини тўғри белгилай олади” [1]. Шунга кўра, “ғоявий тарбиялаш деб, уларнинг онги ва тафаккури тизимида шу йўналишдаги дунёқарашни, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик, ахлоқий, бадиий, касбий ва бошқа тамойилларни муайян мафкура асосида мақсадли шакллантириш жараёнига айтилади. Мафкуравий тарбия эса, инсон, ижтимоий гурӯҳ, миллат, жамият дунёқарashi шакллантиришга, уларни муайян мақсадларни ифода этадиган ғоявий билимлар билан қуроллантиришга йўналтирилган жараёндир. Улар бир-биридан ажралмас қисмлардир. Ғоявий тарбия мафкуравий тарбия орқали зохир бўлади” [6].

Маънавий-маърифий тарғибот ишларининг таъсирчанлигини таъминлайдиган замонавий информацион ва компьютер технологияларини кенг жорий этиш, жамият маънавий иммунитетини кучайтиришга қаратилган самарали усул-услубларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамда тарғибот-ташвиқотчилар учун тегишли тавсия ва қўлланмаларни тайёрлаш бу борадаги муҳим вазифалар таркибига киради. Маънавий тарғибот-ташвиқотда кенг қамровлилик, узлуксизлик, босқичма-босқичлик, меъёрийлик, шахсий ибрат сингари ташкилий тамойилларга амал қилинган тақдирдагина, кўзланган самарага эришиш мумкин.

Бизнингча, бугунги кундаги ижтимоий-гуманитар фанларнинг асосий вазифаларидан бири ахборот-мафкуравий таҳдидга муносиб жавоб беришдан иборат.

Бунда асосий эътиборни қуидагиларга қаратиш лозим:

- ахборий-мафкуравий таъсирларнинг миллий, умуминсоний, фалсафий, диний-ҳуқуқий, сиёсий, социологик, психологик, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, унинг халқ одатлари, анъаналари ва қадриятларни шакллантириш ҳамда бойитишдаги ўрни ва аҳамияти бўйича тарғибот йўналишларини кучайтириш;
- дунёдаги мафкураларнинг уйғунлашиши ва қурашиш жараёнларини ўрганиш, мониторинг ўтказиш, мафкура соҳасида, айниқса, илмий омилни ҳисобга олган ҳолда, умуминсоний ва минтақавий муаммоларни белгилаш ва уларни ҳал қилишга ёрдам

бериш;

– Ўзбекистонда ижтимоий барқарорлик ва ҳамжиҳатлик учун мафкуравий таҳдидга қарши самарали кураш йўллари хусусида илмий асосда тавсиялар ишлаб чиқиш;

– ёш авлодни тарбиялаш жараёнларига кучли туртки бериш учун, биринчи навбатда, тегишли ташкилий тузилмалар, болалар – ёшлар бирлашмалари ҳаракатларини яратиш;

– миллий ғояни шакллантириш маъносида болалар ва ўсмирлар учун ўқув-методик, илмий оммабор ва бадиий адабиётнинг янги туркумини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этишни фаолиятнинг муҳим йўналиши деб ҳисобламоқ керак. Мавжуд адабиётларни ҳар томонлама экспертиза қилиш асосида халқнинг бой ижтимоий-маданий ва тарихий тажрибасига унинг прогрессив анъаналари ва урф-одатларига таяниш, умуминсоний қадриятларга асосланган дарслклар, ўқув қўлланмалар, бадиий адабиётлар нашр этишга эришиш ва ҳоказолар.

Мафкуравий таҳдидларга қарши курашда аввало мафкуравий иммунитетни шакллантириш лозим. “Иммунитет” – сўзининг маъноси “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”да қуйидагича берилган: (лот. бирон нарсадан халос, озод бўлиш, кутулиш) – организмнинг доимий ички барқарорлигини саклаш, унинг турли хусусиятлар ва таъсирдан ҳимояланиши, қаршилик кўрсатиши, резистентлиги” [7].

Мафкуравий иммунитет – шахс, ижтимоий груп, миллат, жамиятни турли заарли ғоявий таъсирларидан ҳимоя қилишга хизмат қиласидан ғоявий-назарий қарашлар ва қадриятлар тизими. Иммунитет (лот. *immunitas* – озод бўлиш, кутулиш) тиббий тушунча бўлиб, организмнинг доимий ички муайянлигини саклаши, ўзини турли таъсирлардан, ташқи инфекциялар кириб келишидан ҳимоя қилишга қодир бўлган реакциялар мажмуи тушунилади. Содда қилиб айтганда, иммунитет – киши организмининг турли касалликлардан ҳимоя қилаолишқобилиятидир. Юқоридагидан фарқли ўлароқинсоннинг умумий иммунитет тизими туғма бўлса, мафкуравий иммунитетни шакллантириб бориш зарур. Иккинчидан, у ҳар бир авлод учун ўзига хос хусусиятга эга. Учинчидан, иммунитет тизими шакллангандагина жамиятда мафкуравий дахлсизликни таъминлаш мумкин. Мафкуравий иммунитет тизимининг асосий ва биринчи элементи бу – билим. Аммо, билимларнинг тури кўп. Буюк давлатчилик шовинизми ёки агрессив миллатчилик мафкураси тарафдорлари ҳам муайян билимларга таянадилар, албатта. Шундай экан, мафкуравий иммунитет тизимидағи билимлар объектив бўлиши, воқеликни тўғри ва тўлиқ акс эттириши, инсон маънавиятини бойитиши ва жамият тараққиётига хизмат қилиши лозим. Улар, ўз моҳият-эътиборига кўра, Ватан ва миллат манфаатлари билан узвий боғлиқ бўлмоғи керак. Мафкуравий иммунитет тизимининг иккинчи асосий элементи ана шундай илғор билимлар замирида шаклланадиган баҳолар, қадриятлар тизимиdir. Зоро, билимлар қанчалик объектив ва чуқур бўлса, унинг замирида юзага келган қадриятлар ҳам шунчалик мустаҳкам бўлади. Бир сўз билан айтганда, қадриятлар тизими мафкуравий иммунитетнинг имкониятларини белгилаб беради ва заарли ғоялар йўлида мустаҳкам қалқон бўлиб хизмат қиласиди. Аммо, билимлар ва қадриятлар тизими мавжудлигининг ўзи мафкуравий иммунитетнинг моҳиятини тўлиқ ифода эта олмайди. Зоро, бу икки элемент мафкуравий иммунитетнинг учинчи муҳим элементи, яъни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий-маърифий соҳалардаги мақсадлар тизими билан боғлиқ. Ана шундай аниқ мақсадлар тизими бўлмас экан, инсон, миллат ёки

жамият гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона мафкуравий тазиикларга дучор бўлаверади.

“Ҳар бир киши ёки жамоа, жамият мафкуравий иммунитетни беш даражага бўлиб ўрганиши, баҳолаши, уни шу асосда такомиллаштириши мумкин:

1. Мафкуравий иммунитетнинг қуи даражаси – шахс, жамоа, жамият юқоридаги билимлардан хабардор эмас, бузғунчи мафкуравий ғояларга бефарқ, лоқайд.

2. Билимлар бор, лекин, улар ҳис қилинмаган, тизимлашмаган, шу сабабли одамлар уларни бузғунчи мафкуравий ғояларга қарши ишлатишга тайёр эмас.

3. Кишилар мафкуравий билимларга эга, лекин, уларни қўллашга қийналади. Мафкуравий профилактика – ижтимоий институтлар томонидан амалга ошириладиган турли шакллардаги ғоявий-тарбиявий, маънавий-мафкуравий ишлар мажмуи бўлиб, у бутун ғоявий тарбия тизимини қамраб олади.

4. Шахс асосли билимларга эга, вазиятни тўғри баҳолай олади, ички ва ташқи сиёсий, мафкуравий таъсирларга қарши иммунитет шаклланган ва уни онгли равишда ишлатади.

5. Олий даражали инсон – мукаммал ғоявий, сиёсий, иқтисодий билимларга эга ва бу билимларни бемалол амалда қўллаб, бузғунчи мафкуравий, сиёсий ғояларни доимо ҳамма жойда фош қила олади” [4].

Мафкуравий профилактика ғоявий бўшлиқни бартараф этиш, мафкуравий пропагандаликнинг олдини олиш ёки бирор-бир худуд, қатlam, гурухни ёт ва заарли ғоялар таъсиридан халос қилиш мақсадида амалга оширилади. Бунда ғоявий таъсирнинг хилма-хил усул ва йўлларидан фойдаланилади, турли воситалар қўлланилади [5].

Мафкуравий профилактика тезкор ва қисқа суръатларда ёки аста-секин, босқичмабосқич амалга оширилиши мумкин. Биринчи холатда, зудлик билан чора-тадбирлар қўллаш лозим бўлса, иккинчисида, доимий ва событ қадамлик билан иш олиб бориш кўпроқ натижа беради. Мафкуравий иммунитет тизимини шакллантиришда маънавий таълим-тарбия тизимига таянган мафкуравий профилактиканинг ўрни катта. Зоро, у моҳиятан, ёт ғояларнинг кириб келишининг олдини олиш ва уларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирларга таянади. “Таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот тизими мафкуравий профилактикани амалга оширишга ёрдам беради. Соғлом мафкурани халқ қалби ва онгига сингдиришга хизмат қиласидан ижтимоий тузилмалар, оила, мактаб, маҳалла, давлат ва жамоат ташкилотлари ҳам унда ўз ўрнига эга. Шунингдек, Ватан, халқ манфаатларини, дўстлик ва биродарликни, ўзаро хурмат ва бағрикенгликни тарғиб-ташвиқ этувчи эртаклар-у достонлар, қўшиқлар-у рақслар, турли кўриниш ва мазмундаги маънавий-маърифий тадбирлар мафкуравий профилактикани амалга ошириш шакллари”[6]. Демак, ҳозирги кунда жамиятимиз олдида турган асосий вазифалардан бири турли хилдаги мафкуравий, маънавий ва ахборот таҳдидларига қарши курашишнинг самарали йўллари, усуслари ва воситаларини яратиш орқали ёшларимизда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлашдан иборатдир. Мафкуравий ва ахборот таҳдидларини олдини олишнинг қуидаги айрим механизмларига тўхталсак:

1. “Миллий тарбияни такомиллаштириш орқали таҳдидбардош ёшларни вояга етказиш” [3]. Маълумки, тарбиянинг бошланғич нуқтаси бу – оиладир. Шарқ халқлари учун оила муқаддас маскан. Чунки, оиланинг мустаҳкамлиги, унинг тинчлиги ва осойишталиги давлатнинг мустаҳкамлиги ва осойишталигини таъминловчи манба,

десак хато қилмаган бўламиз. Шу боис, бизда оила масаласи давлат сиёсати мақомидаги масаладир.

2. Болалар адабиётига, умуман ёшлар учун мўлжалланган мусиқа, ашула, театр, кино асарлари яратишга эътибор кучайтирилиши, бундай асарларни яратувчилар учун пухта ўйланган рағбатлантириш тизими ишлаб чиқилиши керак.

3. Тарғибот-ташвиқот ишларини юқори босқичга кўтариш. Жамиятимизда тарғибот-ташвиқот фаолияти учун шундай кенг имкониятлар, ахборот воситаларининг энг замонавий технологиялари яратилганки, булардан самарали фойдаланиш орқали ҳар қандай хатарли таҳдидларга жавоб бера оладиган ёшларни вояга етказиш мумкин.

4. Жамиятимиз ҳаётининг турли соҳаларида ҳалол меҳнат қилиб, мамлакат тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини кўшаётган фидойи, элга ва Ватанга садоқатли, ватанпарвар инсонлар, масалан, мактаб ўқитувчиси, жарроҳ, темир йўлчи, фермер, академик, ҳайдовчи ва ҳ.к. касб вакилларини замонамиз қаҳрамонлари сифатида юргатиши.

Тизимли ёндашиш маънавий-маърифий ишлар дастурларида кўзда тутилган, лойиҳалаштирилган натижани кафолатлашга қаратилган операциялар, воситалар, методлар занжири сифатида намоён бўлади. Мазкур тизим мавжуд ҳолатни маънавий диагностик ўрганиш, мазмунан бойитиб, такомиллаштириб бориш орқали замон талабларига тўла жавоб бера олишини таъминлаш тамойилига асосланади. Бу эса, амалга ошириладиган ҳар бир таълим-тарбиявий чора-тадбирнинг аниқ натижасини кафолатлай олишига эътиборни қаратиш, мақсадга мувофиқ амалга оширилишини назорат қилиш ва самарадорлигини аниқ қайд қилиб боришни талаб этади.

Барча соҳаларда бўлгани каби тизимнинг асосий тавсифлари сифат ва самарадорлик хисобланади. Тизим самарадорлигини таъминлаш учун жавобгарлик ҳар бир таълим муассасаси раҳбари зиммасига юклатилади ва тизим амалиёти натижалари изчил равишда илмий, педагогик кенгашлар йиғилишларида муҳокама қилиб борилади.

Ҳар қандай жамиятда мафкуравий таҳдидларга қарши курашнинг энг самарали усули бу халқ билан мулоқотdir. Ижтимоий муносабатлар, аслида, одамнинг сиёсий муносабатларидан тортиб, унинг шахслараро муносабатлари хусусиятларини ўз ичига олган мураккаб жараёнdir. Бу жараённи турли назарий оқим вакиллари ўзларича ўрганишлари маълум. Масалан, интеракционизм вакиллари уни шахслараро ўзаро таъсирнинг турлича намоён бўлиши шаклида тушунсалар, ижтимоий алмашинув назарияси тарафдорлари одамларнинг бир-бирларига нисбатан талаблари, кутишлари ва манфаатдорликларининг ўзаро алмашинуви жараёни сифатида тасаввур қиласди. Шунга ўхшаш турли-туман ёндашувлар ҳозирда мавжуд, лекин уларнинг барчасини бирлаштирадиган ягона ғоя – бу одамлар ўртасида содир бўладиган ўзаро таъсир ва алоқа жараёнларининг механизмларини аниқлаш ва ушбу жараённи бошқариш усулларининг тактика ва стратегиясини ишлаб чиқишидир.

Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай тажовуз, таҳдид ўз-ўзидан миллий маънавият инқирозига, мамлакат хавфсизлиги, унинг миллий манфаатлари, жисмонан ва маънан соғлом авлод келажагини таъминлаш йўлидаги жиддий хатарлардан бирига айланиши ва охир-оқибатда жамиятни инқирозга олиб келиши мумкин.

Тарихдан маълумки, бошқа мамлакатни босиб олишда “юмшоқ куч”дан фойдаланиш

ғояси қадимдан маълум бўлган. Бу эрамиздан олдинги VI асрда яшаган Хитой файласуфи Цун Цзининг асарларида ҳам учрайди. У “юмшоқ куч”ни қаттиқ жисмларни вайрон қилувчи ожиз ва майнин сувга, ёки эркакларнинг қаттиқ қучини енгувчи аёллар жозибасига ўхшатади. Баъзи хорижлик мутахассислар бу курашни психологик уруш, деб атайдилар. Биз бу фикрга қўшила олмаймиз. Чунки, гап одамларда психика, психологияни эмас, улардаги ғояларни, мафкуравий иммунитетни синдириш, фуқаролик позицияларини эгаллашта қаратилган кураш ҳақида кетмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда миллий маънавиятимизга бўлаётган ички ва ташқи таҳдидлар инсон ва жамият ҳаётига, мамлакатимиз тараққиётига катта таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги вақтда турли мафкуралар тортишуви кескин тус олаётган бир вазиятда, фикрга қарши фикр, ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб этмоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мирзиёев Ш. Янги Ўзбекистон стратегияси. – Тошкент: O‘zbekiston, 2021.
2. “Миллий ғоя: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича маъруза матни. – Термиз, 2016.
3. Раматов Ж.С. Мафкуравий таҳдидларни олдини олишга оид мулоҳазалар // Volume 2 | Spesial ISSUE 23 ISSN 2181-1784. SJIF 2022. April. – S. 672.
4. Сафарова З., Қодирова С. Ўқувчиларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантириш масалалари // Замонавий таълим. Современное образование, 2014. – №10. – Б. 20-21.
5. Эшмуродов А. Юксак маънавиятли авлод – хавфсизлик ва барқарорлик омили сифатида // Глобаллашув шароитида ватанпарварлик тарбиясининг маънавий-маърифий технологиялари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллар тўплами. – Тошкент, 2019 йил, январь. – Б. 405.
6. Яхшиликов Ж.Я., Мухаммадиев Н.Э. Миллий ғоя – тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Фан, 2017. – 383 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент, 2002.



АЛФРЕД АДЛЕРНИНГ ҚАЛБ КОНЦЕПЦИЯСИДА ИНСОН КАМОЛОТИНИНГ ИЖТИМОЙ ОМИЛЛАР БИЛАН ШАРТЛАНГАНЛИГИ МАСАЛАСИ

Иномжон Абобакир ўғли АСАТУЛЛОЕВ

доцент

фалсафа фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада Алfred Adlerning қалб концепциясида инсон камолотининг ижтимоий омиллар билан шартланганлиги масаласи ёритилган. Шу билан бирга Adler қарашларидағи инсоннинг маънавий юксалишидаги психоаналитик жиҳатлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: қалб, рухият, онгиззлик, инсон камолоти, маънавий борлик, ижтимоий хаёт, ижтимоий ҳиссиёт, ижтимоий муҳит.

ВОПРОС ОБУСЛОВЛЕННОСТИ ЗРЕЛОСТИ ЧЕЛОВЕКА СОЦИАЛЬНЫМИ ФАКТОРАМИ В КОНЦЕПЦИИ ДУШИ АЛФРЕДА АДЛЕРА

Иномжон Абобакир углы АСАТУЛЛОЕВ

доцент

доктор философии (PhD) по философским наукам

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В статье освещается проблема зрелости человека, обусловленная социальными факторами, в концепции души Альфреда Адлера. При этом анализируются психоаналитические аспекты духовного роста человека во взглядах Адлера.

Ключевые слова: душа, психика, бессознательное, человеческое совершенство, духовное существование, общественная жизнь, социальное чувство, социальная среда.

Инсон ички руҳий кучларининг ўз-ўзидан ривожи ҳақидаги таълимоти билан Алfred Adler ўз замондош файласуфларидан бир қадам олдинга кетди. Шахсни ўз ижодининг маҳсули сифатида талқин қилиниши субъектнинг фаол ҳаракат сабабини

тушунишга йўл очади. Инсон табиий ва ижтимоий дунёни кузатувчи сифатида қабул қилмайди, ундаги ўз борлиғини четдан туриб қузатмайди, аксинча шахсий-индивидуал мавжуд бўлиш учун шароит яратади. Шахсни бундай тушуниш – унинг маслаҳдоши Карл Юнг таълимотидан фарқ қиласи. Лекин шунга қарамай, инсон маданияти ҳақидаги адлерча талқин мукаммал бўлмаган таълимотdir. Адлер инсонни ижтимоий мавжудот эканлигини таъкидлайди, ҳолос. У ўз ҳаётининг ижодкори сифатида намоён бўлади, лекин олим инсоннинг ички дунёси билан ташқи ижтимоий борлиғи ўртасидаги ҳақиқий алоқаларни, муносабатлар характеристини тўлиғича очиб бера олмайди. Бундан ташқари, инсон хулқининг ижтимоий моҳиятини аниқлашда Адлер фақат инсон руҳияти онгсиз жиҳатларига таянади.

Инсон ижтимоий манфаати ва “етукликка интилиши” туғма хусусиятга эга, айни пайтда инсон ички ўз табиатига эга бўлиб, илохий шартланганандир. Ўйлаб топилган ички лойиҳа – “агар бундай бўлса”, яъни шахсий тажриба таъсирида ҳаракатга келадиган инсон фаолияти сўнгги мақсадга етишга қаратилган. Бунинг ўзи ҳам лойиҳадир, зоро, у ички қониқишига олиб келиши мумкин, лекин ҳақиқий муаммоларни ҳал этмайди.

Шундай қилиб, Адлердан бошлаб руҳият таҳлили таълимоти ижтимоий мазмун касб этади. Унда инсон хулқининг фақат биологик шартланганлигига эътибор қаратилмасдан, балки ижтимоий омиллар аҳамияти ҳам тарихий-фалсафий жиҳатдан ўрганилади. Ижтимоий омиллар ҳам шахс фаолиятини белгиловчи йўналишлардан бирини ташкил қиласи.

Инсон ҳаётидаги ижтимоий омилларнинг ўрни ҳақидаги қарашларида қуйидаги жиҳатни эътиборга олмоқ лозим, “ижтимоий манфаат” ва “хукмронликка интилиш”нинг адлерча таълимоти қанчалик зиддиятли бўлишига қарамай, бир ўзанга йўналтирилган. Зотан, “ижтимоий манфаат” онгсиз “хукмронликка интилиш”нинг бевосита қарама-қарши ғояси бўлиши керак, чунки у шахс биологик тайёр бўлмаган интилишлари билан эмас, энг аввало инсонларнинг ақлга монанд ижтимоий ҳаёти билан боғлик [11].

Бироқ Адлер таълимотида “ижтимоий манфаат” ҳам, “хукмронликка интилиш” ҳам тенг маънода инсон номукаммаллиги ўрнини қопловчи жараён вазифасини бажаради. Ижтимоий манфаатни инсон мавжудлигининг табиий ожизлигини ҳақиқий ва зарурий равишда ўрнини қопловчи тузилмалигини айтади. Айнан “ижтимоий манфаат” туфайли, Адлер фикрига кўра, инсон ижтимоий қабул қилган муайян ҳаётий вазиятга кўникиши ва мослашиши содир бўлади. Булар ижтимоий ва руҳий жараёнларда амалга ошади. Демак, адлерча “хукмронликка интилиш” ҳамда “ижтимоий манфаат” таълимоти бир хил мазмун-моҳиятга эга. Икки омил ҳам номукаммаллик ҳиссиёти ва инсоннинг ожизлиги, ҳимоясизлиги натижасида вужудга келади. Иккиси ҳам табиий ва ижтимоий дунёга мослашиш тузилмаси ривожи учун туртки ролини ўйнайди.

Ўзининг руҳият ҳақидаги қарашларини ривожлантириб, Адлер шундай қарорга келади: инсон хулқининг фақат онгсиз турткilarini тадқиқ қилиб, инсон табиатининг яхлит манзарасини тасаввур қилиб бўлмайди. Инсоннинг ички табиатини, ҳаётий фаолият омилларини тушуниш учун энг аввало, уни ўраб турган табиий ва ижтимоий муносабатлар йигиндисини ўрганиш зарур. Бу алоқаларни кузатишни гўдаклик

чогиданоқ бошлаш керак. Адлерга кўра, бола ҳаёти ижтимоий муносабатлар билан боғланган ва унинг диққати нафақат ўзига, балки бошқа одамларга ҳам қаратилган бўлади. Зоро, инсон муносабатлари бошқа одамлар билан, табиат билан, ижтимоий тузилмалар, ижтимоий алоқалар ва муносабатлар билан шартланганлиги учун “рухий фаолиятни ижтимоий муносабаталарни тушунмасдан туриб англаб бўлмайди” [7].

Демак, Адлер фикрига асосан, инсон ўзи яшайдиган ижтимоий муҳитдан ажралмаган холда эркин ҳаракат қила оладиган мавжудотdir. Веналик шифокор инсонларнинг “ижтимоий ҳаёт мантифи”га, инсоннинг ижтимоий мавжудотлигига мурожаат қиласди. Шахснинг ички дунёси билан ташқи воқеий дунё муносабатларининг ўзаро алоқасининг мавжуд ҳолатини ўрганишни истайди. Адлер диққатини меҳнат тақсимотига, инсоний муносабатларда иқтисодий-ижтимоий тузилмаларнинг шаклланишига, улардаги инсоннинг ички руҳий фаолиятига, маънавий ҳаётига қандай таъсир қилишига қаратади. Меҳнат тақсимоти ижтимоий инсоний борлиқнинг моҳияти сифатида кўрилади. Ўз мулоҳазаларида Адлер ҳозирги цивилизациянинг ўзига хос устувор қадриятларини аниқлашга ҳаракат қиласди. Хусусий мулк, пул ҳукмронлиги инсон хусусиятининг шаклланишига таъсир қилишини кўрсатиб беради. Адлер шундай далилни аниқлайдики, инсонлар катта бойликка, пулга эга бўлишга интиладилар, ижтимоий ахлоқ эса шахснинг бундай хислатини ёқламайди. Шунга қарамай инсон хусусияти ҳамда ички руҳий тузилмасининг шаклланишида ижтимоий шароит ва иқтисодий вазият асосий рол ўйнайди.

Инсоннинг маънавий дунёси ва хулқнинг омилларига ижтимоий-иктисодий шароитнинг белгиловчи таъсири ҳақида гапириб, Адлер ўз диққатини фақат жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тузилмаси билан инсоннинг якка-шахсий борлиғи ўртасидаги алоқасигагина эмас, балки шу билан бирга инсонда иқтисодий вазиятга нисбатан инсон руҳиятида тескари тасаввурнинг туғилишига қаратади. Бу масалалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлса, ҳам Адлер уларни бир-биридан ажратади. Уни бегоналашган онгнинг шаклланиш тизимлари қизиқтирмайди, балки шахснинг муайян ижтимоий-иктисодий вазият билан боғлиқ руҳий ҳолати қизиқтиради. Шунинг учун ҳам Адлер шахснинг ахлоқий сифатларини, унинг хулқ-авторига хос бўлган кибр-ҳаво, ҳасад, бўйсунувчанлик, зиқналик каби қирраларни таҳлил қиласди [8]. Шундай қилиб, Адлер фикрича, ижтимоийлик туғма ва ворисий “ижтимоий ҳиссиёт”ни тан олиш билан белгиланади. Инсоннинг шахсий ва ижтимоий ривожида ирсийлик хусусиятларнинг ўзгариши мумкинлиги ҳақидаги масалани ҳам кўтармайди.

Адлер фикрига кўра, инсон шахсини, ички руҳий оламини тушуниш – у мансуб бўлган табиий ва ижтимоий муҳитни очишни англатади. Шундай маънода инсон, бир томондан, заиф, химоясиз биологик мавжудот сифатида ўз “номукаммаллик ҳисси” ўрнини “ҳукмронликка интилиш” билан қоплади, бошқа томондан, ижтимоий мавжудот сифатида “умуминсоний ҳиссиёт”га эга ва бутун инсоният зотига даҳлдор бўлган хилқатдир. Инсон мавжудлигининг ана шу томонлари ўртасида узилмас ришта мавжуд, Адлер фикрига кўра, шуни ечиш зарур. “Индивидуал психология” онгсиз равиша “ҳукмронликка интилиш” табиатини очиш, инсонлар ўртасидаги ижтимоий

алоқаларни ҳал қилмоғи, умуминсоний бирдамликка эришиш, инсоният зотига хос бўлган ижтимоийлик ҳиссиётига асосланган нуқтани ахтариш билан шуғулланади. Бу ерда асосий мезонни “ижтимоий ҳиссиёт” (ёки “ижтимоий интилиш”) ўйнайди. “Ижтимоий ҳиссиёт” – инсонлар ва инсон жамоалари ўртасидаги алоқани, инсоннинг умуминсоний муносабатлар билан алоқасини билдиради. Адлер фикрича, фақат “ижтимоий ҳиссиёт” ёрдамида руҳий ҳаёт ҳодисасини самарали ўрганиш мумкин” [7].

“Ижтимоий ҳиссиёт” Адлер фикрича, зарурий, лекин инсон табиати синоатини ёритувчи ягона мезон эмас, ундан кам бўлмаган яна бир мезон – онгиз ҳолдаги “хукронликка интилиш”дир. Худди шулар “индивидуал психология”да инсон мавжудлигининг умумий, моҳиятий омилларини ташкил қиласи. Бу инсон руҳий ривожининг икки йўналишини белгилайди ҳамда ҳаётий фаолиятини йўналтиради, ҳаёт тарзини шакллантиради. Шахснинг ички дунёси инсоннинг ижтимоий-руҳий хусусиятини, инсон хулқи илдизларини очишда ёрдам берувчи асосий ролни ўйнайди.

“Ижтимоий манфаат” тушунчаси Адлер талқинида фақат инсонларнинг ўзаро умуминсоний ёки якка-шахсий алоқаларини ўз ичига олибгина қолмай, балки инсон томонидан ҳаётнинг умумий боғловчи муносабатларини ҳам қамрайди. Бу шуни билдирадики, ҳар бир шахс ўзини бошқа инсон қўзи билан кўради, ҳаётий вазиятларни ижтимоий қабул қилинган жиҳатлар орқали баҳолайди. Булар инсонларнинг муайян жамоада яшаси натижасида келиб чиқсан маданий, ахлоқий ва ижтимоий меъёрлардир. Ҳукуқий муносабатлар, ахлоқий ва эстетик баҳолар “ижтимоий манфаат”га асосланган. Зоро ҳамма назарий ва амалий “ҳаётий муаммолар ижтимоий манфаатга эга бўлади” [1]. “Индивидуал психология” инсонга ана шу қадриятларни англаш ва ҳаётий вазиятларга кўниши учун ёрдам беради.

Шундай қилиб, охир-оқибат “ижтимоий манфаат” ва “хукронликка интилиш”нинг адлерча талқини қанчалик зиддиятли бўлишига қарамай, бир ўзанга йўналтирилган. Зотан, “ижтимоий манфаат” онгиз “хукронликка интилиш”нинг бевосита инкори бўлиши керак, чунки у шахснинг биологик тайёр бўлмаган интилишлари билан эмас, энг аввало инсонларнинг ақлга монанд ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ. Бироқ Адлер назариясида “ижтимоий манфаат” ҳам, “хукронликка интилиш” ҳам тенг маънода инсон тўлиқсизлиги ўрнини қопловчи тизим вазифасини бажаради. “Ижтимоий манфаат, - деб таъкидлайди олим, - бу инсон мавжудлигининг табиий ожизлигини ҳақиқий ва зарурий равишида ўрнини қопловчи тизимдир” [1]. Айнан “ижтимоий манфаат” туфайли, Адлер фикрига кўра, шахснинг ижтимоий қабул қилган муайян ҳаётий вазиятга кўниши ва мослашиши содир бўлади. Булар ижтимоий ва руҳий даражаларда амалга ошади. Демак, адлерча “хукронликка интилиш” ҳамда “ижтимоий манфаат” таълимоти бир хил даражали табиатга эга [8]. Иккиси ҳам номукаммаллик ҳисси ва инсоннинг ожизлиги, ҳимоясизлиги натижасида вужудга келади. Иккиси ҳам табиий ва ижтимоий дунёга мослашиш тизимининг ривожи учун туртки ролини ўйнайди.

Адлер инсонни ижтимоий мавжудот сифатида талқин қилиб бир қадам олдинга кетди. У ижтимоий муносабатлар деганда, нафақат оиласвий муносабатларни (худди Фрейд сингари), рамзий-жамоавий алоқаларни (Юнг каби) эмас, балки қонуний-хукукий,

ахлоқий-хулқий ва хусусий мулкий, меҳнат муносабатларини назарда тутади. Лекин бу рухият таҳлили ҳаракатида тўнтарилиш бўлмади. Чунки, бу муносабатлар инсоннинг онгсиз интилишлари чегарасидан чиқиб кета олмади. Инсонга хос бўлган ижтимоий ҳиссиёт ва манфаат ўз негизида биологик туғма хусусиятга эга бўлади. Қисқача, хулоса шуки, “номукаммалликни енгишга интилиш қанчалик туғма бўлса, ижтимоийлик ҳиссиёти ҳам шунчалик туғмадир” [1].

Файласуфлар ва психололгар ҳамма нарсани қатъий сабабларга кўра шартланганлигини тан оладилар. Буни Адлер кенг тарқалган камчилик деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, психологияда сабабийлик ва зарурӣ боғлиқлик ҳақида гапириб бўлмайди, чунки шахснинг руҳий фаолиятининг йўналишини тушунтиришда табиийлик ва таъсир этувчилар асословчи тамойил бўлолмайди. Инсон хулқини, ҳаёт фаолияти ва унга таъсирини тушунтириш учун унинг охирги мақсади ҳамда интилишини билиш зарурдир. Зоро, “инсоннинг руҳий ҳаёти, унинг мақсади орқали шартланган, унинг хулқи тўлиқлигича мақсадга интилишида намоён бўлади” [7].

Адлернинг бундай қатъий ёндашувда туриши сабабий омилларни бутунлай тан олмаслигидан далолат бермайди. Сабабийлик шахс хулқини тушунтиришда, унинг фаолиятини очиб беришда аҳамиятга эга бўлмайди. Лекин шахс ижтимоийлашуви ва ривожи тузилмаларини аниқлашда сабабийлик муайян ролни ўйнайди. Олимнинг таъкидига кўра, шахс ривожининг сабаби “тўлиқсизлик ҳиссини” енгиб ўтишда намоён бўлади. Бу ҳол инсоннинг табиатан биологик номукаммаллиги туфайли ҳосил бўлади. Хусусан, “ўрнини қоплаш” ва “ўта ўрнини қоплаш” тузилмалари инсон ҳаёт фаолиятини ҳаракатга чорловчи сабаб сифатида кўрилади. Адлер тушунчасига кўра, ана шу сабабнинг мавжудлиги инсон ҳаракатининг йўналишини тушунтиrmайди, балки фақатгина инсон фаолиятининг имконий сабабини очади. Бу сабаб охирги мақсадга етишгандагина намоён бўлади. Охирги мақсад ҳар қандай инсон фаолиятининг маёғидир. Шундай қилиб, шахснинг ички руҳий фаолиятининг мазмуни, шахснинг яширин имкониятларини ўз-ўзидан очилишининг сабаби, охирги мақсадга эришиш учун интилиши зарурӣ тарзда руҳий тадқиқотлар чегарасидан чиқиб кетади ва фалсафа соҳасига даҳлдор бўлади [11]. Шунинг учун ҳам Адлер ана шу муаммоларни ҳал қилишда фалсафий нуқтаи назардан ёндашишга мажбур бўлган.

Хулоса қилганда, Адлер инсон ички тузилмасига хос бўлган, уни бошқариб ва йўналтириб турадиган қандайдир илоҳий куч мавжудлигини тан олади. У лойиҳавий илоҳият таълимотини илгари суради. Бу таълимотга кўра, ҳар бир шахс онгсиз равища “агар бундай бўлганда” ҳаёт фалсафаси лойиҳасини қўллайди, ҳаёлида ўз ҳаётининг илоҳий режасини, лойиҳани тузади. Бу унинг хулқини, ўзига хос ҳаёт тарзини бошқаради, унинг ёрдамида охирги мақсадга эришилади. Адлернинг фикрича, мазкур режа ёки лойиҳа инсон қалбининг онгсиз қатламларидан ўрин олади. Шунинг учун ҳам инсонга ана шу дастлабки лойиҳани англақ бетишига ёрдам бериш зарур. Шунда у охирги мақсадга етишда ўз ҳаёт фалсафасига эришади, камчиликларини тузатади. “Индивидуал психология”нинг асосий вазифаси ҳам, Адлерга кўра, ана шу илоҳий ижодкор кучни намоён қилишдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Адлер А. Практика и теория индивидуальной психологии. – Москва: Фонд “За экономическую грамотность”, 1995. – 155 с.
2. Ларошфуко Ф. Максими. Б. Паскаль. Мысли. Ж. де. Лебрюйер. Характеры. – Москва, 1990. – 176 с.
3. Ницше Ф. Собр. соч. Т. 1. – Москва, 1990. – 325 с.
4. Сино, Ибн. Шифо // Юсуф Мусо. Ибн Сино фалсафасида социология ва сиёсат. – Қохира, 1952.
5. Файхингер Г. Философия как если бы. – Москва: СПб, 1961.
6. Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент, 1993. – 186 б.
7. Adler A. Understandiny Human Nature. –N.Y., 1928. – P. 26
8. Adler A. Individual Psychology of Alfred Adler: A systematic presentation in selections from his writings. - N.Y., 1964. - P. 129.
9. Adler A. Superiority and Social Interest: A collection of later writings. -N.Y., 1979. - P. 39.
10. Adler A. Cooperation Between the Sexes: Writings on women, love and marriage, sexuality and its disorders. -N.Y., 1978. - P. 78.
11. Adler A. The Progress of Mankind // Individual Psyhol., 1982. Vol. 38. №1. – P. 14.

UZA

O‘zbekiston
Milliy axborot
agentligi



Tarix

“НАВОЙАЗОТ” ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИННИНГ “ҚАЙТА ҚУРИШ” ЙИЛЛАРИДАГИ ТАРИХИ

Шахноза Боймухамматовна ХОЛИКУЛОВА

Тарих фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори

Навоий давлат педагогика институти

Навоий, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада қайта қуриш йилларида олиб борилган иқтисодий ислоҳотларнинг “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасига таъсири ёритилган. Бирлашманинг молиявий ишлари хўжалик хисобига ўтилиши натижасида вужудга келган муаммолар ўша даврнинг оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган маълумотлар орқали баён қилинган ва хуласаланган.

Таянч сўзлар: қайта қуриш, “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжалик хисоби, нақт пул эмиссияси, тов.аор айирбошлиш, миллий низо, митинг, Президент И.Каримов, янгича ислоҳотлар.

ИСТОРИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННОГО ОБЪЕДИНЕНИЯ «НАВОИАЗОТ» В ГОДЫ «ПЕРЕСТРОЙКИ»

Шахноза Боймухамматовна ХОЛИКУЛОВА

Доктор философии (PhD) по историческим наукам

Навоийский государственный педагогический институт

Навои, Узбекистан

Аннотация

В статье освещается влияние экономических реформ, реализованных в годы перестройки, на производственное объединение «Навоизот». Проблемы, возникшие в результате перехода финансовых дел Объединения на хозрасчет, были освещены и обобщены сведениями, опубликованными в средствах массовой информации того времени.

Ключевые слова: перестройка, производственное объединение «Навоизот», хозяйствственный учет, денежная эмиссия, товарная биржа, национальный конфликт, митинг, президент И.Каримов, новые реформы.

XX асрнинг 80-йилларида собиқ Иттифоқнинг турғунлик даврида иқтисодий таназзулга юз тутганилиги кўрина бошлади. Xалқ хўжалигининг барча соҳаларида “Қайта қуриш” сиёсати бошланиб кетди.

Саноатнинг ишлаб чиқариш тармоқлариiga ҳам новаторлик ғоялари ва бозор талаблари

билин ҳисоблашиш кириб кела бошлади. “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам бу каби ислоҳотлар бошланди.

Ортиқча аммиакли газларни қайта ишлаш мақсадида, 1985 йилда “Навийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси лойиха бўлими асосан қуввати йилига 5000 м³ бўлган аммиакли газни қайта ишлаш усқунасини ишга туширди (олдингиси 1200 м³ эди). 1988 йилда марказдан қочма граниляторлар ўрнига тебранувчан граниляторлар ва доналарни совутиш аппарати ўрнига 2 босқичли замонавий аппаратлар ўрнатилди [1].

Ўзбекистоннинг ҳақиқий иқтисодий мустақиллиги масаласи ўйлантирар эди. Агар республика иқтисодий қувватини ташкил этадиган барча асосий фондлар ўша даврда 100 млрд сўм деб ҳисобланса, амал қилаётган тартибга кўра, қарийб 30 млрд сўм пул Иттифоқ ихтиёрида эди. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондларида эса бу мутаносиблик янада ёмон бўлиб, маблағларнинг бешдан икки қисми Иттифоқ тасарруфида, шу жумладан, саноатда ана шу маблағларнинг деярли 70 фоизи, транспортда ҳамда моддий-техник таъминотда, илм-фанда 30 фоизга яқини Иттифоққа тегишли эди. Бундан кўринадики, Конституцияда белгилаб қўйилган барча давлат мулки (бу ҳамма асосий фондларнинг деярли 90 фоизини ташкил этади) “Бутун совет халқига тегишлидир” деган қоида ҳеч қандай реал асосга эга эмас эди. Республикамиз ўз бойликларини ўзи тасарруф эта олмас экан, ундан халқ манфаати йўлида, самарали фойдаланиш ҳақида умуман гап бўлиши мумкин эмас эди [2].

Ўзбекистон бюджети катта камомад билан якунланаётган бир шароитда собиқ Иттифоқ раҳбарлари республикани 1991 йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтишга мажбур қила бошлайди. Ўша даврда республика бюджетининг ҳам, маҳаллий бюджетларнинг ҳам даромад қисми базаси ўта заиф бўлиб, нарх-наво ошиб бораётган бир вазиятда харажатларни қоплаш имконини бермас эди. Бу каби омиллар халқнинг норозилигига олиб келганлигини билишимиз мумкин: “Сизларга маълумки, биз 1991 йилдан бошлаб хўжалик ҳисобига ўтамиз. Бироқ, республика бюджети катта камомад билан якунланаётган ва бундай камомад камайиш ўрнига ўсиб бораётган экан, қандай хўжалик ҳисоби ҳақида гап бўлиши мумкин? Молиявий аҳволнинг мураккаблиги яна шу билан кескинлашмоқдаки, харажатлар республика бюджетининг ҳам, маҳаллий бюджетларнинг ҳам даромад қисмининг заиф базаси билан чекланиб қолмоқда. Ҳамма жойда нарх-навонинг ошиб бораётганлиги кузатилмоқда. Буларнинг барчаси одамларнинг ҳаққоний норозилигига сабаб бўлиб, ҳокимият органларига нисбатан муносабатда танқидий кайфиятларнинг кучайишига олиб келмоқда”[2].

Шундай мураккаб вазиятда республиканинг саноат корхоналарида вазият қандай эди, деган савол туғилади. Ушбу муаммони “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси мисолида кўриб чиқиши максад қилдик.

“Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси 1988 йилнинг 1 январидан бошлаб тажриба сифатида молиявий хўжалик ҳисобига ўтказилди. Дастрраб бу синов ўзини оқлай бошлади. Ишнинг кўлами ошиб, ойлик маошлар ҳам кўтарила бошлади. Аммо, моддий харажатлар фақат хомашёни тежаш орқали амалга оширилади. Масалан, корхонада шу мақсадда 2 млн рубл ажратилган, аммо ҳисоб-китобда иш ҳақи фондига 135 минг рубл ажратилди, холос. Бу албатта, ишчиларнинг кайфиятига салбий таъсир қиласи. Беш йилликларни бажариш учун хомашё ресурсларини тежашга йўналтирилган фондлардан

1988 йил учун 200 минг рубл бонус сифатида ажратилди. Бирок 1988 йилда бирлашма ишлаб чиқариш ҳажми бўйича беш йиллик режа кўрсатгичларига эриша олмаганлиги сабабли, бу микдор 60 минг рублгача камайди. Йил давомида меҳнат жамоасининг қарори билан ушбу харажатлар моддасига таъминот мажбуриятларини бажариш учун қўшимча тўлов орқали 172 минг рубл ажратилди. Агар бирлашма (ёки корхона) 1987 йилнинг тўртинчи чораги учун 150 минг рубл рағбат берилмагандა эди, маблағлар етарли бўлар эди. Шундай қилиб, 1988 йил биринчи чораги учун бонуслар 82 минг рубл қолди холос. Жамоа олдида мураккаб вазият туғилди, етишмаётган маблағни қаердан олиш керак? Натижада 1988 йилнинг 3- ва 4- чораклари бонусларини тўлаш учун маблағ корхонанинг ҳисобида қолмади. Бунинг келиб чиқиш сабаларидан яна бири шуки, 1988 йилнинг 11 ойида тижорат маҳсулотларининг ҳажми аслида 222,68 млн рублни ташкил этди ва сотилган маҳсулотлар ҳажми 214,65 миллион рублни ташкил этди. Бу шуни англатадики, истеъмолчилар тамонидан 8 млн рублдан ортиқ маблағ кам тўланган, натижада, олинадиган фойда 39,8 млн эмас, 36,5 млн ни ташкил этган. Асосий қарздорлар йилни ночор якунлаган. Уларнинг банк билан муносабатларида ҳам муаммолар бўлган. Улар берилган шартнома шартларини бажара олмайди. Чунки банк кредит тўловларини бажармаганлиги сабабли, санкциялар қўллаб, барча реквизитларини тақиқча қўйган. Корхона раҳбарияти ва молия бўлими ҳамкорликда қарздор республикаларнинг партия органларига, халқ назорати органларига бир неча марта мурожаат қилса-да, самара бермаган. Шу ва бошқа муаммолар (иш ҳақининг ошиши) сабабли, маҳсулотлар фонди қисқариб борган. XIII беш йиллиқда режани бажаришда тўсиқлар етарлича учраган [3].

“Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси ўз-ўзини хўжалик ҳисобидан таъминлаш ва молиявий мустақиллик йўлидан борди. Ходимлар билан жамоат шартномаси имзоланди. Унда томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилиб ўтилди. Унга кўра; 1989 йил корхона ўзининг 25 йиллигини нишонлайди, юбилейни муносиб кутиб олиш учун меҳнат жамоаси 1989 йилда техник, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этиш лозим. Маҳсулот етказиб бериш давлат буюртмаси 25 декабргача бажарилиши керак, бу ишчиларнинг социалистик мажбуриятидир. Бу каби маънавий мажбуриятни “Навоийски химик” рўзномасида ёритиб борилиши доимий таъминлансин. Шунингдек, уюшма ходимлари ойига 2 марта ойлик маош билан таъминлансин [4].

1988 йил билан солиштирганда 1989 йилда корхона режани 13,2 фоизга ортифи билан бажарди. Халқ хўжалиги маҳсулотлари 2 марта кўп ишлаб чиқарилиб, 1989 йилда 11,2 млн рублга етказилди. Лекин, кейинги хабарлардан ишчилар бундан манфаатдор эмас, чунки жавонларда етишмаётган мўл-қўлликни ҳеч қандай ракам алмаштиrmайди. Баъзи етакчи иқтисодчилар аллақачон ўз-ўзини молиялаштиришнинг 1 ва 2-моделларининг номувофиқлиги ҳақида гапиришмоқда, аммо, бу иқтисодчиларнинг вазифаси – мамлакатни боши берк кўчадан олиб чиқадиган мавжуд ишлаб чиқариш муносабатларининг тўғри йўлини топишидир.

1989 йилда ишлаб чиқариш бирлашмаси “Востокинторг” Москва ташқи савдо ташкилоти орқали Хитой Халқ Республикасига 30 минг тонна ортиқча аммиакли селитра етказиб бериш бўйича иккита шартнома тузди. Бу шартномалар айрибошлиш асосида тузилганлиги сабабли, улардан бирига кўра (15 минг тонна селитра учун) уюшма “Востокинторг”дан 30 минг дона сиғими 2 литр бўлган пневматик термослар,

10 минг дона курткалар, 30 минг жуфт кроссовкалар, катта ҳаждаги девор қофози олди. Бу товарларни, биринчи навбатда, корхона ҳудудида жойлашган дўкон орқали уюшма ходимларига сотиш, шунингдек, завод учун зарур бўлган материаллар, асбоб-ускуналар, техникалар харид қилиш мақсадида бошқа корхоналар билан товар айирбошлиш операциялари учун фойдаланилди.

Иккинчи шартнома бўйича (охирги 15 минг тонна учун) – “Ўзбекбирлашув”дан Самарқанд ва Бухоро ОПС орқали – пойбазал, четдан олиб келинган радиотехника, чангютгич, тикув машиналари ва 1 миллион рубллик бошқа товарлар олинади. Ушбу товарлар сотиладиган нархлар СССР ёки республика Нархлар бўйича Давлат қўмитаси томонидан белгиланади ва нархлар рўйхатидан ва “И” индексидан (импорт) юқори бўлмайди. Бу ерда ички бозорнинг нарх-наво механизмига амал қилинади ва корхона ушбу товарларни сотишдан қўшимча фойда кўрмайди. Савдо корхонасига сотиб олиш ва сотиш нархи ўртасидаги барча фарқ давлат бюджети ва ташқи савдо бирлашмасига тушади. Лекин, кўпчилик айирбошлишни режадан ортиқ маҳсулот сотилган мамлакатда чет эл валютасига товар сотиб олиш деб ҳисоблаб, “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмасини валюта маблағларини нотўри ишлатганликда айблади, бутун мамлакат, хусусан, республика ва шаҳар дори-дармонлар ва зарур анжомлар етишмаслигидан қийналди. “Навоийазот” АҚ бош директорининг тижорат масалалари бўйича ўринбосари В.Синяк валюта маблағларидан фойдаланиш тўғрисида шундай дейди: “Корхонамиз томонидан топилган валюта фақат биз учун зарур технологик линиялар, эҳтиёт қисмлар ва жиҳозларни хориждан сотиб олиш учун ишлатилади. 1989 йилда 240 минг долларга 55 тонналик япон “Като” қрани хорижий валютага сотиб олинди. Корхонада халқ истеъмоли молларини сотиб олиш учун етарлича хорижий валюта мавжуд эмас. Товарларни фақат айрибошлиш йўли орқали олишимиз мумкин” [5].

Умуман олганда қайта қуриш шароитида республиканинг локоматив корхонаси тажриба сифатида тезлик билан хўжалик ҳисобига ўтказиш йўлини танлади. Хўжалик ҳисобига ўтишнинг битта аниқ йўли иқтисодчилар томонидан тизимли кўрсатиб берилмаган эди. Натижада, бу корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватига ва ишчиларнинг ижтимоий таъминотига салбий таъсир кўрсатди. Рўзнома саҳифаларида корхонанинг молиявий аҳволидан норозиликлар акс этган мақолалар эълон қилингандигини кўришимиз мумкин. Иқтисодчиларга хўжалик ҳисобига ўтишнинг бошқа муқобил йўлларини танлаш таклиф қилинган фикрларни ҳам кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида, корхона техникаларини ижарага бериб етишмаётган маблағларни топиш лозимлиги ҳам жамоатчилик томонидан таклиф қилинган. Бу кайфият ўсиб бориб ижтимоий норозилик, оммавий митинг даражасигача кўтарилди. “Знамя дружбы” газетасининг 1991 йил 108–109 сонларида “Как жить дальше” мақоласида халқни норозилигига олиб келадиган ғоялар тарғиб қилинди.

Мустақиллик арафасида ижтимоий муаммолар тобора кескинлашиб бутун Иттифоқ миқёсида (Тоғли Қорабоғ) норозилик ва миллатчилик можаролари етилиб кела бошлади. Тадқиқотларимиз натижасида шуни билдики, республиканинг аксар ҳудудларидан истеъмол даражаси юқори ҳисобланган Навоий саноат шахрини ҳам бу хавф четлаб ўтмади.

Бу можоро бевосита “Навоийазот” бирлашмасида содир бўлди. Бу воқеа газета

саҳифаларида “Июнъ воқеалари” сифатида ёритилди. Бу воқеаларни содир бўлишининг бир қанча сабаблари бор эди.

1991 йил 3-6 июнда “Навоийазот” ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқарма идораси ўтиш жойида тортишув келиб чиқади. Унинг натижасида бир неча кун рухсат этилмаган митинг бўлиб, унда турли тартибсизликлар содир этилди. Оқибатда, ишлаб чиқариш тўхтаб қолди. Бу корхона меҳнат жамоасига ҳам, республика ва шаҳарга ҳам катта зарар етказди. Жамоат тартибини бузиш шаҳарда алоҳида шахслар томонидан безорилик кўринишида содир этилди. Ҳукуқ-тартибот органлари айборларни маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортди. Бу воқеанинг олдини олиш мақсадида 7 июнъ куни кечқурун Ўзбекистон ССР Президенти И.Каримов Навоийга келди. Шу куни бирлашмада бўлди. Меҳнаткашлар жамоалари билан учрашди. Уларнинг саволларига бевосита жавоб берди. 8 июнъ куни у шаҳар атрофидаги қишлоқ хўжалик обьектларига чиқди ва маҳаллий аҳоли билан учрашди. Содир бўлган мажорони ўрганиш юзасидан Президент комиссияси тузилди 13 киши ҳибсга олинди ва уларнинг ҳаракатлари юзасидан жиноий иш қўзгатилди. Шунингдек комиссия аҳолининг мурожаатларини ўрганди [6].

19 кишидан иборат комиссия бўлиб ўтган воқеани ўрганиб қўйидагича қарорга келди;

1. Майор Г.Г.Мингазовни вазифасидан озод этиш ва ишини ҳарбий прокуратурага ошириш масаласи ижобий ҳал этилди (1991 йил 4 июндаги Ш/Снинг 021 сонли буйруғи).

2. Э.Л.Типикинани бош директор вазифасидан четлаштириш масаласи ижобий ҳал этилган (1991 йил 5 июндаги 788-к сонли буйруқ).

3. 1991 йил 5 июндаги 784-к сонли буйруққа асосан қоровуллик отряди бошлиғи А.Ю.Гундюрин Ўз. ССР Меҳнат ҳақидаги қонуни кодекси 41-моддаси 7-пунктига биноан иш жойида маст ҳолида юргани учун ишдан бўшатилди

4. “Навоийазот” бирлашмасини социал ривожлантириш тўғрисидаги масалаларни кўриб чиқиш шаҳар ижроия комиссияси раиси Б.И.Хамдамов ва корхона бош директори В.С.Крупинга топширилди.

Қишлоқларга автобус ҳаракатини йўлга қўйиш масаласини ҳал этиш ҳам Хамдамов ва Крупинга топширилди.

5. Шаҳарга жумҳурият Президенти вакили – область Кенгаши раиси, вилоят Кенгаши раиси, вилоят партия қўмитаси биринчи котиби Д.С.Ёдгоров етиб келди.

6. Шаҳар корхоналари раҳбарларига Ўзбекистон ССРда давлат тили тўғрисидаги Қонун муддатларига амал қилишни таъминлаш топширилди. Комиссия жамоат тартибини сақлаш батальонини, унинг составини миллатидан қатъи назар, миллий региондаги ёш чақирилувчилар билан тўлдириш шарти билан шаҳарда қолдиришни таклиф этди. Корхонада жамоатчилик йўлида доимий равишда миллий алокалар бўйича комиссия тузиш таклиф этилди. Комиссия давлат тили тўғрисидаги Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш учун кадрлар бўлимига қўшимча штат киритишни ҳам таклиф этди [7].

Президент И. Каримов ҳалқ вакиллари билан учрашув чоғида корхона вакилларидан 43 киши сўзга чиқди ва Президентга савол билан мурожаат қилди. Улар ҳудуднинг ижтимоий-иктисодий қолоқлигини тугатиш, экологик ва кўп йиллар мобайнида тўпланиб қолган миллий муаммоларни зудлик билан ечиш маслаларини қўйдилар. Президент мулоқот давомида қўйидаги қарорга келди; Савдо, ҳалқ таълими, соғлиқни

сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон ССР иқтисод қўмитаси ва бошқа идораларга тез кунларда навоийликларни озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш.

Мактаблар ва даволаш муассасаларида тўпланган муаммоларни ҳал этиш, уларни дори-дармондар, қурилиш материаллари билан таъминлашни яхшилаш. Аҳолини шахсий уй-жой қуриш учун ер билан таъминлаш ҳақида Қарорга изчиллик ва қатъият билан амал қилиш [7].

1991 йилнинг 4–15 июнь кунлари шаҳар худудида 47 та жиноят қайд қилинди. Бу “Навоийазот” бирлашмаси можоросидан олдинги рақамга тенгdir. Бу даврда кучайтирилган наряд бўйича хизматни ўташ жорий қилинди. Шу вақтда 15 та жиноят иши қўзғатилди. 6 киши тартибсизлик содир этди. 168 киши билан амалий сұхбат олиб борилди. Майда ўғирлик учун шаҳардаги турли корхоналарда ишлайдиган 16 киши жавобгарликка тортилди... ва хоказо [8].

Юқоридаги маълумотлардан қўйидагича хulosи чиқариш мумкин. Қайта қуриш сиёсатини амалга ошириш учун мамлакат тайёр эмас эди. Бу сиёsat ёппасига амалга оширилиши натижасида республикада иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муаммолар келиб чиқди. Худуднинг иқтисодий бакувват бўлган Навоий шахрини ҳам бу муаммолар четлаб ўтмади. Чунки, шаҳарнинг деярли ярим аҳолиси “Навоийазот” бирлашмасининг ишчилари эди. Корхона 1988 йилнинг биринчи чорагида яхши натижаларга эришди, аммо бу узоқ чўзилмади. Кенг тармоқли ишлаб чиқаришга эга бўлган корхонанинг иқтисодий танглиги ҳалқ хўжалигининг барча соҳаларига ўз таъсирини ўтказди. Ишчилар орасида ва корхонада нақт пул танқислиги муаммоси ишлаб чиқаришнинг чекланишига сабаб бўлди. СССР миқёсида ягона иқтидий сиёsat олиб борилаётганлиги сабабли иттифоқдош республикалар ҳам шартнома асосида олинган маҳсулотларнинг тўловини етказиб бера олмади. Натижада корхонанинг мажбуриятлари ва шартномалар бажарилмасдан қолди. Корхона қарздор корхоналар қаторига туша бошлади. Товарлар импортида ҳам нақт пул ўрнига тавор айирбошлиш белгилаб берилди. Корхонага тўлиқ молиявий мустақиллик берилмаганлиги натижасида муаммолар кўлами кенгайиб бораверди.

Иккинчидан, собиқ Иттифоқ даврида кадрлар масаласига нотўғри ёндашилди. 10 000 кишилик жамоанинг 3/1 қисмини маҳаллий аҳоли вакиллари ташкил қилар ва улар ҳам техник ва хўжалик ходимлари эди. Маҳаллий аҳолидан раҳбар, муҳандис ва механик кадрлар йўқ эди. Ўзга миллат вакиллари миллий қўпчиликни ташкил этганлиги натижасида улар орасида хукмронлик устунлик қилди. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилганлиги, ўзга миллат вакилларинг манфаатларига зид келиши натижасида корхонадаги иқтисодий муаммолар ижтимоийлашиб кетди ва норозилик митинглари даражасига бориб етди.

Учинчидан, йирик ишлаб чиқариш кўламига эга бўлган “Навоийазот” корхонаси бир неча вақтга батамом ўз фаолиятини тўхтатди. Бу албатта, завод учун навбатдаги муаммоларга олиб келди. Чунки корхона ишга тушганидан бўён бирор марта ҳам ўз фаолиятини тўхтатмасдан куну-тун ишлаб турганлиги боис цехларда техник носозликлар кузатилди ва ускуналарга бўлган эҳтиёжлар етилиб келди. Бундан ташқари, корхонадаги муаммолар шаҳар ва унинг атрофидаги аҳолининг ҳам яшаш шароитига ўз таъсирини ўтказди.

Юқоридаги муаммолар мустақиллик йилларида ўз ечимини топа бошлади. Ҳозирги

кунда “Навоийазот” ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини халқаро стандартлар асосида олиб бормоқда.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. “Навоийазот” ОАЖ 50 йил. – Навоий: А.Навоий, 2014. – Б. 44.
2. Каримов. И. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида . – Тошкент: Ўзбекистон, 1992.
3. “Навоийский химик”, № 3, 1989 год 6-январ
4. “Навоийский химик”, № 3, 1989 год 3-феврал.
5. “Навоийский химик”, № 8, 1990 год 6-феврал.
6. “Навоийский химик”, № 8, 1991 год 13-июн.
7. “Навоийский химик”, № 24, 1991 год 7-июн
8. “Навоийский химик”, № 26, 1991 год 20-июн.



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ПРОВОЗГЛАШЕНИЕ НОВОЙ ПОЛИТИКИ ОБРАЗОВАНИЯ В НЕЗАВИСИМОМ ТУРКМЕНИСТАНЕ

Назармаммед Аманмамедович БАБИШОВ

кандидат педагогических наук

докторант

Туркменский государственный педагогический институт
имени Сейитназара Сейди
Туркменабат, Туркменистан

Аннотация

В данной статье представлена информация о развитии туркменской педагогической науки в XX веке, описана проводимая работа по реформированию в национальном духе системы образования Туркменистана, обретшего независимость.

Ключевые слова: образовательная политика, туркменский язык, национальный дух, позитивные решения.

МУСТАҚИЛ ТУРКМАНИСТОНДА ЯНГИ ТАЪЛИМ СИЁСАТИНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ

Назармаммед Аманмамедович БАБИШОВ

Педагогика фанлари номзоди

Докторант

Сейитназар Сейди номидаги Туркманистан давлат педагогика институти
Туркманобод, Туркменистан

Аннотация

Ушбу мақолада XX асрда туркман педагогика фанининг ривожланиши билан боғлиқ маълумотларни қисқача тарзда қўриб чиқиши, Туркманистаннинг мустақиллик туфайли эришилган миллий рухига мос тарзда таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: таълим сиёсати, туркман тили, миллий рух, ижобий қарорлар.

В период Возрождения новой эпохи могущественного государства в нашей независимой, постоянно нейтральной Отчизне – Туркменистан, наряду со всеми другими науками, педагогике придается особое значение.

Преобразование отечественной педагогической науки на основе европейских наук началось, когда влияние царской России, а затем Союза Советских Социалистических Республик достигло туркменской земли.

Как говорили наши предки: «Во всяком деле – добро», хотя русско-местные школы и являются образовательными школами, созданными в последние десятилетия XIX века на основе завоевательной и покорительной политики царской России, они научили туркменский народ тому, что изучение науки – это возможность для сближения и присоединения к мировому сообществу. Причем число этих школ в течение 1881-1917 годов постоянно увеличивалось. Система образования Туркменской ССР, как и других советских республик, претерпела изменения в соответствии с требованиями коммунистической идеологии. В этот период была создана единая система образования, начиная с дошкольных образовательных учреждений и заканчивая начальными, средними и высшими учебными заведениями, научно-исследовательскими учреждениями.

Первые шаги на пути к независимости государства Туркменистан были сделаны в сфере образования. Ярким тому подтверждением является принятие 24 мая 1990 года «Закона о языке». Согласно «Закону о языке», принятому Верховным Советом СССР, туркменский язык, наш родной язык, был объявлен государственным языком Туркменистана. Уважение достоинства родного языка, который является драгоценным национальным наследием наших предков, укрепило стремление народа к суверенитету. Также следует подчеркнуть важность «Декларации о суверенитете» от 22 августа 1990 года.

Осенью 1991 года Туркменистан провозгласил независимость; 2 марта 1992 года стал полноправным членом ООН, крупнейшей международной организации в мире.

Была разработана экономическая, социальная, культурная и образовательная политика Туркменистана как независимого государства. В ней национальное наследие наших предков соединилось с передовыми мировыми практиками, сформировалась национальная туркменская модель. Особое место отводилось образовательной политике, потому что без совершенной системы образования невозможно добиться быстрой и планомерной трансформации государства и качественного развития отраслей экономики страны. Поэтому в первые годы независимости был выдвинут лозунг «Образованное поколение – могучая страна», который лег в основу образовательной политики.

3 мая 1993 года в Туркменистане была объявлена «Новая политика в области образования», согласно которой 9-летнее среднее образование в общеобразовательных школах стало обязательным для граждан Туркменистана. В первые годы независимости первый президент Туркменистана С.А. Ниязов заявил, что в системе образования проводятся коренные реформы. В то время эти реформы имели очень важное значение для развития страны, потому что образовательная деятельность осуществлялась на основе старых планов и программ советского периода. Проблемы, стоящие перед системой образования, необходимо было решать на основе новых планов и учебников. Словом, все нужно было модернизировать и адаптировать под содержание программ молодого независимого государства.

Первый президент Туркменистана С.А.Ниязов в первой книге Священной Рухнамы пишет об образовании: «Знание состоит из трех ступеней:

- грамота;
- образование;
- наука» [3;345].

Сапармурат Туркменбashi характеризует каждый из этих этапов: «Знания – это сокровище, созданное человечеством. Грамота – ключ к этому сокровищу. Грамота, письмо и другие средства обучения – это ворота в мир образования. На уровне образования человек усваивает богатство своих предшественников, усваивает его в своем мозгу, учится, ищет то, что ему нужно, получает то, что ему нужно, и откладывает то, что ему не нужно» [3;345].

Определяя главную цель новой политики в области образования, первый президент Туркменистана С.А.Ниязов сказал: «Политику «Образование» разработал с целью коренного реформирования и восстановления науки и образования в независимом и постоянно нейтральном Туркменистане. Школа советской эпохи не отвечает требованиям времени и жизни. Основная цель политики «Образование» – избавить ребенка от старого воспитания. Она состоит в том, чтобы направить родителей к правильной организации семейного воспитания» [3;345].

В первые годы независимости Туркменистана была объявлена политика «10 лет процветания». Ее основная цель – сохранение процветания, единства и мира в стране в течение этого периода (10 лет) существования Туркменистана как независимого государства. Касаясь развития системы образования страны в рамках политики «10 лет процветания», первый президент Туркменистана С.А.Ниязов отметил: «Нашей стране необходимо научное, образованное, здоровое поколение, которое будет решать свою судьбу сейчас и в будущем. Это поколение необходимо сильной стране, мощному государству, мощной Родине. Отныне люди, работающие в сфере образования, должны подчеркнуть одну истину: образование, которое мы даем нашим детям, должно быть чистым как материнское молоко. Это образование должно быть образованием с туркменским духом и мировой цивилизацией» [4;4-5]. В том же выступлении Сапармурат Туркменбashi подчеркивает, что на руководителях государства лежит особая ответственность за развитие системы образования: «Самая важная и священная задача каждого руководителя Туркменистана не только в сфере образования, но и в других сферах – воспитание прекрасного поколения для страны» [4;6]. Кроме того, первый президент Туркменистана С.А.Ниязов, разъясняя содержание объявленной им новой политики в области образования, говорит: «Суть новой политики в области образования – это соответствие требованиям Конституции независимого Туркменистана, нациальному духу. Чаяния народа нашей страны и направление нашего будущего развития – это создание системы образования, которая связана с политическими, социальными и экономическими изменениями, происходящими в настоящее время, и способна повысить уровень культуры, воспитательной работы до уровня развитых стран мира» [4;7-8].

До 3 мая 1993 года школы в Туркменистане находились исключительно в государственной собственности. Благодаря новой образовательной политике были созданы условия для того, чтобы образовательные учреждения имели разные формы собственности. Первый президент Туркменистана С.А.Ниязов сказал об этом: «Теперь, согласно новой образовательной политике, учебные заведения могут открываться государством, министерствами, предприятиями, кооперативами и частными лицами» [4;8]. Причину перехода общеобразовательных школ с 10- на 9-летнее обучение он

объяснил так: «Согласно новой политике в области образования, мы ограничим срок среднего образования с 7 до 16 лет. Тогда обучение учащихся будет осуществляться по 9-летней программе вместо 10-летней, как сейчас, и общеобразовательные школы тоже будут 9-летними. У туркмен есть выражение «Девять орденов». Соответственно, мы будем читать лет девять-десять. В результате, когда юноши и девушки достигнут 16-летнего возраста, они одновременно получат паспорт гражданина Туркменистана и аттестат об окончании светской школы с общим образованием. После этого пусть наша молодежь получает высшее образование, если хочет, работает, если хочет, учится в ПТУ, если хочет, все пути жизни будут для нее открыты» [4].

В соответствии с новой образовательной политикой образовательные центры в Туркменистане организованы следующим образом:

- дошкольные учреждения;
- светские школы, дающие общее среднее образование;
- профессионально-образовательные учреждения;
- высшие учебные заведения и учебные заведения, присуждающие ученую степень [4;10].

Согласно новой образовательной политике, образование в общеобразовательных школах разделено на два уровня – программы «Соват» и «Билим». Программа «Соват» рассчитана на 4 года, программа «Билим» – на 5 лет, общий срок обучения – 9 лет. Основная цель программы «Соват» – научить школьников письму, чтению, арифметике, манерам и культуре речи. Программа «Билим» предназначена для предоставления специального образования в области различных наук. Из школьной программы были исключены уроки физкультуры и введены новые курсы: «Этикет», «История ислама и Корана», «Новый туркменский алфавит».

На момент объявления новой образовательной политики в общеобразовательных школах не хватало 1600 учителей. Здесь следует отметить, что формирование такой ситуации (в период до 1993 г.) связано с тем, что были допущены некоторые ошибки в управлении системой образования. Позитивным решением этой проблемы является превращение Министерства образования Туркменистана в штаб, который должен был обеспечивать все потребности государства в сфере образования. Также в соответствии с новой образовательной политикой высшие учебные заведения страны были переданы в ведение Министерства образования Туркменистана. Срок обучения в высших учебных заведениях был доведен до 4 лет (по медицинским специальностям сокращен до 5-6 лет). Профессионально-технические училища, которые были очень популярны в советское время, были закрыты и переданы высшим учебным заведениям. Был изменен порядок приема абитуриентов в высшие учебные заведения – они принимались на основе собеседования в велаятских центрах.

Еще одно новшество – ассоциация «Сенет» была открыта для улучшения системы образования в стране. Это государственное учреждение объединяет ряд школ двух направлений. Специалисты по ремонту телевизоров, холодильников, других электроприборов, используемых в домашнем хозяйстве, реставрации жилых домов и другие прошли подготовку в школах, обучающих профильным профессиям по первому направлению государственного объединения «Сенет», – 3-, 6-, 9-, 12-месячные курсы. В

то же время были открыты специальные 3-, 6-месячные и годичные курсы для молодежи, продолжающей традиции народных профессий. Отмечалось, что важно открыть курсы подготовки ковровщиц, ремесленников. По второму направлению государственного объединения «Сенет» в школах готовятся различные специалисты, которые будут работать в сфере электроэнергетики, машиностроения, переработки продукции, нефтегазовой отрасли, химической, легкой и пищевой промышленности.

Согласно новой политике в области образования было решено, что во всех образовательных учреждениях Туркменистана должно быть введено языковое обучение, а в будущем каждый гражданин Туркменистана должен знать 3 языка – туркменский, русский, английский. Также больше внимания уделялось изучению национальной истории, традиций предков, национального культурного наследия.

В соответствии с новой образовательной политикой вместо 10-летних школ советской системы образования, действовавших почти 70 лет, были созданы 9-летние туркменские национальные школы, основанные на новом содержании образования, новых планах, программах, учебниках. Эта концепция образования имела как преимущества, так и недостатки. Среди ее преимуществ, наряду с описанными выше, можно отметить то, что молодые люди имеют возможность окончить среднюю школу за короткий период времени (9 лет).

На наш взгляд, недостатками являются:

- несоответствие международной практике и стандартам. В настоящее время общее среднее образование составляет 11-12 лет в развитых странах мира и еще в 131 стране. По мнению ведущих ученых-педагогов, 9 лет недостаточно для овладения всеми знаниями, навыками и умениями, относящимися к общему среднему образованию;

- трудности планирования и адаптации содержания целей общего среднего образования к 9-летнему обучению;

- трудности реализации 9-летней общеобразовательной программы с практической точки зрения для физиологического, интеллектуального и эмоционального развития ребенка.

Здесь необходимо отметить, что учащийся пытается за 9 лет освоить те знания, которые он должен был освоить за 11-12 лет. Что это значит? Это признак того, что к такой важной сфере, как образование, подходят только с точки зрения экономии. Так, за годы независимости учебная программа 11-12-х классов осваивалась за 9 лет. В целях экономии средств в системе образования еженедельная нагрузка школьного учителя была увеличена до 30 часов. Уроки физкультуры были полностью исключены из программы общеобразовательной школы как «ненужные».

В целом «Новая образовательная политика», объявленная первым президентом Туркменистана С.А.Ниязовым 3 мая 1993 года, стала важным шагом в развитии сферы образования страны.

Сегодня система образования независимого государства Туркменистан достигла высокого уровня благодаря инициативам нашего Героя Аркадага, масштабным образовательным реформам, неустанным усилиям Президента Туркменистана Сердара Бердымухamedова. Комплексное развитие системы образования, укрепление ее материально-технической базы, вывод на новый качественный уровень – важный

приоритет национальной политики, инициированной Лидером нации туркменского народа и успешно продолжаемой Президентом Туркменистана Сердаром Бердымухамедовым.

В связи с этим особое значение придается совершенствованию системы высшего образования, направленной на формирование высококвалифицированных кадров для различных отраслей национальной экономики. Аркадаглы Герой Сердар в своей книге «Молодежь – опора Родины» пишет: «Мы считаем молодежь строителями будущего нашей дорогой Родины. Мы рассчитываем на молодое поколение нашей страны в достижении важных целей» [1;3].

Это свидетельствует о том, что в период Возрождения новой эпохи могущественного государства создаются все возможности для получения туркменской молодежью образования на мировом уровне, такая деятельность будет продолжена и в будущем.

ИСПОЛЬЗОВАННАЯ ЛИТЕРАТУРА:

1. Serdar Berdimuhamedow. Ýaşlar – Watanyň daýanjy. – Aşgabat: TDNG, 2023.
2. Gurbanguly Berdimuhamedow. Ömrümiň manysynyň dowamaty. – Aşgabat: TDNG, 2023.
3. Ruhnama 1-nji kitap. – Aşgabat, 2001.
4. Saparmyrat Türkmenbaşy. «Bilim» syýasaty. 1993-nji ýylyň 3-nji maýynda Türkmenistanyň bilim edaralarynyň işgärleriniň maslahatynda eden çykyşy. – Aşgabat: Ruh, 1998.
5. Şamyrat Haljanow. Garaşsyzlyk pedagogikasy. – Aşgabat: Ruh, 1995.



“МАКТУБОТИ АМИР ҲАЙДАР” (“АМИР ҲАЙДАР МАКТУБЛАРИ”) – БУХОРО МАНҒИТЛАР ҲУКМДОРЛИГИ ИҚТИСОДИЙ-СИЁСИЙ, МАЊНАВИЙ-МАЃРИФИЙ ҲАЁТИДАН ГУВОҲЛИК БЕРУВЧИ МАНБА

Аслиддин Умед ўғли ҲАМРОЕВ

ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Бухоро, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада Бухоронинг манғит сулоласи ҳукмдорларидан бўлган Амир Ҳайдарнинг тегишли жойларга юборган мактублари хақида фикр юритилган бўлиб, ушбу мавзу XIX аср Бухоро амирлигидаги ижтимоий, сиёсий жараёнлар, амирлик худудидаги аҳолининг аҳволини ўрганиш жиҳатидан долзарбdir. Мактубларни таҳлил килиш орқали Бухоро манғитлар сулоласининг ижтимоий, иқтисодий ва марифий ҳаёти хақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Таянч сўзлар: “Гулшанул мулук”, девонбеги, ўнбоши, доруға, Панжоб, кенагас, тўқсабо, мироб, меҳтар, Кийикчи, қипчоқ, чигатай, манғит.

“МАКТУБОТИ АМИР ҲАЙДАР” (“ПИСЬМА АМИРА ҲАЙДАРА”) – ИСТОЧНИК, СВИДЕТЕЛЬСТВУЮЩИЙ ОБ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ, ПОЛИТИЧЕСКОЙ, ДУХОВНО-ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОЙ ЖИЗНИ В ПЕРИОД ПРАВЛЕНИЯ БУХАРСКИХ МАНГИТОВ

Аслиддин Умед углы ҲАМРОЕВ

преподаватель

Бухарский государственный университет

Бухара, Узбекистан

Аннотация

В этой статье речь идет об отправленных письмах по соответствующим адресам одним из правителей династии мангитов в Бухаре Амиром Хайдаром. Эти письма интересны тем, что являются источником для изучения общественных, политических процессов в Бухарском эмирата, жизни населения в регионе. Путем анализа писем мы получаем ценные сведения об общественной, экономической и просветительской жизни династии бухарских мангитов.

Ключевые слова: “Гулшанул мулук”, девонбеги, унбоши, доруга, Панжоб, кенагас, туксабо, мироб, меҳтар, Кийикчи, кипчак, чигатай, мангит.

Мамлакатимиз дунё цивилизацияси чорраҳасида жойлашган бўлиб, бу минтақа

асрлар мобайнида Шарқ ва Ғарбни боғлаб, савдо, илм-фан ва маданиятнинг маркази бўлиб келган. Қадим тарихимиз машхур Римга тенгдош бўлиб, бу боқий замин улкан салтанатлар маркази, улуғ аллома ва мутафаккирлар, азиз авлиё зотлар камол топган юрт сифатида шуҳрат қозонди. Халқимиз ўз тарихида икки Ренессансни бошдан кечириб, бу тамаддун даврида жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторидан жой олгани барчамиз учун улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаб ўтганидек, “Бир ўйлаб кўрайлик, аждодларимиз бундай юксак чўққиларга қандай эришганлар? Улар, энг аввало, жаҳолатга қарши маърифат байроғини баланд кўтариб, ўз ақл-заковати ва салоҳиятини башарият яратган илм-фан ютуқларини чукур ўрганиш ва бойитишга бағишлигарлар.

Тан олиш керакки, биз ана шундай бебаҳо меросга қўпинча фақат тарихий ёдгорликка қарагандай муносабатда бўлиб келмоқдамиз. Бундай тенгсиз бойликни амалий ҳаётимизга татбиқ этишда бепарволик ва эътиборсизликка йўл қўймоқдамиз. Ваҳоланки, бундай ноёб мерос камдан-кам халқларга насиб этган. Биргина Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти фондларида сақланадиган 100 мингдан ортиқ нодир қўлёзмаларга дунё ахли ҳавас қиласи. Биз бу ҳақиқатни ҳар томонлама теран англашимиз зарур. Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-кувват ва илҳом бағишлилаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай рух билан суғоришимиз керак.

Дарҳақиқат, халқимизнинг бундай бой тарихий, илмий, маънавий меросини ҳар томонлама чукур ўрганиш, жаҳон афкор оммасига кенг таништириш тарихимизни ўрганиш соҳасидаги муҳим вазифалардандир. Шундай экан, миллий давлатчилигимиз тарихи ва бой маданиятимизга алоқадор бўлган ҳар қандай тарихий манбани тадқиқ этиш, уларни тўплаб, чоп этиб, халқимизни хабардор қилиш, буюк ва бетакрор меросимиз билан ўсиб келаётган ёш авлодни таништириш, уларни тарихий маданиятимизга муносиб этиб тарбиялаш давр талабидир.

Манғит амирларининг Бухорода ҳукмонлик қилган даври ниҳоятда мураккаб ижтимоий-сиёсий воқеаларга бойлиги билан фарқланади. Улар ҳукмонлиги йилларида ёзилган тарих китоблари ва бошқа соҳага мансуб асарлар орқали биз у даврга муносабат билдирамиз ва тарихий воқеаларга изоҳ берамиз. Бу асарлар муаллифлари манғит ҳукмдорларидан бўлса, янада ўзига хослик касб этади. Масалан, Муҳаммад Дониёлбийнинг ўғли Муҳаммад Яъқуб томонидан ёзилган “Гулшанул мулук” (“Шоҳлар гулшани”) асари ўша давр юқори ва зиёли табақанинг ижод маҳсулидир. “Мактуботи Амир Ҳайдар” гарчи мустақил асар ҳисобланмаса-да, Амир Ҳайдарнинг турли мансабдор, зиёли ва юқори мартабали шахсларга турли масалалар ва муаммолар юзасидан юборган мактублари сифатида ўша давр воқелигини ўзида намоён қиласи ва қимматли тарихий маълумотлар бериб, улар юзасидан хulosалар чиқаришга ёрдам беради.

“Мактуботи Амир Ҳайдар”нинг бир қўлёзма нусхаси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фондида № АР-5412 инвентар рақам остида сақланади. Мақолада мазкур қўлёzmани асос қилиб, Амир Ҳайдарнинг айrim мактубларида баён қилинган масалаларни тарихийлик юзасидан тадқиқ қилдик.

Асарнинг юқорида тилга олинган қўлёзмаси 138 варақ (276 бет)дан иборат бўлиб, кириш сўзларисиз, анъанавий муқаддималарсиз тўғридан-тўғри “1-мактуб”, “2-мактуб”

ва ҳоказо тартибда мактублар билан бошланган. Шубҳасиз, мактублар аслиятдан күчирилган бўлиб, уларга бирон изоҳ ҳам мавжуд эмас. Мактублар сони 279 тани ташкил этади. Ва бу амир Ҳайдарнинг барча мактубларини қамраб олмаган. Чунки 180-мактубни бошлишга белги қўйилган бўлса-да, матн кўчирилмаган. Демак, ҳали кўчирилмаган мактублар мавжуд бўлган, деган хуносага асос бўлади.

Мактубларнинг биринчиси Амир Ҳайдар даврида девонбеги мансабида ишлаган Муҳаммад Ҳакимбий девонбегига юборилган бўлиб, унда Мирзокул ўнбошини лавозимга қўйишни буюрган.

Иккинчи мактуб том маънода сиёсий мазмун касб этади. Бу мактуб ҳам Муҳаммад Ҳакимбийга юборилган бўлиб, унда Қарши беклигига қарашли бўлган бир неча худудга доруға тайинлаши лозимлиги қўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Панжоб қўрғонини мустаҳкамлаш, у ердаги аҳоли, айниқса, обрўли кишилар ва оқсоқоллар билан дўстона муносабатлар ўрнатиш лозимлиги, у жойдаги кенагас қавмини назоратда ушлаш шартлиги уқтирилган. Мактуб қуидагича бошланади:

زارفارس هن ااش داپ محرام زا گیب ن اوی د یب میکح دمحم ھلودلا دمت عم ھاگی اج ترا ما هان پ تزع
زا یوب تس ای شرق عبات میدق زا تనی ک ی غنی و میش اغروق و داب آن اخ و رج غ مکدین ادب هتشگ
دن ایش آ امشب با جن پ ای ارق ف دی درگ بوخ دین ک تسرد ار با جن پ نا غروق دین ام یم غوراد ی شرق
ن خس دی مدب اپورس دی اب شلاق سقا و بابرا زا ی ضعوب و دین ک ی نابرهم شلاق سقا و بابراب
[1] .. دین ام راغلی ا ناتدوخ زا با جن پ نا غروق رد دی یوگ ار ن ات بوخ

Таржимаси:

Иzzat эгаси, амирикда улуғ ўринга лойик, давлат таянчи Муҳаммад Ҳакимбий девонбеги. Подшоҳона марҳаматлардан сарафroz бўлган ҳолда шуни билингким, Ғажар, Хонобод, Қўрғошим, Янгикент қадимдан Қаршига қарашли жойлар бўлган. Бу жойларга Қашидан доруға тайинланг. Панжоб қўрғонини тузатинг. Панжобликлар билан яхши муомалада бўлинг. Ўзингиз билан ошно бўлган обрўли кишилари ва оқсоқолларига меҳрибонлик қўрсатинг. Улардан баъзиларига сарполар беринг. Яхши гапингизни аяманг. Панжоб қўрғонига ўзингиздан илғор қўшин жойлаштиринг...

Хатнинг давомида кенагаслардан хабардор бўлиш, уларни назоратдан четда қолдирмаслик тўғрисида ёзилган. Бу ишга енгил қараган Баротбек тўқсобага огоҳлантириш бериш лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, амирни вазиятдан хабардор қилиб туриш топширифи берилган. Мактуб санаси 1215 (1800) йил.

Мазкур мактубдаги санадан англаш мумкинки, 1800 йил бу амир Ҳайдарнинг таҳтга чиққан йили бўлиб, бу хат унинг подшоҳ сифатидаги ilk мактубларидан биридир. Мактубнинг мазмунидан манғитлар кенагасларни доимий назоратда ушлаб туришгани маълум бўлади.

“Мактуботи Амир Ҳайдар“даги кейинги мактуб майший мазмунда кўринса-да, сиёсий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бу хат орқали биз олий сиёсий доиралардаги меҳмондўстлик намунасини топамиз. Мактуб Бухорога кўчиб келаётган юқори мартабали бийларга қандай муносабатда бўлиш ҳақидаги топшириқдан иборат:

هن ااش داپ محرام ی گیب ن اوی د میکح و یب کبزاین ن ادمت عم ن اردق مدوتس ن اهان پ تزع و ترا ما
یم فیرش یاراخب ھدیچوک یب کب تسود هان پ ترا ماردارب کب لداع مکدین ادب ھدوب زارفارس
لمع یل اع ن امرف قفاوم دی این عن ام ن ای امش دن ای دیچوک دوخ ھدآ و د مدآ کی هارمه هیل ای موم دن ای
1215 [2] مکیل ع مالسل ا دن ای امن

Таржимаси:

Амирликнинг иззатга лойиқ, қадри баланд ишонган кишилари Ниёзбек ва Ҳаким девонбеги. Подшоҳона марҳаматлардан сарафroz бўлган ҳолда билингларким, амирликнинг ҳурматли кишиси Дўстбекбийнинг туғишган иниси Одилбек Бухоройи шарифга кўчиб келмоқда. Ёнига ҳамроҳ қилиб, бир икки одамини олиб келса, сизлар монеълик қилманглар. Фармони олийга мувофиқ иш кўрилсин. Ассалому алайкум 1215 (1800й.).

Мактублар мазмуни билан танишиб борилса, улар жуда кўп масалалар юзасидан ёзилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан, ўша даврдаги ижтимоий муаммолардан саналган порахўрлик, нотўғри йигимларга давлат амирининг муносабати билдирилган мактублар ҳам учрайди. 11-рақам билан келган мактубда Амир Ҳайдарнинг миробнинг фуқаролардан ноҳақ пул йиққанига муносабати ва юборган фармонининг гувоҳи бўламиз. Мактуб қўйидагича:

هتشگ زارفارس هن اهش داپ محارم زا یگیب ناوید میکح دمحم یردق هدوتس دمتعم هانپ تزع
ارارقف لپ مدرک سبج ارروکذم باریم تسا مدوب هتفرگلپ هجویب ارقف زاباریم رظن مکدن ادب
مکیل عمالسل 1216 من دن دیزرون فالخ دنیامن لمع یل اع رما قفاوم دیهدب ارقفب هدین اریگ

Таржимаси:

Иzzат соҳиби, ишончли, қадри баланд Муҳаммад Ҳаким девонбеги. Подшоҳона марҳаматлардан сарафroz бўлган ҳолда билсингларким, Назар мироб фуқаролардан ҳеч бир сабабсиз пул олган. Мазкур мираб ҳибсга олинсин ва фуқароларнинг пуллари уларга қайтариб берилсин. Амри олийга мувофиқ иш қилинсин, хилоф қилинмасин. 1216 (1801). Ассалому алайкум.

Мактуб орқали биз Амир Ҳайдарнинг бу ҳодиса мамлакатнинг қайси худудида бўлганидан қатъи назар, халқ орасидаги гап-сўзлардан, мамлакатда кечаётган жараёнлардан, оддий халқ, кичик мансабдорлар ҳаётидан воқиф эканлигини кўрамиз.. Шунингдек, амирликнинг ички сиёсати жамиятнинг қуий бўғинларигача борганлиги маълум бўлади.

Бундан ташқари, мактублар орасида кичик мансабдорлар ўртасида бўлиб ўтган савдо-сотиқ, қарздорлик масалаларигача саройга маълум бўлган мисоллар учрайди. Масалан, 39-мактубда ер олди-сотдисидаги келишмовчиликни ҳал қилиш тўғрисида қозига топшириқ келган бўлса, 41-мактубда ҳовли олди-сотдисидаги қарздорликни тугатиш тўғрисида бўйруқ қелади.

Биз мактублардан амирликдаги савдо-сотик масалаларига амирнинг муносабати тўғрисидаги маълумотларни ҳам топамиз. 48-мактубда Амир Ҳайдар ўша пайтда меҳтар лавозимида ишлаб турган Муҳаммад Ҳакимбийга Шахрисабзга одам юборишни ва у жойдаги ҳалқ ва савдогарлар ҳақида маълумотларни киритишни сўраган.

Амир Ҳайдар мактублари айни пайтда Марказий Осиё, айниңса, Бухоро амирлиги раияти сифатида яшаб келган кенагас, қипчоқ, чигатой, манғит ва бошқа турли халқлар, уруғлар түғрисида, шунингдек, ўша даврдаги жой номлари, кичик шаҳарлар ва қишлоқлар, ариқлар, дарёлар, касб-кор ва лавозимлар, ҳарбий, илмий, диний унвонлар ҳақида маълумотлар берувчи муҳим манба ҳисобланади. Масалан, 87-мактубда Муҳаммад Ҳакимбий девонбегига Кийикчи жамоасини солиқдан озод эканлиги эслатилган. мактуб матни қуидаги:

هن اور سخ محارم زا ی گی ب ناوی دیب می کح دم حم ی دمت عم ہاو ختل لود ہا گی اج ترا مہان پ تزع
ھ جو زا ی چکی کھ عام ج ھ ک می دوب ھدر ک شی امرف امشب مہن ی زا لب ق ھک دن ن ادب دی دوب زار ف ارس


هرق و غىلىس ھجو زا ار ھروكىدم ھعامج مه الاح مک دى اب دن شاب فاعم ئلىوا قا و كىرىچ هرق و غىلىس
اھن آزا ھتھىگ غىلىس رگا و دىزاسن بىلەت ئىزىچ امن آزا ھجۇنىزا ھتسناد فاعم ئلىوا قا و كىزچ
[3] مكىلىع مالسلما دنىامن لمع ئىلاع نامرف قفاصىم دىھدب مدىنادرگ دىشاب ھتھىگ ئىزىچ

Таржимаси:

“Иzzat эгаси, амирликда улуғ ўринга лойик, ишончли давлатхоҳ Муҳаммад Ҳакимбий девонбегига. Хусравона марҳаматлардан сарафroz бўлиб, билсинларким, Сизга бундан олдин ҳам кийикчи жамоасининг солиғ, қарачерик ва оқ уйлидан озод бўлиши қераклиги тўғрисида фармойиш берган эдик. Ҳозир ҳам мазкур жамоа солиғ, қарачерик ва оқ уйлидан озод деб билиб, улардан бирон нарса талаб қилмагайсиз. Ва агар солиғ деб бирон нарса ундирилган бўлса, қайтариб бергайсиз. Фармони олийга мувофиқ амал қилинсин. Ассалому алайкум”.

Мазкур мактубда тилга олинган кийикчи жамоаси, ўзбекнинг тўқсон икки уруғидан бири бўлса, солиғ, қарачерик, оқ уйли каби турли йигим ва жазо турларидан бўлганлиги маълум бўлади.

Мактуботда амирлик мансабдорлари билан боғлиқ кўнгилсиз воқеалар тўғрисида ҳам маълумотлар учрайдики, бу орқали биз амирликдаги ижтимоий-маънавий ҳолатга ҳам баҳо беришимиз мумкин. Масалан, 96-мактубда Муҳаммад Ҳакимбийга Қаршидан Бухорога кўчиб келаётган Бек Темурбек Қатағоннинг моллари зўравонлик билан тортиб олингани ҳақида айтилиб, тортиб олганлардан Қурбонбек деган шахс моллар учун ўн бир ашрафий тилла бермоқчилиги, уни чақиртириб, суриштирув қилиш, агар муаммо туғилса, ишни қозихонага ўтказиб, пулни ундириб бериш ҳақида кўрсатма берилади.



“Мактуботи Амир Ҳайдар”ни тадқик қилиш халқимиз тарихини ҳар томонлама ўрганишда катта аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Мактуботи Амир Ҳайдар. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. № AP-5412, 2 (а,б.) бетлар.
2. Мактуботи Амир Ҳайдар. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. № AP-5412, 2- (б.)-3-(а) бетлар.
3. Мактуботи Амир Ҳайдар. Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти. № AP-5412, 2(б.)-37-(а,б) бетлар.

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



ЭСЕРЛАР ПАРТИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТАРИХИДАН (1901 – 1924 й.)

Бахтиёр САФАРОВ

мустақил тадқиқотчи

ЎзР ФА Тарих институти

Тошкент, Ўзбекистон

BaxtiyorSafarov@mail.ru

Аннотация

Мақолада эсерлар (социалист-революционерлар) партиясининг ташкил топиши, фаолияти, сиёсий мақсадлари, партиянинг бўлиниши, унинг Туркистон ўлкасидағи фаолияти, аъзолар ўртасидаги зиддиятлар ҳамда партиянинг тугатилиши сабаблари хақида тўхтаб ўтилган.

Таянч сўзлар: партия, эсер, большевик, социалист-революционерлар, максималист, демократия, инқилоб, чекист.

ИЗ ИСТОРИИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРТИИ ЭСЕРОВ (1901 – 1924 г.)

Бахтиёр САФАРОВ

Независимый исследователь

Институт истории АН УзР

Ташкент, Узбекистан

BaxtiyorSafarov@mail.ru

Аннотация

В статье говорится об основании эсеровской партии социал-революционеров, их деятельности, политических целях, о ее разделении, о деятельности партии в Туркестане, внутрипартийных разногласиях, а также о причинах завершения деятельности партии эсеров.

Ключевые слова: партия, эсеры, большевик, социал-революционер, максималист, демократия, революция, чекист.

Россиядаги социалист-революционерлар партияси аъзолари тарихий манбаларда кўпроқ эсерлар номи билан тилга олинади. Эсерлар партияси 1901 йил охирида ташкил топди. Улар Россиядаги дехқонлар манфаатини ифодалаган. Россияда эсерлар партияси раҳбарлари В.М.Чернов, А.Ф.Керенский, Н.Д.Авксентев, А.Р.Готс, В.М.Земзинов ва бошқалар бўлган. Эсерлар Россиядаги демократик кучларнинг сўл қанотига мансуб бўлиб, Россиядаги турли “народник”лик гурухларининг ўзаро бирлашиши таъсирида вужудга келган эди.

Улар 1917 йил февралгача Россия империясида яширин ҳолатда фаолият кўрсатишган. Эсерлар партиясининг марказий нашри “Дела народа” (“Халқ иши”) газетаси бўлиб, у 1917 – 1918 йилларда чоп этилган. 1917 йил февраль инқилобидан кейин эсерлар партиясида 500 000 нафар аъзо бўлиб, улар Россиянинг 63 та губерниясида, ҳаракатдаги

күшинлар сафида фронтда ва флотда иш олиб борган. Эсерлар 1917 йил баҳори – ёзида Россияда меньшевиклар ва кадетлар партиялари билан иттифоқ тузиб, мамлакатда хукмрон партиялардан бирига айланганди. Россиядаги эсерлар партияси ичида турли зиддиятлар бўлган. Бу зиддиятлар, хусусан, биринчи рус революцияси (1905 – 1907 й.) ҳамда Биринчи жаҳон уруши (1914 – 1918 й.) даврида кучайиб, партиядан 1906 йили ҳалқ социалистлари ва максималистлар партиялари, 1917 йил ноябрда сўл эсерлар партияси ажралиб чиқди. Сўл эсерлар 1917 йил 25 октябрь (7 ноябрь)да Петроградда ҳокимиятни зўравонлик билан босиб олган большевиклар билан иттифоқ туздилар. Бу пайтда большевиклар ҳам тактик мақсадларини кўзлаб, сўл эсерлар билан ҳокимиятни вақтинчалик бўлишди. Большевиклар қолган эсерларни “ўнг эсерлар” деб атаб, уларни шафқатсиз қатағон қилишга киришди.

Сўл социалист-революционерлар (интернационалистлар) партияси аъзолари тарихий манбаларда сўл эсерлар деб номланади. Биринчи жаҳон уруши йилларида эсерлар партиясининг бир гуруҳ йўлбошчилари бўлган Б.Д.Камков, М.А.Натансон, М.А.Спиридонова ва бошқалар урушга қарши чиқиш, Россия империяси расмий сиёсатига муҳолифатда бўлишган. Февраль инқилобидан кейин улар Москвада 1917 – 1918 йилларда нашр этилган “Земля и воля” (“Ер ва эрк”) газетаси атрофида бирлашдилар. Москвада 1917 йил 25 май – 4 июнда бўлиб ўтган эсерлар партиясининг III съездидан улар алоҳида дастур билан чиқиб, эсерлар партияси Марказий Комитетининг учта асосий сиёсий қоидасига қуидагича қарши чиқдилар: урушни империалистик хусусиятини эътироф этиш ҳамда зудлик билан урушни тўхтатиш ва Россиянинг жаҳон урушидан чиқиб кетишини тамиллаш; аксилинқилобчи Муваффақ хукумат билан эсерлар ҳамкорлигини тўхтатиш; ер ҳақидаги масалани эсерлар дастури асосида “социализация” йўли билан тез ҳал қилиш ҳамда крестианлар (дехқонлар)га белгиланган нормада ерни тақсимлаб бериш. Кейинчалик сўл эсерлар кадетлар билан иттифоқка ҳам қарши чиқдилар ва большевикларга яқинлашдилар. В.И.Ленин бошчилигидаги совет хукумати ўзининг Тинчлик ва Ер тўғрисидаги дастлабки декретларидағи асосий ғояларни сўл эсерларнинг юқоридаги фикрларидан олган эди.

1917 йил 25 – 27 октябрь (янги ҳисоб билан 7 – 9 ноябрь)да бўлиб ўтган Бутунrossия Советлари II съездидан сўл эсерлар большевиклар томонидан таклиф қилинган декретлар учун овоз беришди ҳамда Бутунrossия Марказий Ижроиа Қомитаси (ВЦИК) таркибиға киришди. 1917 йил 26 ноябрь – 5 декабрь (9 – 18 декабрь)да бўлиб ўтган эсерлар партиясининг IV съездидан сўл эсерлар партиядан ўчирилади. Улар 1917 йил 19 – 28 ноябрь (2 – 11 декабрь)да Петроградда бўлган ўзларининг I съездидан мустақил сўл эсерлар партиясига асос солиши (1918 йил июлда партия аъзолари миқдори 80 000 кишидан ошиб кетди). Сўл эсерлар партиясининг марказий нашри “Знамя труда” газетаси (1917 – 1918) ҳамда “Знамя” журнали (1919 – 1922) бўлди. Россиядаги сўл эсерлар партияси лидерлари Спиридонова, Камков, Натансон, Мстиславский ва бошқалар ВЦИК Президиуми аъзолигига сайланди (1917 йил ноябрь – 1918 йил март). Улар 1917 йил декабрда РСФСР Халқ Комиссарлари Совети (СНК) таркибиға ҳам “портфелсиз министрлар” сифати билан киритилди (А.Колегаев, И.Штейнберг, П.Прошиян, В.Трутовский, В.Алгасов, В.Карелин ва б.). Бироқ сўл эсерлар 1918 йил марта имзоланган Брест сулҳига қарши чиқиб, большевиклар билан бу масалада қаттиқ тортишиб қолдилар. Сўл эсерлар норозилик билан совет хукумати таркибидан чиқиб кетишид². Совет хукумати раҳбари ва большевиклар партияси доҳийси В.И.Ленинга қилинган сунқасд ҳамда большевикларнинг бошқа сиёсий партияларга нисбатан қатағон

сиёсати Россиядаги бу икки сиёсий кучларни бир-бирига қарама-қарши қўйди.

1918 йил июлда Москвада кўтарилиган сўл эсерлар исёни большевиклар томонидан шафқатсиз равишда бостирилди. Сўл эсерлар партияси раҳбарларидан 13 нафари чекистлар томонидан отиб ташланди. 1918 йил 27 ноябрда олий инқилобий трибунал хукми билан исён қатнашчилари бўлган сўл эсерлар Марказий Комитетининг 9 нафар аъзоси Прошиян, Камков, Карелин, Блюмкин, Андреев, Спиридонова, Саблин 1 йил муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Бироқ ВЦИК Президиумининг 1918 йил 21 ноябрдаги қарори билан “уларнинг инқилоб олидаги хизматларини ҳисобга олиб” амнистия этилди.

Большевикларнинг субутсиз ва маккорона сиёсати, уларнинг ҳалққа қарши қаратилган ишлари сўл эсерларни ҳам улардан ҳафсаласи пир бўлишига олиб келди. Сўл эсерлар партиясининг 1918 йил 2 – 7 октябрда Москвада бўлиб ўтган IV съезди большевиклардан ҳоли “ҳақиқий совет тузуми” ўрнатилишини талаб қилди. Бу ҳолат большевикларни янада қаттиқ ғазаблантириди. Большевикларнинг турли айгоқчилари ва чекистлар сўл эсерлар партиясини ичдан емиришга, партия лидерларини бир-бирига қарши қўйишга харакат қилди. Партиянинг етакчisi Мария Александровна Спиридонова (1884 – 1941) билан Марказий Комитет аъзолари ўртасида 1919 йил ёзида катта келишмовчилик туғдирилди. Бунинг натижасида М.Спиридонова сиёсий кураш майдонини тарк этди. Штейнберг бошчилигидаги Марказий ташкилий бюро совет ҳукумияти билан ҳамкорлик қила бошлади. 1920 йил октябрда совет ҳукумати сўл эсерларнинг қўпчилик қисмига очик фаолият кўрсатишга вақтинча рухсат берди. Камков бошчилигидаги озрок сўл эсерлар яширин фаолиятга ўтиб, Маҳно ва Антонов бошчилигига Украина ва Тамбовда совет ҳукумиятига қарши кўтарилиган қўзғолонларда ғоявий раҳнамолар сифатида қатнашилар. 1921 йилидаги Кронштадт исёнидаги матрослар орасида улар ҳам бўлган. Сўл эсерлар раҳбарлари максималистлар билан биргаликда 1922 йил сентябрда «Сўл эсерлар партияси ва социалист-революционерлар максималистлар бирлашган иттифоқи»ни туздилар. Бу сиёсий куч Россияда большевиклар томонидан 1923 йилда бутунлай туғатилди.

Туркистон ўлкасида эсерлар партиясининг дастлабки фаолияти XX аср бошлариiga тўғри келади. Тарихчи М.Г.Маликовнинг ёзишича, Туркистонда эсерлар партиясининг биринчи гурухлари 1903 йилда ташкил топган. 1917 йил сентябрда эсерлар партиясидан сўл эсерлар гурухи ажralиб чиқкан. Туркистондаги сўл эсерлар партияси октябрь тўнташидан кейин большевиклар билан ҳамкорлик қилган. Бу ҳолат 1919 йил июлгача давом этади.

Туркистонда эсерлар партиясининг тузилиши Россиянинг марказий губернияларидан бу ерга сургун қилинган сиёсий маҳбуслар билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Народниклик ғоялари билан Россиядаги самодержавиега қарши курашаётган кўплаб инқилобчилар ўша пайтда Туркистон ўлкасига сургун ва бадарға қилинган. 1902 – 1903 йилларда Туркистоннинг йирик шаҳарларида сиёсий маҳбуслар, талабалар ҳамда миллий зиёлилар томонидан яширин равишида турли сиёсий гурухлар тузилиб, улар эсерлар партиясига бирлашдилар.

Архив хужжатларида келтирилишича, 1904 йили Тошкент ва Самарқандда «Социал демократлар ва социалист-революционерларнинг иттифоқ гурухи» ташкил қилинган. 1904 йили сентябрда Ашхабод (ҳозирги Ашхабод) шаҳрида Л.Стабровский эсерлар гурухини ташкил қилади. 1905 йили Верний (ҳозирги Олмаота) шаҳрида «Революционер-социалистларнинг Семиречье (Еттисув) гурухи тузилди». Гурух таркибига социал-

демократлар ва эсерлар киради.

Биринчи рус инқилоби йилларида Туркистанда социал-демократик ғоялар заифлашди, кўпчилик РСДРП сафларини тарқ этди. Россия империясининг қатағон сиёсати, хусусан, 1907 йили июнь ойида Тошкентда махсус ташкил этилган Туркистан район муҳофаза бўлими (чор охранкаси)² уларни шафқатсиз жазолади. Бироқ бу пайтда Туркистан аҳолисининг асосий қисми бўлган дехқонлар манфаатини ҳимоя қилаётган эсерлар партиясининг обрўси ошди.

Эсерлар партияси сафларига сургун қилинган сиёсий маҳбуслар ва Туркистанда яшовчи европаликлардан ташқари, улар ичида Россиядан кўчирилган рус мужиклари ҳам кўпчилик бўлган, туб аҳоли вакиллари (ўзбеклар, қозоқлар, тожиклар, туркманлар, кирғизлар) ҳам бор эди.

Тарихий манбалар ва архив хужжатларининг гувоҳлик беришича, 1906 йили Тошкент, Кўқон ва Ашхабодда эсерлар партиясининг комитетлари тузилди³. Туркистонга Россия марказидан эсерлар партияси Марказий Комитетининг русча нашр этилган газеталари умумий нусхаларда келиб турган.

Туркистондаги эсерлар партиясига қишлоқда яшовчи дехқонлар билан бир қаторда Россиядан кўчириб келтирилган рус мужиклари, шаҳардаги турли табақаларга мансуб биржуазия вакиллари, ишчилар ва армиядаги солдатлар аъзо бўлиб кирган. XX асрнинг 10 йилларига келганда эсерлар партияси аъзолари Туркистондаги энг оммавий сиёсий куч сифатида тарих саҳнасига чиқди. Кейинчалик Туркистан, Бухоро ва Хоразмдаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндлари бўлган айрим тарақкийпаварлар ва миллий коммунистларнинг кўпчилиги (Саъдуллоҳхўжа Турсунхўжаев, Обиджон Маҳмудов, Усмон Ҳўжа, Отаулло Ҳўжаев, Пўлат Солиев, Абдулқодир Муҳитдинов, Назир Тўрақулов, Низомиддин Ҳўжаев ва б.) ҳам дастлаб эсерлар ёки сўл эсерлар партияси аъзолари бўлган эди.

Бироқ, 1911 йили Россия империясининг Туркистан ўлкаси генерал-губернаторлик маҳкамаси ҳамда охранка сиёсий идораси Тошкент, Самарқанд, Кўқон, Янги Марғилон, Ашхабод ва бошқа шаҳарлардаги эсерлар партияси аъзоларига кучли зарба беради¹. Туркистан эсерлари Биринчи жаҳон уруши даврида рус империяси маъмурини томонидан яна қатағон қилинади.

Февраль инқилоби ғалабаси натижасида Туркистанда ҳам эсерлар партияси фаолиятида янги босқич бошланади. Эсерларнинг Туркистан шаҳарларидағи таъсири Россиянинг илғор районларидағига қараганда анча кучли бўлди. Улар 1917 йил майда Тошкентда ўз сўзларини ўтказиб, ўлка органларини туздилар. Эсерлар Туркистондаги Ишчи ва солдат депутатлари советлари ҳамда Дехқон депутатлари советларида ҳам кўпчиликни ташкил этдилар ва ўлқадаги Муваққат хукумат органлари сиёсатини қўллаб-кувватладилар.

1917 йил ёзида Туркистан эсерлари сафида 5000 кишидан кўпроқ азо бўлиб, улар минтақадаги энг обрўли ва нуфози катта сиёсий куч бўлган. Бу пайтда Россиянинг марказий шаҳарлариига нисбатан Туркистан шаҳарларида эсерлар аҳоли ўртасида кучли мавқега эга бўлган. Тошкентда социалист-революционерлар партиясининг махсус типолитографияси фаолият кўрсатган. Масалан, 1917 йил августда ушбу типографияда Россиядаги Турк федералистлар партиясининг программаси ўзбек ва рус тилларида нашр қилинган.

Хуллас, Туркистанда эсерлар 1917 йил март – сентябрь ойлари давомида Тошкент шаҳри ҳамда бошқа йирик шаҳарлардаги Советлар таркибида менышевиклар билан

биргаликда кўпчиликни ташкил қилган. Эсерлар партияси таркибидан сўл эсерларнинг расмий равища ажралиши ҳам Россия марказий шаҳарлари Петроград ва Москвага қараганда Туркистоннинг ўша пайтдаги сиёсий ва иқтисодий маркази Тошкентда анча ерда юз берган.

Туркистон ўлкасида эсерлар партиясининг бўлиниши 1917 йил 10 сентябрь куни тўғри келади. Тарихий адабиётларда кўрсатилганидек, шу куни партияниң Тошкент бўлими йигилишида И.И.Черневский бошчилигидаги сўл эсерлар ўзларини ўнг эсерлардан ажралиб чиққанликларини эълон қилишди. Туркистонда ҳам сўл эсерлар тобора большевикларга яқинлаша бошлади. Ўнг эсерлар таркибида юқори мансабдаги амалдорлар ва зобитлар, буржуазия вакиллари қолишли.

1917 йил сентябрь ойидан бошлаб меньшевикларда ҳам, эсерларда ҳам сўл қанот тобора аниқроқ ажралиб чиқади: булар илгари майда буржуазия мафкураси таъсирига тушиб қолган ишчиларининг бир қисмидан, шаҳар ва қишлоқ ярим пролетарларидан ҳамда инқилобий-демократик интеллегенция вакилларидан иборат меньшевик-интернационалистлар, сўл эсерлар, максималистлар эди. 1917 йил сентябрда Туркистонда сўл эсерлар аслини олганда мустақил сиёсий партия бўлиб ажралиб чиқдилар. Бу партия буржуазия билан коалиция тузишга қарши бўлиб, дарҳол катта ерли дехқон эгалигини тугатишини ёқлаб чиқади. Тошкентда 1917 йил 1 ноябрда ҳокимиятни большевиклар зўравонлик билан босиб олиши. Бироқ уларнинг минтақада нуфузи бу пайтда заиф бўлиб, дастлабки совет ҳукумати таркибига большевиклардан ташқари сўл эсерлар ва меньшевиклар ҳам киришган. 1917 йил 15 – 22 ноябрда Тошкентда бўлган Ишчи, солдат ва дехқон депутатларининг III ўлка съездидаги ҳокимият масаласида кизгин мунозаралар бўлди. Большеивиклар билан сўл эсерлар ортасидаги келишувга мувофиқ ҳукумат таркибидаги 8 ўрин сўл эсерлар ва 7 ўрин большевиклар билан максималистларга берилиди. Совет Россияси (РСФСР)дан фарқли равища Туркистондаги дастлабки совет ҳукуматида большевикларга нисбатан сўл эсерлар кўпчиликни ташкил қилди. Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (ХКС) раиси сайланди. Бироқ Туркистон ўлкасидаги дастлабки совет ҳукумати таркибига маҳаллий аҳолидан биронта ҳам вакил киртилмади.

«Туркестанские ведомости» газетасида ёзилишича, Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети таркибига қуйидаги 15 киши киртилган: Ф.И.Колесов – ХКС раиси ҳамда темир йўллар, почта ва телеграф халқ комиссари; В.В.Залесский – ХКСнинг иккинчи раиси ҳамда ташқи ишлар ва армия халқ комиссари; П.В.Чегодаев – котиб; Э.Д.Перфильев ва Сташков – иккита ҳарбий халқ комиссарлари; П.Г.Полторатский – меҳнат халқ комиссари; Пермезский – маориф халқ комиссари; Ф.С.Баранкин – соғликни сақлаш халқ комиссари; Домогатский – ер ишлари халқ комиссари; Котельников – молия ва иккинчи озиқ-овқат халқ комиссари; Л.Д.Шевцов – сувдан фойдаланиш халқ комиссари; А.А.Казаков — озиқ-овқат халқ комиссари; В.Э.Агалов – фуқаролик қисмлари ва маъмурият халқ комиссари; В.С.Ляпин – савдо ва саноат халқ комиссари; К.Я.Успенский – маҳсус топшириклар бўйича халқ комиссари.

Тарихчи П.П.Никишовнинг ёзишича, бу «халқ комиссарлари»дан Залесский, Чегодаев, Перфильев ва Сташков, Пермезский, Баранкин, Домогатский, Успенский, Котельников, Шевцов сўл эсерлар ҳамда меньшевик-интернационалистлар партиясининг аъзолари бўлишган.

Хуллас, Туркистон ўлкасидаги сўл эсерлар совет ҳокимиятининг дастлабки даврида – 1917 йил ноябридан то 1919 йил баҳоригача большевиклар билан ҳамкорлик қилишган. Уларнинг ҳамкорлиги жуда қисқа вақт давом этиб, пировардида, большевиклар

ўзларининг «иттифоқчилари» бўлган сўл эсерларни сиёсий ҳокимият учун курашда янчиб ташлади. Туркистонда сўл эсерлар билан большевиклар ўртасидаги 15 ойлик «ўзаро ҳамкорлик ва иттифоқ» келгуси алоҳида тадқиқот мавзуи ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Абдуллоев Р. Национальные политические организации Туркестана в 1917 – 1918 годы. 1-е издание. – Ташкент: Adabiyot uchqunlari, 2016. – 284 с.
2. Гусев К.В., Полушкина В.А. Стратегия и тактика большевиков в отношении непролетарских партий. – Москва: Политиздат, 1983.
3. Маликов М.Г. Крах партии левых эсеров Туркестана: автореф. дисс... канд. ист. наук. – Ташкент, 1967.
4. Никишов П.П. Из истории краха левых эсеров в Туркестане. – Фрунзе: Кыргыстан, 1965.
5. Пакунова.Т.А. Партия левых социалистов-революционеров (интернационалистов): идеология, организация, тактика (ноябрь 1917 – 1923 гг.): автореф. дисс... канд. ист. наук. – Москва, 1998. – 26 с.
6. Ражабов К., Ҳайдаров М. Туркистон тарихи (1917 – 1924 й.). – Тошкент: Университет, 2002.
7. Rajabov Q. Turkiston Muhtoriyati tarixi. – Toshkent: Fan, 2023.
8. Совет; Советлар // Ўзбек совет энциклопедияси. Том 10. – Тошкент: Ўзбек совет энциклопедияси, 1978.
9. O’zbekiston Milliy arxivi, I-1-fond, 31-ro’yhat, 400-ish, 48-varaq.
10. O’zbekiston Milliy arxivi, I-461-fond (Turkiston rayoniy oxrana bo’limi), 1-ro’yhat, 1-ish, 1-5-varaqlar.
11. O’zbekiston Milliy arxivi, I-128-fond, 1-ro’yhat, 1183-ish, 1-4-varaqlar; I-1-fond, 31-ro’yhat, 395-ish, 42-varaq.
12. O’zbekiston Milliy arxivi, I-133-fond, 1-ro’yxat, 254-ish, 1-80-varaqlar.
13. O’zbekiston Milliy arxivi, I-461-fond, 1-ro’yhat, 981-ish, 141-153-varaqlar.
14. Ўрта Осиё коммунистик ташкилотларининг тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 1969.



MUZEY TUSHUNCHASI HAMDA JAHONDAGI ILK MUZEYLAR TARIXI

Nozima Ulug’bekovna MINGBAEVA

assistant

Andijon qishloq xo’jaligi va agrotexnologiyalar instituti

Andijon, O‘zbekiston

Annotatsiya

Ushbu maqolada muzey tushunchasining tub mohiyati, mazmuni hamda dastlabki dunyo muzeylari haqida ma’lumot beriladi.

Tayanch so‘zlar: jonli ertaklar,muzey, muzalar uyi, Ptolomey I,“nozik didlilar”, Iskandariya kutubxonasi, museyon, Britaniya muzeyi, Xalqaro muzeylar kengashi, Xalqaro muzey kuni.

КОНЦЕПЦИЯ МУЗЕЯ И ИСТОРИЯ ПЕРВЫХ МУЗЕЕВ В МИРЕ

Нозима Улугбековна МИНГБАЕВА

ассистент

Андижанский институт сельского хозяйства и

агротехнологий

Андижан, Узбекистан

Аннотация

В данной статье представлена информация о сущности понятия музей, его содержании и зарождении музеев в мире.

Ключевые слова: живые сказки, музей, дом муз, Птолемей I, «тонкие вкусы», Александрийская библиотека, музей, Британский музей, Международный совет музеев, Международный день музеев.

«Muzeun» – bu go‘zal buyumlar saqlanadigan, ilhom parilari to‘planadigan joy, degan ma’noni anglatadi. Shuningdek, «moziy» so‘zining «muzey» atamasiga monand ekanligini ham e’tirof etish kerak. «Moziy» so‘zining lug‘aviy ma’nosini tarix, o‘tmish degan mazmunni anglatadi. Muzeylar ham vazifasiga ko‘ra tarixni, o‘tmishni namoyish qilish bilan avlodlarga bilim beradi. Shunday ekan, muzeylar tarixdan saboq beradi, u xalqning asrlar davomida qo’lga kiritgan yutuqlari, ilm-ma’rifatga qo’shgan hissasi haqida ma’lumot beradi, ko‘rgazmali, ishonchli, ilmiy asoslar bilan insoniyatga ma’rifat tarqatadi, desak xato bo‘lmaydi.

Muzeylar orqali tarixiy va madaniy merosiga bo‘lgan munosabat ifodalanadi. Muzeylarda moddiy va ma’naviy madaniyat yodgorliklarini to‘plash va namoyish etish barobarida ilmiy-ma’rifiy hamda ta’limiy-tarbiyaviy yo‘nalishdagi ishlar ham olib boriladi. Muzeysunoslik bugungi kunga kelib o‘zining muayyan faoliyat turiga ega soha. Ya’ni muzeylar turli to‘plamlarni butlaydi va o‘rganadi. Ilmiy hujjatlarni tayyorlaydi, muzey ashyolarini

saqlash va ta'mirlash tartibini yaratadi, monografiya, katalog, yo'l ko'rsatkichlarini nashr etadi. Zamonaviy muzeyshunoslik ishlab chiqqan ilmiy usul va metodologiya asosida ekspozitsiyalarda ilmiy tashviqotlar olib boradi. Siyosiy, ilmiy, madaniy, iqtisodiy ehtiyojlarni qondiruvchi muzeyning paydo bo'lish tarixi esa olis davrlarga borib taqaladi.

Muzey tushunchasi ilk bor XV asrda kirib kelgan. Avval muzey deb antik yodgorliklar to'plami va san'at asarlariga, keyinchalik tabiat olamining namunalari va barcha noyob, g'alati narsalarga aytilgan bo'lsa, XVI asrning ikkinchi yarmiga kelib "muzey" termini nafaqat buyumlar to'plamiga, balki ular saqlanayotgan, ilmiy o'rganiladigan va namoyish etiladigan binoga nisbatan qo'llanila boshladi. XX asr boshida yuz bergan inqilobiy voqealar jamiyat hayotining barcha sohalarida o'zgarish yasadi. Dastlab muzeylar faqat "nozik didlilar" uchun bo'lsa, so'ngra aholining barcha qatlamlari uchun baravar ochiq xizmat qildi [2].

Muzeylar o'z kolleksiyasini saqlash va hujjatlashtirishdan tortib, tadqiqotchilar va mutaxassislar bilan bir qatorda keng jamoatchilikka ham xizmat ko'rsatishgacha bo'lgan turli maqsadlarga ega. Ilk muzeylar qachon tashkil topgan degan savolga javob olish uchun tarix kitobining anchayin oldingi sahifalariga nazar tashlashga to'g'ri keladi. Muzeyning o'tmishdoshlari tabiat va ijtimoiy hayotdan olingan asl buyumlarni xo'jalik maqsadlarida va moddiy boylik sifatida emas, balki memorial guvohnoma va estetik qimmatli asl narsalar sifatida saqlana boshlagan davrda yuzaga kelgan.

Miloddan avvalgi XVI asrga oid Kritdag'i Knos saroy xazinasi, miloddan avvalgi XIII–XII asrlarga oid Xitoydag'i Vanlar saroyi va ink qohinlarining arxivi, Nineviya saroy kutubxonasi va boshqa shu kabi osori-atiqalarda muzeylarning dastlabki ko'rinishlari aks etadi. Qadim zamonlardan ibodatxonalarida to'planib borgan noyob buyumlar keyinroq, xususan, miloddan avvalgi III asrlarga kelib, shaxsiy to'plamlarda jamlanib bordi. Varres, Sulla galereyalari, Serviliy, Krase, Lukull, Pompei, Sezar va boshqa to'plamlar so'zimizga misol bo'lib xizmat qiladi. Ma'lum bo'lgan eng qadimgi muzeylardan biri Neo-Bobil imperiyasida (Iraqda) malika Ennigaldi tomonidan qurilgan Ennigaldi-Nanna muzeyidir. Miloddan avvalgi 530-yil va undan oldingi Mesopotamiya sivilizatsiyalariga oid artefaktlarni o'z ichiga olgan. Shunisi e'tiborga loyiqliki, ushbu joydan uchta tilda yozilgan loydan yasalgan baraban yorlig'i topilgan bo'lib, unda muzey buyumining tarixi va topilishi haqida ma'lumot berilgan [3].

Qadimgi yunonlar va rimliklar ham san'at va buyumlarni to'plashdi va namoyish qilishdi. Klassik davrda muzeylar ibodatxonalar va ularning uchastkalari bo'lib, ularda nazr qurbanliklari to'plamlari joylashgan edi. Bog'larda, forumlarda, teatrлarda, hammomlarda rasmlar va haykallar namoyish etildi [4]. Qadimgi o'tmishda kutubxonalar va muzeylar o'rtasida deyarli farq yo'q edi, ularning ikkalasi ham binoni egallagan va ular ko'pincha ma'bad yoki qirollik saroyi bilan bog'langan.

Butun dunyoda birinchi Museyon ya'ni ma'bud -yoki muzalar, ilhom parilarining uyi miloddan avvalgi 290-yilda paydo bo'lgan deb hisoblanadi. Makedoniyalik Aleksandrning sarkardalari va vorislardan biri Ptolomey I dastlabki muzeyning tashkilotchisi sifatida e'tirof etiladi. Manbalarga ko'ra ungacha ham «muzalar uyi» ibodatxonalar mavjud bo'lgan bo'lishi mumkin, ammo Iskandariya ibodatxonasi muzeylar tarixining tamal toshini qo'yishda muhim ahamiyat kasb etadi deya hisoblanadi. Iskandariya muzeyi dunyodagi eng qadimgi muzeylardan biri hisoblanadi. U Iskandariya kutubxonasiga ulangan. Muzey kutubxonadan boshqa binoda bo'lganmi yoki kutubxona majmuasining bir qismi bo'lganmi, aniq emas. Muzey haqida kam narsa ma'lum bo'lsa-da, u Uyg'onish davrining dastlabki davridagi muzeylar uchun ilhom manbai bo'lgan [5].

Qirollik saroylari ham zabit etilgan hududlardagi san'at buyumlari va boshqa qirollik elchilarining sovg'alari bilan jihozlangan o'ziga xos muzey bo'lib xizmat qilgan, bu esa hukmdorga yig'ilgan kolleksiyalarni mehmonlarga va tashrif buyurgan oliy gohlarga ko'rsatish imkonini beradi [6].

Shuningdek, Iskandariyada Ptolemey II Filadelf davridan boshlab (miloddan avvalgi 285-246-yillar) birinchi zoologik park tashkil etilgan. Dastlab Filadelfus tomonidan Afrika fillarini urushda qo'llanilgan bo'lsa, fillar, shuningdek, boshqa hayvonlar namunalari, jumladan, tuyaqushlar, zebraalar, leoparlar, jirafalar, karkidonlar va pitonlarni ko'rsatish uchun ham ishlatilgan [7].

Ilk muzeylar badavlat shaxslar, oilalar yoki san'at muassasalari, noyob yoki qiziq tabiiy obyektlar va artefaktlarning shaxsiy kolleksiyalari sifatida boshlangan. Ular ko'pincha "ajoyib xonalar" yoki qiziqishlar kabinetlarida namoyish etilgan. Ushbu zamonaviy muzeylar dastlab G'arbiy Yevropada paydo bo'lган, keyin dunyoning boshqa qismlariga tarqaldi [8]. Ushbu muzeylarga jamoatchilik kirishi ko'pincha "hurmatlilar", ayniqsa, shaxsiy san'at kolleksiyalari uchun, lekin egasi va uning xodimlarining xohishiga ko'ra mumkin edi. Bu davrda erkaklar uchun elita olamida yuqori ijtimoiy mavqega ega bo'lishning bir usuli - bu qiziq narsalarni yig'uvchiga aylanish va ularni namoyish qilish edi. Ushbu to'plamlardagi ko'plab narsalar yangi kashfiyotlar edi va bu kolleksionerlar yoki tabiatshunoslar ishi edi. Chunki bu odamlarning ko'pchiligi tabiiy fanlarga qiziqish bildirgan va ularni olishga intilgan. O'z kolleksiyalarini muzey va ko'rgazmaga qo'yish orqali ular nafaqat o'zlarining ajoyib topilmalarini namoyish etishdi, balki muzeydan "qadimiy matnlarni yanada kengroq tarqatish, sayohatlarni ko'paytirish usuli sifatida foydalanishdi [9].

Har qanday zamonaviy muzey shaxsiy kolleksiya asosida yaratilgan. Ko'plab taniqli shaxslar o'zlarining kolleksiyalarini kengaytirish, uni yanada boy qilish va omma oldida namoyish etish uchun qurban qildilar. Bunday homiyalar ko'pincha san'at asari yig'ish uchun homiylik qilishgan va shu bilan muzeylarni yaratishda yordam berishgan.

Birinchi davlat muzeyi Sankt-Peterburg Kunstkamerasi bo'lib, u tarjimada "noyob narsalar kabineti" deb nomlangan. 1714-yilda Pyotr 1 tomonidan tashkil etilgan, u erda u Evropaga sayohatlari paytida sotib olingan turli xil noyob narsalarni joylashtirgan. Astasekin, Butrusning ko'rsatmasi bilan ular u erda turli xil noyob narsalarni, qo'lyozmalarni, shu jumladan qadimgi rusning noyob narsalarini to'plashni boshladilar, Evropadagi eng yaxshi to'plamlarni sotib olganlar. Dastlab u yozgi saroydagi xonalarga joylashtirildi, keyin kolleksiya o'sishi bilan ular alohida bino qurishga qaror qilishdi. Hozirgi bino 1718-yilda qurilishi boshlangan va 1734-yilda qurib bitkazilgan. Kunstkamera tashrif buyurish uchun bepul edi, hatto jamoatchilikni ichimliklar va gazaklar bilan davolashni ham taklif qildi, shuning uchun u ham birinchi ommaviy muzeydir.

Ko'pgina kichik kolleksiyalar katta to'plamlarga birlashtirildi va zamonaviy muzeylar yaratildi. Birinchi zamonaviy muzey Londondagi Britaniya muzeyi bo'lib, u 1753-yilda ochilgan. Unga tashrif buyurish uchun yozma ruxsatnomalar kerak edi. Ammo birinchi ommaviy muzey 1793-yilda ochilgan Luvr edi. Butun dunyo madaniyat va san'at ixlosmandlari uchun o'tmishdan «jonli ertaklar» hikoya qiluvchi sokin va sirli go'shalar - muzeylar har doim alohida e'tiborga loyiq bo'lib kelgan. Shu bois 18-may butun dunyoda muzeylar kuni sifatida nishonlanishi aynan muzeylar faoliyatiga qiziquvchilar uchun notanish ma'lumot emas, deb bemalol ta'kidlashimiz mumkin. Har yili 18-may kuni dunyo bo'ylab muzey xodimlari o'zlarining professional bayramlarini - Xalqaro muzey kunini nishonlashadi. Bu ko'pchilik taxmin qilganidek, birinchi muzey ochilgan kun bilan bog'liq emas. Bu an'ana dastlab

1977-yilda, Xalqaro muzeylar kengashining (ICOM) navbatdagi yig‘ilishida o‘rtaga tashlangan taklif bir ovozdan qabul qilinganidan buyon davom etib kelmoqda [1].

Hozir dunyodagi muzeylarning dolzarb muammolari haqidagi munozaralar bir necha yillardan beri davom etmoqda, bu mavzuning dolzarbligi haqida emas, balki ushbu sohadagi nazariy qarashlar bugungi amaliy voqelikka zid ekanligidan dalolat beradi. Natijada, biz muzeylar hayotida paydo bo’layotgan yangi narsalarni qabul qilishga (yoki tushuntirishga) vaqtimiz yo’q. Zamonaviy dunyodagi muzeylarning muammolari 2019-yil 18–20-noyabr kunlari Sankt-Peterburgda bo’lib o’tgan MDH ishtirokchi mamlakatlaridan muzey mutaxassislarining ekspert yig‘ilishida YUNESKO / MFGS “Muzeyni boshqarish – XXI asr” loyihasi doirasida muhokama qilindi. Unda mutaxassislar ta’kidlashicha:

- muzeylarning jamiyatdagi tobora ortib borayotgan roli va ularning yig‘ilishlarning xavfsizligi va tarixiy-madaniy meros to’g’risidagi bilimlarni uzatish uchun javobgarligi;
- mahalliy, milliy va xalqaro hamjamiyatning madaniy va ma’naviy hayotida Markaziy o’rinni egallah va iqtisodiy va ijtimoiy rivojlanishni innovatsiyalar darajasida rivojlantirish zarurati;
- madaniy o’ziga xoslikni mustahkamlash, ijtimoiy birdamlikni saqlash va madaniyatlararo o’zaro ta’sir sohasida vositachi bo’lish, shuningdek globallashuv davrida mintaqaviy qadriyatlarni targ’ib qilish va jamiyatning mahalliy mintaqaviy va milliy darajalari uchun yangi resurslarni yaratish zarurati kabi masalalar muhokama qilindi.

Tezo’zgaruvchandunyodamadaniymerosgabo’lganjamoatchilikqarashlariningbosqichmabosqich o’zgarishi sodir bo’ldi. Biz muzeyning o’tish davri modeling shakllanishiga guvoh bo’ldik, u jamiyatning iqtisodiy, ijtimoiy, madaniy munosabatlari o’rtasidagi munosabatlarni o’rnatishga va muzey ishining mohiyatiga professional qarashlar va o’tgan asrning oxirida ommaviy ongda shakllangan umidlar o’rtasidagi axborot etishmovchiliginini kamaytirishga harakat qilmoqda.

Zamonaviy muzeyning dolzarb muammolarini muhokama qilishda ushbu uchrashuvda bugungi kunning bir qator munozarali masalalari ko’tarildi:

- muzeyning qaysi modeli: “klassik”, “joy, harakat vaqtı muzeyi”, “yangi turdagı ajoyib muzey”, “devorsiz muzey”, “muzeysiz devorlar” XXI asrda ustuvor rivojlanishga erishadimi? muzey modeli uning missiyasini aniqlaydimi?
- Postmodern vaziyatda muzeyning vazifasi nima, bu “haqiqat”ning ko’pligini keltirib chiqaradi: yondashuvlar, qarashlar, pozitsiyalar, talqinlar?
- “muzey tipidagi muassasalar”ning jadal rivojlanishiga nima sabab bo’ldi?

Bilim, his-tuyg’ular, taassurotlarni sotish orqali bozorga jalb qilingan muzeylar deyarli hamma joyda va hamma narsada ishlaydigan marketing printsipi sifatida bir martalik foydalanishni boshladilar. Shu bilan birga, muzey ba’zan bir martalik iste’mol mahsulotiga aylanish arafasida.

Muzeyning umumiy asosiy konsepsiysi yo’qligi sababli, muzeyni madaniyat fenomeni sifatida tahlil qilganda, muzeyning o’zi emas, balki uning mavjudligining turli xil fanlar va madaniy amaliyotlardan foydalanish obekti bo’lgan alohida daqiqalari (muzeyning monotsentrik modeli) diqqat markaziga aylandi. Bunday bir tomonlama yondashuv bilan muzey madaniyat makonida izolyatsiya va o’zini o’zi ta’minlashga intila boshlaydi, bu muzey tomonidan e’lon qilingan qadriyatlар va jamiyatning tobora ortib borayotgan talablari va ularni inson tomonidan idrok etish va qo’llash imkoniyatlari o’rtasida rol ziddiyatini keltirib chiqaradi.

Muzeylar madaniy-ma’rifiy muassasa hisoblanib, uning vazifasi tarixiy hujjatlar, madaniy va ma’naviy yodgorliklarni to‘plash, tabiiy boyliklardan namunalar jamlash

va saqlash, ularni ilmiy jihatdan o‘rganib ko‘rgazmalarga qo‘yish va keng xalq ommasiga havola qilishdan iborat. Muzeylar aholining keng

tabaqalari o‘rtasida madaniy-ma’rifiy ishlarni olib boradi. Muzeylar faoliyatini xalqning tarixiy taraqqiyot jarayonida rivojlanib borishi, qo‘lga kiritgan yutuqlari hamda qoldirgan boy madaniy-ma’naviy merosi xususida juda katta bilimlar beradi. Muzeylar faoliyatini yaqindan o‘rganish, ularning mazmun va ma’no jihatdan rang-barang turlarini ajrata bilish, xalq ommasi orasida keng targ‘ib etishning xilma-xil usullarini joriy qilishimiz muhim hisoblanadi. Muzey haqida bat afsil ma’lumotlarga ega bo‘lish, dunyo va mahalliy muzeylar tarixini kengroq o‘rganish inson ongini rivojlantiradi. Yuqorida ko‘rib o‘tganimizdek, muzey tushunchasi hamda ilk dunyo muzeylari tarixi bir necha ming yillarga borib taqaladi. Bugungi rivojlanish zamonida xorij muzeylarga onlayn sayohatni uyuştirish ham mumkin. Yoshlarni tariximizga qiziqtirish maqsadida hozirgi kunda O‘zbekistonda ham muzeylarga onlayn sayohat tashkil qilish masalasida keng ko‘lamli ishlar amalga oshirilmoqda.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Boltayev B. Muzeysenoslikfanidan uslubiy – qo‘llanma. – Buxoro: Durdona, 2016.
2. Kuryazova D. Muzey ishi tarixi va nazariyasi. O‘quv qo‘llanma. –T.2007 y.
3. Wilkens, Alasdair. The story behind the world’s oldest museum, built by a Babylonian princess 2,500 years ago.2011 y.
4. Van Buren, E. Douglas. Museums and Raree Shows in Antiquity.1922y.
5. Genoways, Hugh; Andrei, Mary Anne, eds. Museum Origins: Readings in early museum history and philosophy. 2008 y.
- 6.“Museums in the Ancient Mediterranean”.World History Encyclopedia.
7. Hubbell, H. M.Ptolemy’s Zoo.The Classical Journal.1935 y.
8. Chang Wan-Chen,A cross-cultural perspective on musealization: the museum’s reception by China and Japan in the second half of the nineteenth century in Museum and Society. 2012 y.
9. Paula Findlen, Possessing Nature: Museums, Collecting, and Scientific Culture in Early Modern Italy. Berkeley, California: University of California Press. 1994 y.



НУРОТА ТИЗМАСИННИГ ШИМОЛИЙ ЁН БАҒРИ АҲОЛИСИ МИЛЛИЙ ЛиБОСЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ ЎЗАГИ

Азамат Абдиевич БЕРДИЕВ

илмий ходим

Самарқанд вилоят музей-қўриқхонаси

Самарқанд, Ўзбекистон

bazamat233@gmail.com

Анонсация

Мазкур мақолада миллий лиbosларимиз тарихи, тикилиш ва матолардаги уйғунликларнинг сабаблари илмий таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: Сўғд лиbosлари, Панжикентдаги деворий суратлар, Ғарбий турк хоқони Тон-ябгу, занданечи, “Сосоний” этаги, “ёпиқ лиbos”.

ИСТОРИЧЕСКАЯ ОСНОВА НАЦИОНАЛЬНЫХ КОСТЮМОВ ЖИТЕЛЕЙ СЕВЕРНОГО СКЛОНА НУРАТИНСКИХ ГОР

Азамат Абдиевич БЕРДИЕВ

Научный сотрудник

Самаркандский государственный музей-заповедник

Самарканд, Узбекистан

bazamat233@gmail.com

Аннотация

В настоящей статье анализируются история, пошив и гармоничное сочетание тканей наших национальных костюмов.

Ключевые слова: согдийские костюмы, настенные рисунки в Панджикенте, Западнотюркский правитель Тон-ябгу, занданечи, подножие “Сосони”, “закрытая одежда”.

Сўғд лиbosлари мажмуасининг Евроосиё лиbosлари панорамасидаги муҳим ўрнига қарамай, илк ўрта асрлар манбааларини қарайдиган бўлсак, бу масалада ҳали ҳамон муҳим маълумотлар йўқ. Бу турдаги маълумотларда 70-йилларнинг охиридан тарихий сўғд лиbosларини қиёсий график текшириш анъанага айланди ва кўпроқ жанубий қўшни минтақа – Бақтрия ва Тоҳаристон лиbosларини, асосан девор расмларига асосланган манбаалар ташкил этади.

Бундай турдаги биринчи уриниш этнограф Н.П.Лобачева, кейин (факат аёллар костюми учун) — Г.М. Майтдинова қисқача тезисларда, мақолада ва чоп этилган китобда ва Натали Лапиер тезисларида акс этган. Сўғд лиbosларининг муҳим қисми

И.Б.Бентовичнинг Ғарбий Туркистоннинг қадимий либоси ҳақидаги мақоласида асосланган. Сўғд либосига маҳсус бағишиланган ягона умумлаштирувчи мақола рус-америқалик Вател А.И.Наймарк томонидан тадқиқот учун ёзилган, тахминан ҳажми бир ярим саҳифали маълумотлар “Encyclopdia Iranica” (Энциклопедия Ираника)га киритилган.

Сўғд либосини ўрганишда анъанавий равишда йирик кийимнинг хусусиятлари алоҳида ўрин тутади: аксессуар, камар ва ипаклар. А.Беленитский ва В.И.Распопова Сўғд аристократлари олтин камарлари ҳақида маълумот беришган.

В.И.Распопова ва И.А.Аржантсева шаҳарнинг деворий расмларидағи камарлар ҳақида, Афросиёб таоми, бу ерда тасвириланган хорижий элчилар ва турклар билан бир қаторда, ҳақиқий этник сўғдийларнинг камарлари тўғрисида маълумотлар тақдим этади.

IV-VIII асрлардаги сўғд кийимлари ҳақидаги асосий манбалар теракота ҳайкалчалари ва деворий расмлар бўлиб, бугунги кунгача яхши сақланган.

Девор расмлари асосан шарқда, қадимги Панжикентдаги тураг-жой мажмуаларига дахлдордир. Асл ёрқин ранглар яхши сақланган Сўғд ва Панжикент деворий суратлари ҳали ҳам илмий ўрганилмаган. Улар жуда кичик ҳажмда сақланган.

Шаҳарларда сўғд миллатига мансуб (турклар ёки чет элликлар эмас) тасвириланган деворий бўлган. Қадимги Самарқанднинг она макони – Афросиёб [1] ва чекка Сўғд вилоятининг пойтахти Уструшона бўлган.

Бунжикат (ҳозирги Шаҳристон Тожикистон ҳудудий доирасида) бўлган (Қалъаи Каҳқаха II тепалиги) атрофидаги бир нечта тасвиirlар ҳам қизиқиш уйғотади.

Асосан қадимги Самарқанд ва Бухоро вилоятидан бир қанча теракоталар топилган. Пайкендда, шунингдек, Эрқўргонда сопол идишлардаги рельеф тасвиirlари, суюклар, Сўғднинг турли минтақаларидан VII-VIII-асрларга оид оссуарийлар топилди. Бироқ, улардан фақат сосонийларнинг оддий ишлови бўлмаганлари биз учун муҳимдир. Византия дизайннида ишланган Суғд тангаларида хукмдорларнинг бир қанча муҳим бюст тасвиirlари топилган. Кумуш идишлардаги антропоморфик тасвиirlарга келсак, улар асосан Араб ҳукмронлиги даврида ўрнатилган даврга тўғри келади. Кўриниб турибдики, Сўғдан шимолда сўғдийлар яратган VII-VIII-асрларга оид Сирдарё бўйидаги Қўйриқтўба саройининг ўйилган ёғоч эшикларидағи белгилар эҳтимол, туркийларга тегишлидир.

Бизга маълум бўлган илк ўрта асрлардаги Сўғд кийимларини икки даврга бўлиб ўрганиш жоиздир. Улардан биринчиси Ғарбий Туркистонда эфтал кўчманчиларининг ҳукмрон бўлиши билан боғлиқ (V-VI асрнинг биринчи ярми). Иккинчи давр илк туркийларнинг сиёсий устунлиги билан боғлиқ (таксинан 565 йилдан VIII-асрнинг 40 йилларигача). Улар ҳукмронлиги даврида Сўғд иқтисодий ва маданий юксалишини бошидан кечирган.

Бироқ, кийимлар тарихининг иккинчи даври дарҳол бошланмаган. Туркийлар ҳукмронлиги VII-аср бошидан бошланган. Сўғднинг турклашиши, айниқса Ғарбий турк хоқони Тон-ябғу (618-630) ислоҳотидан сўнг маҳаллий зодагонлар босқинчиликка эга бўлган.

Мамлакатлар туркий унвонларни олди ва хоқонликнинг маъмурий тизимиға расман киритилди. Хитой билан алоқалар 626 йилда ҳокимият тепасига хайриҳоҳлар келганидан

кейин кучайди.

Шундай қилиб, “либос”нинг иккинчи даври чегараси, назаримизда, Сўғд тарихида таҳминан VII асрнинг 20 йиллариға тўғри келади. Илк ўрта асрларда Сўғд жаҳон маданиятининг қўзга кўринган марказларидан бири бўлган. Мамлакат моҳир хунармандлар, Ипак йўлининг турли йўналишларида фаол савдогарлар, машхур рассомлар, раққосалар ва мусиқачилар ватани ҳисобланган.

Афсуски, либос ҳақидаги материаллар Сўғдда хронологик ва географик жиҳатдан жуда нотекис баён этилган. Сиёсий жиҳатдан тарқоқ мамлакатнинг кўплаб мулкларидан бизга фақат битта манбадан мўл-кўл материаллар етиб келди. Панжикент археологик экспедицияси ўн йиллар давомида мукаммал ўрганилган. Ўша пайтдаги Панжикентда энг кўп расмлар аниқланди. Уларнинг деярли барчаси илгари девор расмларида бадавлат фуқароларнинг мулки ва асосан шаҳар ҳаётининг сўнгги даври – VII-VIII-аср бошлари билан боғлиқ. Самарқандда сўғд қаҳрамонларининг суратлари ҳам мавжуд.

Самарқанд Афросиёб қишлоғида жойлашган эди, аммо деярли фақат турли даврларга оид теракота ҳайкалчалари топилган. Сўғднинг чеккасидаги Уструшана вилоятида антик давр учун аҳамиятли бўлган девор расмлари ҳам оз миқдорда топилган ва улар ҳақиқий сўғдий белгиларга эга.

Арабгача бўлган даврда Сўғдда бадиий тўқимачилик ишлаб чиқариш юқори даражага кўтарилилган ва унинг маҳсулотлари кенг миқёсда халқаро бозорда сотилган. Унинг етакчи марказларидан бири Бухоро яқинидаги Зандана қишлоғи эди. Наршахийнинг маълумотларига кўра, бу ерда пахта матолари ишлаб чиқарилган [4;209]. Машхур ипак «занданечи»лар ҳам худди шу жойда амалга оширилган. Бухорода тўқимачилик ва тикувчилик шу қадар машхур эдики, тез орада, IX-асрда Араб халифалари бу шаҳардан ўлпон сифатида фақат тайёр кийимлар талаб қилган [14;29-30].

XII-асрга келиб Сўғд аллақачон ўзининг полихроми билан (кўпинча уч рангли: кўк, яшил, қизил, пушти, қора, жигарранг) машхур эди. Ипак хитой ва форс ипакларидан арzonроқ бўлганлиги билан афзал эди. Афросиёб расмларида турли этник гурухларнинг барча қаҳрамонлари сўғд ишлаб чиқариш ипакларида битилган [10;58].

Кийим-кечак.

Улар камдан-кам ҳолларда ёпиқ ҳолда кийинган. Шу билан бирга, юқоридаги сұғд теракотасининг (ўйма ёзув, нақш) белгиларида кийимлар қисман очиқ тасвиirlанган.

Эркаклар енгил кийими.

Ушбу турдаги ташқи кийим калта бўлиб (сонларнинг юқори ёки пастки қисмига қадар), турлари ниҳоятда кам. Этакнинг одатда горизонталь қирраси бўлган. VII-VIII-асрларда эркакларнинг кийимлари ўзига хос, баъзида битта енгли яктак бор эди. Худди шу даврда иккита лапелли ёқа ҳам бўлган, уни одатда катта эркаклар кийган. Енглари кўпинча билакларга қадар узун ва жуда тор бичилган. Бироқ, кейинчалик улар баъзан баланд (тирсакда) манжетга эга бўлгани акс этган.

Аёллар енгил кийими.

Бу либослар тос суюгининг пастки қисмигача бўлиб, устидан тўпигигача халат кийишган. Турли хилдаги қисқа кўйлаклар теракотада ён томонларнинг юмалоқ пастки учларига эга ва бу – энг қадимий сұғд анъаналарини акс эттиради.

Эркакларнинг кийимлари.

Бундай кийимларга “ёпиқ кийим” деб изоҳ берилади [4;200]. Худолар акс эттирилган тасвирларда у калта тасвирланган. Этаги тиззадан юқори бўлган намуналар ҳам мавжуд, лекин кўпинча тиззагача тушади. Тиззадан пастда белгиланган этак бўртма суратларда жуда кам учрайди. Уструшонада “Рим бўриси”нинг чап томонида турган персонажнинг этагида периметри бўйлаб 12 та ханжар шаклидаги ўсимталар бор. Лекин у Сўғдга алоқадор бўлмаслиги мумкин. VI-асрдан бошлаб Сосоний анъаналарига кўра, кийим этаги кўпинча ён томондан пастки қисми билан бирга кесилган, безакнинг кенг чизиги билан қопланган, аммо этаклари тор, яъни, Эронликларнидек «шишиб кетмаган». Ўтириш ҳолатида қулай ҳисобланиб, оёқларини ёпиб турган [4;198]. Баъзан кийим устидаги худоларнинг тасвирларида «Сосоний» этаги билан бир қаторда қисқа (тос суяига ёки ундан бироз пастроқда), енглари (тирсаклар остида) ва этакли кўйлак кийилиб, унинг чети бир қатор ярим доира шаклида акс этган. Ёқа одатда горизонтал ва етарлича тор бўлиб, бошқа рангдаги мато чизиги билан қопланган. Кенг ёқа бўйлаб кенг тизимли чизик ҳам маълум; у баъзан чап елкада иккита қисқа лента-торлар билан бирга тортилган. Бундан ташқари, кесилган, кўпинча учбурчак, баъзан анча чуқур ёки чўзилган ярим овал шаклида бўлган ёқа кўринади. Пастки ёқа ёпиқ бўлиб, эпик қаҳрамоннинг фақат битта ҳолатида акс этган. Кўриб чиқилаётган кийимнинг енглари одатда тор ва узун (билакларигача); фақат бир ҳолатда улар аниқ узунроқ ва билакка йифилган. Шу билан бирга, эрта даврда, аристократлар ва худолар ташқи томонга эгилган ҳолати акс этган тасвирларда калта кўйлакларнинг қисқа енглари намоён бўлган. Бундай кўйлаклар остида кийиладиган узунроқ кийимларнинг ҳам қирраси кесилган (овал ўсимта, ёпик). Агар иккита очик бўлмаган кийим кийилган бўлса, унда пастки қисмнинг енглари кўпинча торроқ ва узунроқ бўлган (билакларгача).

Аёллар кийими.

Унинг асосий кўриниши одатда оёқ бармоқларигача тўсган. Бу кўпинча устки калта (сонларнинг пастки қисмигача) кўйлак ва халатдан иборат бўлган. Қисқа кўйлак ҳарам шимлари билан ташқи кийим сифатида кийилган. Панжикентдаги II ибодатхонанинг шарқий ҳовлисидаги деворий суратлар бундан далолат беради.

Индустриядан олдинги (анъанавий) жамиятларнинг либослари инсоният маданиятининг муҳим элементи саналади.

Кийим идрок этиш учун мўлжалланган. Шунинг учун у ҳар доим мураккаб белгилар тизими бўлиб келган ва тажрибали кузатувчига эгаси ҳақида жуда кўп ва хилма-хил маълумот беради. Либос нафақат шахснинг, балки бутун ҳалқнинг рамзи саналган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Альбаум Л.И. Живопись Афрасиаба. – Ташкент: Институт археологии Академия наук Узбекской ССР, 1975.
2. Адылов Ш.Т. О коропластике Бухарского Согда //ИМКУ Вып. 18. – Ташкент, 1983.
3. Аржанцева И.А. Пояса на росписях Афрасиаба //ИМКУ. Вып. 21. – Ташкент, 1987.
4. Бентович И.Б. Одежда раннесредневековой Средней Азии (по данным стенных росписей VI-VIII вв.). // СНВ. Вып. XXII. – Москва, 1980.
5. Иерусалимская А.А. К сложению школы художественного шелкоткачества в Согде. //Средняя Азия и Иран. – Ленинград: Аврора, 1972.

6. Майтдинова Г.М., Женские костюмы Тохаристана и Согда в период раннего средневековья (по произведениям мизобразительного искусства) // Тезисы докладов Всесоюзной конференции «Бактрия–Тохаристан на древнем и средневековом Востоке». – Москва, 1983.
7. Майтдинова Г.М. К интерпретации живописи Афрасиаба VII в. н.э. (Сцена в лодке) // Известия Отделения общ. наук АН Тадж ССР, 1984. – № 2.
8. Майтдинова Г.М. Отражение в женских костюмах Тохаристана и Согда культурных взаимосвязей раннегосредневековья // ИМКУ. 1987. Вып. 21. – С. 114–132.
9. Майтдинова Г.М. Раннесредневековый костюм музыкантов и танцоров Средней Азии // Изв. Отделения общ. наук АН Тадж ССР, 1989. – № 1. – С. 48–61.
10. Майтдинова Г.М., Костюм раннесредневекового Тохаристана (по памятникам искусства и археологии): дисс.канд наук.истор.наук. – Ташкент, 1991.
11. Мешкерис В.А. Коропластика Согда. – Душанбе, 1977.
12. Мешкерис В.А. Женские чалмообразные головные уборы на кушанских статуэтках из Согда // Костюм народов Средней Азии. – Москва, 1979.
13. Орфинская О.В. Шелковые ткани из христианского погребения в Нижнеархызском городище // XX юбилейные международные Крупновские чтения по археологии Северного Кавказа (тезисы докладов). – Железноводск, 1998.
14. <http://www.ziyouz.com/> Абу Бакр Наршахий. Бухоро тарихи.

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



Texnika

**POLIZ EKINLARINI YOPIQ TONELLI PLYONKA OSTIGA EKISH
UCHUN TUPROQNI TAYYORLAYDIGAN KOMBINATSIYALASHGAN
MASHINA TEKNOLOGIYASINING AFZALLIGI**

Xayriddin Alimurodovich FAYZULLAYEV

dotsent

texnika fanlari bo‘yicha (PhD) falsafa doktori

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Qarshi, O‘zbekiston

xfayzullayev1977@mail.ru

Laziz Xudoyberdiyevich GULOMOV

tayanch doktorant

Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti

Qarshi, O‘zbekiston

lazizgulomov22@gmail.com

Annotasiya

Maqolada poliz ekinlarini yopiq tonelli plynoka ostiga ekish uchun bir o‘tishda tuproqni tayyorlaydigan kombinatsiyalashgan mashina ishchi organlarining ramada joylashishi hamda tuproqqa sifatli ishlov berish texnologiyasi keltirilgan.

Tayanch so‘zlar: mashina, tuproq, poliz ekinlari, texnologiya, tonel, plynoka, chuquryumshatkich, o‘qyoysimon panja, ariqochkich.

**ПРЕИМУЩЕСТВО КОМБИНИРОВАННОЙ МАШИННОЙ
ТЕХНОЛОГИИ, ПОДГОТАВЛИВАЮЩЕЙ ПОЧВУ ДЛЯ ПОСЕВА
БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР ПОД ЗАКРЫТОЙ ТОНЕЛЬНОЙ ПЛЕНКОЙ**

Хайриддин Алимуродович ФАЙЗУЛЛАЕВ

доцент

доктор философии (PhD) по техническим наукам

Каршинский инженерно-экономический институт

Карши, Узбекистан

xfayzullayev1977@mail.ru

Лазиз Худойбердиевич ГУЛОМОВ

Докторант

Каршинский инженерно-экономический институт

Карши, Узбекистан

lazizgulomov22@gmail.com

Аннотация

В статье обосновано размещение в раме рабочих органов комбинированной машины,

объединяющей все технологические процессы обработки почвы и подготовки к посеву за один проход с поля для посадки бахчевых под закрытой тонельной пленкой.

Ключевые слова: машина, почва, бахчевых культур, технология, пленка, тонель, глубокорыхлитель, стрельчатая лапа, бороздорез.

Jahonda energiya-resurstejaydigan va ish unumi yuqori bo‘lgan tuproqqa ishlov berish va uni ekishga tayyorlash mashinalarini ishlab chiqarish va qo‘llash yetakchi o‘rinni egallamoqda. «Dunyo miqyosida poliz va sabzavot ekinlari ekishdan oldin tuproqqa ishlov beriladigan maydon 680 mln. gektarni tashkil etishini hisobga olsak» [15], ish sifati va unumi yuqori hamda energiya-resurstejamkor tuproqqa ishlov berish va uni ekishga tayyorlash mashinalarini ishlab chiqish muhim vazifalardan hisoblanmoqda. Shu bilan birga ekinlarni pylonka ostiga ekish uchun daladan bir o‘tishda tuproqqa ishlov berish va uni ekishga tayyorlash bo‘yicha barcha texnologik jarayonlarni qo‘sib bajaradigan kombinatsiyalashgan mashinalarni ishlab chiqish va qo‘llashga katta e’tibor qaratilmoqda.

Hozirgi vaqtida poliz ekinlari urug‘i va ko‘chatini ekishdan oldin tuproqqa ishlov berishning resurstejamkor texnologiyalari va ularni amalga oshiradigan texnika vositalarining yangi ilmiy-texnikaviy asoslarini ishlab chiqishga yo‘naltirilgan ilmiy-tadqiqot ishlari olib borilmoqda. Ushbu yo‘nalishda, jumladan yopiq tonelli pylonka ostiga poliz ekinlari ekish uchun tuproqni ekishga tayyorlaydigan kombinatsiyalashgan mashina ishlab chiqish va u ishchi qismlarining texnologik ish jarayonlarini asoslash, ularni tuproq bilan o‘zaro ta’sirlashish jarayonida resurstejamkorlikni ta’minalash bo‘yicha maqsadli ilmiy izlanishlarni olib borish dolzarb masalalardan hisoblanadi.


Respublikamiz qishloq xo‘jaligi ishlab chiqarishida mehnat va energiya sarfini kamaytirish, resurslarni tejash, qishloq xo‘jalik ekinlarini ilg‘or texnologiyalar asosida yetishtirish va yuqori unumli qishloq xo‘jalik mashinalarini ishlab chiqarish yuzasidan keng qamrovli choratadbirlar amalga oshirilib, jumladan dalalarni ekishga tayyorlashda kam energiya sarflab, barcha texnologik jarayonlarni sifatli bajarilishini ta’minalaydigan texnika vositalarini ishlab chiqarishga alohida e’tibor qaratilmoqda [8].

Respublikamizda poliz ekinlarini yopiq tonelli pylonka ostida ekish uchun tuproqni ekishga tayyorlaydigan mashinalar yaratish, ular ish organlarining texnologik ish jarayonlari va parametrlarini asoslash hamda takomillashtirish bo‘yicha tadqiqotlar F.M.Mamatov, D.Chuyanov, H.Ravshanov, A.To‘xtaqa‘ziyev, S.A.Qunduzov va boshqalar tomonidan olib borilgan.

Poliz ekinlarini yopiq tonelli pylonka ostiga ekish uchun tuproqqa ishlov beradigan mashinaning konstruktiv sxemasi, u bajaradigan texnologik ish jarayoni va unga qo‘yiladigan talablarni o‘rganish natijasida ko‘pgina ilmiy tadqiqot natijalari tahlil qilindi.

Olib borilgan ilmiy tadqiqot ishlarining tahlili, ko‘pgina rivojlangan mamlakatlarda poliz ekinlarini ekish uchun tuproqni tayyorlaydigan mashinalar va texnika vositalari hamda poliz ekinlarini yopiq tonelli pylonka ostiga ekish uchun tuproqni tayyorlaydigani kombinatsiyalashgan mashinaga qo‘yiladigan agrotexnika talablaridan kelib chiqib, O‘zbekiston Respublikasi Intellektual mulk agentligining № FAP 00656-2010 y. va № FAP 00719-2010 y. raqamli

foydali modelga olingan patentlari bilan himoyalangan. Ushbu texnologiyaning o‘ziga xos xususiyatlaridan biri – bu tuproqqa ag‘darmasdan ishlov berib uni ekishga tayyorlash bilan birga sug‘orish arig‘ini shakllantirishdan iborat (1-rasm).



1-rasm. Poliz ekinlarini pylonka ostiga ekish uchun tuproqqa ishlov beradigan mashina ishchi organlarini o‘zaro joylashish sxemasi.

Mashina osish qurilmasi bilan jihozlangan rama 1, o‘qyoysimon panja 4, poliz ekinlari urug‘ini ekish hududiga ag‘darmasdan ishlov beradigan «paraplav» turidagi o‘ng va chap juft qiya chuqur yumshatadigan ishchi organlar 5 va 6, mashina simmetriya o‘qi bo‘yicha joylashgan ariqochgich 7, rotasion ishchi organ 9 dan tashkil topgan. O‘ng va chap juft chuquryumatkichlar ekish hududiga chuqur ishlov beradi. Har bir juft ishchi organlar 5 va 6 larning qiya ishchi yuzalari bir-biriga qarama-qarshi joylashgan.


Poliz ekinlarini yopiq tonelli pylonka ostiga ekish texnologiyasiga asosan mashina bir o‘tishida 1,4 m kenglikdagi dalaga ishlov berib uni ekishga tayyorlashi lozim.

Mashinaning ish jarayonida o‘qyoysimon panja ariqochgich qamrash kengligiga teng yo‘lakka yuza ishlov berib, tuproqni yumshatadi va begona o‘tlar ildizini kesadi. Juft chuquryumshatkichlarning oldingi ishchi organining iskanasi haydov qatlamiga kirib tuproqni mayda bo‘laklarga ajratadi. Bunda hosil bo‘lgan yoriqlar $\Psi=40-45^\circ$ burchak ostida tuproq yuzasiga tarqaladi. Bu paytda iskana bilan deformatsiyalangan tuproq zonasiga tutqichning pichog‘i kiradi. Iskana bilan ajratilgan tuproq uning yuzasi bo‘yicha ko‘tarilib avval pichoqqa, so‘ngra yumshatkich plastinaga tushadi. Bunda tuproq bo‘lagi bo‘ylama va ko‘ndalang

kesimlarda egiladi va cho‘ziladi, bu esa uni jadal parchalanishiga olib keladi. Bu jarayon tuproqni inersiya va og‘irlik kuchlari ta’sirida yumshatkich plastinaning ishchi yuzasidan tushishi bilan tugallanadi. Undan so‘ng esa keyingi ishchi organ xuddi shuningdek tuproqqa ta’sir qiladi. Natijada ekish zonasidagi tuproqning yaxshi uvalanishi ta’milnilaridagi. So‘ngra ariqochgich 7 ekish hududining o‘rtasida ariq ochadi. Tuproqni yopiq tonelli pylonka ostiga ekish uchun tayyorlash jarayoni rotasion ishchi organlar 9 yordamida poliz ekinlari ekiladigan yo‘laklarga ishlov berish bilan tugallanadi.

Mashinaga qo‘yiladigan asosiy talablar quyidagilardan iborat:

- kombinatsiyalashgan mashina ekin ekiladigan zonaga 30–35 cm chuqurlikda ishlov berishi, o‘rtacha ishlov berish chuqurligini belgilangandan chetlanishi ± 2 cm dan oshmasligi lozim;
- sug‘orish arig‘ining chuqurligi 25 ± 2 cm bo‘lishi kerak;
- maqbul namlikdagi (16–18 foiz oralig‘ida) dalalarga ishlov berilganda o‘lchami 25 mm dan kichik bo‘lgan fraksiyalar miqdori 80 foizdan kam bo‘lmasligi darkor.



2-rasm. Poliz ekinlarini pylonka ostiga ekish uchun tuproqni tayyorlash texnologiyasining sxemasi.

a- ekish zonasining o‘rta qismi yuqorida qurilgandan keyin dala ko‘ndalang kesimining

ko‘rinishi;

6- ekish zonasiga ag‘darmasdan chuqur yumshatilgandan keyin dala ko‘ndalang kesimining ko‘rinishi:

в-sug‘orish arig‘i shakllantirilgandan keyin dala ko‘ndalang kesimining ko‘rinishi;

г-dala ekishga to‘liq tayyorlangandan keyin dala ko‘ndalang kesimining ko‘rinishi.

Taklif etilayotgan texnologiyada quyidagi operatsiyalar bir yo‘la bajariladi: tonel yopiladigan zonaning o‘rtasi qismi ariqochkichning qamrash kengligiga teng bn kenglikda va an=8-10 cm chuqurlikda yumshatiladi (а-rasm), keyin yuza yumshatilgan qatlamning o‘ng va chap tomoni (AC va BD) ag‘darmasdan chuqur yumshatiladi (б-rasm), so‘ngra ishlov berilgan zonaning o‘rtasi chizig‘i bo‘yicha sug‘orish arig‘i shakllantiriladi (в-rasm), shundan keyin poliz ekinlari ekiladigan yo‘laklar ekishga tayyorlanadi (г-rasm).

Yuqorida keltirilgan operatsiyalarni bir yo‘la bajarish poliz ekinlari ekiladigan zona (tonel osti) tuprog‘ining namligini saqlaydi, tuproqni ekishga tayyorlash muddatini keskin kamaytiradi, tuproqqa ishlov berish va uni ekishga tayyorlashda moddiy va energiya resurslarini tejaydi, ya’ni agregatlarning daladan o‘tishlar soni 3–4 martagacha kamayishi hisobiga tuproqqa minimal ishlov berish ta’minlanadi.

Taklif etilayotgan texnologiya va adabiyotlar tahlillari shuni ko‘rsatadiki, tuproqni yopiq tonelli pylonka ostiga poliz ekinlari ekish uchun qisqa muddatlarda minimal xarajatlar sarf qilgan holda sifatli tayyorlash, pylonka yopiladigan yo‘laklarga ag‘darmasdan ishlov berish, ariq ochish bilan birga tuproqni ekishga bir yo‘la tayyorlab ketish texnologiyasi va shu texnologiyani amalga oshiradigan kombinatsiyalashgan mashinani qo‘llab erishish mumkin. Ammo bu kombinatsiyalashgan mashinaning konstruktiv sxemasi va uning ishchi organlari parametrlarini nazariy va eksperimental jihatdan asoslash talab etiladi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Абезин В Г. Аппарат для высева набухших и проросших семян, бахчевых культур //Картофель и овощи, 2006. – №3. – С.15.
2. Алдошин Н. В. и др. Почвообрабатывающее орудие для подготовки почвы под посев бахчевых культур. – Москва, 2020.
3. Mamatov F.M. Kombinatsiyalashgan mashina chuquryumshatkichlari orasidagi bo‘ylama masofasini asoslash //Innovatsion texnologiyalar. Maxsus son. – 2021. – С. 125-129.
4. Маматов Ф. М. и др. Машина для подготовки почвы к посеву бахчевых культур под пленкой //Инновацион технологиилар, 2021. – №. 2 (42). – С. 21-25.
- 5.Патент на полезную модель РФ № 190971. – 2019. Почвообрабатывающие орудие для бахчевых культур // Алдошин Н.В., Маматов Ф.М., Манохина А.А., Файзуллаев Х.А., Исмоилов И.И., Равшанов Х.А.
6. Патент РУз № FAP 00656. Рабочий орган безотвального почво-обрабатывающего орудия / Маматов М.Ф., Мирзаев Б.С. и др. // Расмий ахбороннома. – 2011. – №11.
7. Ravshanov K. et al. The machine for the preparation of the soil in sowing of plow crops under film //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. – IOP Publishing,

2020. – Т. 883. – №. 1. – С. 012138.

8. Fayzullaev K. et al. Study on mechanisms of tillage for melon cultivation under the film //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 304. – С. 03012.

9. Temirov I. et al. Development of a machine for preparing the soil for sowing melons under the film //IOP Conference Series: Materials Science and Engineering. – IOP Publishing, 2021. – Т. 1030. – №. 1. – С. 012169.

10. Fayzullayev K. et al. Raking plates of the combination machine's subsoiler //E3S Web of Conferences. – EDP Sciences, 2021. – Т. 264. – С. 04039.

11. Ravshanov K. et al. Mardonov Sh 2020 IOP Conf //Series: Materials Science and Engineering. – Т. 883. – С. 012138.

12. Kh F. et al. IPICSE 2020. IOP Conf. Series //Materials Science and Engineering. – 2021. – Т. 1030. – С. 012171.

13. Ravshanov K. Kh. Fayzullaev, I. Ismoilov, D. Irgashev, S. Mamatov //IOP Conf. Series: Materials Science and Engineering. – 2020. – Т. 883. – С. 012138.

14. Ismailov I. et al. Energy-saving machines for soil treatment in Melon production //AIP Conference Proceedings. – AIP Publishing, 2023. – Т. 2612. – №. 1.

15. <http://www.nrcs.usda.gov>

O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



MOBIL ILOVAGA ASOSLANGAN KLINIK BILIMLAR VA EKSPERT TIZIMI

Xolida Anorboevna PRIMOVA
dotsent

Toshkent axborot texnologiyalari universiteti

Samarqand filiali

Samarqand, O‘zbekiston

primova@samtuit.uz

Mahbuba Fayzulloevna VAYDULLAEVA

Raqamli texnologiyalar va su’niy intellektini
rivojlantirish ilmiy-tadqiqot instituti

Toshkent, O‘zbekiston

mahbub_f@mail.ru

Annotatsiya

Ushbu maqolada bemorlarning sog‘liqni saqlash markazlarida saqlanadigan tibbiy ma’lumotlarni yuritish va ularning yaxlitligi hamda xavfsizligini ta’minlashda mobil ilovaning qulay va afzalligi tahlil qilingan.

Tayanch so‘zlar: mobil texnologiya, klinik ma’lumot, bilimlarni ifodalash, axborotni boshqarish, mobil aloqa.

КЛИНИЧЕСКИЕ ЗНАНИЯ И ЭКСПЕРТНАЯ СИСТЕМА, ОСНОВАННЫЕ НА МОБИЛЬНОМ ПРИЛОЖЕНИИ

Xолида Анорбоевна ПРИМОВА

Доцент

Самарканский филиал при ТУИТ

имени Мухаммада аль-Хорезми

primova@samtuit.uz

Махбуба Файзуллоевна ВАЙДУЛЛАЕВА

Стажёр-исследователь

НИИ развития цифровых технологий и

искусственного интеллекта

mahbub_f@mail.ru

Аннотация

В данной статье анализируется удобство и преимущество мобильного приложения при управлении медицинскими данными пациентов, хранящихся в медицинских центрах, а также обеспечении целостности и безопасности медицинских данных.

Ключевые слова: медицинская информация, диагностика, заболевание, мобильное приложение, компонент Soft Computing, медицинские информационные технологии, математическая модель.

Sust shakllangan yechimlarni qabul qilishni qo'llab-quvvatlovchi tizimlari va ular asosida xalq xo'jaligining har xil sohalari uchun xavf-xatarni boshqarishning axborot tizimlarini qurish uchun yuqori intellektual axborot texnologiyalarning instrumentli vositasini ishlab chiqish hamda hisoblash texnikasining jadallik bilan rivojlanib borishi kompyuterda masalalarni yechishning tubdan farq qiluvchi yangi texnologiyasini yaratish masalasi alohida dolzarb ahamiyatga ega [8].

Amaliyotchilarga tanish bo'lib qolgan bemorlarning tibbiy kasallik tarixi asrlar davomida qog'oz ko'rinishida bo'lib, bu kasallik tarixi ma'lumotlari bizgacha yaxshi saqlanib kelgan bo'lsa-da, ba'zi bir bemorlarning kasallik tarixi yo'qolib ketishiga ham olib keldi. Bu davr mobaynida o'z zamonasida qog'ozga bo'lgan ehtiyoj yuqoriligi qiyinchiliklarni ham olib keldi. Bu esa kasallik tarixi ma'lumotlari qog'ozda ko'proq joy egallagan va malakali tibbiyot shifokorlari uchun foydalanish ancha qiyin bo'lgaligidan dalolatdir [4].

Mobil ilovaga asoslangan klinik bilimlarni taqdim etish tizimi, aksincha, qulayligi bilan bemorning aniq klinik ma'lumotlarini onlayn arxivlash va ushbu ma'lumotni barcha tibbiyot amaliyotchilariga darhol taqdim etish imkonini beradi, bu esa parvarishlashda izchillikni ta'minlaydi.

Aynan shu sababli ham qo'lda ishlaydigan tizimlarni avtomatlashtirish zarurati paydo bo'ldi. Kasallik tarixining ba'zi komponentlari mobil ilovaga asoslangan klinik bilimlarni taqdim etish tizimida yana ham qulayliklarga olib keladi.

Sog'lijni saqlash xizmatlarini ko'rsatishda kompyuterlardan foydalanish standart protseduraga aylandi. Bu amaldagi qog'oz hujjatlarni elektron formatga o'tkazish uchun ma'lum texnologiyalardan foydalanishni talab qiladi. Hozirgi kunda mobil ilovaga asoslangan klinik bilimlarni taqdim etilib tavsiya etilgan tizim butun dunyo bo'ylab turli sog'lijni saqlash muassasalarida ma'lumotlarni yuritishning asosiy formati sifatida qog'oz ma'lumotlarining o'rmini egallahsga mo'ljallangan. Hujjatlarni yuritishda qog'ozdan foydalanish natijasida tibbiyot tizimining samaradorligi sezilarli darajada kamaydi.

Nigeriya davlatida bir qancha sog'lijni saqlash klinikalarida bemorlar kasallik tarixining asosiy qismi qog'ozlardan iborat. Shu sababli bemorlarning ma'lumotlarini yo'qotish, zaruratsiz ko'paytirish va yetarli zaxira vositalariga ega bo'lmaslik kabi qiyinchiliklarga olib kelgan. Tizim Nigeriyadagi McPherson universiteti sog'lijni saqlash markazida axborot resurslari bilan baholandi [5].

Tibbiy kartochkalardan foydalanishda tibbiy kartalarni hamshiradan shifokorga, so'ngra dorixonaga dori-darmonlarni yig'ish uchun o'tkazish zarur bo'lganda ancha vaqt behuda ketadi. Shuningdek, klinikaning ba'zi xodimlari vaqt-vaqt bilan tibbiy kartalarni tartibga solish uchun biroz vaqt sarflashlari kerak [5].

Ma'lumotlar uchun samarali zaxira vositalarining yetishmasligi, ofatyuzberganda, klinikada saqlanadigan barcha ma'lumotlarning yo'qolishiga olib kelishi mumkin [3] Shu sababli, ushbu cheklowlarni bartaraf etish uchun mobil ilovaga asoslangan klinik bilimlarni taqdim etish tizimi ishlab chiqiladi. Shunday qilib, ko'plab tadqiqotchilar Elektron Sog'lijni Saqlash Records (EHR) bo'yicha tadqiqotlar va takomillashtirishlarni amalga oshirdilar. Vinayak va boshqalar tomonidan olib borilgan tadqiqot shuni ko'rsatdiki, hozirgi kunda kundalik faoliyatimizda atrofimizdagi hamma narsani raqamlashtirish talab etilmoqda [7]. Mobil qurilmalarga asoslangan klinik hujjatlar bilan muammo kamayadi va qisqaradi. Tibbiyot muassasalarini va tashkilotlari endilikda elektron tibbiy daftarchalar tufayli bemorlarning tibbiy kartalarini boshqarishni takomillashtirish imkoniyatiga ega bo'ladi. Turli xil sog'lijni saqlash tizimlari o'rtaсидаги аниқлик ва о'заро мувоғиqliк haqida gap ketganda, sog'lijni saqlash dasturlarini

ishlab chiquvchi kompaniyalarning assosiy qismi sog‘liqni saqlash provayderlaridan mustaqil ravishda ishlaydi, bu esa muammolar va tushunmovchiliklarni keltirib chiqaradi. Sog‘liqni saqlash sohasidagi axborot tizimlarining yuqori darajada mavjudligi ushbu tizimlarning o‘zaro muvofiqligini yaxshilaydi, bu ularga bir-biri bilan aloqa qilish va ma’lumot almashish imkonini beradi [2].

Elektron tibbiy malumotlarni bemorning an’anaviy qog‘ozga asoslangan tibbiy ma’lumotini raqamli versiyasi sifatida aniqlanadi. Bemor haqidagi ma’lumotlarni to‘plashda qo‘llaniladigan usul va bu ma’lumotlardan foydalanish hamda keyinchalik ma’lumot olish uchun saqlash usullari elektron axborot tizimlari asosida amalga oshiriladi.

Tibbiy diagnostika muammolarini hal qilish uchun turli usullar joriy etilgan bo‘lib, qonni tomir ichi lazerli nurlantirishni surunkali tonzillitning asoratlari qayd etilgan bolalarni davolashda tanlov usuli sifatida tanlab olish mumkin.

Tibbiyot bilan bog‘liq noravshan xususiyatlar va noravshanliklar tufayli noravshan ma’lumotlar bilan shug‘ullanishi mumkin bo‘lgan noravshan sonlar ushbu savollarni o‘rganish uchun mos usulni taqdim etadi.

Taklif etilgan usulning afzallikkarni umumlashtiridi. Noravshan sonlar qaror qabul qilishda keng qo‘llaniladi, chunki ular noravshan va noravshan ma’lumotlarni modellashtirishi va tavsiflashi mumkin.

Elektron sog‘liqni saqlash tizimi uchun zarur bo‘lgan har bir birlik komponenti qo‘sishma model asosida sinovdan o‘tkaziladi va takomillashtiriladi.

Ushbu bo‘limda sog‘liqni saqlash tizimi uchun noravshan model, ya’ni bemor, parvarish qiluvchilar (shifokorlar, farmatsevtlar va laboratoriya texnologlari) va ekspert tizimlar uchun axborotlar ko‘rib chiqiladi. Tadqiqot maqsadlarini aniqlash bo‘yicha bosqichma-bosqich jarayon va algoritmlar jamlangan.

Muhitning ichki va tashqi holati haqidagi axborotdan kelib chiqqan holda muammoviy holatni aks ettirish [1], ekspertlar bilan hamkorlikda [8] “Muammoviy holat va uni yechish yo‘llari” qism tizimi modelini shakllantiradi, muammoni hal etish bo‘yicha tadbirlar ro‘yhatini tashkil etishadi [1], ulardan maqbulini jamoada kelishiladi va tasdiqlanadi [8].

Ma’lumotlar noaniq berilganda noravshan mantiq “Soft Computing”ning bir komponenti hisoblanib, unda lingistik fikrlar ko‘rinishidagi ekspert bilimlar bazasidan foydalanish imkoniyati yanada yaxshi natija olishga imkon beradi. Noravshan mantiqni evolyusion algoritmlar bilan birlashtirish asosida qurilgan noravshan model butunlay yangi sifatni beradi. Bunday noravshan modellarda tabiiy tildagi va ekseprtarning bilimlardan foydalanish imkoniyati mavjud bo‘ladi.

Teskari masala umumiyligi holda tizimning kirishiga beriladigan shunday kirishlarni topish masalasi sifatida qo‘yiladiki, tizimning chiqishida qo‘yilgan talablarni qanoatlantiradigan signallar shakllansin. Masalan, talab avvaldan berilgan signalga teng sifatida shakllantirilishi mumkin. Jumladan, tibbiy axborot tizimini boshqarishda teskari aloqaga ega bo‘lmagan regulyatorlarni hisoblash uchun mohiyatan teskari masalani yechish zarur bo‘ladi: ya’ni, shunday boshqaruvchi ta’sirlarni (kiruvchi signallarni) aniqlash kerakki, boshqaruv obektini talab qilingan holatga (chiquvchi signal) o‘tkazsin. Bunday hollarda asosan tibbiy ma’lumotlarni olishda ekspert tizimlardan va bilimlar bazasidan foydalilanadi. Ekspert tizimni qurish texnologiyasi quyidagicha amalga oshirali.

Turli xil ekspert va boshqaruv tizimlarida foydalanimuvchi noravshan xulosalar mexanizmi o‘z asosida predmet sohasi mutaxassislari tomonidan quyidagi ko‘rinishdagi noravshan predikat qoidalari to‘plami ko‘rinishida shakllantiriladi [9].

Π1: agar $x = A_1$ bo‘lsa, u holda $y = B_1$ ga teng,

Π2: agar $x = A_2$ bo‘lsa, u holda $y = B_2$ ga teng,

.....
Πn: agar $x = A_n$ bo‘lsa, u holda $y = B_n$ ga teng,

bu yerda x – kirish o‘zgaruvchisi (ma’lumotlarning ma’lum qiymatlari uchun nom), y – chiqish o‘zgaruvchisi (hisoblanishi kerak bo‘lgan ma’lumotlarning qiymatlari uchun nom); A va B – mos holda x va y da aniqlanuvchi tegishlilik funksiyalari.

Masalan: Agar x – past bo‘lsa, u holda u – baland.

Batafsilroq tushintirishni keltiramiz. Ekspert bilim $A \rightarrow B$ mulohaza bilan xulosa o‘rtasidagi sababiy munosabatni aks ettiradi, shuning uchun uni noravshan munosabat deb atash va R orqali belgilash mumkin:

bu yerda \leftrightarrow noravshan imlikatsiya deb ataladi.

R munosabatni X farazlar va Y xulosalar to‘liq to‘plamining to‘g‘ridan-to‘g‘ri ko‘paytmasi $X \times Y$ ning qism-to‘plami sifatida qarash mumkin.

Kompozitsiya operatsiyasini ham, implikatsiya operatsiyasini ham noravshan to‘plamlar algebrasida turlicha amalga oshirish mumkin (bunda tabiiyki, yakuniy olinadigan natija ham farq qiladi), biroq har qanday holatda ham umumiy mantiqiy xulosa quyidagi to‘rtta qadamda amalga oshiriladi.

1. Noravshanlik (noravshanlikni kiritish, fazifikatsiya, fuzzification). Kirish o‘zgaruvchilariga aniqlangan tegishlilik funksiyalari qoidaning har bir farazining rostlik darajasini aniqlash uchun ularning haqiqiy qiymatlariga qo‘llaniladi.

2. Mantiqiy xulosa. Har bir qoidaning farazlari uchun rostlikning hisoblangan qiymati har bir qoida xulosasiga qo‘llaniladi. Bu har bir qoida uchun har bir xulosa o‘zgaruvchisiga tayinlanuvchi bitta noravshan qism-to‘plamga olib keladi. Mantiqiy xulosa qoidalari sifatida odatda faqat min (MINIMUM) yoki (KO‘PAYTIRISH) operatsiyalaridan foydalilanadi. MINIMUM mantiqiy xulosasida chiqishning tegishlilik funksiyasi qoida (“VA” noravshan mantiqi) farazlarining hisoblangan rostlik darajasiga mos keluvchi balandlik bo‘yicha “kesiladi”. KO‘PAYTIRISH mantiqiy xulosasida xulosaning tegishlilik funksiyasi qoida farazlarining hisoblangan rostlik darajalari yordamida masshtablanadi [8].

3. Kompozitsiya (barcha qoidalarda) har bir xulosa o‘zgaruvchisiga tayinlangan barcha noravshan qism-to‘plamlar har bir xulosa o‘zgaruvchisi uchun bitta noravshan qism-to‘plam hosil qilish uchun birgalikda birlashtiriladi. Bu kabi birlashtirishda odatda max (MAKSIMUM) yokisum (SUMMA) operatsiyasidan foydalilanadi. MAKSIMUM kompozitsiyasida noravshan qism-to‘plamning birlashtirilgan xulosasi barcha noravshan qism-to‘plamlar bo‘yicha nuqtalar bo‘yicha maksimum sifatida (“YoKI” noravshan mantiqi) quriladi [1]. SUMMA kompozitsiyasida noravshan qism-to‘plamning birlashtirilgan xulosasibarcha noravshan qism-to‘plamlar bo‘yicha mantiqiy xulosa qoidalari tomonidan xulosa o‘zgaruvchisiga tayinlangan nuqtalar bo‘yicasumma sifatida quriladi.

4. Xulosada (qo‘sishimcha) – ravshanlikka keltirish (defazifikatsiya, defuzzification), undan xulosalarning noravshan to‘plamini ravshan songa shakl almashtirish foydali bo‘lgan hollarda foydalilanadi. Ravshanlikka keltirishning katta sondagi usullari mavjud, ulardan ayrimlari quyida ko‘rib chiqilgan.


Yuqorida keltirilgan ekspert tizimi bosqichi shifokorlar va tegishli kirish ma’lumotlariga ega bo‘lgan boshqa foydalanuvchilar orqali klinik shakllarini shakllantirib olinadi. Ushbu shakl foydalanuvchiga tizimga kirish ma’lumotlarini kiritish imkonini beradi; to‘g‘ri kirish

ma'lumotlarini kiritgandan so'ng, foydalanuvchiga tizim resurslariga kirish huquqi beriladi.

Salomatlik qaydnomasi shakli tibbiyot mutaxassislari ushbu veb-saytga bemor yozuvlarini qo'shishi, saqlashi va tekshirishi mumkin. Shifokor o'lim rekordini qo'shish tugmasini bosganida, salomatlik rekordini qo'shish shakli avtomatik ravishda yuklanadi.

Ushbu shakl sog'liqni saqlash yozuvlarini ma'lumotlar bazasining sog'liqni saqlash yozuvlari tizimda saqlash yoki qo'llash uchun ishlataladi [6].

Bemorlar, sog'liqni saqlash amaliyotchilari (shifokorlar, hamshiralalar, farmatsevtlar va laboratoriya texnologlari) va ma'murlarni kiritadi va ushbu jarayon 1-rasmida tasvirlangan



1-rasm. Elektron salomatlik ma'lumotning mobil blok diagrammasi.

Xulosa qiladigan bo'lsak, ushbu maqolada klinik ma'lumotlarni saqlash va olish uchun mobil asoslangan bilimlarni boshqarish tizimi taqdim etilgan. Ushbu tizimni ishlab chiqish qog'ozga asoslangan yondashuvning qat'iyligi, kechikish va samarasizligini bartaraf etish uchun qilingan.

Bu esa muolajalar kechikib, poliklinikaga kelgan bemorlarga tashrif buyurishga olib keladi. Mobil ilova muammoni to'g'ri aniqlash, sohani o'rganish, ma'lumotlarni yig'ish, modelni ishlab chiqish va tizimni tekshirish orqali ishlab chiqilgan. Bu tibbiy sohada ilovani muhim ekanligini bildiradi. Baholash natijalariga ko'ra, foydalanuvchilar foydalanish qulayligi va dolzarbliyi bo'yicha dasturni yuqori darajada qabul qilishdi. Bu klinik amaliyotchilarga sog'liqni saqlashda tibbiy ma'lumotlarni saqlash va chiqarishni osonlashtiradi. Bu dasturning juda katta istiqbolga ega ekanini ko'rsatadi.

Mobil ilovaning joriy ko'rinishida uning ishlashiga kirish uchun hisob ma'lumotlari belgilar kiritishlaridan foydalanadi. Ushbu yechim bemorlarning tibbiy ma'lumotlini olish uchun biometrik texnikadan foydalangan holda avtomatlashtirilgan tibbiy tekshirish tizimini sifatini oshirishi mumkin. Bemorlarga tibbiy ma'lumotnomasi asosida dori-darmonlar va uchrashuv sanalari haqida eslatish uchun mobil ilova xususiyatlaridan foydalanish, keyingi tadqiqotlarni o'tkazish mumkin.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Примова Х.А., Вайдуллаева М.Ф. Набиева С.С. Роль мобильных приложений при оценивании и анализе медицинских информационных систем // “Raqamli texnologiyalarning nazariy va amaliy masalalari xalqaro jurnali” Volume 5(3), 2023, C.40-46, <http://ijdt.uz/index.php/ijdt/article/view/109/74>
2. Abel, D., Gavidi, B., Rollings, N., & Chandra, R. (2015). Development of an Android Application for an Electronic Medical Record System in an Outpatient Environment for Healthcare in Fiji. arxiv preprint arxiv:1503.00810.
3. Abisoye, O. A., Alabi, B. O., & Ojonuba, E. B. (2016). An Online Outpatient Database System: A Case Study of General Hospital, Minna. Adefalu, G. A., & Ayodele, K. O. (2019). Factors influencing access and utilization of reproductive health services among undergraduates in selected tertiary institutions in Ogun State, Nigeria. International Journal of health sciences, 7(2), 38-49.
4. Deepa, M., Harini, N. D., Sravika, V., Soundarya, S., & Reshma, S. (2021, December). A Novel Electronic Medical Record Design Using Cryptography and Steganography Techniques. In 2021 5th International Conference on Electronics, Communication and Aerospace Technology (ICECA) (pp. 377-382).
5. Aluko, O. O., Adebayo, A. E., Adebisi, T. F., Ewegbemi, M. K., Abidoye, A. T., & Popoola, B. F. (2016). Knowledge, attitudes and perceptions of occupational hazards and safety practices in Nigerian healthcare workers. BMC research notes, 9(1), 1-14.
6. Dhagarra, D., Goswami, M., & Kumar, G. (2020). Impact of trust and privacy concerns on technology acceptance in healthcare: an Indian perspective. International journal of medical informatics, 141, 104164.
7. Vinayak, S., Sande, J., Nisenbaum, H., & Nolsøe, C. P. (2017). Training midwives to perform basic obstetric pointof-care ultrasound in rural areas using a tablet platform and mobile phone trans mission technology—a WFUMB COE project. Ultrasound in medicine & biology, 43(10), 2125-2132
8. Primova H.A, Vaydullayeva M.F., Nabiyeva S.S. The role of the patronage mobile application in the evaluation and analysis of the activity of medical information systems //International conference on information science and communications technologies: applications, trends and opportunities September 28-30, 2022, <http://www.icisct2022.org/>.
9. Korenevsky N.A., 2015 The use of fuzzy decision-making logic for medical expert systems Medical technology No. 1(289) pp. 33-35.



VEYVLETLARGA ASOSLANIB RETINAL TASVIRLARDA RETINOPATIYA KASALLIGINI ANIQLASH

Tohir Quronbayevich O’RAZMATOV

katta o‘qituvchi

Toshkent axborot texnologiyalari universiteti Urganch filiali

Xorazm, O‘zbekiston

tahir20314@gmail.com

Annotation

Maqolada taklif etilayotgan usul ko‘zdagi retinopatiya kasalligini aniqlashda Haar veyvletlari asosida qayta ishlangan tasvir ma’lumotlari xulosa daraxti va ResNet yordamida sinflashtirilgan. Hozirgi davrgacha bunday tafsiflovchi tizimlar ustida juda ko‘plab izlanishlar olib borilmoqda, lekin gap inson salomatligi haqida ketar ekan, bu tizimlarni yanada takomillashtirish va aniqlikni yanada oshirish talab qilinadi. Shu munosabat bilan izlanish olib borish uchun fundus tasvirlari ochiq ma’lumotlar manbaidan yuklab olindi. Olib borilgan izlanishlarda aniqlik ResNet bilan 86%, xulosa daraxti bilan 78% ni tashkil qildi.

Tayanch so’zlar: diabetik retinopatiya, xulosa daraxti, ResNet, Haar veyvlet.

ОБНАРУЖЕНИЕ РЕТИНОПАТИИ НА ИЗОБРАЖЕНИЯХ СЕТЧАТКИ НА ОСНОВЕ ВЕЙВЛЕТОВ

Тахир Куронбаевич УРАЗМАТОВ

старший преподаватель

Ургенчский филиал Ташкентского университета

информационных технологий

Хорезм, Узбекистан

tahir20314@gmail.com

Annotation

Предложенный в этой статье метод используется для классификации данных изображений, обработанных на основе вейвлетов Хаара, при обнаружении ретинопатии глаза с использованием дерева вывода и ResNet. До сих пор проводится много исследований таких систем классификации, но когда дело касается здоровья человека, эти системы нуждаются в дальнейшем совершенствовании и повышении точности. Для этого исследования изображения глазного дна были загружены из открытого источника. В проведенном исследовании точность составила 86% для ResNet и 78% для дерева вывода.

Ключевые слова: диабетическая ретинопатия, дерево вывода, ResNet, вейвлет Хаара.

Hozirgi kunda butun dunyo bo‘ylab ko‘z kasalliklari juda ko‘plab kuzatiladi. Shulardan biri ayniqsa diabetik retinopatiya kasalligidir. Bu kasallik hech qanday alomatlarsiz ham rivojlanishi mumkin. Bu kasallikka chalinuvchilar muntazam ravishda qon tarkibida shakar miqdori yetarlidan ortiqcha normada yuradiganlarda ko‘plab uchraydi. Bu ko‘zning retina qismining tomirlariga zarar berishi natijasida kelib chiqadigan kasallik turi hisoblanadi. Diabetik retinopatiya agar erta tashxis qo‘yilmasa va malakali mutaxassis ko‘rigidan o‘tilmasa ko‘rlikka olib keluvchi asosiy kasalliklardan biri hisoblanadi. Bu kasallikni aniqlash uchun oftalmolog ko‘zdan olingan retinal yoki fundus tasvirlarini va ulardagi qon tomirlari o‘zgarishlarni kuzatadi va o‘z tajribasidan kelib chiqib tashxis qo‘yadi. Diabetik retinopatiyaning asosiy ikki turi mavjud:

1. Boshlang‘ich diabetik retinopatiya. Bu eng keng tarqalgan va eng birinchi bosqichi hisoblanadi. Bu bosqichda retina tomirlarida kichik o‘zgarishlar paydo bo‘ladi. Bunda tomirlarning o‘tkazuvchanligi kamayadi va mayda qon oqishlar paydo bo‘ladi. Ushbu jarayon ko‘zning ko‘rish xususiyatiga deyarli ta’sir ko‘rsatmaydi. Shu sababli bu jarayonni oftalmolog payqashi ancha qiyin kechadi.

2. Rivojlangan diabetik retinopatiya. Bu bosqichda retina yetarli oksigen bilan ta’minlanmaydi, bu holat zaif va osongina yorilib ketadigan qon tomirlarning o‘sishiga sababchi bo‘ladi. Ushbu holat ko‘z ichidagi shaffof suyuqlikka qon oqishiga olib kelishi mumkin.

Diabetik retinopatiya kasalligiga chalingan insonlar haqida global va mahalliy statistikalar turli manbalarda ko‘rsatiladi, lekin ular tez-tez o‘zgarib turadi va so‘nggi ma’lumotlarni olish uchun eng yangi tadqiqotlar va sog‘liqni saqlash tashkilotlarining hisobotlariga murojaat qilish kerak. 2023-yilgacha bo‘lgan umumiyligi ma’lumotlarga ko‘ra:


Butun dunyo bo‘ylab: Qandli diabet bilan kasallangan har uch kishidan ikkitasi diabetik retinopatiyaning biror shakliga chalingan bo‘lishi mumkin. Dunyo Sog‘liqni Saqlash Tashkiloti (DSHT) ma’lumotlariga ko‘ra, qandli diabet bilan kasallangan odamlar taxminan 422 million nafarni tashkil qiladi, bu esa diabetik retinopatiyaning juda ko‘p tarqalganligini ko‘rsatadi.

Ushbu izlanishlarni ko‘plab dunyo olimlari o‘zlarining usul va algoritmlari natijasida aniqlikni oshirishga e’tibor qaratishmoqda. Jumladan Salvathi [1] o‘zlarining nazariyalarida tasvirlardan kulrang tasvir ma’lumotlarini ajratib olib bir qancha aniqlikka erishganlar.

Doaa Youssef [2] ilmiy ishlarida belgilarni aniqlashda tasvirlarni segmaentlarga ajratish va belgilarni ajratib olish metodidan foydalangan. Natijada kasalliklarni tasniflashda 78% natijaga erishgan.

Badsha [3] va yana boshqa olimlar retinadan qon tomirlarini ajratib olish usuli bilan bir qancha ilmiy izlanishlarni olib borishgan.

Tasvir teng o‘lchamdagи bloklarga bo‘linadi va optic disk ajratib olinadi. Optic disk tasvirning o‘rtasiga to‘g‘ri kelganligi sababli har bir blok standart ikki tarmoqli veyvlet almashtirishlar bilan parchalanadi. Ushbu izlanishda birinchi bo‘lib fundus tasvirlari yuklab olinadi va RGB komponentlari ajratib olinadi. Haar veyvlet barcha ajratib olingan R,G,B uchun qo‘llaniladi. Quyida taklif etilayotgan usul bat afsil keltirilgan:



1-rasm. Asosiy metod.

Yuklab olingan ma'lumotlar. Diabetik retinopatiyaning aniqlanishi, ko'pincha fundus tasvirlari yordamida amalga oshiriladi. Fundus tasvirlarini tahlil qilish orqali oftalmologlar va sun'iy intellekt (AI) dasturlari retinadagi o'zgarishlarni, xususan, diabetik retinopatiyaning xarakterli belgilari va darajalarini aniqlay olishadi. Bu jarayon quyidagi qadamlarni o'z ichiga oladi:

1. Fundus fotosurati olish: Bu jarayon ko'zning ichki qismidagi (fundus) tasvirini yoritish va qayd etishni o'z ichiga oladi. Odatda, bu ishni ko'z shifokori bevosita yoki bilvosita oftalmoskopiya yordamida amalga oshiradi, ko'z tomirlari, optik disk va retina o'z ichiga olgan holda ko'rindi.


2. Tasvirlarni baholash: An'anaviy usulda oftalmologlar fundus foto tasvirini ko'zdan kechirib, retinada o'zgarishlar mavjudligini va ularning xususiyatlarini baholashadi. Diabetik retinopatiya quyidagi asosiy belgilarga ega:

- Mikroanevrizmlar: Retina tomirlaridagi kichik shishlar.
- Dot va Flek Gemorragiyalari: Kichik, nuqta shaklidagi qon ketishlari.
- Ekssudatlar: Yog'li moddalar yoki oqsil moddalarining retinada yig'ilishi. Odatda, ular oq yoki sariq rangda ko'rindi.

- Neovaskulyarizatsiya: Yangi, lekin zaif va osongina qon ketishiga moyil tomirlarning hosil bo‘lishi.



2-rasm. Normal ko‘z rettasvir.



3-rasm. Retinopatik rettasvir

Qayta ishlash.

Yuklanib olingan barcha tasvirlar dastlab bir xil o‘lchamga keltiriladi, RGB komponentlari ajratib olinadi. Shundan so‘ng har bir komponentga Haar veyvlet qo‘llanilib uning gorizontal, vertikal va diagonal koeffitsentlari ajratib olinadi.


Haar veyvlet qo‘llanishi. Haar Wavelet va umuman wavelet transformatsiyalari, signal va rasm ishlov berish sohasida muhim vazifalarni bajaradi. Haar veyvleti, boshqa veyvlet turlari kabi, ma’lumotlarni kichikroq komponentlarga ajratish va ma’lumotlar orasidagi muhim xususiyatlarni aniqlash imkonini beradi. Bu jarayon, asosan, signalni turli chastota diapazonlaridagi komponentlarga ajratish orqali amalga oshiriladi, bu esa signalni tahlil qilish va uni qayta tiklashni osonlashtiradi. Haar waveletining bir qancha asosiy vazifalari quyidagilardir:

1. Kompressiya. Wavelet transformatsiyasi signal yoki rasm malumotlarini samarali tarzda siqish imkonini beradi. Bu jarayon ko‘pincha ma’lumotlarni qisqa vaqt ichida yoki kamroq xotira hajmi bilan saqlash va uzatish uchun muhimdir. Haar wavelet transformatsiyasi, ma’lumotlardagi ortiqcha qismlarni (ya’ni, ma’lumotlarning “shovqin” qismlarini) olib tashlash orqali siqishni amalga oshiradi.

2. Tahlil. Ma’lumotlar signalini turli chastota diapazonlariga ajratish Haar wavelet transformatsiyasining yana bir muhim vazifasidir. Bu, signalni tahlil qilish va uning qismlarini ajratish imkonini beradi. Masalan, signalning past va yuqori chastota komponentlarini ajratish orqali, fonda qolishi kerak bo‘lgan ma’lumotlar va ko‘zga ko‘rinadigan o‘zgarishlar o‘rtasidagi farqni ko‘rish mumkin.

3. Shovqinni Kamaytirish. Signal va rasmlardagi shovqinni kamaytirishda Haar wavelet transformatsiyasi muhim rol o‘ynaydi. Signalning asl ma’lumotlaridan shovqinni ajratib olish va keyinchalik uni qayta ishlash orqali, yanada sof va aniqroq signalni qayta tiklash mumkin.

4. Tezkor Tahlil. Haar wavelet transformatsiyasi hisoblash uchun juda samarali bo‘lishi mumkin, chunki u oddiy qo‘shish va ayirish amallaridan foydalanadi. Bu, ayniqsa, tezkor tahlilni talab qiladigan real vaqt rejimida ishlaydigan ilovalar uchun muhimdir.



5. Raqamli tasvirlarni qayta tiklash: Raqamli tasvirlar orasida yuqori darajada korrelatsiya mavjud bo‘lib, Haar wavelet transformatsiyasi bu korrelatsiyani ta‘kidlab, tasvirlarni siqish va qayta tiklash uchun foydalaniladi. Bunda, tasvirning asl sifatini saqlab qolgan holda, uning hajmi sezilarli darajada kamayadi.

Haar wavelet transformatsiyasi aniq va samarali bo‘lgani uchun, bu usul ko‘plab qo‘llanmalarda, jumladan signal ishlov berish, raqamli tasvirlarni qayta ishslash, moliyaviy ma’lumotlar tahlili va boshqa ko‘plab sohalarda keng qo‘llaniladi.

Haar veyvlet bir darajali, ikki o‘lchovli parchalanishni sodir qiladi. Bu gorizontal koeffitsent (CH), vertikal koeffitsent (CV) va diagonal koeffitsent (CD) asosida koeffitsentlar matritsasi (CA) ni tashkil qiladi. Haar funksiyasi berilishi:

$$\psi(x) \equiv \begin{cases} 1 & 0 \leq x < \frac{1}{2} \\ -1 & \frac{1}{2} < x \leq 1 \\ 0 & \text{aks holda} \end{cases}$$

$\Phi(t) = \begin{cases} 1 & 0 \leq t < 1 \\ 0 & \text{aks holda} \end{cases}$ xeksiyasini $\Phi(t)\Phi(t)$ quyidagicha ifodalash mumkin:

RGB kanallaridan olingan parchalanish matritsalari Haar transformatsiyasi yordamida xususiyatlarni ajratib olish uchun ishlatiladi. Bu matritsan yuqorida aytilganidek, gorizontal, vertikal va diagonal koeffitsentlar tashkil qiladi. Bunda tasvirlardan RGB komponentlari ajratib olinib, haar o‘zgartirishlari asosida koeffitsentlar ajratib olinadi va bu koeffitsentlar asosida matritsa hosil qilinadi.

Bu yerda fundus tasvirlarini haar orqali koeffitsentlarini ajratib olish jarayoni ko‘rsatilgan. Bundan oldingi jarayonda kiritilgan tasvir grayscale formatga o‘tkaziladi. Undan keyin gorizontal, vertikal va diagonal koeffitsentlar haar yordamida ajratib olinadi. Tasvirdagi har bir pikserllar intensivlikka teng bo‘ladi. Bu intensivliklar histogrammani tashkil qiladi. Ushbu

istogrammadan har qanday xususiyatlarni ajratib olish mumkin bo'ldi. Ularning o'rtacha, o'zgaruvchan, egrilik, energiya va boshqa intensivliklarini baholash quyidagi tenglmalar orqali hisoblanadi.

$$1. \text{o'rtacha} = \sum(p * g) \quad \text{o'rtacha} = \sum(p * g)$$

$$2. \text{farqlanish} = \sum P * (g - \text{o'rtacha})^2 \quad \text{farqlanish} = \sum P * (g - \text{o'rtacha})^2$$


$$3. \text{entropiya} = -\sum p * \log(p) \quad \text{entropiya} = -\sum p * \log(p)$$

$$4. \text{egrilik} = \frac{\sum(p * (g - \text{o'rtacha})^3)}{(\sqrt{\text{farqlanish}})^3} \quad \text{egrilik} = \frac{\sum(p * (g - \text{o'rtacha})^3)}{(\sqrt{\text{farqlanish}})^3}$$

$$5. \text{kurtoziya} = \frac{\sum(p * (g - \text{o'rtacha})^4)}{(\sqrt{\text{farqlanish}})^4} \quad \text{kurtoziya} = \frac{\sum(p * (g - \text{o'rtacha})^4)}{(\sqrt{\text{farqlanish}})^4}$$

$$6. \text{energiya} = \sum(p * p) \quad \text{energiya} = \sum(p * p)$$

Xulosa daraxti yordamida ma'lumotlar tahlil qilinib daraxtning ildizidan oxirgi tugungacha tahlil qilinadi va bu tahlil asosida tasvir kasal yoki sog'lom ko'zga ajratiladi. Daraxt quyidagicha tuziladi:



4-rasm. Xulosa daraxtining tuzilishi.

Natijalar quyidagicha: Yuklangan ma'lumotlarda jami 1038 ta tasvir bo'lib ulardan 648 tasi retinopatiya kasalligi mutaxassislar tomonidan aniqlangan tasvirlar, qolgan 390 ta tasvir normal ya'ni sog'lom ko'z tasviri. Xulosa daraxti va ResNet yordamida natijalar olindi va solishtirildi. Bunda asosan sezgirlik, o'ziga xoslik va aniqlilik tenglamalar yordamida natijalar solishtirildi.

$$\text{sensitivity} = \frac{TP}{TP + FN} \quad (1)$$

$$\text{specificity} = \frac{TN}{TN + FP} \quad (2)$$

$$\text{accuracy} = \frac{TP + TN}{total} \quad (3)$$

Xulosa daraxti chalkashlik matritsasi

	retinopatiya	Sog`lom
retinopatiya	76	24
Sog`lom	10	40

ResNet chalkashlik matritsasi

	retinopatiya	Sog`lom
retinopatiya	82	18
Sog`lom	6	44

Xulosa qilib aytganda, ko‘z tasvirlaridan foydalanib ko‘zda diabetik retinopatiya kasalligini aniqlash tizimi taklif etildi. Taklif etilayotgan usul va olingan natijalar taqdim etildi. Ushbu izlanish davomida tasvirlarni qayta ishlashda haar veyvletlardan foydalanish aniqlikni yanada oshirishga ko‘maklashdi. Olingan natijalarda sezuvchanlik 87%, o‘ziga xoslik 80% va aniqlik 85% ni tashkil qildi. Ikkita klassifikatordan foydalanildi va natijalar taqqoslandi.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Selvathi D, N.B. Prakash and Neethi balagopal nov. 2012, "Automatic detection of diabetic retinopathy for early diagnosis using feature extraction and support vector machine, IJTAE. Vol. 2, Issue 11.
2. Doaa Youssef, Nahed Solouma, Amr El-dib, Mai Mabrouk, "New Feature-Based Detection of Blood Vessels and Exudates in Color Fundus Images" IEEE conference on Image Processing Theory, Tools and Applications, 2010, vol.16, pp.294-299.
3. S. Zhang, C. Zhu, J. K. O. Sin, and P. K. T. Mok, "A novel ultrathin elevated channel low-temperature poly-Si TFT," IEEE Electron Device Lett., vol. 20, pp. 569–571, Nov. 1999.
4. H Yu, S B arriga and C Agurtho. 1994. "Fast localization of Optic disc and fovea in retinal image for eye disease screening", vision quest bio medical.
5. Narang, Arun, Gautam Narang, and Sushil Singh. "Detection of hard exudates in colored retinal fundus images using the Support Vector Machine classifier." Image and Signal Processing (CISP), 2013 6th International Congress on. Vol. 2. IEEE, 2013.
6. Mr. R. Vijayamadheswaran, Dr.M.Arthanari, Mr.M.Sivakumar: Detection of diabetic retinopathy using radial basis function. International journal of innovative technology and creative engineering. Vol.1, No.1, pp: 40-47, 2011.
7. Imran, Muhammad, Rathiah Hashim, and Noor Eliza Abd Khalid. "Color Histogram and First Order Statistics for Content Based Image Retrieval." Recent Advances on Soft Computing and Data Mining. Springer International Publishing, 2014. 153-162.

8. Bhuvaneswari, C., P. Aruna, and D. Loganathan. “Classification of Lung Diseases by Image Processing Techniques Using Computed Tomography Images.” International Journal of Advanced Computer Research 4.1 (2014): 87.
9. Naik, Janki, and Sagar Patel. “Tumor detection and classification using decision tree in brain MRI.” International Journal of Computer Science and Network Security (IJCSNS) 14.6 (2014): 87.
10. KS Kuzibaev, TK Urazmatov, BB Nurmetova “The use of Big Data in the field healthcare: Uzbekistan and foreign experience” 2022 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT)
11. T Urazmatov, O Khujaev, K Kuzibaev “Models and algorithms for analyzing chatbot and user data in real-time systems” 2022 International Conference on Information Science and Communications Technologies (ICISCT)



O'zbekiston
Milliy axborot
agentligi



МУНДАРИЖА

Innovatsion g'oyalar va ishlanmalar

А.ОТАХЎЖАЕВ. Турон халқларининг қадимги тиллари хусусида мулоҳазалар.....	3
Y.RAHMATOV. Xalq maqollarining evolyutsion takomillashuvি	13

Iqtisod

Н.А.САФАРОВА. Ўзини ўзи банд қилган шахслар даромадларини солиқка тортиш тартиби.....	20
А.Р.УЛАШОВ, Г.Р.ҲАКИМОВА. Инвестицион лойиҳаларни кредитлаш: муаммолар ва ечимлар (тижорат банклари мисолида)	26
Ш.Т.ЧОРИЕВ. Давлат хариди тизимини ривожлантириш йуналишлари.....	31

Filologiya

Н.ТОШПҮЛАТОВА. Миллий матбуотда илк журналист суринширувлари	36
А.Э.ПИРИМҚУЛОВ. Услуб – поэтиканинг етакчи унсурι	41
Ш.ҲОЖИЕВА. Абдулҳамид Чўлпоннинг “Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси” сарлавҳали марсияси таҳлили.....	46
O.D.USMONOV. G‘ulom Zafariy dostonlarida davr ruhining aks etishi.....	50
Г.А.ХИММАТОВА. Насрда қаҳрамон рухияти тасвири.....	56
В.Т.MIRZAYEVA. Folklor ekspeditsiyalari kundaliklarining ilmiy-amaliy ahamiyati	61
М.Ч.НУРУТДИНОВА. Мультимедиавий журналистикада ахборотнинг трансформация, визуализация ва мобиллашув ҳодисаси.....	66
Ф.Ф.УСМАНОВ. Оила концептининг лингвомаданий таҳлили.....	74
N.I.XURSANOV. Dramatik asarlar tilining diskursiv tahlili (metafora misolida)	83
D.XOLDOROV. Nazar Eshonqulning “Urush odamlari” qissasida ijtimoiy fojialar tasviri.....	89
М.М.ХУДОЙБЕРДИЕВА. Адабиётшунослик терминлари микросистемаси хусусида.....	94
N.A.RAXMANOVA. “Farhod va Shirin” dostonidagi Xizr obrazi genezisi	99
G.K.KAZAKOVA. Ahmad A’зам esselarida ijodkor badiiyati	106
А.УРАЗОВ. Тоғай Мурод асарларида миллий характер масалалари	112
D.YULDASHEVA. Tilda nisbiylik gipotezasining namoyon bo‘lishi	119

T.Y.TUGALOV. Romantik bo‘yoqlardagi hayot haqiqati talqini.....	124
М.ШОМУРОДОВА. Нишотийнинг бадиий маҳоратига доир айрим муроҳазалар.....	130
D.N.HAKIMJONOVA. Katta epik janrlarda “hushdan ketish” motivining badiiy vazifasi	135

Falsafa

X.P.ТО‘ХТАЕВ. Yangi O‘zbekistonda yangi ma’naviy va ma’rifiy makonni yaratishda qadriyatlar omili ta’sirini oshirish yo‘llari va imkoniyatlari	140
И.А.СУВАНОВ. Ахборот-мафкуравий таҳдидларга қарши таълим-тарбия ва тарғибот-ташвиқот асосида курашиш имкониятлари	147
И.А.АСАТУЛЛОЕВ. Алfred Adlerning қалб концепциясида инсон камолотининг ижтимоий омиллар билан шартланганлиги масаласи	153

Tarix

Ш.Б.ХОЛИКУЛОВА. “Навоийазот” ишлаб чиқариш корхонасининг “қайта куриш” йилларидаги тарихи	159
Н.А.БАБИШОВ. Провозглашение новой политики образования в независимом Туркменистане	166
А.У.ҲАМРОЕВ. “Мактуботи Амир Ҳайдар” (“Амир Ҳайдар мактублари”) – Бухоро манғитлар хукмдорлиги иқтисодий-сиёсий, маънавий-маърифий ҳаётидан гувоҳлик берувчи манба.....	172
Б.САФАРОВ. Эсерлар партияси фаолияти тарихидан (1901 – 1924 й.)	178
N.U.MINGBAEVA. Muzey tushunchasi hamda jahondagi ilk muzeylar tarixi	184
А.А.БЕРДИЕВ. Нурота тизмасининг шимолий ён бағри аҳолиси миллий либосларининг тарихий ўзаги	189

Texnika

X.A.FAYZULLAYEV, L.X.GULOMOV. Poliz ekinlarini yopiq tonelli plyonka ostiga ekish uchun tuproqni tayyorlaydigan kombinatsiyalashgan mashina texnologiyasining afzalligi	194
X.A.PRIMOVA, M.F.VAYDULLAEVA. Mobil ilovaga asoslangan klinik bilimlar va ekspert tizimi.....	200
T.Q.O‘RAZMATOV. Veyvletlarga asoslanib retinal tasvirlarda retinopatiya kasalligini aniqlash	206

Mas'ul muharrir:

G.A.Mardonova

Tarjimon:

Z.T.Boboeva

Korrektorlar:

D.Abduqodirova

U.Toychiboeva

S.Kislyak

Texnik mutaxassis va dizayner:
A.A.Nazarqulov

Ilmiy maqolalarda keltirilgan fakt va raqamlar uchun
mualliflar javobgardir.

Ilm-fan va innovatsiyalar bo'limi (71 233 09 21; 99 833 62 71)

O'zbekiston Milliy axborot agentligi – O'zA Ilm-fan bo'limi
(elektron jurnal) 2024-yil iyun oyi soni №6 (56)

Manzil: Toshkent sh., 100000, Buyuk Turon ko'chasi 42.

